

Азамат ҚОРЖОВОВ

ИЛОНФОР ПОДАЧИСИ

Ҳикоялар

Тошкент – 2015



821.512.133-32 Ўзбек ағ-ти

К 59

УЎК: 372.233.2(075)

КБК:28.316.2Узб.

К-77

К 59

Қоржовов, А.

Илонғор подачиси: (ҳикоялар)/А.Қоржовов.—Т.: Tafakkur,
2015.288 б.

УЎК: 372.233.2(075)

КБК:28.316.2Узб.


Кўлингиздаги китоб ўзида ғаройиб ва сирли воқеаларни жамлаган детектив, ишқий, мистик ҳамда ҳаётий-маиший йўналишдаги ҳикоялардан иборат. Йигирма йил кутилган фарзандни ўғирлатган она, севимли тулпорини сўйган қассоб қисмати, мотам куни тирилган қиз каби кечмишлар сизда ҳам катта қизиқиш уйғотади.

Азамат Қоржововнинг шу вақтгача «Қора либосли келинчак» ва «Афсун» номли ҳикоялар тўпламлари нашр этилган эди. «Илонғор подачиси» адибнинг учинчи ҳикоялар тўпламидир. Бундан ташқари ёзувчи «Қил устидаги тақдир», «Сўнгги гуноҳ», «Бехосият уй», «Ер остидаги авлиё» каби бир неча қиссалари билан китобхонлар оммасининг эътиборини қозонган.

Тақризчи:

Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи.

ISBN 978-9943-24-156-5



© «Tafakkur» nashriyati, 2015

ОНА

Сочига оқ тушиб, юзига ажин оралаган аёл шаҳар шифохонаси остонасини ҳатлаб, эшик лавҳларига ҳорғин кўз ташлаганча, ичкарилади. Ўзи қандайдир хасталикдан оёғини зўрға судраб босаётган бўлса-да, мўндалоқдек кўнғироқсоч болани кўтариб олган эди. Бағридан бирпас узишни истамаётганга, ҳатто шифохона заминига ҳам ишонмаётганга ўхшарди. Бола икки ёшда эди, чамаси. Аёлнинг ёшини таққослаганда, у невараси қатори эди.

Бироқ шифокор қабулига навбат етганида, сири ошкор бўлди.

— Неварангизни беринг, — деди ўттиз ёшлардаги оқ халатли хотин қўл узатиб. — Ичкарига бола кўтариб кириш ноқулай. Ўзим овутиб тураман. Қани, асал бола, кел-чи менга.

Аёлга бу гап ёқмагани яққол сезилди. Касаллик хуружидан юзи буришиб:

— Бу ўзимнинг ўғлим, неварам эмас, — деди.

— Вой, кечирасиз, — хижолатомуз кулимсиради ҳамшира. — Кеч фарзанд кўрган экансиз-да?

— Ҳа.

— Болангизни барибир кимдир кўтариб туриши керак. Шифокордан биз гап эштамиз. Бу ерга ўзингизнинг касалингизни текширтиришга келгансиз-ку.

— Шу ерда ишлайсизми, ўзи?

— Ҳа. Нега бунга сўраяпсиз? Тушунмадим.

— Исмингиз нима?

— Сабоҳат. Бўлим ҳамширасиман. Юринг, бирга кирайлик.

Улар хонага кириб, орқаларидан эшикни ёпишган ҳам эдики, бегона қўлдалигини сезган бола «Ая!» деб онасига талпиниб, хархаша қилди. Эндигина тили чиққан ширингина гўдак эди у. Ҳамшира чўлп этиб ўпди.

— Болани йўлакка олиб чиқинг, — амр қилди шифокор ҳамширага кўзойнаги устидан мўралаб, сўнг онага деди: — Ўтиринг.

Бу пайтда ҳамшира эшикни ёпаётган эди, гўдаккина онасига мўлтираб қаради.

— Йўлакда кутинг, илтимос, — шифокор ҳамширага ҳам кўзойнаги устидан қаради.

Эшик ёпилди.

— Фарзанд туғиш мумкин эмас, дейишганди менга...

Шифокор қоғозларни бир-бир қараб чиқди.

— Исмингиз Гулбаҳор экан, ҳим-м... — деди у. — Мендан бир ёш катта экансиз, Гулбаҳор опа десам бўларкан. Хуллас, Гулбаҳор опа, сизни яхшилаб текширишга тўғри келади. Аҳволингиз яхшимас. Ётиб даволанишингиз шарт. Ҳамширалар қаерга йўқолди-я?

— Ҳозирги кирган аёл-чи? — деди Гулбаҳор опа. — У ҳам ҳамширангизми?

— Мен аппаратга соладиганларни айтаяпман.

Гулбаҳор опанинг лабида истеҳзоли кулимсирашга ўхшаш ифода зоҳир бўлди.

— У-чи?

— Ким?

— Боламини кўтариб чиққан ҳамшира, — Гулбаҳор опа бармоғини эшикка асабий нуқиди.

— Билмасам. Шу ерда ишлайдиган сизнинг танишингиз бўлса керакки, болангизни кўтариб бирга кирди.

— Йўқ, — ўрнидан турди Гулбаҳор опа.

— Асабийлашиш, ваҳима сизга чанг солаётгани очиқ кўринаяпти, — деди шифокор. — Ўтиринг. Ўғлингизни икки дақиқа кўрмасангиз, ҳеч нарса қилмайди. Бизда болажон ҳамширалар кўп.

Гулбаҳор опа ўғлини еру кўкка ишонмас эди. Йигирма йил кутди фарзанд кўрмоқликни. «Ҳомиладор бўлиш сизга мумкин эмас, — дейишди унга, — умрбод мажруҳ бўлиб қоласиз ёки организмнгиз кўтаролмай ундан ҳам

ёмон оқибатга олиб келади...» Ниҳоят, бир қарорга келди: ҳаётини ўлимга тикди, фарзанд кута бошлади. Кўп ўтмай дунё яна бир чақалоқ йиғисидан қалқиб тушди. «Сиз мўъжиза туфайли она бўлдингиз», деб табриклашганди ўшанда. Огоҳлантирувчиларнинг гапида ҳам жон бор экан, орадан бир оз ўтиб, Гулбаҳор опанинг мадори қуриди, жони новдага осилган томчидек омонат бўлиб қолганини ҳис этди. Ўшандан бери тез-тез ўзини қаратиб турарди. Бу гал турмуш ўртоғи, қариндошлар, қўшнилар — ҳеч ким унга эш бўлолмади, ҳамма ўз иши билан банд эди. Гулбаҳор опа ўғлини кўтарди-да, бирров кўрингани келди.

Шифокор тоқатсизланаётган беморга норизо боқди.

— Аҳволингиз яхши эмас, Гулбаҳор опа, — деди бош чайқаб, — юриш, югуриш, оғир нарса кўтариш, асабийлашиш асло мумкинмас. Шу кунлари ҳам нимадандир сиқилаяпсиз, шекилли?

— Болам йиғлаб қолди-ёв, шунга...

— Бола, бола дейсиз, уни бировга бир-икки ҳафтага топширасиз-да, ётиб даволанасиз. Ўзингиз кўтариб келмагандирсиз?

— Ўзим.

— Кўлдами?

— Ҳа.

— Оббо, сиз — Гулбаҳор опа, қанақа аёлсиз-а? Сутдан чиқарганмисиз?

— Эмизикли. Лекин сутли овқат ейди, эрталаб сут пишириб берсам, ичади.

Шифокор яна бир текшириб, бош чайқаб қўйди. Хонага ҳамширалардан бири қоғоз кўтариб кирди. Шифокор уларни ҳам кўздан кечириб, Гулбаҳор опага деди:

— Ҳозироқ қўнғироқ қилиб онангизними, қайнонangизними чақиринг, бугун ётишингиз керак. Бола, рўзғор, эр қочиб кетмайди, соғлик керак сизга.

Гулбаҳор опа бош силкиди ва ҳамширадан сўради:

— Боламни олган ҳамшира йўлакдами?

— Кимга бергандингиз?

— Сабоҳат деган ҳамширага.

— Сабоҳат? Танимас эканман.

Гулбаҳор опанинг ранги ўзгарди.

— Кечирасиз, — деди шифокорга, — барибир кўнглим тинчимаяпти. Қараб қўймасам бўлмайди.

Гулбаҳор опа йўлакка чиқди. Ўғилчасини қўлидан олган ҳамшира ҳеч қаерда кўринмас эди.

— Муроджон! — чақирди одамлар орасини ёриб ўтаркан.

— Ҳозир топамиз, бунча ваҳима қилманг, — дея ҳамшира унга эргашди ва қўшни хоналарга бош суқа бошлади.

Бола ва нотаниш ҳамшира ҳеч қаерда йўқ эди. Нариги хоналарни ҳам қараб чиқишди. Гулбаҳор опа йўлак бўйлаб бемадор югураркан, дуч келган эшикни очар, учраган одамдан бола кўтарган Сабоҳатни сўрар, ҳамма елка қисишдан нарига ўтмасди. Бирдан касалхонада мудҳиш ола-ғовур қўтарилди: йўлакдагилар беморнинг ўғилчасини излашга тушдилар. Аммо болакайни ҳам, ҳамширани ҳам ҳеч ким кўрмаганини айтишди.

— Ахир, бу қанақаси?! — фарёд урди Гулбаҳор опа.

— Шифохонами, бозорми? Нега бировнинг боласини сўроқсиз узоққа олиб кетади? Эшик орқасида кўтариб туриши керак эди-ку!

Ва ниҳоят бир гувоҳ топилди.

— Оқ халат кийган бир аёл бола кўтариб, дарвозадан чиқаётганини кўрдим, — деди у. — Такси тўхтатди.

Гулбаҳор опа шифохона дарвозасига етганида, кўзи тиниб асфальтга йиқилди. Ўзига келганида ҳамон ўша шифохонада эди. Соат миллари эса даҳшатли тарзда олдинга силжиб қолган, шифокорлар ва эгнига оқ халат ташлаган милиция ходимлари ғимирлаб юришарди. «Бола ўғирланибди», «Оқ халат кийган хотин ўзини Сабоҳат

деб таништириб, беморнинг ўғилчасини олиб қочибди», деган гап-сўзлар тарқалган эди. Гулбаҳор опа билдики, вазият каби ўзининг аҳволи ҳам оғирлашган.

— Жойингиздан туриш мумкинмас, — елкасига қўлини қўйди шифокорлардан бири.

Ички ишлар ходими сохта ҳамширанинг ташқи кўринишини, миллатини, талаффузини сўради. Аллақандай душманларни, шубҳали кўнғироқларни, изидан кузатаётгандек туюлган кимсаларни эслашга уринтирди. Гулбаҳор опа умри давомида бировга ёмонлик қилмаган, ўзида кимнингдир ўчи бўлиши эса тасаввурига ҳам сиғмасди. Дастлабки тахминларга кўра, Гулбаҳор опа бола ўғирлаш ниятида юрган аёлга тасодифан дуч келган-у, қабиҳ режа амалга ошган-қўйган. Изқуварлардан қанақа фикрлар чиқмайди, дейсиз, Гулбаҳор опанинг эридан ҳам шубҳа қилишди. Нима эмиш, эрининг маъшуқаси қасос олиш учун жиноятга қўл урган бўлиши ҳам мумкин эмиш ва ким ўғри эканини эри билармиш.

Яшин тезлигида тарқалган совуқ хабар Гулбаҳор опанинг эрини ҳам шифохонага учуриб келган эди. У мурдадай оқариб, ҳамшираларга бақирди. Аммо овозини бир зумда ўчиришди:

- Гумондорлар ичида сиз ҳам борсиз, — деди терговчи.
- Бақир-чақир қилгунча бу ёққа юринг.
- Нималар деяпсиз? Мен... қанақасига?

Ичкарига киришди.

- Хотинингиз касал эканини билармидингиз?
- Шу ҳам саволми? У касал! Туғиш мумкин эмасди! Шунча азобларга чидаб, жонини хатарга қўйиб, Муроджонни, ўғлимни дунёга келтирди!

- Нега касал ҳолида ёлғиз юбордингиз?
- Мен унга эртага бирга борамиз, деганман.
- Бугунги ишларнинг эртанга қолдирилишида гап кўп...
- Устингиздан арз қиламан! Нима ҳаққингиз бор мени айбдор қилишга? Боламни топиш ўрнига...

— Болани топиш учун аввал ўғри кимлигини аниқлаш керак.

Гулбаҳор опа ортиқ чўзилиб ётолмади. Ғала-ғовурда ювиниш хонасига кирди. Йиғлаб-сихтаб юз-қўлини ювгач, рўмолчасини олиш учун чўнтагига қўл солди. Аммо дастрўмол ўрнига буқланган қоғоз илакишиб чиқди. Қоғозни шоша-пиша очди-да, ўқиди: «Салом! Мен болангизни ўғирлашга қарор қилдим. Агар уни тирик кўришни истасангиз, қуйидаги телефонга сим қоқинг! Милиция билса, мен ҳам, бола ҳам ўлади! Яна шуни айтмоқчийдимки, хатни эрталаб уйимда ёздим, бугун кимнинг боласини олиб қочаман, билмайман. Айнан сизнинг фарзандингизни танлаганим учун, узр. Мен тентак эмасман. Бошқалар тентак».

Аллақандай савдойига учраганини англаган Гулбаҳор опа ташқарига отилиб чиқмоқчи эди, ўзини зўрға тутди. Ким бўлганда ҳам телефон рақамларини ёзибди, бир нимага келишмоқчи, шунисига ҳам шукр, деб йўлакка чиқди. Яқинларидан бекиниб, шифохона ҳовлисидаги хилват жойда қўллари титраб рақамларни терди. Хат милициянинг қўлига тушса ақлан заиф хотин шу заҳотиёқ Муроджонни ўлдириб қўядигандек теваарак-атрофга олазарак боқди.

— Алло, — деди гўшакни кўтарган хотин.

— Сабоҳат, сенмисан? Қаердасан? Боламини бер! Бер боламини-и-й!.. — Гулбаҳор опа ҳўнграб йиғлаб юборди. — Биттаю битта фарзандимни нега ўғирладинг? Нима қасдинг бор менда? Агар унга бир нима бўлса, тирик қўймайман сени! Эшитаяпсанми? Қамалсанг, қамоққа бориб ўлдираман! Мен уни йигирма йил кутганман! Шу ёшимда туғдим! Ҳозироқ қайтармасанг, ўзингдан кўр! Боламсиз менга ҳаётнинг қизиғи йўқ!

— Бобиллама! — ўшқириб берди ўғри хотин. — Гапимга қулоқ сол! Уни қайтариб бермайман, лекин...

— Илоё, ер ютсин сени! Қаердасан деяпман! Қаердасан? Қ-а-ер-да? Муроджон қани?

— Исми Муроджонми?

— Қаердасан?

— Бунча қичқирасиз-а? Яхшиси, гаплашиб олайлик.

— Майли, келишамиз! — дағ-дағ титради Гулбаҳор опа. — Боламни бирор боғча олдига ташлаб кет! Сени милицияга айтмайман! Айтсам ўлай агар! Бир кунга бормай ўлай!

Гулбаҳор опанинг тиззалари букилиб-букилиб, букчайиб кетарди. Кўзлари ҳеч нарсани кўрмас, нималар деганини билмас, тўсатдан бошига тушган бу кўргуликнинг бир мисқолини ҳам кўтаролмаётган эди.

— Ўзингни бос! Сув ич! — деди ўғри ўн ёшча катта аёлни сенсирашда давом этиб. — Ишқилиб атрофингда ҳеч ким йўқми? Биров хитланмаяптими? Оқибати нима бўлишини биласан-а?

— Биладан! Биладан! Мақсадинг нима? Пулми? Қанча сўрайсан? Айт! Бераман! Топиб бераман!

— Болани қайтармайман дедим-ку. «Лекин»инига кулоқ солмаяпсан.

— Эс-ҳушинг жойидами? Қайтармасликка нима ҳаққинг бор?!

— Лекин...

— Бунча «лекин»лайсан? Пул керакми, айт-да, ахир!

— Пулинг керакмас, мен ўғлингни ўзимга фарзанд қилиб оламан. Эрим йўқ, сен эса яна туғасан. Туғишни истамасанг, бошқа фарзандларинг бордир? Улар билан овунасан. Нима қилибди. Битта мева камайса...

— Шуми «лекин»инг, ҳайвон?

— Яна ҳақорат қилаяпсанми?

— Ёлғиз боламни неча ёшимда дунёга келтирганимни биласанми? Неча марта ўлимдан қолганимни-чи? Бошқа туғмаганман! Бундан кейин фарзанд кўролмайман! Мумкинмас менга!

— У ёғи сенинг муаммоинг.

— Пичоқсиз сўйиш ҳам шунчалик бўлар! Ундан кўра ўлдириб кетсанг-чи, ярамас!

— Менга сен керакмассан!

— Аёл бошинг билан бунчалар шафқатсизсан?!

— Кечирасан!

— Менга қара! Сени ҳам она тукқан-ку! Боламни қайтариб бер! Қасам ичаман, қамалмайсан! Қизигида бу йўлингдан қайт, синглим! Охири вой эканини телевизорларда кўрмайпсанми? Юзингга ниқоб таққанингда ҳам бошқа гап эди. Гувоҳлар бор. Фотороботинг ясалади, барибир қўлга тушасан. Умринг қамоқда чирийди. Телевизорда йиғлаб гапирасан.

— Телевизорга чиқишдан кўрқмайман.

— Шунчаки чиқаман деб ўйлаяпсанми?

— Ўлимдан ҳам кўрқмайман.

— Шунчаки ўламан деб ўйлаяпсанми?

— Хуллас, ўғлинг билан охирги марта хайрлашишингга рухсат бераман. Сен ўйлаганча ваҳший ҳам эмасман. Айтдим-ку уни ўғил қилиб оламан, деб. Афсуски, ёлғиз фарзандни ўғирлаш пешанамга битилган экан. Энди орқага йўл йўқ. Битта томондан хотиржам бўл, яъни болангни ўлдирмайман, азобламайман, менинг эркатойим бўлиб, соғлом, бахтли ҳолида униб-ўсади, институтда ўқитаман, чиройли қизга уйлантираман, кам-кўстсиз яшайди.

Гулбаҳор опа ҳам ва аламдан энтикиб-энтикиб нафас оларкан:

— Хўп, хайрлашаман...— деди.— Қаерда? Айт, борай! Айт! Айт, илтимос!

— «Нуртепа» станциясида.

— У қаерда?

— Шаҳар четида. Қайтараман, мабодо мелиса келса ўзимни ҳам, болангни ҳам ўлдираман. Хайр, қолган гапни ўша ерда гаплашамиз. Соат иккидаги шаҳарлараро поезд келганда. Тушунарлими?

— Соат иккида?

— Ўн тўрту ноль-нолда демоқчиман. «Нуртепа» аслида шаҳарга кираверишдаги юк станцияси. Фақат шаҳарлараро қатнайдиган кичик электричкалар тўхтаб ўтади. Одам чиқади, одам тушади. Эшитганмисан?

— Эсладим. Нефтчилар мавзеси яқинида.

— Ҳа. Ўша ерда учрашамиз.

Гулбаҳор опа негадир яна рақам терди, аммо ўғрининг телефони ўчириб қўйилган эди. Телба қанчалик чув тушириб кетган бўлса, шунчалик содда ҳам туюларди.

— Тентак, — деди Гулбаҳор опа, — юлинган сочларинг станциядан бир йил аримайди, туғилганингга пушаймон ейсан, лаънати жодугар, кўз ёшларим кўр қилгур мастон!

У ҳеч кимга ҳеч нарсa демай шифохонани тарк этиб, йўл четидан шитоб-ла кетиб борарди. «Нуртепа»га қатнайдиган йўналишдаги «Дамас»ларни эслолмади, боши тинмай ғувилларди: «Нечанчи «Дамас»лар борарди-я?»

Ахийри, орқа ойнасига копток суратли қора парда тутилган биттасини шартта тўхтатди-да, сўради:

— «Нуртепа» станциясига борасизми?

— Бораман, ўтиринг, — деди ҳайдовчи йигит телефонига бир қараб олиб.

Ҳайдовчининг ёнида миқ этмай кетаверди. Поезд келгунча анча вақт бор эди. Светофорда тўхтаганида, ҳайдовчи:

— Опажон, — деди, — илтимос, телефонингизни бир дақиқага бериб туринг, менда чиқиш йўқ.

Ҳайдовчи кимгадир қўнғироқ қилди:

— Телефонимда пул йўқ, бу бировнинг телефони, — деди зорланиб. — Ҳозироқ ўзинг қўнғироқ қил менга.

Ҳайдовчининг телефони жиринглади. У қандайдир ошнаси билан валақлаша бошлади. Станцияга уч юз қадамлар қолганида, рулни ўнгга бурди. У ёғи бошқа мавзегa элтадиган йўл эди. Бурилиш жойидан ўтиб кетганини пайқаган Гулбаҳор опа ҳайдовчини жеркиб берди:

→ Станцияга дедим, станцияга!

— Ие, узр, — деди «Дамас»чи. — Станцияга борувчилар кўпинча ўзлари айтади, шунга хаёл чалғитди.

— Рулда телефонни ушламанг ҳам! — Гулбаҳор опа эшикни қарсиллатиб ёпди.

Пиёда борар, югурар, қоқилар, станция эса олисда гўдаиб турар эди. Шаҳарга келган юklar темир йўл шоҳбекатида эмас, мана шу атрофдаги омборхоналарга тушириларди. Тезюрар поездларни истисно қилганда, ўғри айтганидек, айрим йўловчи ташувчилар тўхтаб ўтар, доим икки-уч йўловчинигина учратиш мумкин эди. Милиция ходимлари эса навбатчиликда туришмасди.

Дарҳол соатга қаради. Ярим соат қолибди. Аввал станцияни кўздан кечирди. Сабоҳатга ўхшаш ёки бола кўтарган бирор аёл учрамади. Бир четдаги ўриндиққа ўтириб, доғули хотин қандайдир ҳийла ишлатиб, бу ерга чақирганини тушунди. Она ва болани юзма-юз хайрлаштириб қўймайди. У қандай макр экан?

Шу пайт телефони жиринглади. Қараса, эри.

— Қаердасан? — сўради эри жаҳл билан. — Шунақа пайтда...

— Битта жойдаман. Кейин гаплашамиз.

— Нима?

— Кейин гаплашамиз деяпман-ку.

— Гулбаҳор, ўйлаб гапираяпсанми? Қаердасан? Сўроқсиз қаёққа кетиб қолдинг?

— Боламнинг изидан тушдим.

— Яхши, яхши, — ғалати оҳангда кулгандек бўлди эри.

— Муроджон йўқолмаган эканми ишқилиб? Топдингми ўша ҳамширани?

Худди шу дамда Гулбаҳор опанинг телефонига «sms» келди. «sms» келиши асносида телефоннинг қуввати тугаётганини англатувчи қисқа сигнал ҳам эшитилди.

— Кейин гаплашамиз деяпман-ку, дадаси, — деди Гулбаҳор опа. — Телефонимнинг қуввати тугаяпти.

— Тўхта! — хитоб қилди эри. — Тушунтир бундоқ!

— Муроджонни ўғирлаган ҳамшира телефон қилди. Ҳозир «sms» ҳам юборди.

— Воҳ, аблаҳ! Нима деяпти?

— Шартига кўнмасам, болажонимни тирик кўрмас эканман. Ноилож, кўндим.

— Лаънати! Пул сўраяптими? «Sms»ини ўқи-чи!

— Тилаб-тилаб олган ёлғиз жигарбандимни ўзига фарзанд қилиб оларкан, — йиғлаб юборди Гулбаҳор опа. — Охирги марта хайрлашиб қол, деб чақирди бу ёққа. Сизларга айтолмадим. Ўзим... ўзим ҳал қиламан. Илтимос, аралашмай турсин ҳеч ким.

— Шу гапни ўзи айтдими?

— Э, ўзи билан гаплашдим, дадаси! «Ўзи айтдими» эмиш!

— Эс-ҳуши жойидамас. Соғ одам бола ўғирламайди, юраги пора-пора бўлган онанинг устидан ҳам кулмайди. Қайси аҳмоқ «Болангни ўзимга фарзанд қилиб оламан, хайрлашишга кел», дейди!

— Ким у, қанақа хотин, касалми, баломи, мени қизиқтирмайди! Ҳозир Муроджон билан келади! Кунини кўрсатаман! Бўғиб ўлдираман!

— Касал ҳолингда нима қилоласан, Гулбаҳор? Нега бир оғиз айтмадинг менга? Милицияга билдирмаслик керакми, майли, бирга кетардик. Ахир, шу ерда — шифохонада эдим-ку! Сенга югуриш у ёқда турсин, юриш ҳам мумкин эмас! Қандай жин уриб шу ҳолингда ёлғиз кетдинг?

— Мен онаман! Ўғри нима деса, кўнаман! Боламни соғ-саломат кўриш учун ҳам кўнаман!

— Мен эса отаман! Ҳозир қаердалигингни айтмасанг...

Телефон иккинчи бор аянчли овоз чиқарди-ю ўчди-қолди.

— Батарейкаси ўлди шунақа пайтда, — Гулбаҳор опанинг тишлари гижирлади. — Ҳеч бўлмаса, телефон ўчмаса эди.

Аммо эрининг ҳам, ички ишлар ходимларининг ҳам ёрдамини кутишни истамади. Уларга хабар берса, ўгрининг

газабини кўзгашидан ва қайтиб алоқага чиқмай шу кўйи гум бўлиб кетишидан қўрқди. Болажонисини осонгина қўлга киритишига шак-шубҳа қилмасди. Ўғри ўз оёғи билан келади — ушлайди, нима муаммо? Муроджонни умрбод йўқотиб қўйишни хаёлига ҳам келтиролмади. Ҳозир ҳам эс-хуши ўғлини ўғри хотиндан тортиб олиш билан банд эди. Гўёки ўғри Муроджонни етаклаб келади-ю сал нарида туриб, ўз шартларини айтади. «Қичқирсанг, яқинлашсанг, бошқаларни ёрдамга чақирсанг, ўғлингни ўлдираман», деб пўписа қилади. «Майли, бағримга босиб хайрлашай», дейди Гулбаҳор опа. Кўзлари ёшланган эркатойини қучади ва... ўғрига арслон каби ташланади. Тирноқлари юз-кўзига бургут панжасидек ботади, сочини тутамлайди, уради, тепади, роса хуморидан чиқади. Одамлар келиб иккисини ажратиб қўйишмоқчи бўлади. Шундан сўнг телба хотин боласини ўғирлаганини айтади. Қамалади, суди бўлади, панжара орти дунёсига жўнатилади. Умрбод юзидан ҳам, юрагидан ҳам Гулбаҳор опанинг чандиғи кетмай яшайди. Бировнинг боласини ўғирлаш тугул, шунчаки эркалаб, конфет беришга ҳам ҳадди сиғмай бола меҳрига зор бўлиб ўтади.

Шу дамда аллақерда поезд хуштак чалди. Онаизорнинг долғали хаёллари бир зум тарқаб, станцияга умидвор аланглади. Кўмир омборхонаси ёнидаги йўлакда бир аёл бола кўтариб келаётганини кўрди-ю юраги гурсиллаб урди. Бироқ бола Муроджон эмасди, аёл ҳам бошқа. Ҳув наридаги темир йўл светофори ортида яна бир болакайга кўзи тушди. Болакай Муроджондан икки-уч ёш катта эди. Ана, сиғири, бўйчан акаси, қўлидаги узун хивчини. Ака-ука станциянинг тўсиқсиз жойидан шаҳар четидаги қирлар томон мол ҳайдаб ўтишмоқчи. Ўғлини қачон кўради? Вақт бунча имилламаса? Ё дунёни бошига кўтариб айюҳаннос солсамикан? Ёлғиз жигарбандини ўғирлашди! Станцияда қайси юрак, қайси қалб билан хотиржам, ҳа, худди хотиржамдек кутаяпти? Сен ҳам онамисан?

«Sms»ни эслади. Нимани ёзган экан?

— Телефонни қайта ёқсам, бир лаҳза бўлса ҳам ишларди-ку! Нега анграйиб ўтирибман! — деди ўзига-ўзи.

Ҳақиқатан ҳам батареянинг бардоши яна бир неча сонияга етди. Ўғри хотин шундай деб ёзган эди: «Телефонда мендан бошқа ҳеч ким билан гаплашма! Огоҳлантиришим шунчаки эмас!»

— Мени кўриб турибди... кўриб турибди... — шивирлади Гулбаҳор опа.

Поезд келгунча ё батареяка топиши, ё телефонни қувватлантириши керак эди. Қараса, бекатнинг оққа бўялган пастак биносидан темир йўл хизматчиси электр чойнак кўтариб чиқаяпти.

— Кечирасиз, телефонимни «зарядка»га қўйсам бўладими? Ток борми?

Темир йўл хизматчиси ранг-қути ўчган, озғин, касалманд хотинга ҳайрон қаради-да:

— Шунга шунчами? — деди. — Марҳамат, опа, тоқдан муаммо йўқ.

— Ингичка «зарядка» керак!

— Ингичкаси ҳам, қалини ҳам стол устида, — дарҳол йўл бошлади хизматчи. — Мана, хоҳлаганингизни фойдаланаверинг. — Сўнгра фуражкасини тепароқ кўтариб қўйди. — Поезддан қолиб кетдингизми?

— Поездга энди чиқаман.

— Ҳа-а, Жиззахникини кутаяпсизми?

— Билмайман, — экранчага қаради Гулбаҳор опа. — Қувватланаяпти шекилли, а?

— Қани..ҳим, олаяпти, — деди хизматчи.

— Ҳозир Жиззахнинг поезди келадами?

— У ёқдан Жиззахники, бу ёқдан Хоразмники.

— Қайси бири тўхтайди?

— Иккиси ҳам.

— Фақат шаҳарлараро электричкалар тўхтайдими?

— Одатда шунақа. Лекин Хоразм поездидан кўпинча гуруч туширишади. Беш дақиқа ҳам тўхтамайди. Айтгандай, Жиззахники шоҳбекатгача боради-ку. Ўйлабманки, поезд шоҳбекатдан Жиззахга кетади деб...

Гулбаҳор опанинг боши қотди. Фикри ҳам ўзгарди. Ўғри уни панадан кузатмаяпти. «Sms»ни шунчаки навбатдаги огоҳлантириш сифатида ёзган. Станция телефонидан ички ишлар бўлимига қўнғироқ қилсамикан? Ҳарҳолда, милиция ҳам анойи эмас, фуқаро кийимида келиб ўғрини ушлайди, Муроджонни халос этади. Аммо...

— Нима қилай, нима? — дея Гулбаҳор опа стулга ўтириб, бошини чангаллади.

— Бирор нарсангизни ўғирлатдингизми?

— Ўғирлатиш ҳам гапми... — ич-этини еяётган Гулбаҳор опанинг кўзларида ёш гилтиллади. — Жону жаҳонимни куйдирмоқчи.

— Милиция чақирайми? — Телефон томон юрди хизматчи.

— Унга бир марта қўнғироқ қилай-чи... яна бир марта...

Гулбаҳор опа телефонни электрдан узмай рақамларни терди. Гудок кетди.

— Алло, ҳа? — деди ўғри хотин кўрс оҳангда.

— Телефонингни нима учун ўчирдинг? — деди Гулбаҳор опа. — Учрашмоқчимизми, ўчирма-да.

— Ўзинг нега ўчирдинг?

— Батарейканинг қуввати тугади.

— Дарров қаёқдан ишлай қолди?

— Токка уладим.

— Қаерда?

— Станциядаги хонада.

— Ким биландир гаплашаётгандинг-а?

Гулбаҳор опа кўзларини юмди. Ўғри яқин-атрофда. Муроджон-чи?

— Шу ерда ишлайдиган одам билан гаплашдим. Ўғлим қани? Овозини бир эшитай.

— Сени чақиримизга сабаб — ўғлинг билан хайрлашиш. Пул учун ўғирламадим. Шундай экан, ўғлингсиз биз — иккимизнинг учрашишимиздан маъно йўқ. Тушунган бўлсанг, у менинг ёнимда.

— Овозини бир эшитай, — лабларини тишлаб,

кўллари ни муштга айлантирди Гулбаҳор опа. — Одамни бунча эзасан! Телефонни ўғлимга яқинроқ тутишинг шунчалар қаҳатми?

— Ўғлинг... аниқроғи, ўғлим ухлаб қолди. Ухлаётган бола қандай гапирди?

— Бўлди, тушундим сени. Қачон кўришамиз?

— Поезд келсин. Вақтини айтдим-ку. Тагин эринггами, органгами чақиб юрма-я! Мен кўп ишга улгурадиган аёлман. Тушингга кирмаган ишлар бўлиб кетмасин. Сен шохида юрсанг, мен баргида юраман, деган мақолни эшитгандирсан?

— Эшитганман, барака топгур, эшитганман!

— Қисқаси, ўғлингнинг ҳаёти сенинг қўлингда. Қандай устомон эканлигимга ўзинг ҳам шифохонада гувоҳ бўлдинг.

— Хўп, хўп! Поездда бўласанми?

— Поезднинг келадиган вақтига бекорга чақирдимми? Сен ҳам чиқасан вагонга.

— Ҳа, чиқаман вагонга, чиқаман.

Алоқа узилди. Темирийўл хизматчиси ғалати йўловчига бир зум серрайиб қараб тургач, бош чайқади-да, эшикка йўналди. Бу пайтда турли рақамлардан ўн мартача кўнғироқ бўлган эди. Эри ички ишлар ходимларига хабар берибди-да.

— Айтманг! — қизарган кўзларини тикди Гулбаҳор опа.

— Кимга? — тўхтади хизматчи.

— Милицияга. Мен бир оз ўйлашим керак. Агар боламни олиб қочса, милицияга айтишга кейин ҳам имконият бўлади. У тентак хотин. Фақатгина тентак эмас, айёрликда ҳам устаси фаранг, кўлидан ҳар бало келадиганга ўхшайди. Шартини бузишга кўрқаятман.

— Тушунарли, — деди хизматчи. — Мен сувга чиқаётгандим. Поезд келгунча чой ичамиз. Шу ташвишларсиз ҳам мазангиз йўққа ўхшайди.

Хизматчи газплитага чой қўйган ҳам эдики, станцияга Хоразм поезди кириб, секинлашди. Иккинчи томонда — Жиззах йўлида электричка кўринди.

— Поездлар бунча эрта келаяпти? — Телефонини тоқдан узиб, эшикка шошилди Гулбаҳор опа.

— Вақти бўлди-да, — ортидан эргашди хизматчи. — Сизга соат нечада деганди?

Гулбаҳор опа хизматчининг саволига жавоб бермоқчи эди, телефони жиринглади.

— Шоҳбекатдан келаётган поездга чиқинг, — деди ўғри сизлаб. — Учинчи вагон. Қайси купе эканини чиққанингизда айтаман.

— Алдамаяпсанми? Бу поездга қандай ўтирдиларинг? — Гулбаҳор опа ҳансираганча илдамлади.

— Бизни «Нуртепа»да деб ўйладингизми? Шифохонадан чиқиб, тўғри шоҳбекатга келдик. Аввалдан чипта олиб қўйгандим. Поезд «Нуртепа»га тўхтаб ўтишигача — ҳаммасини олдиндан билардим. Вагондан ҳозир гуруч туширишади.

Поезд тўхтади. Учинчи вагон эшиги очилди. Қопларни туширишаётган эди, Гулбаҳор опа эшикка осилди. Тўсатдан рангпар бир хотин кўзлари олайганча важоҳат ила вагонга тирмашиб чиқиши ҳаммолларни ҳам, назоратчиларни ҳам чўчитиб юборди.

— Қаёққа? — йўлини тўсди назоратчи.

— Ичкарида болам қолган, қочинг йўлдан! — Гулбаҳор опа ўзи ҳам кутмаган куч билан девдай назоратчини четга суриб, тамбурга чиқди-да, вагон йўлагига отилиб кирди. Нотаниш рақамдан қўнғироқ бўлган эди, шартга ўчирди ва ўғрининг рақами устига яшил тугмачани босди. Йўлак бўйлаб, купелар эшигини очиб кўраркан:

— Алло, мен вагондаман, қанисан? — деди.

— Шовқин солмай бир четда икки дақиқа кутинг, — буюрди ўғри.

— Нега кутаман? Нимани кутаман?

— Ўпкангизни босиб олишингиз учун кутасиз. Мен анойи эмасман. Сиз билан кўнгилдагидек гаплашмоқчиман.

Назоратчилар бақир-чақир қила бошлашган эди, Гулбаҳор опа ҳам нималардир деб ўшқирди. Формадаги эркакларнинг гапини тушунмагани каби ўзи ҳам нима деб жавоб қайтараётганини англамасди. Хаёли болажониси билан банд эди. Шу вагондаги купеларнинг биридамикан ё ўғри яна найранг ишлатаяптими?

Ҳар икки поезд ҳам сафарида давом этмоқчи эканини эълон қилгандек ингичка сигнал таратди. Гулбаҳор опа мудҳиш бир макр қурбони бўлганини сезиб, жон-жаҳди билан ўғрига кўнғироқ қилди:

— Қаердасан? Алдадингми, дўзахда куйгур?

— Йўқ, — деди ўғри, — купелардан бирига киринг.

Поезд енгил силтаниб, жойидан жилди.

— Қайси биридасан?

— Хоҳлаганингизга киринг, мени кўрасиз. Муроджонни ҳам.

Гулбаҳор опа қўлидан тутган эркакларни силтаб ташлаб, очиқ купега ўзини урди. Уйқусираган йўловчилар унга норизо боқишди.

— Йўқсан-ку! — Гулбаҳор опа телефонга қичқирди.

— Ҳовлиқманг! Купе деразасидан қаранг!

Юрак-бағри жизғанақ она деразадан бош чиқарганида, қўшни йўлдаги Жиззах поезди ҳам кўзғалган эди.

— Кўрдингизми? — деди ўғри.

Шу аснода қарама-қарши йўлдаги вагонлардан бирининг деразасидан кимдир қўл силтади. Поездларнинг тезлиги ошган сайин вагонлар оний лаҳза учрашмоқ сари бир-бирига яқинлашарди. Ва мана...

— Муроджон! Болам! — чинқирди Гулбаҳор опа.

Ўғри хотин дераза олдида Муроджонни кўтарганча қўл силтаб ўтди. Телефондан овози эшитилди:

— Охирги марта хайрлашдингиз, энди эса алвидо!...

Гулбаҳор опа ўзини йўлакка урди.

— Стопкранни босинглар! Тўхтатинглар поездни! Боламни ўғирлаган ўғри нариги поездда!

Поезд тўхтар-тўхтамас ўзини пастга ташлаб, темир йўлнинг шағал тошлари устига сакради. Тошлар устида думалаб, тирсаги шилиниб, тиззалари ўйилиб кетса-да, қаддини ростлади. Рўмоли ҳам бошидан учган эди.

Электричка охирги вагонининг қизил чироқларини порлатиб станциядан чиқиб борарди. Гулбаҳор опа билдики, ўғри ўзини хавфга қўйиб, шоҳбекатгача поездда кетмайди. У ҳаммасини пухта режалаштирган. Ярим йўлда стопкранни босади-да, Муроджон билан бирга таксида аллақасёққа ғойиб бўлади. Унга ҳозир етиб олиш керак. Нима учун эрига дардини ёрмади, ички ишлар ходимларига айтмади?

Оқ уйча ёнида турган темир йўл хизматчисига:

— Чақиринг! — деди йўл-йўлакай. — Милицияни чақиринг! Ўғри ҳам, болам ҳам поездда! Айтинг уларга! Ҳаммасини айтинг!

Темир йўллар оралаб поезд ортидан чошиб бораётган аёлга теварак-атрофдагилар ҳам қараб турардилар. Аёл ҳам шунчалик тез югурадими? Аёлда ҳам шу қадар шиддат, шижоат, куч бўладими?

Гулбаҳор опа поездни кўздан қочирмаслиги керак эди, бошқа йўл йўқ. Аммо унга югуриб етиб бўлмасди. Поезднинг мотори гувиллади, филдираклари шитоб-ла айланди, тезлиги ошгандан ошди. Аёлнинг нима жони бор? Поезд бир зумда ортда қолдириб кетади-қўяди.

Йўқ, кутилмаганда бошқа бир ҳодиса рўй берди. Ҳув нарида мол боқиб юрган болаларнинг қайсар сигири ногаҳон изига қайтди-да, темирйўлни кесиб ўтмоқчи бўлди. Поезд ўкириб сигнал берди. Ҳайбатли поезд сигирни қандай уриб юборганини Гулбаҳор опа ҳам яққол кўрди. Югуриб келаётган бечора болалар йиғлаганларича таққа тўхтадилар. Поезд секинлашди, қизил чироқлари янада

ёрқинроқ порлади. Гулбаҳор опанинг оёғидан пойабзали ҳам қаёққадир учиб тушганди. Танидан мадори қуриётган эди. Кучини тўплаб янада тез, янада жаҳд ила югурди.

— Тўхтанглар!.. Тўхтанглар... — қичқирарди у.

Поезд секинлаша-секинлаша муюлишда тўхтади. Эшиклардан бири очилиб, бола кўтарган аёл тушди. Тушди-ю ҳеч қаёққа қарамай асфальт йўлга шошилди. Гулбаҳор опа ўғрини ҳам, Муроджонни ҳам таниди. Қулоғига болажонисининг йиғиси чалингандек туюлди. Чиндан-да жигарбанди типирчилаб хархаша қилаётганини кўзлари илғади.

— Болам! — жон ҳолатда фарёд урди она.

Бироқ нолаю фифоннинг вақти эмасди. Қувиб етиш керак, тамом-вассалом. Оралиқ масофа узоқ эмас, беш юз қадамдир, олти юздир. Йўлда ўғрига машина тўхтамаса бас.

Афсуски, Гулбаҳор опа кутгандек бўлмади. Ўғри хотин кўлини кўтарган он оқ «Дамас» йўл четида тормозланди. Гулбаҳор опа ихтирёсиз ҳолда бақириб-чақириб асфальт йўлга етганида, «Дамас» олисларда шувиллаб кетиб борарди.

— Ер ютсин сени! — қолди у. — Милиция.... милицияга айтишим керак эди, тентак!..

Телефонининг тугмачаларини босаётиб, «Дамас»нинг орқасидан ялт этиб қаради. «Дамас» таниш эди. «Нуртепа» станциясига копток сурати акс этган қора парда тутилган шу «Дамас»да келмадими?

Кўнғироқ қилинганлар рўйхатида «Дамас»чи терган рақам сақланиб қолганди. Яшил тугмани босиб, умидвор ҳолда қулоқ тутди. Нариги томондаги йигит гўшакни кўтариб, ким кераклигини сўради.

— Боя «Дамас»чи ўртоғингиз менинг телефонимдан сизга чиққанди, — деди Гулбаҳор опа шоша-пиша. — Менга унинг... ўртоғингизнинг телефон рақами керак. Фақат тез! Илтимос, ука...

— Хўп, хўп, опа, — дея йигит «Дамасчи»нинг телефон рақамларини айтди.

Гулбаҳор опа титраб-қақшаб рақамларни терди. Бир асрдек чўзилган вақт якунланиб, «Дамас»чи телефонини кўтарди.

— Менга қаранг, укажон, — ҳансираганча сўзлади Гулбаҳор опа, — ҳозир «Нуртепа» станциясидан бир аёл билан болани миндирдингизми?

— Ҳа, — деди ҳайдовчи. — Кимсиз? Нима гап ўзи?

— «Дамас»ингизни бир четда тўхтатинг. Аёл билан болани туширмай туринг.

— Лекин...

— Қўлидаги менинг болам! — оғзига кафт қўйиб шивирлади Гулбаҳор опа. — Илтимос, икки дақиқа алданг, ҳеч қаёққа жўнатманг, етиб бораман! Тушунаяпсизми, у ўғри! Бола ўғриси!

— Лекин тушиб бўлишди, — деди ҳайдовчи.

— Қаёққа?

— Билмадим. Биз сўрамаймиз...

— Қаерга тушди? Ҳозиргина чиққанди-ку «Дамас»га!

— Цехдан ўтганда тўхтатинг, деди. Пулини берди, тушди. Мен оддий таксичи бўлсам.

— Шундоқ орқага қайтиб, алдаб туролмайсизми, укажон? Гап бировнинг ҳаёти устида...

— Хоҳласангиз уларнинг қаердалигини айтаман, — жонланди ҳайдовчи.

— Худо хайрингизни берсин, укажоним, биларкансиз-ку қаердалигини!

— Орқа кўзгудан қараб, сариқ «Дамас» тўхтаганини кўрдим. Мана сиз билан гаплашаётганимда ёнимдан ўтиб кетди. Иккиси ҳам ўтирибди сариқ «Дамас»да.

— Рақамига қарадингизми?

— Рақамига қарамадиму аммо ёқилғи қуйиш шохобчасига бурилди. Тез етиб келсангиз, АЁҚШда ушлайсиз.

— Йўл устидами ўша ёқилғи қуйиш шохобчаси?

— Ҳа. Станция йўлида бўлсангиз, шундоқ битта

машинани тўхтатинг-да, тўғрига келинг, кўрасиз. Йўлнинг ўнг четида. Мен у ердан ўтиб бўлдим. Бензин тўлдиргунча бир неча дақиқа керак, бемалол етиб кела оласиз.

Гулбаҳор опа шувиллаб яқинлашаётган қаҳваранг «Жигули»нинг йўлини тўсиб, иккала қўлини баланд кўтарди. Машина ўнгга бурилса ўнгга, чапга оғса чапга юрди. «Жигули» копток эди-ю, аёл уни тутиб олмоқчига ўхшарди.

Гилдираклар чийиллади. Тутун буруқсиб, куйган резина ҳиди димоққа урилди. Кўзлари катта-катта очилган мўйловли ҳайдовчининг бўғиқ овози эшитилди:

— Нима қилаяпсан?! Ўлгинг келдими?

Гулбаҳор опа эшикни очди-да, ўтирар-ўтирмас:

— Юринг тез! — деб қўлини олға нуқиди. — Боламни олиб қочди! Ёқилғи қуйиш шохобчасида экан! Етайлик!

Ҳайдовчининг муйлови титраб, кўзлари баттар олайди, лекин газни босди.

— Бола деб ўлиб кетишингизга сал қолди, — деди аламли уҳ тортиб.

— Шунақа пайтда ўлим кўринадими кўзга?!

— Менинг кўзимга қамоқ кўринди. Ўлимингизни бошқадан сотиб олинг, мендан эмас.

— Кетиб қолмасдан етайлик, ака! Тилаб олган ёлғиз болам! Менга раҳмингиз келмаса ҳам, боламга раҳм қилинг!

— Куппа-кундузи қароқчи бор экан-да, а? Болангизни шартта тортиб олиб, ўзингизни дўппослаб қочадиган!

— Бу ерда эмас, шифохонада ўғирлади. Изма-из қувиб келаяпман.

— Тирсагингиз қонаяпти-ку?

— Юрагим ҳам қон! Тезроқ ҳайдасангиз-чи!

— Тавба, аёллар шунчаликка боришаяптими? Бировнинг боласини ўғирлаб, очиқ-ошкор қочаяптими?

— Қўлимга тушсин, туғилганига пушаймон ейди!

Ҳайдовчи тезликни ошириб, мўйловини силади.

— Милицияга хабар бердингизми ишқилиб?

— Темирйўл ходимига тайинладим, — йўлдан кўз узмади Гулбаҳор опа. — Қани АЁҚШ? Кўрина қолса-чи?

— Ўғрини танийсизми?

— Кўрсам танийман.

— Аввалдан танийсизми, демоқчийдим?

— Э, йўқ! — гижинди Гулбаҳор опа. — Ит танибдим уни!

— Бир вақтлар органда ишлаганман, — деди ҳайдовчи.

— Танимаган-билмаган одам тўсатдан болангизни ўғирлаб қочмайди. У сизни роса кузатган, атрофингизда яқинларингиз ёки ёрдам берувчилар йўқлигига ишонч ҳосил қилган, сўнг ишга киришган.

— Ҳа, тайёргарлик кўрганини яширмади. Станцияда мен билан ўғлимни қандай хайрлаштиришгача режалаштирган экан.

— Ўҳ! Кўрдингиз! — Ҳайдовчи Гулбаҳор опага синчков қараб қўйди. — Пулдорларданмисиз?

— Пул учун ўғирламабди. Ўзига фарзанд қилиб олармиш.

— Шу гапни ўзи айтдимиз?

— Сиз ҳам шунақа дейсиз-а! Йигирма йил деганда фарзандли бўлганман! Ўлиб-тирилиб дунёга келтирганман! У эса «Боланг билан хайрлаш! Энди менинг ўғлим!» дейди. Йигирма йил кутмаганимда ҳам, ўнта болам қаторлашиб турганида ҳам, болаларимда ҳаққи йўқ лаънатининг! Аёл қиёфаси бор, холос. Аёл деманг уни!

— Тушундим. Хўжайинингиз қаерда ишлайди?

— Бозорда.

— Ким бўлиб?

— Чекчи.

Йўл четидаги АЁҚШ белгисидан ўтдилар. «А193», «А191», «А180» каби бензин хиллари битилган лавҳ кўринди. Ёқилғи қуйиш шохобчаси йўлдан қирқ-эллик қадам ичкарида эди. Кираверишдаги устунга «А180 тугади!» деган эълон осилганди.

— Сиз билан бораман, — рул чамбарагини ўнгга айлантирди ҳайдовчи. — Қизиқаяпман. Муҳими, ёрдамим тегиши мумкин.

Ёқилғи қуйиш шохобчасига шитоб-ла бурилдилар. Сарик «Дамас» йўқ эди.

— Узим сўраб-суриштираман, — машинадан тушишга уннади ҳайдовчи.

Бироқ Гулбаҳор опа отилиб чиқиб, АЁҚШнинг найнов хизматчисини саволга тутиб улгурган эди.

— Сарик «Дамас»ми? — бош қашиди йигит. — Кетди, шекилли.

— Нега иккиланиб гапираяпсан? — тутуни чиқди Гулбаҳор опанинг. — Шу ерга кирганмиди ё нарироқда яна шохобча борми?

— Борликка бор-ку-я, — довдиради йигит. — Учта «Дамас» кирди-да бизга. Биттаси бензин олмай жўнаб қолди. Ҳа, ҳа, эсладим, ўшаниси сарик эди. Иш кўп-да, ҳамма машинанинг рангини эшлаш осонмас.

— Ахир, беш дақиқа ҳам бўлмади-ку!

Можародан сергак тортган паст бўйли, қориндор иккинчи хизматчи:

— Ҳозир келган сарик «Дамас»ми? — деб гердайганча яқинлашди. — Нима иш қилиб қўйибди у?

— Опанинг ўғилчаси ўша «Дамас»да кетганмиш, — изоҳ берди найнов.

— Рақам-пақами эсларингда қолдимиз, десам, ёш бошларинг билан бунча склерозсизлар?! — Гулбаҳор опа машина сари юриб, ҳайдовчига деди: — Кувиб етолазмизми? Узоққа кетмаган!

— Албатта, — деди «Жигули» ҳайдовчиси.

— Хоҳласаларингиз қўнғироқ қиламан унга, — чўнтагидан телефон чиқарди қориндор хизматчи. — Сарик «Дамас»ни танийман. Қўштепалик Элбек. Хўш... Мана, рақами.

Гулбаҳор опа унинг қошига икки ҳатлаб етиб, телефонини юлқиб олди-да, яшил тугмачани босди.

— Отини нима дединг?

— Элбек. Ўзингизда ҳам хотира чатоқми, дейман?

Сариқ «Дамас» ҳайдовчиси ҳадеганда телефонини кўтаравермади. Гулбаҳор опа машинага ўтираётиб, хизматчига имлади:

— Ўтиринг, ука, биз билан борасиз.

— Ишдаман.

— Ҳайданг! — Гулбаҳор опа «Жигули»нинг эгасига буюрди.

— Телефоним... — қўл чўзиб қолаверди қориндор.

Йўлда кетаётганларида, ниҳоят, сариқ «Дамас» ҳайдовчиси алоқага чиқди.

— Ҳа, Элбекман, тинчликми? Бу, янглишмасам, бошқа бировнинг рақами эди...

— Қаердасиз?

— Узр, кимсиз?

— Гапга кулоқ солинг! «Дамас»ингиздаги бола кўтарган аёл ўғри. Ҳеч нимани сездирмай йўл четида бир баҳонада тўхтанг. Орқангиздан қувиб келаяпмиз. Агар айтганимни қилмасангиз, жиноятчига ёрдам берган ҳисобланиб...

— Менга ҳам кулоқ солинг, — деди «Дамас» ҳайдовчиси дағал оҳангда. — Бешинчи АЁҚШ кассасига пул тўлаяпман. Сиз сўраётган аёл билан бола, ана, «Дамас»да ўтирибди. Хоҳласангиз, бешинчи АЁҚШга бурилинг-да, ушланг уларни. Ҳеч қандай ўғри-пўғрига шерик эмасман. Одамга сал...

— Бешинчи АЁҚШни биласизми? — сўради Гулбаҳор опа «Жигули» ҳайдовчисидан.

Ҳайдовчи бош ирғаб:

— Яқин қолдик, — деди.

Яна бир АЁҚШ кўринди. «А180 бор!» деган эълон осилган эди. Ҳақиқатан ҳам қатор тизилган машиналар орасида сариқ «Дамас» кетишга шайланиб турарди. Гулбаҳор опанинг юрагидан ҳовур кўтарилиб, алланечук заифона пичирлади:

— Кўлга тушди.

Йўлни машиналар тўсиб қўйган эди. Гулбаҳор опа «Жигули»дан туша солиб, уовлар оралаб йўлбарсдек пушиб, сассис етиб борди сариқ «Дамас»га. Ҳайдовчилар

юз-кўзи тирналган, минг йил жанг қилгандек ҳориган, аммо кўзларида ўт-олов ёнаётган аёлга ҳайратланиб қарадилар.

«Дамас» йўловчиларга тўла эди. Эшикни очди. Очди-ю на Муроджонни, на ўғри хотинни кўрди. Ўрта қаторда ўтирган бола кўтарган аёл бошқа эди. Йўловчилар абгор аёлга кўзлари тушган он «Вой, ўлмасам!» деб ёқа ушлашди.

— Бошқа-ку! — дод солиб юбораёзди Гулбаҳор опа.

Телефони бетиним жиринглай бошлади. Ўғри хотин кўнғироқ қилаётган эди. Маст одамдек гандираклаб АЁҚШ четига чиқаркан, телефонни қулоғига босди:

— Қаердасан?

— Сиз шохида юрсангиз, мен баргидаман, деганмидим?

— Ўғри хотин ғолибона сўзлади.

— Барибир қувиб етаман! Яхшиликча, боламини бер!..

— Сиз касалсиз. Қандай ҳам қувиб етасиз? Кўп юриш, кўп ҳаракат мумкинмас. Югуриш-ку умуман тақиқланади.

— Мени аввалдан танийсан сен!

— Хатимни ўқидингиз, бунинг бари тасодиф.

— Шунча воқеа тасодиф эмас. Касалимни ҳам яхши биларкансан. Айт... айт кимсан? Оиламизда нима ўчинг бор эди? Жоним керакми, ол!

— Нега тасодиф бўлмасин? Сизнингча, поезд сигирни уриб кетишини ҳам мен режалаштирганманми? Ё иккита сариқ «Дамас» олдинма-кетин келиб, ўзим ўтирган «Дамас»ни бир оз тўхтатиб, орқадагини ўтказиб юборишгача сценариямга киритганманми? Балки сеҳргардирман?

— Узоққа қочолмайсан! — қичқирди Гулбаҳор опа. — Жазойингни оласан!

— Ў-ў, шартимни бузиб, милицияга хабар бердингизми? Энди мендан яхшилик кутманг! Ўғлингиз билан видолашиб бўлдингиз! Мен билан ҳам видолашинг! Алвидо!...

— Тўхта! — чинқирди Гулбаҳор опа. — Майли, сен ютдинг... ютдинг, сингилжон....

— Яна нима найрангбозлик? Қилар ишни қилиб қўйибсиз-ку, ёлғончи, оми, калтабин аёл!

— Раҳминг келсин... илтимос... — устунга суянган Гулбаҳор опа сирғалганча тиз чўкиб қолди (Қаердандир «Арава! Пўшт, арава!» деган садо келди). — Бунча қийнайсан мени? Худодан қўрқ... Бир марта раҳм қил... Яна бир марта кўрай боламни!..

Ўғри кулди.

— Алвидо, эрининг касрига қолган бечора хотин!

Телефон ўчди. Гулбаҳор опа бир нуқтагача тикилган қўйи тошдек қотди. Ўғри нима деди? «Эрининг касрига қолган бечора...» Ҳа, эрининг душмани экан-да у! Бозорда душман орттирган. Орттирганда ҳам маккоридан, тентагидан, ҳеч балодан қайтмайдиган ёвузидан топган.

Шу лаҳзада нотаниш рақамдан қўнғироқ бўлди.

— Тезкор жиноят қидирув бўлиmidан Расулов... — деб ўзини таништираётган эди, Гулбаҳор опа:

— Мен «Нуртепа» станцияси яқинидаги бешинчи АЁҚШдаман, — деди. — Боламни ўғирлаган аёл сариқ «Дамас»да кетди. Етолмадим.

— Марказга қарабми ё Нефтчилар мавзесигами?

— Марказга.

— Жойингиздан жилманг. Икки-уч дақиқада ходимлар ёнингизда бўлади.

Гулбаҳор опа йўл томон юрди. Кимлардир билагидан тутди.

— Тегманглар... Суяманглар мени... Ўзим... Ўзим... — дея йўл четида кетаверди. Кўп ўтмай забонида армонга қоришган сўзлар айланди: — Болам... Ёлғизим менинг... Етаман... Сенга барибир етаман...

Йўлга боқди — йўлнинг адоғи йўқ. Кўкка боқди — кўкнинг ҳам адоғи йўқ. Дунё гўёки ҳеч нима юз бермагандек яшайпти, нафас олаяпти, мавжуд, у мажуд. Машиналарнинг ғиз-ғиз ўтиши-чи. Қаҳқаҳалар, йиғилар, хитоблар...

Ва туйқус телефондан эшитилган хитобни эслади: «Арава! Пўшт, арава!»

— У бозорда, — гўлдиради тили.

Собиқ ички ишлар ходими ортида қолиб кетган эди. Бир сония ҳам кутолмасди. Бошқа машина тўхтатди.

— Бозорга, — деди.

Икки чақирим ҳам юрмадилар. Чапда шаҳарнинг кичик бозорларидан бири қайнамоқда эди. Гулбаҳор опа йўлни кесиб ўтаётди, автобус тагида қолаёзди, «Нексия» эса енгил туртиб юборди. Ҳайдовчиларнинг сўкинишлари-ю йўловчиларнинг ғала-ғовурлари — ҳеч бири қулоғига кирмасди. Кўзлари жигарбандини ахтарарди, қулоқлари вужудига айланган эди. Вақт бор экан, имкон бор. Озроқ ҳаракат қилса бас.

— Такси! Такси керакми? — мижоз кутарди киракашлар.

— Пўшт, арава! — йўл сўрарди аравакашлар.

Гулбаҳор опа таксичилардан ҳам, аравакашлардан ҳам бола кўтарган аёл ҳақида суриштирар, гоҳ автобус бекатига, гоҳ таксичилар қўним топган майдончага талпинарди. Одам кўп эди, бола кўтарганлар ҳам, етаклаганлар ҳам учрарди.

— Ҳой опа, бу ёққа қаранг, — деди ахийри биттаси. — Сарик «Дамас»дан тушган аёлни ахтараяпсизми? Қўлида ўғилчаси бор эди. Бозорга кириб кетди у. — Таксичи қора чўян дарвозага ишора қилди. — Шу ёққа.

Гулбаҳор опа оломон орасида туртиниб-суртиниб илгарилар экан, айни дамда телефони ҳам танаффуссиз жирингларди. Ички ишлар ходимлари билан гаплашгач, эри ҳам боғланди.

— Сен касалсан, Гулбаҳор! — деди у. — Бизга қўйиб бер уларни топишни! Ўзбошимчалик қиламан деб жойингда ўласан-қоласан! Соғлигинг кўтармаслигини...

— Сиз ўз оилангизнинг жаллодисиз! — бақирди Гулбаҳор опа ҳам. — Ўғри хотин танишингизга ўхшаяпти! Менга «Эрининг касрига қолган бечора хотинсан», деди. Кимни йўлдан уриб, кимни алдаб кетган эдингизки, азобини мен билан Муроджон тортаяпти? Гапиринг, дадаси! Ўша ким эканини ёнингиздаги милиция ходимларига айтинг! Пешонам қора бўлса ҳам айтинг, дадаси! Мурғак болам ҳурматига айтинг!

Телефонининг қуввати тугади. АЁҚШ хизматчисининг телефони эса аллақаяёққа ғойиб бўлган эди. Гулбаҳор опа одамлар орасини ёриб ўтаркан, хув наридаги болалар кийимлари дўконига кўзи тушди. «Балки ўғлимнинг кийимларини алмаштирмоқчидир?» деб ўйлади.

Жон-жаҳд билан ҳар бир дўконга, ҳар бир ўйинчоқ растасидан сўраб чиқди.

— Кўрдик, айланай, кўрдик, — деди чеккада ўтирган оқ рўмолли сотувчи. — Бола уйғониб, роса йиғлади. Ўнглаб кўтаришни ҳам билмас экан. Ўзининг боласи эмаслиги шундоққина сезилиб турибди.

— Қаёққа кетди? — Гулбаҳор опанинг томирлари бўртиб чиқди.

— Сабзавотлар растаси оралиғидан тўғрига! Бекорга у ёққа юрмаган! Туманларга қатнайдиған автобуслар бекатига шу томондан чиқилади!

Гулбаҳор опа йўлида учрағанларга урилиб, гандираклаганча чопди.

— Муроджон!.. — қичқирди бор овози билан. Кейин яна фарёд урмоқчи бўлди: — Боламни ўғирлашди! Ёрдам беринглар!..

Аммо овози чиқмади. Қўл-оёғи ҳам ўзига бегона эди. Фақат кўзлари қолди. Кўзлари кўрди ўғлини.

— Ана... — деди.

Тилидан бошқа сўз чиқмади. Ўғри хотин Муроджонни кўтарганча бекатга келди. Аждаҳодек қайирилайётган автобуснинг олд эшигига ўзини урди, Гулбаҳор опа орқа эшикка зўрға илакишди. Кимдир жой бердими, ўриндиқ бўш эдими, англолмади. Автобус анча юрди. Шаҳардан чиқди. Гулбаҳор опанинг икки кўзи боласида эди. Боласининг ҳам икки кўзи онада.

Бир пайт ўғри Гулбаҳор опани таниб, мурдадек оқариб кетди. Ҳайдовчига нимадир деди. Автобус гувиллаб четлади-да, вишиллаб тўхтади. Ўғри тушди. Гулбаҳор опа ҳам заиф нола қилган эди, биров:

— Бу ёқда ҳам тушадиган бор экан, — деди.

Йўловчилар онани савдойи гунг-соқов деб гумон қилишди.

Гулбахор опага барибир эди. У жигарбандининг изидан кувиб етди. Мана, ўғри хотин тоқзорлар оралаб, тепаликка шошилаяпти. Гулбахор опанинг ҳам оёқлари юраяпти. Онанинг қуввати етади. Онанинг қуввати дунёни тебратади.

— Бер...Бер боламни... — ғудранади тили.

Бир қараса, тепалик устида турибди.

— Эринг мендан фарзанд кўришни истамай, шунчаки эрмак қилиб юрган экан, — деди ўғри хотин кўзлари ёшланиб. — Ёлғиз боласидан айрилса билади менинг дардларимни.

Гулбахор опа мадорсизликдан тиззалаб қолган эди, сўнгги кучини тўплаб, тик турди. Худбин ва пасткаш хотиннинг қаршисида бечораҳол бўлишни хоҳламади.

— Истасанг, эрим билан яша... — деди. — Истасанг... Уйимни ҳам бераман... Сен ҳам аёлсан.... Аввал юрагимга бир қара.... Кейин хоҳлаган одамингни эр қилиб олавер... Эримми, бегонами, менга фарқи йўқ... Фақат бир илтимос... Бировнинг боласини ерга қўй... У ўзининг онасини ўзи топиб олсин...

Ўғри бир йил тикилди, бир аср кўз узмайди. Кўзларини кўринмас қузғунлар чўкиди. Юрагини кўринмас шоқоллар ғажиди. Вужудини кўринмас қуртлар еб-битирди. Ўғри ҳеч ким бўлмай қолди. Қиёфаси аёлга ҳам ўхшамасди. Шунчаки лозим-қўйлақдаги беўхшов ҳайкал.

...Ва болани ерга оҳиста қўйди. «Аяжон» деб йиғлаганча Гулбахор опага талпинди бола. Она ўғлининг пойига тиз чўқди.

Ўғри эса тепаликдан тушиб, узумзорлар оралаб қочиб борарди. Ундан икки юз-уч юз қадам нарида милиция ходимлари ҳалқа бўлиб ўраб келмоқда эди.

— Ҳаётда мўъжизалар кўп бўлади, — деди шифокор эртасига. — Қасалингиз ғойиб бўлибди. Менимча, кечаги кучли жисмоний хатти-ҳаракатлар натижасида организмда адреналинга ўхшаш ҳаётбахш модда ишлаб чиқилган ва сиз соғайиб қолгансиз.

Гулбахор опа ўғлини бағрига босиб, юзидан чўлп этиб ўпди-да, шифокор ҳузуридан чиқди. Бошини ҳам қилган эри она-болага унсиз эргашди.

ЎЛИМ ТЎШАГИДА

Чақмоқ кўзни кўр қилгудек қамаштирди. Ҳаял ўтмай осмону фалакнинг бир неча ўн чақирими ёрилгандек қулоқни батанг қиладиган силсилали момақалди роқ портлади. Шодия катта сув ҳалқобига тумшуқ тираган машинанинг орқа ўриндиғида эди, яримигача туширилган ойнани кўтариб қўйди. Туман шифохонасининг невропотологи бўлмиш кўзойнакли киши — Асрор Суюнов рулни чангаллаб, уҳ тортиб юборди-да, машинани ҳалқобга ҳайлади. Сув у қўрққанидек чуқур эмас экан. Машина бир вангиллади-ю лой сачратиб юқорига ўрлади. Ниҳоят, яна тузуккина асфальт йўлга чиқиб олишди. Пастак тоғнинг яримигача қоп-қора булут қоплаган эди. Бир зумда ёмғир челақлаб ёға бошлади.

— Мени қаерларга олиб келаяпсиз, Асрор ака? — сўради ҳамшира совуқ оҳангда. — Бу тубканнинг охирига қачон етамиз?

Асрор Суюнов яна уҳ тортиб, пешонасини артди ва кўзгудан орқа ўриндиққа нигоҳ ташлади. Ҳамширасининг қилт этмай тикилган кўзлари мингинчи марта ҳайрон қолдирди. Оқ халатли бу жувон одамми ё тош ҳайкал? На офатлардан ҳадиксирайди, на жудоликлар қаддини буккан.

— Момақалди роқдан қўрқмадингизми, Шодия?

Ҳамширанинг энасаи қотгани сезилди. Боя ярим очиқ ойнадан учиб кирган томчилар пардозини бузиб юборганидан хавотирланиб қутичасини очди, синчиклаб тикилди, лабларини қимтиди, сўнг қутичани тап этиб ёпди.

— Айтган қишлоғингиз қани? — деди атрофга аланглаб.
— Рози бўлганимга пушаймон қилдирманг-да.

— Учмозорга уч чақирим ҳам қолмади, — олдинга ишора қилди Асрор Суюнов.

— Қишлоқ номи Учмозорми?

— Айтишларича, учта мазор маъносида эмас, асли номи «Учмохзор» экан. Бир вақтлар жаннатдек гўзал қишлоқ бўлган. Жаннатни Учмох дейишади, тўғрими?

Шодия лаб буриб, елка қисди.

— Ҳамма ерни ҳам жаннатга тенглаштиравермаслик керак, — деди. — Гуноҳ, ахир! Жаннат бегуноҳ руҳлар макон топган, ҳатто заррадек кир жойи бўлмаган пок жой.

— Эшитганимни айтаяпман-да, — ўзини оқлади шифокор.

— Учмозорнинг одамлари кимлар экани ўнқир-чўнқир йўлларида маълум. Яхши одамлар фақат ўз уйига эмас, кўчасига ҳам эътиборли бўлишади.

Машина кейинги қирдан ошиб ўтаётганида, тоғ этагидаги ғуж-ғуж уйларнинг оқиш шиферлари кўринди. Гўё уйлар ёмғирдан қочиб, қир оралиғига тўпланиб олишганга ўхшарди.

— Шуми Учмозорингиз? Астаффуруллоҳ...

— Ҳим, — бош силкиди Асрор Суюнов.

— Ўзи у қанақа касал? — Шодиянинг пешонаси тиришди. — Нега айнан менга олиб келаяпсиз?

— Ўлим тўшагида ётибди.

— Тавба, ўлим тўшагида ётса, менга буни нима алоқаси бор? Шифохонага олиб боришсин.

— Унутманг, сиз ҳамширасиз. Бемор шифохонада ётадими, уйидами, ўз бурчингизни бажаришингиз керак.

— Ўлим тўшагида экан, нега реанимацияга ётқиздирмадингиз? Бу чекка қишлоқда ўлаётган одамнинг бошида ёлғиз ҳамшира нима ҳам қила оларди? Калимасини қайтаришини сўрайманми?

— Сиздан фойдаланаётганим учун узр. Қариндошимнинг сўнгги кунларида сиздек ҳамшира унинг ўлимини... Нима десам экан? «Осонлаштиради», «енгиллаштиради», «хотиржамлаштиради»... Қисқаси, шунга ўхшаш гап. Оқ халатни шунинг учун ечтирмадим. Хонадонни тарк

этгунингизча ҳам эгнингиздан халатни ечманг. Майли, бир бечора банда кўнгли хотиржам ҳолда дунёи дундан кўз юмсин.

— Узоқ қариндошингиз экан, ўғил-қизларини бошлаб сўкмайсизми? Ота ўйинчоқми уларга? Ҳозир борай, қариндошларингизга нима дейишни ўзим биламан. Қанақа одамлар-а!

— Шартаки феълингиз ҳам бор бўлсин, — деди Асрор Суюнов. — Мен қачон шунақа иш қилганман? На беморнинг қариндошларига дўқ урганман, на ҳамширамни кечаю кундуз касал қараш учун уйига юборганман. Бу — умримда биринчи марта қилаётган аҳмоқлигим.

— Аҳмоқлигингиз? Ишқилиб, беморнинг уй ичидагилар соғ одамларми?

— Шахсий ҳаётингиздан хабардорман, — деди шифокор, — Бошингизга шунча фожиалар тушганини билиб, яна муаммоларга ташлаш ниятида эмасман.

— Хўп. Аммо уларга ҳам айтиб қўйинг. Бировларнинг дунёқарашлари билан мурасасозлик қилиб ўтирмайман.

— Бир ҳафта ўтади-кетади.

— Фақат бир ҳафта қарайманми?

— Ҳа, бир ҳафта ётади.

— Нега айнан бир ҳафта?

— Олти-етти кун ичида ўлади. Сизга бошида айтдим, беморни сақлаб қолиш имконсиз. Операция ҳам фойдасиз. Сўнгги илтимоси, ҳаётининг охири кунларида унга айнан сиз қарашингиз керак. Қандай йўл тутишим керак эди?

— Қачондан мени танийди, эслолмаяман.

— Икки ёки уч йил аввал инсульт бўлганида, еттинчи палатада даволаниб кетган.

— Эсимда йўқ экан.

— Ўшандан бери сизни гапирди. Менимча, кимдир таржимаи ҳолингизни сўзлаб берган.

— Мабодо, кўнмаганимда...

— Сиз кўндингиз, тамом-вассалом, — гапни кесди Асрор Суюнов. — Келинг, инспектдан кейин яна бошқа касалликларни орттириб, бир неча йилдан бери шифохонама-шифохона даволаниб, қийналиб яшаган шу одамнинг охириги илтимосини бажарайлик. Қариндошим бўлгани учун эмас... — Шифокор овозини хиёл пасайтирди: — Унинг фарзандлари вафот этишган. Эр-хотин ёлғиз яшашади. Беморни ҳам, хотинини ҳам хафа қилиб қўйманг.

Машина қишлоққа яқинлашди. Йўлнинг икки четида қуруқшаган ихота дарахтлари ёмғирдан қорайганча мунғайиб турарди. Кўчада тирик жон кўринмасди. Чапла, бир чақирим наридаги қир этагидаги кичкина қўрғонча кўзга ташланди. Гўёки фермернинг қўйхонасини эслатарди. Бироқ ҳавога ўрлаётган тутундан буни кимнингдир уйи эканлигини англаш мумкин эди.

Асрор Суюнов машинани чаптаги қўшоёқ йўлга бурганида, Шодия дам қўрғончага, дам қишлоққа кўз ташлади.

— Бемор қишлоқда эмасми?

— Ҳув ана унинг уйи, — қўрғончани кўрсатди шифокор.

— Қишлоқдан алоҳида яшашаркан-да?

— Нафақат қишлоқдан, балки дунёдан узилиб қолишган.

— Эс-ҳуши жойида эмас-ов? Мени бекорга олиб келаяпсиз. Бир бало бўлмасин тагин.

— Қўрқманг, улар одамхўрлар эмас, еб қўйишмайди. Сиз ҳам туппа-тузук замонавий ҳамширасиз.

Трактор ва тош ташувчи машиналарнинг ғилдираклари ясаган қўшоёқ йўлдан секин юрдилар. Олд ойнанинг ёмғир тозалагичи сувни сидириб улгурмасди. Шодия ҳамон қилт этмай ўтирарди.

Асрор Суюнов томоқ қирди.

— Нега сиз соғ одамларга қўполсизу беморларга меҳрибонсиз?

— Касалларга меҳрибонлик — менинг касбим, — жавоб берди ҳамшира. — Соғлар эса бошқа дунё.

— Қанақа дунё?

— Ўзимнинг дунём.

— У ҳолда бу уйда икки дунё одамига дуч келишингизни унутманг. Бири ўлим тўшагида ётган касал, иккинчиси ўғилларидан эрта жудо бўлган ва эндиликда чолидан ҳам айрилаётган муштипар кампир.

— Момо билан ишим йўқ.

— Лекин у ҳаддан ташқари инжиқ ва ғалати аёл.

— Инжиқ ва ғалати бўлса ўзига. Уларникига ўйнагани келаяпманми?

— Худди беморнинг ҳаётини сақлаб қоладигандек гапираяпсиз.

— Сақлаб қололмайман, — деди Шодия оҳангига бир оз зарда қўшиб. — Профессорлар ҳам тирик қолишига кафолат бермаган экан, нима, устимдан кулаяпсизми? Пишиб-етилган одам ўлади-кетеди. Ҳамширадан тўғри фойдаланмаяпсиз.

— Қийналмай жон таслим қилса эди, — деди Асрор Суюнов пинагини бузмай. — Ўзи ҳам ажали етишига интиқ. Бундай пайтда сўнгги илтимосини рад этолмайди киши. Бир жиҳатдан сизга ҳам яхши. Баҳово маконда дам олиб кетасиз. Шаҳар шовқинларидан чарчагансиз.

— Уйда доим сукунат ҳукм суради, демоқчимисиз?

— Қабристондагидек тинч. Ҳар замонда мол-қўйлари-ю товуқ-хўрозлари шовқин кўтаради. Уларга бизнинг чеча қарайди.

— Бемор кўнглим яримлиги учун мени танладими?

— Билмасам, ўзидан сўрайсиз.

Машина кўрғоннинг нақшинкор эшиги олдида тўхтади. Ташқарида қари тут тагидан бошқа пана жой йўқ эди. Иккиси машинадан тушиб, эшикни тақиллатгунларича ивиб қолдилар.

Эшик очилди. Енги узун кўйлак, қора нимча кийган, улама сочига бир неча калит боғлаган узун рўмолли олтмиш-етмиш ёшлардаги кампир «Келинғлар» деб минғирлади-да, ҳовлининг нариги четидаги эшик сари юрди. Йўлакка синиқ ғиштлар ташлаб қўйилганди. Қўрғончанинг тўри тўрт эшикли уй, ўнг томон ошхона, тандирхона, қазноқ, чап тараф емишхона эди. Шифокор ва ҳамшира қўрғончага молхона билан қўйхонанинг ўртасидаги айвон эшигидан киргандилар. Эшикдан кирган ҳамоно гўнг иси димоққа урилди. Қаердадир касалманд қўй «маъ-а-а-а...» деб қалтироқ овозда маъради. Қўйлар ҳам гўё касалликдан ўлаётгандек эди.

— Обида чеча, тоғамнинг аҳволи яхшими? — деди Асрор Суюнов ғишдан ғиштга ҳатларкан.

— Тоғангиз «беш»да ётибди, — ортига қарамади кампир. — Кирингизлар. Мен чой қўяман. Сигир кеча туққан. Бузоқчаси ошхонадаги печканинг ёнида. Устига чўғ тушиб кетмасин.

— «Беш» қайси хона эди, чеча?

— Қайси бўларди, беш токчали хона-да.

Сомонхона устидаги болохонада нимадир гурс этди. Асрор Суюнов ҳам, Шодия ҳам хавотир аралаш бурилиб қарашганида, кампир деди:

— Том ўпирилди. Каптарлар ин қурган.

Болохоналар тугул, бемор ётган уй ҳам — барчаси харобага айланган, йиллар давомида сувалавериб, ўз сувоқларининг оғирлигини кўтаролмай қолганди. Бунинг устига тарнов ўрнатилмаган эди. Баъзи жойларда ёмғир суви деворни ювиб оқиб тушмоқда эди. Шодия ўрикларга кўз ташлади. Ўрикларнинг ҳам ярими қовжираган, чириган шохларида бир дона ҳам куртак кўринмасди.

Қоп тўшалган бўсағага оёқ кийимлар ечилди. Димоққа тутун ҳиди урилди. Асрор Суюнов:

— Ассалому алайкум, Қодир тоға, — дея баланд овозда

салом бериб, печка ортига шошилганида, Шодия касал чол кўрпа уюми тагида ётганини пайқади. Бурчакдаги симкаравот беморники деб янглишган эди.

Тақир бошига оқ дўппи кийган етмиш ёшлардаги жиккаккина чол косасига чўккан кўзларини очганида ғалати йилтиради. У Асрор Суюновга эмас, Шодияга умидвор боқиб, алик олди-да, туришга уринди, лекин уддасидан чиқолмади.

— Сизга туриш мумкинмас, — дея Асрор Суюнов тинчлантирмоқчидек елкасига қўл қўйди. — Мана, Шодияхон келди. Бир неча кун яхшилаб даволаса, тўймаъракаларга чиқиб, аввалгидек ҳеч кимга гап бермай ўтирасиз.

— Қариганимда ётиб қолдим, — йиғламсиради чол. — Оёқ-қўлларим увишади, томоғимга нимадир тиқилади, ҳеч уйку йўқ... ҳеч уйку йўқ. Кўзимни юмдим дегунимча, Бозорқулни, Эшдавлатни кўраман. Ўлиб кетганларига беш-олти йил бўлди. Ўлса ҳам мени тинч қўйишмас экан-да.

— Улар кимлар? Ўғилларими? — шивирлади Шодия.

— Йўқ, тоғамнинг жўралари, — жавоб берди Асрор Суюнов. Сўнг беморни текширган бўлди. — Анча яхши бўп қолибсиз. Энди бу ёғи ўзингизга ҳам боғлиқ. Тушкунликка тушавермай, кайфиятни кўтаринг. Битта-иккита дори ёзиб бераман...

— Дорисининг фойдаси тегмайди. Тегирмон унни тортиб бўлган.

— Э, яна ўша гапми? Тегирмонда бугдой кўп. Етмиш еттидамисиз? Ҳали ёш йигит экансиз-ку. Кеча саксон олти ёшли бова келди. Юраги санчган экан, дарров шифокор кўригидан ўтишга қарор қилибди. Дадил, жуда дадил. Кетмон чопмаган куним йўқ, дейди.

Кўп ўтмай кампир чойнак-пиёла кўтариб кирди. Ҳеч кимга гапирмади, кўзига ҳам қарамади. Дастурхон ёзиб, нон, қанд-курс, майиз қўйди-да, чой қайтарди.

— Каравотга ётқизиш керак, — деди Шодия. — Қоронғи бурчакка тиқилиб қолибди.

— Каравотда мен ётаман, — кампир пиёлаларга чой куйди. — Ўлигим ҳам шу каравотдан чиқарилади.

Шодиянинг қошлари чимирилган эди, Асрор Суюнов оҳиста бош чайқаб:

— Оғир бўлинг, Шодияхон, — деб пичирлади.

* * *

Асрор Суюнов кўрғончада бир соат ҳам ўтирмади. Ёмғир шивалаб ёғмоқда эди. Кўрғонча ҳовлисидаги лойқа кўлмаклар тинимсиз вижирларди.

— Расво об-ҳаво, — шифокорни кузатиб қўйган Шодия айвонда кампирга кўз ташлади. — Шаҳарда баҳорнинг оғирлиги билинмайди.

Кампирнинг кўзлари хиёл олайди. Қовоқ-тумшуғи шундай осилиб кетдики, Шодиянинг кулгиси қистади. Ўйлаб қараса, чол ҳозирча тирик. Демак, кулиш мумкин.

— Сизга ёқмадимми, момо? — Шодия қисқагина кулиб қўйган эди, кампир ошхона эшигида тўхтади.

— Сен шаҳарингда эмассан. Шу эсингдан чиқмасин.

— Қишлоқ номини қайси телба қўйган? Учмозор эмиш. Бундоқ ҳокимиятга мурожаат қилиб, ўзгартирсаларингизчи! «Қаердансиз?» деб сўраб қолишса, «Учмозорданман», дейсизми?

— Дўхтирлигингни қил! Қишлоқ номига тумшуғингни суқма!

— Ҳарҳолда, муомалаңгизни тўғриласангиз бўларди. Чолингизга ҳамшираман, меҳмонман, фарзандингиз қаториман.

— Сен ҳеч бири эмассан, — кампир ошхона эшигини чангаллаб, ғазабнок ўқрайди. — Чолим ўлади, уни тинч қўй! Меҳмонман дейсан. Бу уйга фақат ўлим меҳмон

бўлади. Фарзандим қатори ҳам эмассан. Ҳаётга келиб, нима кўрдинг? Шу оқ халатни кийиб, қошингга ўсма суртганинг билан ақлли бўлиб қоласанми?

Шодиянинг ҳам кўзларида ғазаб ўти ёнди. Бироқ Асрор Суюновнинг илтимосини унутмаган эди. Шусиз ҳам у ожиз бандалар хонадонида тўполон кўтаришни истамасди.

Бемор ётган эшикка кириб, ҳавони ҳидлади. Фақат тутун ҳиди.

— Дори ичмай қўйганингизга қанча бўлди? — сўради бемордан.

— Бир ой.

— Ким ҳожатга чиқаради?

— Кампирим, — мўлтиради бемор.

Шодия унинг ёнига ҳорғин чўкди.

— Асрор ака қанақа жиянингиз? Узоқроқ шекилли?

— Онаси бизнинг уруғдан эди. Аслида онаси раҳматли бизга хола ҳисобланади.

Шодия хўрсиниб қўйди-да, беморнинг сертомир, озғин қўлига кафт босди.

— Нима учун айнан мени танладингиз, Қодир бова? Ҳамдард дедингизми? Менинг ҳам фарзандларим вафот этишган, сизники ҳам. Турмуш ўртоғимдан ҳам эрта жудо бўлдим. Сизга... очигини айтганда, таблеткаларни бермайман, укол ҳам қилмайман. Чунки фойдасиз... Келинг, очиқ гаплашайлик... Ҳаётингиз тугаб бораяпти. Қачонлардир ҳаммамиз ўламиз...

— Хиёлат чекманг, қизим. Шифохонада сизни кўпчилик кўрс, совуққон дейди. Мен ундай деб ҳисобламайман. Очиқ гаплашиш учун ҳам сизни чақирдим. Бир гапни айтай. Буни ўлим тўшагида ётган чолнинг алаҳсираши деманг. Бир ҳафта бурун ярим тунда ўз-ўзидан ўрнимдан турдим. Худди касалликка чалинмагандек дадил эдим. Анави қаравот эса бўм-бўш, кампир жойида йўқ. Шунда оёқларим ўз-ўзидан

ташқарига юрди. Ҳовлидан ўтиб, айвон эшигига бордим. Эшик қия очиқ экан. Кўрғондан чиқдим. Осмонда ярим ой балқиган, муздек шамол эсан, олисларда итлар ҳурган жим-жит тун. Қабристон бизга жуда яқин. Йўлда кўргандирсиз?

— Йўқ, кўрмадим.

— Қабристон кун ботиш томонда. Қарасам, сўқмоқда кампирим кетиб бораяпти. Кўлида оқ тугунчак. Орқасидан эргашидим. Ярим кечаси ғўристонда нима қиларкан деб ҳайрон эдим.

— Тушингиз эмасми?

Бемор мийиғида кулгандек туюлди.

— Ўлаётган одамнинг алаҳсираши деманг, деб бекорга айтмадим. Ҳаммаси ўнгимда бўлди. Лекин ўлим тўшагида ётган касал кечаси қандай қилиб кампирига эргашиб мазорот дарвозасигача келди, тушунтириб беролмайман. Кампир дарвозани ғийқиллатиб очди-да, гўрлар оралаб, худди мен ўйлаганимдек, тўппа-тўғри ўғилларимнинг қабрига борди. Чироқ ёқиб, тугунчакни очди. Нима эканг денг? — Бемор ётган жойида бош чайқади. — Овқат. Кечликка пиширган манти.

— Кечаси қабр бошида чироқ ёқиб, дастурхон тузашида нима маъно бор экан?

— Мен ҳам шуни айтаман-да. У охириги пайтларда ирим-сиримларга муккасидан кетган. Мендан кейин боши айланиб, жинни бўлиб қолишидан қўрқаяпман. Қанча ҳам вақтим қолди. Уч кун аввал эшитишимча, кампир қурмағур туш кўрибди. Тушида Чорибой ўғлим билан Турғун ўғлим қаттиқ афсусда эмиш.

— Нимадан?

— Кўп нарсадан, — беморнинг бароқ қошлари кўтарилди.

— Кечирасиз, улар қандай сабабдан ўлишган?

— Чорибойни машина уриб юборган, Турғунни пичоқлаб қўйишган.

— Келинларингиз, невараларингиз...

— Ўғилларимни худо кечирсин. Улар мени ҳам, онасини ҳам кўп куйдирди. Ичарди, жанжаллашмаган одами қолмаганди. Ҳатто, Чорибой одам ўлдириб, қамалиб чиққанди. Бизникида келин турмади. Неваралар гўдаклигида оналари билан кетишган. Кампирнинг тушида Чорибой билан Турғун пушаймон чекиб, йиғлабди, «Эна, биз ёқтирган овқатдан яна бир марта пишириб беринг», дебди. Марҳумларга овқат пиширгунча невараларни ахтариб топмайдими? Балки мактабда киядиган кийими эскиргандир? Балки бирор тансиқ таом егиси келаётгандир? Ё нотўғри гапираяпманми, қизим?

— Тўғри гап.

— Одамлар биздан юз ўгиришди. Ўғилларим ўлиб кетганидан кейин ҳам унча-мунчага қадам босмай қўйишди. Яхши тарбия беролмаганимиз учун кампир иккимиз айбдордирмиз, лекин жазомизни ҳам олдик-ку.

— Қодир бова, — деди Шодия, — дардингизни ҳис этаяпман. Сизга ҳамшира сифатида ёрдам беролмас эканман, нега чақиртирдингиз? Шунчаки дардкаш керак эдими?

— Ундай эмас, — аланглади бемор. — Уч кун аввал кампирнинг туши ҳақида эшитдим, дедим, «Кимдан эшитдингиз?» деб сўрамадингиз. Ўша кеча бугунгидек ёмғир ёлмаган, осмонда юлдузлар бодрокдай эди. Кампир молхона томонда ким биландир гўнғир-гўнғир гаплашаётгани қулоғимга чалинди. Бўсағага судралиб бориб, айвонга қарадим. Аввалига ҳеч ким кўринмади.

— Хўш? Кейин-чи?

— Кўзимнинг бор нурини ишга солдим. Қора шарпани кўрдим. У айвонда ип-ингичка бўлиб, худди хомага ўхшаб турарди. «Ким экан?» деб кўз узмай ётдим, икки қулоғим динг. Кампир ундан: «Чорибой аканг яхшими, Турғунжон?» — деб сўради. Турғунжон бизнинг кенжа ўғил. Акасидан кейин ўлганига ўн йилдан ошган. Кампир эсидан оғдими, десам, йўқ, туппа-тузук гаплашаяпти,

шарпа эса жим тинглапти. Кампир унга тушини сўзлаб бериб, қабристонга нега овқат олиб борганини тушунтирди. Бир пайт шарпа мени кўриб қолгандек безовта қимирлаб қўйди-да, лип этиб кўздан йўқолди. Кампирдан балога қолмай деб тўшагимга судралдим. Кампир ҳам қадамини илдамлатиб, уйга лўкиллаб чопди. Юзини кўрмаган бўлсам ҳам, тасаввур қилдим қаҳрдан қандай тусга кирганини. Жоним борича судралдим, кампир қувиб келаверди. Ўқ илонни ҳам йўлдан қолдирар даражада судралдим...

Бобо даҳшатли воқеани эслаб, енгил титраб, кўзларини юмди.

— Демак, ўз хотинингиздан қўрқибсиз-да? — кулимсиради Шодия.

Беморнинг кўзлари ярқ этиб очилди. Бундай воқеани сўзлаб бергач, одатда нафақат аёл, балки эркак зоти ҳам кулмаслиги керак эди.

— Нега унақа дейсиз, қизим? Агар тўшагимга етиб бориб, ўзимни ухлаганга солиб ётмаганимда, суҳбатни бузганимга айбдор санаб мени бўғиб ўлдирарди. Ҳа, аямасди.

— Нима учун?

— Наҳотки, тушунмаяпсиз? У шунча йилдан бери дийдорига зор раҳматли кенжамиз билан гаплашаётганди.

— Нима учун? — саволини такрорлади Шодия.

— Жигарбандини соғинган, ахир!

— Мен «Кампирингиз нима учун ўз эрини бўғиб ўлдириши мумкин?» деб сўраяпман, бова.

Беморнинг кўзларида ҳайронлик маъноси акс этди. У Шодияни илк марта кўраётгандек, кўрганда ҳам ажабтовур мавжудотга дуч келгандек қаради.

— Асаблари чарчаган... Бизнинг ўғиллар Биласиз, осон эмас.

Шодия энди заҳаролуд кулимсиради.

— Фақат сизларнинг ўғилларингиз вафот этгандек гапираяпсиз. Бошқалар ҳам одам, бошқалар ҳам ота-она.

— Бизнинг кампир...

— Қўйсангиз-чи! Момонинг асаблари бир оз чарчаганга ўхшайди, бу борада тўғри айтгингиз. У кишига қўшилиб сиз ҳам «эсим кирди-чиқди», деган гумондасиз. Тушингиз билан ҳушингизнинг фарқига бормаяпсиз.

— Ишонмасангиз, шу кеча пойланг. Майли, инқилласам ҳам бошимда парвона бўлманг. Барибир ўладиган одамман.

— Агар туш бўлиб чиқмаса ҳам ҳайрон қолмайман. Менимча, айвондаги қора соя ҳеч қанақа марҳум ўғлингиз эмас. У соя.

— Ниманинг сояси?

— Кампирингизнинг.

— Кампирнинг сояси? Ҳим, болохонада якка чироқ ёниб турганди, осмонда ой...

— Гап нимадалигини ҳозир билиб бераман.

Шодия останага бориб, молхона айвонига мўралади. Айвоннинг ичкарасидаги устунлардан бири ҳақиқатан новча одамга ўхшаб кетаркан.

— Ҳаммаси тушунарли, — дея Шодия беморнинг қошига қайтди. — Момо айвон устунни билан гаплашган. Сояси устунга тушиб турган. Ўғлингизнинг арвоҳи келмаган. Келмайди ҳам.

— Гапингиздан хурсанд бўлмадим.

— Чўпчакка ишонсам севинармидингиз?

— Йўқ, гап бунда эмас. Гап кампиримда. У нега устун билан гаплашади? Демак, мендан олдин ўлаяпти, тириклай ўлаяпти.

Ташқарида кавуш тапиллади.

— Жим, келаяпти, — деди бемор.

Хонага кампир кириб, кавушини бир четга ёнма-ён, учларини теппа-тенг қилиб тахлади.

— Эртага ҳаво очилади, — деб тахмондаги кўрпани тортқилади.

— Нима қилаяпсан? — Қодир бобонинг авзойи ўзгарди.

— Нариги хонага жой соламан.

— Кимга?

— Дўхтирга, — ўқрайди кампир. — Кимга деб сўрайсиз-а?

— Балки бу охирги саволимдир. Одамни бунча қийнайсан? Эгарингдан туш энди.

— Охирги саволни мен бераман, — деди кампир.

Шодия унинг кўзлари сезилар-сезилмас ёшланганини кўрди.

* * *

Қодир бобо кечки овқатни — кампири ўчоққа пиширган бешбармоқни иштаҳа билан еди, ялтираган бармоқларини ютоқиб-ютоқиб ялади. Таом Шодияга ҳам ёқди, аммо ётар маҳал кучли овқат ейишларига тушунолмади. Кучли овқат тушки дастурхонга тортилиши керак эмасмиди?

Сездики, ўзи келганидан кейин бемордаги биринчи ўзгариш — кайфияти кўтарилгани, иккинчиси — иштаҳаси очилгани, учинчиси — кампиршо кўрс ҳамширани ҳайдаб солмагани. Шодия ўлимдан олдинги ижобий ўзгаришларни кўравериб кўникиб қолганди. Қодир бобонинг тетикланишида бир сир яширин эди.

Уйқуга ётишдан олдин ювиниб олишни истади. Уйда ҳаммом у ёқда турсин, таҳоратхона ҳам йўқ эди. «Чол-кампир умр бўйи намоз ўқимаган шекилли, нега таҳоратхона қуришмаган?» — ўйлади у, Ҳарҳолда, ўзини овутиди: «Бир кун ювинмасам, жин урмас. Эртагаёқ бу бемаъниликка чек қўяман».

— Бобонинг мазаси қочса, мени чақирасиз, — деди Шодия ўчоқ бошида куймаланиб юрган кампирга.

Кампир миқ этмади.

— Шодия... Қизим... — йўқлади бемор ичкаридан.

Ҳамшира бўсагадан ўтмай, хона тўрига бўй чўзди.

— Лаббай, Қодир бова.

— Аллақачонлардан бери мазам қочган, қизим. Мана, ўлим тўшагида михланиб ётибман. Тўғрисини айтсам, бундан қирқ йил аввал кампир мактабда муаллима бўлган. Ҳали-ҳануз нотўғри гап гапирганларни ёқтирмайди.

— Қизик-ку. Қайси фандан дарс берган?

— Она тили-адабиётдан.

— Ишонмайди одам.

— Уйимизда бегона одам тунамай қўйган, — овозини пасайтирди бемор. — Сизнинг оқ халатингиз учун ҳам индаёлмади. Асрор билади, ҳаммасини тушунади. Бекорга оқ халатли ҳамширани юборармиди?

— Оқ халатли ҳамширани сиз чақирмаганмисиз?

— Асрор юбормаса, чақирсам келармиди?

— Оббо, бова-ей! Гапни ҳам оласиз-да.

Ёмғир тинган, сокин тун эди. Шодия анча кундан бери ҳаловат билмаган бошини алленечук намиққан, ҳидланган, юмшоқ ва оромбахш ёстиққа ташлаб донг қотиб ухлаб қолди. «Ишонмасангиз, шу кеча пойланг», деганди Қодир бобо. Пойлаш ҳаёлига ҳам келмади. Бу ерга бемор учун юборишган, унинг кампирини пойлашга эмас.

Тонг-саҳарда туёқларнинг дупур-дупури, қўй-эчкиларнинг маърашидан кўзини очди. Афтидан кўрғон яқинидан отлиқ чўпонлар сурув ҳайдаб ўтишмоқда эди. Шодия эгнига кўйлак, жемфер, устидан оқ халат ташлаб, ҳовлига чиқди. Эрта баҳор, тоғ ҳавоси салқин эди.

— Подангни ҳайдама бу ердан! — шанғиллади кампир кўрғон эшиги олдида.

— Нимага? — бўз йигитнинг дўрилган овози эшитилди.

— Йўл қуриб кетганми? Доим «нимага» дейсан. Нимага бўларди, ўтманглар уйимнинг атрофидан.

Шодия деворнинг ўпирилган жойига бориб, бўй чўзган эди, отлиқ йигитчаларни кўрди. Бири отига қамчи босиб, сал нарига боргач:

— Ҳайда, Отамурод! Ўрлашма у билан! — деб хитоб қилди. — Чорининг беҳосият уйига яқинлашма, демаганмидим?! Бир касри уради!

— Хе, ўл, жулдурвоқининг авлоди! — қарғади кампир ва эшикни ёпиб, илгагини илди.

— Қарғаш шартми? — деди Шодия қўлларини чалиштириб.

— Аввал бетингни юв, — жеркиб берди кампир. — Бизда бетини ювмай, ўзидан каттага ақл ўргатганларни ҳеч ким ёқтирмайди. Аёл бошинг билан салом беришни ҳам билмайсан.

— Яхши эслатдингиз. Бугун қўлбола ҳаммом қурамиз.

— Нима қурасан? — Кампирнинг юзидаги сон-саноқсиз ажинлар буришди.

— Бўш хоналар кўп экан. Биттасига ошхонадаги печкани ўтказсак, эшик дераза тирқишларини бекитсак, деворларга клёнка қопласак, ерга тахта тўшасак, печка устига тош тўлдирилган тоғора қўйсак, ҳаммом тайёр.

— Керакмас! — Кампир қўлини асабий силтаб, молхона томон юрди. — Бошимни оғритаёпсан. Сени касал қарашга опкелдими, мени ейишга?

— Касал одам ювиниши шарт, момо. Ҳар замонда бўлса ҳам. Соғ одам эса ҳар куни ювиниши шарт. Уйингизда бир ҳафта тураман, хабарингиз бордир?

— Билмайман.

— Бовамни шу бир ҳафтанинг ичида даволашим керак. Кўрдингизми, кеча иштаҳаси очилди?

— Дарди бедавога кучинг етмайди. Мени умидвор қилгандан кўра, тириклай ерга кўм.

Кампир жон-жаҳди билан емиш таший бошлади. У кампир либосини кийган шаддот, аламзада қизчани эслатарди. «Аёллар ҳамма нарсага кўниб яшайди, деб ўйлайдилар, — деди Шодия ичида. — Уларга ҳам руҳшунос керак. Қиз ота-онасининг раъйига қараб индамай турмушга чиқиб кетаверади, эри дўппосласа ҳам барча азобларга чидайди, ҳомиладор ҳолида ҳам рўзғор ишларини аввалгидек бажаради, инқилламай-синқилламай бола туғаверади, оналик шунчаки табиий

зарурат, ҳатто чўпонликдан ҳам осон иш. Буларнинг атрофидаги одамлар шунақа фикрлашади. Бир нима десанг, ота-боболарининг матонатини пеш қилишади. У ҳолда асаблари таранг момо қаёқдан пайдо бўлди? Яқин ўтмиш меваси эмасми? Матонатнинг чегараси бор. Қурбонлари ҳам йўқ эмас. Қизиғи, қурбонларга ҳеч ким қайишмайди. Аксинча, юз ўгиришади, гийбат қилишади, муштдеккинаси ҳам гап қайтаради...»

Ўша куни Шодия қўл бола ҳаммом куришга киришди.

— Қоч! Тегма нарсаларимга! — ғазабдан кўкарди кампир.

— Сизга эмас, касалга, — дея Шодия ишидан тўхтамади.

— Буғли ҳаммомсиз енгил тортмайди.

Тушликни ҳам ўзи тайёрлади. Қоронғи, намчил қазноқда озиқ-овқат ғамламаси мўлгина эди. «Бир кунлик умринг қолса ҳам озода яша, бир кунлик умринг қолса ҳам яхшилик қил», дерди Шодия ўзига-ўзи. Асаб торлари таранг тортилиб, кўнглига қил сигмаётган бўлса ҳам ўз қоидаларидан чекинмасди. Гоҳида яхшиликни ҳам жаҳл устида қилаётгандек кўринарди. Вужуди бошқа эди, қалби бошқа.

— Кампир қани? — сўради шифтга термулиб ётган Қодир бобо.

— Кўрғонингизнинг хоналари ҳам кўп экан, — дастурхон ёзди Шодия. — Кўк эшикка кириб, тамбалаб олди.

— Майли, кейинроқ чиқиб ер. Бечора роса қийналаяпти. Ҳали мен учун ҳам куйиши керак.

— Тақдирга тан бериб, тавба қилса бўларди.

— Қанақасига?

— Сиз ҳам қизиқсиз-да, бова. Тақдирга тан бериш — бошига тушган кўргиликларга кўниш дегани. Кўрғонда камалиб ўтириш тақдирга тан бериш эмас. Момо ҳозир тақдирга қарши исён кўтараяпти. Хойнаҳой, «Нега ҳаётим бунча аччиқ?», «Нима учун айнан менинг ўғилларим ўлди?», «Одамлар бемехр, бирортасида ҳам инсоф йўқ», деб ич-этини еб юрибди.

— Гийбатни йиғиштир! — деган овоз эшитилди.

Шодия ҳам, Қодир бобо ҳам сесканиб тушдилар. Бўсагада кампир мункайиб турарди. Кўзлари йиғидан қизарган, ғам-аламдан қадди кечагидан-да букилган эди.

— Картошка қовурдим, келинг, — дастурхонга манзират қилди Шодия.

— Емайман, ўзинг еявер, — зарда билан жавоб берди кампир.

— Қирқ йил аввал адабиётдан дарс берган экансиз...

— Менга қара, сен бовайни даволашга келдингми, мени адоий тамом қилишгами?

— Шу саволни кўп бердингиз-да, момо. Бундоқ олиб қараганда, иккиси ҳам эмас. Чолингизни энг машҳур профессорлар ҳам даволаёлмаган. Бу — бир. Иккинчиси, сизнинг душманингиз эмасман. Аксинча, сиз ҳаммага душмансиз.

— Ҳаммага? — ранг-туси ўчди кампирнинг. — Менинг ҳаётимни биласанми, ўзи? Эгнингдаги оқ халатинг учун индамаяпман. Бўлмаса... — Кампир каравотига ўтириб, чолига қаради. — Фойдаси тегаяптими бунинг? Врач, врач дедингиз, тили бир қарич ажинани юборишибди-ку.

Шодия мийиғида кулиб, картошкага санчқи санчди.

— Ҳарҳолда, сизга ўхшаб ўз қобиғимга ўралиб олганим йўқ, моможон, — деди лунжини тўлдириб овқат чайнарган. — Ҳурматсизлик ҳам қилмаяпман. Сиз кимсиз? Тақдирга аччиқма-аччиқ иш тутадиган қайсар хотин. Наҳотки, собиқ адабиёт муаллимаси чуқурроқ ўйлаб кўрмаса? Дунёнинг олдида сиз кум заррасидан ҳам кичиксиз. Баттар кичрайишингиздан мақсад нима? Қуёшдек порламайсизми? Қўпол бўлса ҳам айтай. Тарих олдида сиз ҳеч кимсиз. Болохонангизнинг вайронаси орасида яшайдиган кўнғиздек ҳам эмассиз. Бунча кибр, бунча алам қаердан? Ўзбек аёлисиз. Уялмайсизми?

— Сенга гапириб мен тентак.

— Обида, бу ҳам сен билан менга ўхшаб фарзанд доғида

куйган аёл, — бошини ёстикдан кўтарди Қодир бобо. — Сен тентакмисан, менми, билмадиму аммо у тентак эмас.

— Тарафини олмай қўя қолинг, — кампир бош эгган эди, шундоқ ҳам эгик вужуди икки букланди. Шодиянинг раҳми келди, лекин ҳеч ким юпатолмаган, йўлга сололмаган бу кампир билан мурасозлик ҳам қилиб бўлмасди.

— Ўлимим олдидан шу бегона жувоннинг тарафини оламанми? — ўксиди Қодир бобо ҳам. — Фақат айтмоқчиманки, бунинг ҳам боласи... Хуллас, оиласи йўқ. Эри ҳам, болалари ҳам ўлган.

Ҳиқ-ҳиқ йиғлаётган кампирнинг елкаси силкинишдан тўхтади.

— Икки ўғли, эри... Сен эса эринг тирик бўла туриб, шунча ғавғо кўтарсан, — шифтга алам-ла тикилди бемор.

— Тўрт мучаси соғ, — пиёласига чой қуйди Шодия. — Кўлсиз, оёқсиз мажруҳ бўлиб қолганида ҳоли нима кечарди?

— Менинг болаларим чақалоқ эмасди, — минғирлади кампир.

— Каттам тўққиз ёшда, кенжам еттида эди, — чой ҳўплади Шодия.

— Ногирон эмасди...

— Ким айтди менинг фарзандларимни ногирон деб? Нима, ногирон болани тарбиялаётган она «Болам қийналиб яшагандан кўра ўлгани афзал», дейдими? Фикрингизча, шунинг учун сиздек куймаяпманми? — Шодия пиёлани шундай сикдики, бармоқлари оқариб кетди. — Улар дунёдаги энг яхши, энг соғлом, энг ширин болалар эди.

— Шу аёл мени даволайдими, ўламанми, битта нарсадан армоним бўлмайди, — деди Қодир бобо. — Бошимда иродали аёл ўтиради. Унинг қўлида жон берсам, кўзим очиқ кетмайди. Мен... мен...ношукрликдан чарчаганман, Обида... Мендан рози бўл...

— Сиздан кейин яшаганим — ўлганим, — кўз ёшларини артди кампир.

— Шу уйда ҳозир уч кишимиз, — пиёлани қўйиб, қўлларини кўтарди Шодия. — Келинлар, битта нарсага келишиб оламиз. Шу ҳафта учаламизнинг ҳам умримиздаги сўнгги ҳафта деб ҳисоблаймиз. Битта бовам эмас, сиз ҳам, Обида момо, мен ҳам — учаламиз ҳам ўлим тўшагида ётибмиз, деб тасаввур қиламиз.

— Сизлар юроласизлар-ку, — ингради бемор.

— Хўп, ҳар ким қўлидан келган ишни қилади. Сиз — Қодир бова, тўшагингизда ётасиз. Сиз — Обида момо, рўзғорингизни юритаверасиз. Мен бовамни даволашга уринаман. Бошидан очиқ гаплашаяпмиз, ростини айтай, бовани даволаб бўлмайди. Момо, сиз ҳам анча чарчаб, соғлигингизни йўқотгансиз. Мен бир нарсани сир тутиб юргандим. Гап келди, айтай, саратонман. Шу ҳафта ўлмаслигим мумкиндир, аммо минг йил яшамайман.

— У... Асрор... биладими? — қошлари чимирилди беморнинг.

— Сир дедим-ку.

— Ҳа, ҳеч биримиз қолмаймиз бу алдамчи дунёда, — каравотдан тушган кампир кўрпачага чўкиб, хонтахтага тирсаклари билан осилиб ўтирди. — Чойингдан қуй. Кўк чойми?

Шодия пиёла тагидаги сувни бир четга сепиб, деди:

— Олдин бир нарсани аниқлаб оламиз.

— Нимани аниқлайсан?

— Ўлимдан кейин ўзимизни қандай тутишимизни.

— Ўзингни қандай тутишинг сенга боғлиқ эмас. Ё аввал ўлиб кўрганмисан?

— Тушунмадингиз. Ўлган одам ўзини қандай тутиши керак, демадим. Гап ўлмаган одам ҳақида.

— Ким олдин кетиши маълум, — мингиллади кампир.

— Ҳақиқатан ҳам ғалати экансиз, — жўрттага ёқа ушлади Шодия. — Ким олдин кетишини Худодан бошқа ҳеч ким билмайди.

— Отинойилик қилма.

— Отинойилик эмас бу... — Инқиллаб гап қўшди Қодир бобо. — Ҳамшира тўғри гапираяпти.

Кампир ўлим хусусидаги гапини шивирлаб айтган бўлса-да, жон талашиб ётган чоли эшитганидан хижолат чекиб, Шодиядан чой сўраб, тезлади:

— Бера қолсанг-чи! Бир соат қўлингда ушлаб турасанми? — Кейин қуруқшаган лаблари билан иссиқ чойнинг совиган юзасидан озгина ҳўриллатиб тортди-да, култ этиб ютди. — Болаларингга нима бўлган?

— Каттасини тўйга олиб борганман, узоқдаги қариндошимизникига. Ҳовлиснинг дарвозаси тагидан катта йўл ўтган... — Шодия пастки лабини тишлади. — Меэбон болалар билан кўчага ўйнаб чиққанида, машина уриб юборган.

— Менинг Чорибойимни ҳам машина уриб кетган, — деди кампир. — У ҳам тўйга борган. Минг лаънат бўлсин ҳайдовчига!

— Умр бўйи лаънатлаб ўтасанми? — кўзларини чақчайтирди Қодир бобо. — Қачон тақдирга тан берасан? Чорибой маст бўлган, йўлнинг ўртасига бирдан чиққан. Ҳайдовчи бечорада нима айб?

— Аёллар гаплашаётганида сиз аралашманг, — қўл силтади кампир.

— Менинг жажжи ўғлимни уриб юборган ҳайдовчи маст эди, — деди Шодия.

— Кичигингга нима бўлган? — тумшайди кампир.

— Кичигим касалликка чалинди. Жарроҳлик хонасидан чиқмади. У «Мен наркоздан ўйғонганимдан кейин велосипед олиб келасизми?» деганди. Бу — бечора боламнинг охириги саволи эди. Кеча сизлар ким охириги

саволни бериши ҳақида тортишганларингизда митти фариштамни эсладим. Кечирасизлар-у, сиз — икковингиз фариштадек эмассиз.

— Тавба... — Энсасини қотирди кампир.

— Оғир бўлса ҳам айтаман. Ўғилларингиз ароқ ичган, кўп жанжаллашган, хотинларига зуғум ўтказган. Яхши отанинг боласи ичмайди, жанжалкашлик қилмайди, яхши онанинг боласи эса ўз хотинига мушт кўтармайди, аёл зотининг қадрига етади. Нотўғри гапириб, кўнгилларингизни оғритган бўлсам, яна бир марта узр. Мен шунақаман. Қўпол аёлман.

— Қўпол эмас, фаросатсиз экансан, — кампирнинг боши асабий лиқиллади. — Ўғилларимни танимасдинг, билмасдинг. Улар ҳақида ўзингча ҳар хил гапларни гапириб ётибсан. «Бола бўлса шўх бўлсин, шўх бўлмаса йўқ бўлсин» — деган мақолни эшитганмисан? Улар ёшлигида шўх болалар эди. Нима ёмонликка ўрганган бўлса, одамлар ўргатди.

— Бизнинг кенжамиз ҳам тигдан ўлган, — юзини девор томон бурди чол.

— Шўх бўлмаса, йўқ бўлсин, дейсиз-да, момо, — бош эгди Шодия. — Аллоҳ раҳматига олсин. Ҳеч ким фарзанд доғини кўрмасин.

— Ҳамма ўзича ақли, — деди кампир.

— Уришманглар, уҳ-ху, уҳ-ху, — йўталди чол.

— Икки бағри куюк аёл нега уришамиз? — елка қисди Шодия. — Қолаверса, момом онам қатори. Биз бир-биримизни тушуна бошладик. Тўғрим, момо?

— Ҳе, ўлсин... — дея кампир бурчакка аламли кўз тикиб, бешиктебратардек тебрланди.

Бир нафаслик жимлик чўкди. Кечаги рутубатли дамлардан сўнг чарақлаган қуёшдан баҳраманд бўлган қушлар ўрик шохларида чуғурлашарди. Тушлик ҳам тугади. Шодия идиш-товоқларни ювди, ҳовлини супуриб-сидирди. Кампир тўнғиллаб у ёққа ўтди-бу ёққа ўтди,

Шодия юмушдан тўхтамади. Ҳатто, ҳашарчилар қиладиган ишлар рўйхатини ҳам тузиб чиқди: томни тиклаш, деворларга гишт териш, сувоқ, айвоннинг чириган устунларини алмаштириш. Бундан ташқари, сичқонларга ва бургаларга қарши дори сепиш, эски кўрпа тўшакларни офтобга ёйиб, айримларининг авра-астарини алмаштириш. Кўрғон аҳлига ҳам, қишлоқ аҳлига ҳам бор-йўғи ғайрат ва меҳр-оқибат етишмас эди. Агар чиндан исталса, ғайрат ва меҳр-оқибат ҳар бир инсонда топиларди.

— Унга велосипед олиб берганмисан? — сўради кампир каравотига ҳорғин ўтираркан.

— Кенжамгами? — ҳорғин нигоҳ ташлади Шодия. — Тирик эмаслигини айтдим-ку.

— Охирги илтимосини бажармадингми, бағритош?

— Наҳотки, мен марҳумларга велосипед олиб берадиган аёлга ўхшасам?

— Юрагинг, жигаринг, буйрагинг, ичак-чавоқларинг ҳам тошдан ясалган экан, — лабларини чўччайтирди кампир.

— Мен бир муслима аёлман, холос, — деди Шодия. — Тақдирга кўниб, умр йўлимдан қандай бўлса, шундай кетаяпман. Ўлган инсонга велосипед ёрдам беради, деб ўйлайсизми?

— Нега энди унақа деб ўйларканман? Нима, мени жиннига чиқармоқчимисан? Одам деганда юрак-бовур бўлади.

— Сиз шундай қилармидингиз?

— Қилардим. Сенга ўхшаган эмасман.

— Нима учун? — Шодиянинг қошлари чимирилди.

— Нима учун дейди-я? Сен ҳам онамисан ўзи? Юрагинг боланг учун жиз этадими?

— Жиз этиш ҳам гапми? Куйиб, жизғанакка айланган.

— Билмадим. Сени ҳеч тушунмаяпман. Ўғлингга атаб битта велосипед олиб қўйсанг, бирор жойинг камайдими? Васиятга ўхшаш гап гапириб кетибди шўрликкина.

— Балки тириклар учун нимадир қилган маъқулмикан?
— деди Шодия.

Бемор сув сўради. Шодия идишга қўл чўзганди, кампир каравотдан чаққон тушди-да, ўзи пиёла тутди.

— Эринг нимадан ўлган? — деди бир оздан сўнг.

— Касал эканини турмушга чиқмасимдан аввал билардим, — беморнинг томир уришини текширди Шодия. — Тузалиб кетишига умид бор эди, соғаярди ҳам. Мусибатлар еди. Ва кунларнинг бирида ташлади-кетди.

— Бизнинг чолга ўхшаб кўп ётдими?

— Ҳа, ўлим тўшагида узоқ яшади. Биласизми, у киши нима қилган?

— Нима? — ҳайронлигини яширмади кампир.

— Худога шукрона айтарди.

— Бахтсиз бўлса ҳам-а?

Шодия енгил уҳ тортиб, кампирга норизо боқди.

— Эрим бу дунёда бирор ножўя иш қилиб қўйса, марҳумларга касри уришидан ҳадиксирарди. Оз бўлса ҳам, дунёда яшаганига, шу нарсалар тақдирига раво кўрилганига шукр қиларди. Эримнинг дунёқарашидек кенг, тўкис фикрли инсонни ҳеч қаерда учратмаганман. Айрим эркаклар хотинлардек нолиб юрганини кўрсам, уларга ачинаман. Ҳаёт осон эмас. Биз ҳеч қачон сунъий ҳаётни вужудга келтиролмаймиз. Сиз бирор жойга юборилсангиз, ўша ерда фақат ўз ташвишингиздан бошқасини билмасангиз, айтинг, ким деган одам бўласиз?

— Мени ҳеч ким ҳеч қаерга юборолмайди, — кесиб гапирди кампир. — Шу уйимдан ҳеч қаёққа чиқмайман. Касалхонага ётинг, асабингиз чарчабди, дейишди. Ўлсам ўламан, лекин фарзандларимнинг жойини бир кунга ҳам ташлаб кетмайман.

— Сиз аллақачон ёруғ дунёга юборилгансиз, — деди Шодия.

— Момонгга роса ақл ўргатдинг-да. Ўлганларнинг қайғусидан бошқасини билмайдиганлардан экансанлар-у, яна бошқача гап гапирасан.

— Ҳамма гап шунда-да, — Шодия беморнинг юрагига фонендоскоп тутди. — Ўлганнинг қайғуси билан тирикнинг қайғуси бошқа-бошқа. Чолингиз ҳаёт. Ўғилларингиздан қолган неваралар бор. Нега сиз ўлганлар қайғуси билан тирикларникини қарама-қарши қўйиб яшаяпсиз? Чолингизга меҳр беринг, келинларга, невараларга бағрингизни очинг. Қишлоқ одамларига ҳам озроқ ён босинг, шунда улар ўзлари атрофингизда парвона бўлишади. Халқ кексаларнинг ҳурматини жойига қўяди.

— Мен шунақаман. Нима дейсан?

— Ким ўлса, меҳрингиз ошади. Фалати фалсафа.

— Сенинг тилингдек заҳар тил бўлмаса керак дунёда.

— Айтдим-ку қўполман, деб. Аммо ҳеч кимга ўлим тиламайман. Шифохонага мени қайтариб олиб кетишгунча чидайсиз.

— Вой-вой-ей, жанжални бас қилсаларинг-чи, — ялинди бемор. — Умримнинг охирида бу нима кўргилик?

— Касаллик варақаларингиз қани? — сўради Шодия ундан.

— Асрорда.

Шодия беморнинг елкасидан тутиб, яна бир ёстиқ қўймоқчи эди, кампир ҳам қайишди.

— Бовай одамга кўп тирғалаверма, — зарда қилди у.

Чехраси хиёл очилган бемор қалтироқ қўлларини чўзиб, чой сўради.

— Кечқурун ҳаммомда ювинтирасиз, — Шодия ўз ўрнига ўтирди. — Бовамга ҳаммом жуда зарур. Бу — тиббиётнинг буйруғи, меники эмас.

— Шамоллатиб қўйсам, ўзинг жавобгарсан, — деди кампир чолига нон ушатаркан.

— Хайрият-э, — кулимсиради Шодия. — Кеча

беморнинг хонасига бизни бошлаш қолиб, бузоқнинг ташвишини афзал кўрганингиздан ҳайратланиб, сизни бемехрга чиқаргандим. Юрагингизда меҳр бор экан-ку.

Кутилмаганда кампир ҳиқиллаб йиғлаб юборди. Узун енглари билан кўзларини артаркан, деди:

— Тугаса тугай қолсин шу кунлар... Чарчадим...

— Менга ўлим сўраяпсанми? — кавшанишдан тўхтади бемор.

— Э, овқатингизни есангиз-чи! — терс бурилиб ўтирди кампир. — Сиздан олдин паттам кўлимга тегсин, илойим.

Шодия жилмайди.

— Учаламиз ҳам ўлим тўшагида эканимизни унутмайлик, — деди у. — Одатда икки дунё оралиғидаги инсонлар жанжаллашмайдилар.

* * *

Қодир бобо ҳаммомдан пардек енгил тортиб чиққач, озода тўшакда кўзларини ҳузурли юмиб, Шодияга ҳам, кампирига ҳам раҳмат айтди.

— Икки дардкаш аёл сўнгги кунларимда парвона... — деди-ю қолганини гапиролмади.

— Майли, ухлай қолинг, — Шодия чойшабнинг бурмасини текислади.

Кампир молхона ва қўйхона эшитини тамбалаб, ошхонага кирди-да, пахтадан йигирилган ипдан кесиб, бўктириб ёғлади. Пиёлани тўнтариб, орқасига кулча илондек жойлаштирди. Бир учини эзгилаб, дикрайтирди. Шодия очиқ эшикда тўхтаганида, кампирнинг қовоғи янада уюлди.

— Нима қилаяпсиз?

Кампир гугурт чақиб, ипнинг учига тутди.

— Кўрмаяпсанми, чироқ ёқаяпман.

— Марҳумларгами?

— Бўлмаса, кимга.

— Хўп, арвоҳлар чироқ билан ўйнашишга келди ҳам дейлик. Сиздан хурсанд бўладими? Отасидан-чи? Туғилиб-ўсган гўшаларининг вайронасини, болачақаларининг бировларникида сарсон юганини, отонаси одамлардан узилиб қолганини кўриш айтишга осон. Уй-жойларингиз тугул, кўнгилларингиз ҳам харобага айланган. Маслаҳатим, чироқ ёқманг, чақирманг уларни.

— Бор, ёт. Ишинг бўлмасин.

— Биз ҳаммамиз ўлим тўшағидамиз, деб келишганмиз, момо. Ўлим тўшағидаги одам чироқ ёқиб, ирим-сирим қилмайди.

— Э, нима қил дейсан унда? Ўлим тўшағи, бало, гўр, ер!

— Жаҳл отига минадиган аҳволда эмассиз. Эртага келинларингизга одам юборамиз. Невараларингиз ҳам соғинган сизларни.

— Ўн йилдан ошди. Келинларим эрга тегиб кетган.

— Нега бунни аччиқланиб гапираяпсиз? Турмушга чиқишган бўлишса, чиқишгандир. Менда ўша ҳам йўқ-ку.

— Хоҳласанг, сен ҳам эрга тег, — ўқрайди кампир.

— Менда ўшанақа келинлар ҳам, неваралар ҳам йўқ, деяпман, момо. Ҳеч кимим қолмаган. Сиз эса...

Шодия хонасига жўнади. Кампир липиллаётган чироққа хомуш термулиб қолди. Аллақаерда қурбақалар қуриллади. Ажиб сўлим тун чўккан эди.

Эрталаб ҳеч ким «Подангни ҳайдама бу ердан» деб шанғилламади. Туёқлар дупури, сигирларнинг мўнграши, қўйларнинг маъраши девор орқасидан беш-ўн дақиқа тинмади. Шодия хонасидан чиқиб, айвон четида хаёл суриб ўтирган кампирга кўзи тушди. Юз-қўлини ювиб, салом берди.

— Валайкум ассалом. — Кампир унга маъносиз қараб қўйди.

Шодия бир нима деса керак, деб кутди, аммо кампир ўй-хаёлларидан бўшамеди. Кечгача шу алфозда ўтирди. На юмушининг тайини бўлди, на овқатининг.

— Бу ёққа кел... Ҳой, сенга айтаяпман.... — зорланди Қодир бобо.

— Момо, сизни бовам чақираяпти, — ичкарига имлади Шодия,

Учаласи дастурхона атрофида унсиз ўтириб, қайнатма шўрва ичдилар.

— Нега бугун хафасан? — сўради чол.

— Қачон хурсанд кўргансиз? — уҳ тортди кампир.

— Йилма-йил, ойма-ой эслаб қолмаганман-у, лекин сен аввал бунақа хотин эмасдинг. Шодия айтди, эртага невараларни чақиртирамиз.

— Менга барибир... — минғирлади кампир.— Ўладиган одамман... Ҳеч нарсаси керакмас...Ҳеч нима қизиқтирмайди...

— Бу... Ҳамшира қизимиз ўйлаб топган «Ўлим тўшаги» ўйинини қойиллатиб ўйнаяпсан, — қувлик билан кўзини қисди Қодир бобо.

— Мен ўйин ўйнамаяпман, — ялт этиб қаради кампир.
— Шу ўтиришим — чиним.

— Қизиқ аёлсан-да, Обида, қачон аламинг совийди?

— Совимайди.

— Мени севмай қўйдингми?

— Нима?

— Эшитганинг, хух-хух-ху-у... — кулди чол.

Шу кун кўрғонда кўзга кўринмас хушчақчақлик кезиб юрди. Шодия ҳам шод эди, Қодир бобо ҳам. Ҳатто, кампирнинг ҳам юрагидаги тугунлардан биттаси ечилиб, қушларни ҳайдади:

— Жўнанглар! Битта сизлар қолувдиларинг Обида кампирнинг бошини оғритмаган!

Кейинги кун Шодия қишлоққа бориб, оқсоқолга учрашди. Оқсоқол ўз мансабига мос равишда оппоқ

соқолли, бардам-бақувват чол экан. У оқ халатли аёлни кўргандаёқ уйма-уй юриб норасидаларга укол қиладиган ҳамшира келибди, деб тусмоллади.

Шодия ўзини таништириб, муаммони кўндаланг қўйгач, оқсоқол:

— Қодирнинг кампири ҳеч кимни яқинлаштирмаса, бизда нима айб? — деди. — Болалар унга «Жодугар момо» деб от қўйиб олишган. Жодугардан ҳам баттар бўлиб кетаяпти. Одам иси ёқмайди.

— У ҳолда нега қишлоқ номи Учмозор?

— Кечирасиз, қизим, қишлоқ номининг Жодугарга... э, узр, Обида кампирга нима алоқаси бор?

Шодия мийиғида кулди.

— Ҳар бир нарсанинг ўз оти бўлади, оқсоқол бова. Обида момо аслида сизлар ўйлаган аёл эмас, қишлоқ номи ҳам мазор билан боғлиқмас. Эгнимдаги оқ халатли кийсам шифокор, киймасам уй бекаси бўлиб қолмайман-ку.

— Гапингизга тушунмадим?

— Ялмоғиз деган билан одам ялмоғиз бўлиб қолмайди.

— Келинлари Чорибой билан Турғун ҳаёт пайтлариёқ кетиб қолишган. Икки ўғил нафақат ота-онасию болачақасининг, балки Учмозор қишлоғидан тортиб, бутун тумандагиларни безор қилган. Улар ўлди, одамлар қутулди. Ҳаммасига онаси сабабчи. Ота ювош, гапи ўтмайди. Она эркалатди, муштдеклигидан худбин қилиб тарбиялади. Урганни ур, сўкканни сўк, ҳеч кимга ҳақингни берма, деди. Биринчи марта ичганда ҳам индамади, биринчи марта ўғирлик қилишганида, «Болаларим қамалмасин», деб милицияма-милиция пул кўтариб чопди. Айб милицияда эмас, онги бузилган фарзандларида эканига ақли етмади.

— Момо ҳозир ўзгарган. Қодир бобо вафот этмаслигини хоҳлаяпти. Шундай хоҳлаяптики, вақт орқага қайтса, фарзандларини қорнидалигидаёқ тарбиялашга тайёр. Бахт нималигини сиз билан биздан яхши тушунади.

— Вақт орқага қайтмайди, — деди оқсоқол.

— Шунинг учун ҳам чол-камбирнинг тириклигида невараларини чақиртиринг, ҳашар уюштириб, уларнинг кўрғонини эпакага келтириб беринг. Очигини айтсам, ҳамширалигимнинг фойдаси йўқ. Мени ўлимни тушунмайдиган одамлар фожиаси таъсирлантираяпти.

Эртасига қишлоқ аҳли ҳашарга чиқди. Подачи сигирларини боқишга, чўпон қўйларини сурувга қўшишга рози бўлди. Ўн икки-ўн уч ёшлардаги неваралар аввал кўрқа-писа ўтиришган бўлишса, камбирнинг кўз ёшларидан сўнг ҳадиклари тарқади.

— Болаларимнинг чироқлари, — ҳар бирининг пешонасидан ўпди камбир.

— Буниси Чорибойнинг ўзи, буниси Турғунжоним, — йиғлади Қодир бобо ҳам.

Неваралар оталарига тортмаган экан. Дарров энг шимариб ишга киришиб кетишди. Еттинчи куни кўрғонни ҳам, кўрғон аҳлини ҳам таниб бўлмасди. Бироқ ўлим шарпаси ҳамон Қодир бобонинг бошида ўтиргандек, ҳадемай жон таслим қиладигандек эди. Асрор Суюнов келгач, беморнинг томир уришини текшириб, Шодияни чақирди.

— Сизни касалга қараш учун опкелдимми ё муҳитни даволашгами? — деди аччиқланиб. — Нега ҳеч қандай чора кўрмадингиз? Бобонинг аҳволи бутунлай бошқача-ку.

— Ўзингиз даволаб бўлмайди, дегансиз, — Шодия чуқур хўрсинди. — Текшириб кўрсам, отдек соғлом. Тушунмаяпман, бу ерда қандайдир бошқа гап бор, шекилли?

— Эшикни ёпинглар, — деди бемор. — Васијатимни айтиб бўлгунимча, ҳеч ким кирмасин.

Учаласи қолишди: Қодир бобо, Асрор Суюнов ва Шодия.

— Энди тураверсам ҳам бўлар, — деди Қодир бобо ўнг қўлига таяниб. — Ё бисмилло... — Бемор оёққа туриб, оқ яктаги устидан чопонини кийди. — Ётавериб зерикиб кетдим. Ўлим тўшаги ҳам қурсин.

Шодия дам Қодир бобога, дам Асрор Суюновга боқаркан:

— Бу нима томоша? — деди бир қоши кутарилиб. — Сиз касал эмасмисиз, бова?

— Худо сақласин, — Қодир бобо илжайди. — Касал аслида кампирим эди. Уни сиздан бошқа ким ҳам даволай оларди, Шодия қизим. Сизга раҳмат! Катта раҳмат! Биздан хафа бўлманг. Шу чорани ҳам бир қўллаб кўрайлик-чи, дедик.

— Раҳмат сизга, Шодия, — қўл узатди Асрор Суюнов. — Ўлим тўшагидаги кампирни ҳаётга қайтардингиз. Чеча шифохонада даволанишни истамади. Оқ халатни кўрганда ҳайиқади, ҳурмат қилади, аммо асабларини даволатишга ҳеч кўнмади кўнмади-да. Бироз ҳийла ишлатганимиз учун хафа бўлмайсиз. Сизнинг ҳаётингиздан фойдаланиш бизга ҳам осон кечмади, ўзини ўлаётгандек кўрсатиш тоғага ҳам енгил бўлмади. Тоға актёр эмас-ку, ахир.

— Аммо қизим... Саратонман дегандингиз, ёлғонми ишқилиб? — Қодир бобо жиддий тортди.

— Буржим саратон, — деди Шодия.

Учаласи бир-бирига қараб, кулиб юборишди. Ҳаёт давом этарди.

ЙИГИРМА ЙИЛ АВВАЛГИ ХИЁНАТ

Эрталаб прокуратура биносининг иккинчи қаватида жиноятчини келтиришларини кутиб ўтирардим. У тўйдан маст бўлиб қайтган. Ярим кечаси уйғонса, ёлғиз ётибди. «Ароқ ҳидига чидолмаган хотиним нариги хонада ухлабди-да», деб ўйлаган. Ичи куйиб, чойнакнинг жўмрагидан чой симираётганида, ногаҳон аёл кулгиси қулоғига чалинган. Соатга қараган: 00:10. Алламаҳалда хотини ким билан қиқирлашаяпти?

Қия очиқ эшигидан мўралаган. Чироқ ўчиқ. Айфон экранчасининг шуъласи хотинининг илжайган юзини ёритиб турибди. Дам-бадам алланимани ёзади, яна кулади. Хотини телефон орқали интернетга кирарди, аммо кундузигина рухсат бор эди. Шунда ҳам ижтимоий тармоқдаги «дўст»лари сафи фақат аёллардан иборат бўлиши шарт. Ҳар қандай бегона шахснинг адашган мактуби учун ҳам калласи билан жавоб беради. Энди эса ярим кечаси уйқудан кечиб, бошқа хонада ким биландир хат ёзишаётган экан, иш чатоқ. Ярим кечаси яна кимнинг аёли бедор? Ёки у бирор қиз-жувон номидан интернетга кирган эркакмикан?

Шундай қилиб, эр-хотин жанжаллашиб қолади. Тиббий экспертларнинг аниқлашича, марҳума бош қисмидан ҳалокатли зарба еган. Унинг дўппосланганини мен якшанба куни кўчада тасодифан эшитдим. «Бойтепадаги опамнинг қўшниси битта телефон учун хотинининг дабдаласини чиқариб урибди, ҳозир балнисада оғир эмиш»,— деди кўчамиздаги келин маҳалла хотинларига.

Йўлак охиридаги қўл ювиш хонасидан қайтсам, қотилни келтиришган экан. Сочларига оқ оралаган, озгин, бир оз довдир, бир оз тажанг йигит ўтирарди

қаршимда. Бойтепа қишлоғи болалари бошқа мактабда ўқийди, шунинг учун уни мактаб йўлида ҳам, бошқа ерда ҳам учратмаганман. Папкага кўз ташладим: мендан тўрт ёш кичик. Иси Назар. Уйланганига уч йил бўлган. Фарзанди йўқ. Марҳум хотини йигирма икки ёшда эди.

Ўз фаолиятимда таниш-билишчиликка йўл қўймасдим. Шу сабабдан бўлса керак, маҳбус:

— Ака, мени танидингизми? — деганида, кўзойнагим устидан жаҳл билан тикилдим.

— Бу билан «Қўшни қишлоғингизданман, ёрдам беринг», демоқчимисиз?

— Ҳа, бир вақтлар қишлоғингизда яшардик. Биринчи синфга чиқишимдан сал аввал кўчиб кетганмиз. Олти ёшда эдим. Эслайсизми? Мен Назарман.

— Ўтмишингиз мени қизиқтирмайди. Йигирма йил аввалги беғубор болагингизни эслаганимда ҳам энди фойдаси йўқ. Қандай жиноят содир этганингизни фаҳмлаяпсизми?

— Хотинимнинг ўлиб қолиши кўнглимнинг бир четида ҳам йўқ эди, ака. Хабарингиз бўлса керак, у ярим кечаси Комил деган йигит билан ёзишиб ўтирганида, жаҳл устида урганман. Айбини тан олиш ўрнига мени қарғаб, телефонни беришдан бош тортди. Бундоқ тушунтирса бўларди-ку. У эса «Мендан гумонсираган сиздек ичиқора, ароқхўр билан яшаш пешонамга қаёқдан ҳам ёзилди экан», деб оғзига келганини қўймай додлайверди. Мастлигим яхши тарқамаганди, қалтисроқ тепиб юборган эканман, ҳушидан кетди. Дарров қўшнилари чақирдим. Машинада шифохонага олиб бордик. Ҳушига келмай вафот этди. Раҳмим келаяпти. Уни яхши кўрардим. Севиб уйланганман.

— Севгидан гапирманг. Сиз сўкиб, тепиб-ургансиз, у эса қаргаган. Наҳотки, шу севги бўлса?

— Эркак киши билан хат ёзишаётганда, қайси эрнинг жаҳли чиқмайди?!

— У эркак киши эмасди.

— Комилнинг хотини эканини кейинроқ билдим, — дея Назар папкага имо қилди. — Улар... Эр-хотин бирга Америкага кетишган. Бизда ярим кечаси у ёқда кундуз, ҳаммасини тушунаман. Дугонаси «Одноклассники»дан профил очмаган, эри рухсат бермаган. Эрининг профилидан кириб гаплашган. Сиз ҳам тасодифий бахтсиз ҳодиса эканини ҳисобга олинг-да!

— Ким билан гаплашаётганига аниқлик киритганингизда бу ерда ўтирмасдингиз. Хотинингиз ҳам тирик бўларди. Афсуски, ҳеч қандай бахтсиз ҳодиса эмас. Тасодифга ҳам кирмайди.

— Янглишдим! Шошдим! — бўғриқди Назар. — Ахир, одам хато қилиши мумкин-ку! Дугонаси эканини дарров айтмасдан, айфонни беришдан бош тортгани-чи? Ҳар қандай эркак ҳам ёмон хаёлга боради. Мен қамалмаслигим керак, ака! Бу ноҳақлик!

— Хотинингизни ўлдиргансиз, нега энди қамалишингизни ноҳақлик экан?

— Бир оз янглишдим, акажон!

Ички ишлар ходими унга шовқин кўтармасликни буюрди.

— Назар, гап бундай... — деган эдим, телефоним жиринглади. Қарасам, амакиваччам. У қирқ олти ёшда бўлиб, яқинда учинчи марта уйланмоқчи эди. Биринчи хотинидан йигирма йил бурун ажрашган, иккинчиси ўтган йили қазо қилганди. Амакиваччамга пулдан ёрдам бермоқчи эдим. Телефонимни кўтармасам, нозиктаъб инсон бошқа хаёлга бориб, кўмакдан бош тортмасин, деган ўйда:

— Лаббай, Абдушукур ака! — дедим.

— Ишдамисан?

— Гапираверинг.

— Узр, халақит берганим учун. Эртага туш пайти никоҳ оши. Уйга келарсан.

— Албатта, ака. Бу дейман, янга қаердан бўлди?

— Танийсан.

— Қишлоқдан экан-да. Майли, ким бўлса ҳам, қўша қаринг.

— Қишлоқдан эмас, — деди амакиваччам. — У сени сўради. Бир гал прокуратура олдида кўрган экан, зўрға танибди.

— Бўлажак янга мени сўрадими? Ким экан зўрға таниган?

— Бўстондаги Чарос янганга уйланаяпман, ҳалигача эшитмадингми?

— Бўстондаги Чарос янгамга? — қулоқларимга ишонмадим. — Нималар деяпсиз? Аввалги хотинингизгами?

— Қонун бўйича мумкинми ишқилиб? Нега бунча ажабланасан? Ажрашганимга йигирма йил бўлди. Ўшанда йигирма олти ёшда эдим, янганг йигирма иккида. Қара, умримизнинг яримидан кўпи ўтиб кетибди. Бечора қайта турмуш қурмабди.

— Ўғлингиз-чи? Кўрдингизми уни ҳам?

— Бўйини кўрсанг, сендан ҳам катта. Эртага келсанг таништираман.

Ўрнимдан туриб, дераза ёнига бордим. Севинч бўғзимгача тошиб, ёқамни бўшатдим. Амакиваччамнинг аввалги хотини яхши аёл эди. Умримда кўп янгаларни, келинларни кўраяпман. Аммо Чарос янга ўзгача эди. Гўзаллиги бир олам, ибоси бир олам. Бир гал итимиз занжирини узиб, Чарос янга ва қўшнисига ташланганида, қўшниси бор овозида чинқариб, кўзларини олайтириб эркакларга кулди бўлганди. Чарос янгам эса, гарчи баҳайбат қопағонит олдида ранги мурданикидек оқариб кетган бўлса-да, назокат-ла қўл силтади, дод-вой солмади. Унинг хиёнат қилганига шу вақтгача ишонмай келардим. Бундай олиб қараганда, амакиваччам нозиктаъб ҳам эмас, бадгумонроқ, шошқалокроқ эди. Чарос янгамни ҳайдаб юборганидан кўп ўтмай уйланигани ҳам бунга яққол мисол.

— Зўр иш бўпти, — дедим. — Бахт тилайман, Абдушукур ака.

— Раҳмат, ука. Ўшанда мен ноҳақ бўлганман, шошганман, гумон имондан айирган. У хиёнат йўлидан юрадиган нобакор эмас. Сен ҳам шуни айтардинг.

— Ҳа, янгам яхши аёл. Бир англашилмовчилик бўлди-да.

— Шунча йилдан бери турмуш қурмагани ҳам исбот эмасми?

— Албатта, шунча йил турмуш қурмаганини ҳам бунга исбот. Ундай аёлдан гумонсираш гуноҳ.

Жойимга ўтираётиб, Назарга дедим:

— Қўшни қишлоғимнинг одами эканингизни унутинг. Бу ер қонун идораси.

— Хўп, лекин охирида бир гап айтаман, — деди Назар юзи ёришиб.

Орадан бир соат ўтиб, тергов ниҳоясига етгач, соқчига:

— Маҳбусни олиб кетинг, — дедим.

— Охирида бир гап айтмоқчийдим, — Назар стулга чанг солди. — Ваъда бердингиз, илтимос, вақт ажратинг.

— Ҳамқишлоқлик ҳақида оғиз очсангиз, суҳбатга нуқта қўяман, — огоҳлантирдим уни.

— Нафақат ҳамқишлоқлик ҳақида, ундан ҳам ўтадиган гап...

— Тушунарли. Қани, олиб кетинг уни!

Назар энди столга ёпишди.

— Ҳар бир кичик далилни ҳам усталик билан таҳлил қиладиган кучли терговчи даражасига етганингиздан хурсандман! — деди шоша-пиша. — Ўшанда, эсласангиз, ёлғиз гувоҳ мен эдим! Ҳа, мен! Унутдингизми?

— Қанақа гувоҳ?

— Чарос янга йигирма йил аввал хиёнат қилгани учун Абдушукур ака ажрашганди. Ҳа, Абдушукур ака Тошкентга кетганида, ёмон воқеа бўлиб ўтган. Уйда янгангиз билан гўдакка ким қоровул бўлиб қолганди?

Олти ёшли бола! Ўша олти ёшли бола ким? Мен! Ҳатто, амакиваччангизникига келган одамнинг исмини ҳам айтаман! Жўракул! Тоғдаги Жўракул деган ветеринар!

— Ўтир, — дедим сенсираб. Сўнг ички ишлар ходимлари ва ёрдамчимга қарадим. — Йўлакка чиқиб туринглар.

Иккимиз юзма-юз қолдик.

— Мақсадинг нима? Амакиваччам ва янгамнинг янги турмушини бузишми? Хомтама бўлма, қамоқдан ҳали-вери чиқмайсан.

— Ўлай агар ёмон ниятим бўлса! — қўлини кўксига қўйди Назар. — Боя телефонда гаплашганингизда Абдушукур ака билан Чарос янга оила қураётганини эшитиб, хурсанд бўлдим. Нега деганда, анча вақтдан бери виждоним қийналади. Турмушини бузиб юбормоқчи, деб гумонсирадингиз-а? Аслида аллақачон бузиб бўлганман.

— Сен айбдор эмассан. Бошқа кимса сабабли ажрашишган. Бунга яхши биласан.

— Ҳе, йўқ, ака! Эсингизда бўлса, биз Абдушукур ака билан қўшни эдик

— «Иш»га қараб, отанг кимлигини билганимдан сўнг эсладим сени.

— Сиз тўртинчи синфда ўқирдингиз. Опам Наргиза еттинчи синф эди. Ҳозир ҳисоблаб кўрсам, Абдушукур ака ўшанда менинг ёшимда бўлган экан — йигирма олтида. Чарос янга эса хотинимнинг ёшида — йигирма иккида. Абдушукур ака ҳам шошқалоқлик қилди, мен ҳам. Нақадар ўхшашлик! Аммо менинг оилам йўқолди, у кишиники йигирма йил ўтиб, мана, тикланыпти.

— Қандай сир айтмоқчисан ўзи, Назар? — деб сўрадим.

— Тушундимки, яхши сир.

— Қулоқ солинг, ака, — дея маҳбус менга энгашиди. — Бу яхши сирнинг бир ёмон томони бор.

— Қандай ёмон томони?

— Улар ака-сингил бўлиши мумкин.

— Кимлар? — дея кўзойганимни олдим.

— Чарос янга билан Жўракул ака, — Назарнинг кўзлари йилт-йилт этди. — Ўша кеча молдўхтирнинг нияти бузук бўлган, лекин Чарос янга сирни очганидан сўнг воқеа бутунлай бошқа томонга ўзгарган.

— Исботинг борми?

— Ака, сиз Чарос янганинг онасининг ўтмишини эшитмагансиз. Унинг фотиҳаси бузилиб, наилож, хотини ўлган одамга турмушга чиққан. Яъни Чарос янганинг отаси аввал уйланган бўлган.

— Хотини ўлган, ажрашган эркакларга қизлар турмушга чиқиши қандайдир шубҳага асос бўлади, деб ўйлайсанми?

— Энди эшитинг, ака! Ўша кечани охириги вақтларда, эсимни таниганим сайин кўп ўйладим. Ёз эди, август охирилари. Отам теляжкада қовун-тарвуз сотаётганлардан иккита тарвуз олиб келди. Иккаласини ҳам сўйдиқ. Қарасак, бир палласи ортиб қолади. Отам Наргиза опамга: «Абдушукур акангникига бор-да, тарвуз бериб кел», деди. «Мен ҳам бораман», деб дик этиб оёққа турдим. «Юр, — деди опам. — Агар қоламан деб жанжал қилсанг, калтак ейсан!»

Биласиз, Абдушукур аканинг ўғли бир ёшга ҳам тўлмаган гўдак бўлса-да, ўйинчоқлари кўп эди. Биз дарвозадан чиқдик-да, молхонамиз ортига бурилдик. Абдушукур аканинг ҳовлисига тўғридан-тўғри дарвозадан кириб борилмасди. Зовур устига қурилган кўприкчадан ўтиб, молхонамиз орқасидаги бир томонида четан девор қад ростлаган тор йўлакдан юрдик. Абдушукур ака уйи олдидаги боғни четан девор билан ўраб қўйганди. Йўлак тугаб, чапга бурилганда боғнинг бошидан чиқиларди. Шу ер Абдушукур аканинг уйининг олд томони, яъни бир парча заранг саҳн эди.

— Ҳаммасини эслайман.

— Биз уй олдиғача индамай бордик. Кейин опам «Янга-ю янга!» деб овоз берди. Чарос янга уй ёнидаги пишма кран олдида хавотирланиб қараб турган экан.

«Вой, сизлар-ку», деб енгил тортди. Мен янганинг нимадан чўчиганини ўшанда билганим йўқ. Ҳаял ўтмай янга: «Акангиз боя Тошкентга кетди, — деди. — Холамнинг ўғлига тайинлаб қўйгандик. Негадир келмаяпти. Гараждаги телефон ўлгур ҳам ишламаяпти. Уйдагиларингиздан рухсат олиб, бугун бизникида ётинг. Агар холамнинг ўғли келса, майли, кетасиз. Ёлғиз ўзим ёш бола билан кўрқаман-да. Итимиз ҳам йўқ».

Ичимда хурсанд бўлдим. Опам бу ёққа келса, мен ҳам уйимизда қолмайман. Янганинг ўзи опамни чақирди, демак, ўйинчоқларни қизганмайди.

Кутганимдек, янга: «Бу полвонча ҳам кела қолсин», деди. «Тарвузни кўп еди, кечаси тўшагини ҳўллаб қўйса мени уришмайсиз», — бидиллади опам. «Ташқаридаги чорпояда ётмаймиз, акангиз йўқлигида одам кўрқади, — деди янга. — Ичкари салқинмас. Ухлашдан олдин бир шамоллаб келса, эрталабгача тинч ётади. А, қайнича, нима дедингиз?»

Чарос янга юзимдан чимчиб қўйди. Отамдан рухсат сўраш учун уйга жўнадик. Зовурнинг лиқиллаб турган омонат кўпригидан ўтган ҳам эдикки, қоронғиликда қизларнинг чуғурлашгани эшитилди. «Дугоналаримми?» — тўхтади опам. Ҳақиқатан ҳам қоронғилик қўйнидан қўлтиқлашган беш-олтита қиз чуғурлашиб чиқиб келишди. «Вой, Наргиз, бизни кутаётганмидинг? — қиқир-қиқир кулишди улар. — Латиф уйида туғилган кунини қиладиган бўлибди. Шунга ҳамма синфдошларни йиғаяпти. Бизни сеникига юборди. Агар ўтиришга бормасанг, Латиф умрбод аразлаб юради, биласан-ку феълини».

Чарос янганикига бормасликдан қўрқиб: «Сизга нима деди ҳозир? Чарос янгамникида ётамиз!» — деб ер тепдим. Опам қўшни келин уйда ёш боласи билан ёлғиз қолганини айтганди, дугоналари: «Уканг икковингни чақирган бўлса, жуда яхши-да, — дейишди. — Отангдан

сўраб чиқасан-да, укангни янганга бериб, туғилган кунга борасан. Ўн бирга қолмай, ўзимиз ташлаб кетамиз. Қайтага отанг ҳам билмайди».

Шундай қилишди. Янга ичкари уйга жой солди. Гўдак бешикда пишиллаганча ухларди. «Опам келгунча ётмайман», деб баҳонанинг каттасини тўқидим-да, қўшни хонадаги шкафдан машиналару тракторчаларни олдирдим. Бешик турган хонага қайтиб, маза қилиб ўйнаётганимда, Чарос янга айвонга чиқди. Бурчакда ўйнаётганимда деразадан кимдир мўралагандек туюлиб, сесканиб тушдим. Кечаси уй орқасида ким юрибди? Итми, тулками, ажинами? Айвонга қулоқ солдим. Шу пайт қўшни хонанинг эшиги ғийқиллаб очилиб, тарс этиб ёпилди. Янгам нариги хонага кирган эди. Бир дақиқа ҳам ўтмай асабий қиёфада қайтиб келди-да: «Телефонга нима жин урди? — деди. — Энди бизники ҳам ишламай қолди». Мен вазиятни тушундим. «Холангизнинг ўғлига телефон қилмоқчимисиз?» — деб сўрадим. «Ҳа, кўнглим ғаш, қайнича, — жавоб берди янга. — Боя гараждан кўнғироқ қилганида, қўшнимизнинг қизи келади, уйингга кетавер, дебман. Бекор айтибман. Энди қўшнисининг уйига ҳам кўнғироқ қилолмай...»

Гапини тугатолмади: айвондаги челақ даранглаб, янга сесканиб тушди. Аввал эшикни қия очди, кейин айвонга чиқди-да, аллаким билан қаттиқ-қаттиқ гаплаша бошлади. Холасининг ўғли келибдимикан, деб айвонга мўралаб, кимсан — Жўрақул дўхтирни кўрдим. Бола эканман-да, шу одамдан улгудек кўрқардим. Айниқса, бугун отам молга укол қилишга чақирганида, «Қулоғингни кесиб олайми?» дея тутиб олишга уринганди. Қатталарнинг гап-сўзлари ҳам кўпинча Жўрақул дўхтир ҳақида бўларди. Айтишларича, у тўйларда жанжаллашиб, ҳатто кимларнидир ўлдириш учун пичоқ ҳам кўтарармиш. «Жўрақул дўхтир одам эмас, ичига жин кириб олган махлуқ», деган эди отам ҳам. Ҳақиқатан, боланинг нигоҳи

билан қараганда, дўхтирнинг кўзлари жодугарларникидек совуқ ялтирарди. Устара тегмаган соқоли, қирра бурни, ғалати чўккан икки лунжи, ҳеч қачон кулмаслиги кўрқинчли эди. Боз устига катталар ҳам унинг ёвузлигини тасдиқлашган бўлса.

«Яхшиликча кетинг», — ортига чекинди Чарос янга.

«Сенга айтганман, — қўлини ўқталди молдўхтир. — Шундай кун келди, энди нима дейсан?»

«Йўқол!» — сенсиради янга.

«Қичқир! Сиринг очилади! Мен ўз қишлоғимга кетаман, маст эдим, дейман. Сен эрингга, бутун қишлоққа, қавму қариндошингга қандай тушунтирасан? Поклигингга ким ишонади? Гувоҳинг ҳам йўқ».

«Худо шоҳид!»

«Абдушукур Тошкентдан қайтганида, шу гапингни айт, «Худо шоҳид!» де, хўпми? У «Ҳа, ҳаммаси жойида экан, уйда йўқлигимда хотиним Жўрақул билан чиндан-да гаплашмабди», дейди. Ишқилиб, ўзинг ишонасанми шундай дейишига?»

«Нима ёмонлик қилдим сенга?» — деди янга.

Мен чопиб бориб, кийим шкафига эмас, чойнақлар турадиган кичик жавонга бекиниб, эшикчасининг нақш солинган ойнасидан қараб ўтирдим. Чарос янга эшикни ичкаридан кулфлашни маъқул топди шекилли, одамларни ёрдамга чақириш ўрнига уйга қочиб кирди. Жўрақул дўхтир эшикка оёқ тираб қолди. Иккиси хона ўртасида тортиша бошлашди.

«Қичқираман!» — деди янга кўрқувдан кўзларини олакула қилиб.

«Қичқариш қочмайди, — дўхтир унинг қўлларида ушлади. — Эринг Тошкентга кетганини, қўшнининг қизи ўтиришда эканини, соат ўн бирда келишини — ҳаммасини биламан...»

«Бекор айтибсан! Уйда Наргизанинг укаси ҳам бор! Худонинг шоҳидлигига ишонмас экансан, болага ишонарсан, кофир!» — қалт-қалт титради янга.

«Алдама, — шивирлади Жўракул. — Деразадан қараб бешикдаги болангдан бошқа ҳеч кимни кўрмадим-ку!»

Янга Жўракулнинг чангалидан қўллари бўшатолмай юлқинар экан, ёлворди: «Назар! Қайнича! Қаердасиз?»

Мен нафас олмай ўтиравердим. Жўракул бўш қўли билан шкаф эшикларини шарақ-шуруқ очиб, кийимлар орасини титкилади. Табиийки, иккиси ҳам пастак идиш шкафида бекинганимни хаёлларига келтиришмади. Яхшилаб текширишга дўхтирнинг вақти йўқ эди.

Улар мен тушунмаган, ҳозирда ёдимда қолмаган гапларни гаплашиб, яна бир неча сония тортишишди.

«Менинг акам бўласиз, — деди янга ялинчоқ овозда, хийла юмшаб. — Кетинг! Мени ҳам шарманда қилманг, ўзингизни ҳам! Уйимга бостириб кирганингиз иккимизнинг ўртамизда қолади. Бешикдаги болам ҳаққи!..»

«Акам бўласиз, дейсану бошқага турмушга чиқасан. Шуми адолат?»

«Акам деб чин маънода айтаяпман! Бизнинг қонимиз бир...»

«Алжирама! — деди Жўракул Чарос янганинг қўлидан тортиб. — Бешикдаги болангнинг ҳурмати бор! Юр бу ёққа!»

«Юринг!.. — йиғлаб эргашди янга. — Шунда ҳам ишонмасангиз, икки дунёнгиз куяди!»

Улар чиқиб кетишди. Қўшни хона эшиги гийқиллаганини, девордаги соат занг урганини, дақиқанинг миллари бирга ҳам етмасдан эшик тарсиллаганни эшитдим. Атрофга жимлик чўкди. Дақиқа миллари учга яқинлашганида, яъни ўн беш дақиқа ўтиб, Чарос янга кўйлаги ёқасини гижимлаб, кўзлари қизарган ҳолда кириб келди-да, «Кечиринг, онажон! Кечиринг, онажон!» деб йиғлаганча кўрпачага ётди. Опам айтганидек, тарвуз еганим аҳволимни танг қилди. Шкаф эшигини очгандим, янга ток ургандек сапчиб тушиб, менга бақрайди. Сўнг «Уйга одам келганини

ҳеч кимга айтманг, қайнича! Бировнинг уйида нима бўлганини айтса, ёмон бўлади, жуда-жуда ёмон бўлади», деб мени аврай бошлади. Яна қўшни хонага етаклаб борди-да, ўғлининг ҳали очилмаган яп-янги ўйинчоғини совға қилди. Мен оғиз очмасликка ваъда бердим.

Эртасига Абдушукур ака Тошкентдан қайтиб, Жўракул дўхтирнинг жанозаси бўлаётганини эшитади. «Нима қилибди унга?» деб сўрайди одамлардан. Жавобдан эса юрагига ништар санчилади. Жўракул дўхтир кечаси унинг боғи олдидаги кўприкдан зовурга йиқилган ва дамба учун қоқилган ёғоч қозиқлар орасига тикилиб ўлган. Ички ишлар ходимлари изларга қараб, ветеринар кўчадан бурилаётганда эмас, Абдушукур аканинг ҳовлисидан чиқаётганида йиқилганини аниқлаган. Чарос янга ҳеч нарсани билмайман, деб туриб олган. Наргиза опам ҳеч кимни кўрмаганини айтган.

Шунда милициянинг ҳам, Абдушукур аканинг ҳам нигоҳи менга қаратилди.

«Кеча Жўракул дўхтирдан қўрқмадингми?» — сўрашди мендан.

«Йўқ», — деб бош чайқадим.

«Опанг ухлаб қолганмиди ё сенга ўхшаб уйғоқмиди?»

«Опам дугоналари билан туғилган кунга кетганди».

«Чарос янганг сени ухлатмоқчи бўлдимми ё ўзинг ухлаб қолдингми?»

«Ухламадим. Машина ўйнаб ўтирдим».

«Кимдир чақирганида, янганг ташқарига чиқиб кетдимми?»

«Ҳа».

«Қанча вақтда қайтиб келди?»

«Эшикдан секин пойласам, дўхтир билан айвонда гаплашиб турган экан. Дўхтир ёмон одам. Шкафга бекиниб олдим, иккаласи мени ҳеч қаердан тополмади».

«Ие, иккаласи биргаликда сени ахтардимми?»

«Ҳа, ахтарди».

«Жўракул дўхтир сени тополмай, янганга бақирдим
ё кулиб гапирдим?»

«Бақирди. Урмоқчи ҳам бўлди».

«Янганг одамларни ёрдамга чақириб, дод солдим?»

«Йўқ».

«Унда нима қилди?»

«Бир-бирини йиқитмоқчи бўлди. Янгам йиғлади,
дўхтир ялинди. Янгам «сиз менинг акамсиз», деганди,
дўхтир қўлидан тортиб, «Юр бу ёққа», деди. Янгам ҳам
«Юринг», деди».

«Ташқарига чиқиб кетишдим?»

«Ҳим-м».

«Назарбой, улар уйга кириб, сенинг йўқлигингни
кўриб, отингни айтиб чақириб, излаш, ҳаммаёқни
тинтиш ўрнига қаёққа кетади? Боққами, сомонхонагами,
чордоққами ёки айвондаги эшикдан нариги хонагами?
Шкаф ичида жимгина ўтиравермагандирсан? Қандайдир
овозлар эшитгандирсан?»

«Эшитмадим».

«Шкафда зерикмадингми?»

«Зерикмадим. Соатни томоша қилдим».

«Сенинг соатинг борми?»

«Девордаги соатга шкаф ойнасидан қарадим».

«Соатни тушунасанми?»

«Тушунаман».

«Демак, янганг келганида соат неча эканини ҳам
эслаёласан-а?»

«Уч эди».

«Уч? Сен минутни айтмоқчисан, шекилли. Соатнинг
манави узун мили учда турганмиди?»

«Ҳа, учда».

«Янганг билан дўхтир чиқиб кетаётганида, қайсида
турганини бир эсла».

«Улар кетаётганида соатга қараганим йўқ».

«Биламиз, улар кетгунча тиззаларингни қучоқлаб,

пусиниб ўтиргансан. Лекин сал ўтиб зериккансан, ойначадан мўралагансан. Ўшанда соат миллари энг тепада эдими, манави томондами?»

«Энг тепада».

«Ўн иккидами?»

«Ҳа. Соат овоз чиқарди, «данг-дунг» қилди, шунинг учун қарадим унга».

«Тушунарли. Шкафдан қачон чиқдинг?»

«Янгам келганида».

«Ўҳ-хў, ўн беш дақиқа ўтирибсан-да? Ҳа, майли. Сен шкафдан чиққанингда янганг кўрқиб кетдими?»

«Кўрқди».

«Нималар деди?»

«Уйга дўхтир келганини ҳеч кимга айтманг, деб йиғлади».

«Ўйинчоқларни шунинг учун бердими?»

«Ҳа, ҳеч кимга айтмаслигим учун...»

Хулласи калом, ўшандаги гувоҳлигим Чарос янганинг тақдирини ҳал қилди. Абдушукур ака янганинг талоғини бериб, ҳайдаб юборди. Йиллар мобайнида ўша воқеа ҳақида ўйлайвериб, Жўрақул дўхтир ростдан ҳам Чарос янганинг ота бир акаси эканига ишона бошладим. Ҳеч тинчлик беравермагач, бир неча йил аввал суриштиришга киришдим. Янганинг онаси турмушга чиқмасидан олдин дўхтирнинг отаси билан гап-сўз бўлган, фотиҳаси бузилган. Уларнинг давридаги бунақа гап-сўз, унаштирувнинг бекор қилиниши ўлим билан барабар эди. Айтишларича, Чарос янганинг онаси шаҳарда Жўрақул аканинг отасини учратиб, иккиси рус кампирнинг ижара ҳовлисида бир кеча тунаган. Янганинг онаси ҳибсда сақланаётган отасини кўришга борган бўлган. Кўпчилик буни «юртдошлик ёрдами» деса, баъзилар Жўрақул дўхтирнинг отаси қизни йўлдан урган дейишади. Иккаласи бирга қайсидир фаввора ёнида ёнма-ён тушган сурат ҳам бор эмиш, лекин ўша суратни

ҳеч ким кўрмаган. Авлодларга иснод келтирадиган, қолаверса, оила қуриб, бола-чақали, қуда-андали, неварли бўлган мўътабар онахонни эндиликда гийбат қилиш бурунгидан-да ёмон иш, ака. Аммо неча йилдан бери ҳаммаси бўҳтон дейилаётганида, онахоннинг ўз қизи «Мен Жўракулнинг синглисима, буни онамнинг ўзи айтган», деса, не тонг?

Бу маълумотлар жумбоқнинг ечимини топишимга сабаб бўлди. Янга сирни ноиложликдан фақат Жўракул дўхтирга айтган. Сирни очишдан қаттиқ эзилганига сабаб — ҳам ўз онасининг номини булғади, ҳам ичган қасамини бузди. Айтмоқчиманки, янга онасининг олдида ҳақиқий отаси ким эканини ҳеч кимга айтмасликка онт ичган бўлса керак.

Дўхтир Чарос янгага ишонган ва бош эгиб чиқиб кетган. Абдушукур ака эса хотинини хиёнатда осонгина айблаб, шартта ажрашди. Қисқаси, янга хиёнат қилмаган. Волидаи муҳтарамасининг юзини иккинчи марта ерга қаратмаслик учун эрига Жўракул дўхтирдан қутулишининг асосий сабабини айтмаган. Гап ўртамизда қолсин, деб айтган бўлса ҳам, исботлаёлмаган. Менинг фикрим шу. Сиз катта терговчисиз. Агар қизиқсангиз, мендан бошқа гувоҳлар ҳам бор: янганинг онаси ҳозир ҳам ҳаёт...

Рўпарамда ўтирган маҳбус менга йигирма йил бурунги воқеа юзасидан тергов бераётган гувоҳга айланиб қолганди.

— Янгамнинг онасини тинч қўямиз, — дедим. — Амакиваччамнинг уйидаги иккинчи хонага айвондан кириларди, буни биламан. Эшиги очилаётганда гийқиллаб, ёпилаётганда тарсиллашидан беҳабар эканман. Айт-чи, Назар, улар сен ўтирган хонадан чиқиб кетишгач, эшик гийқиллашинигина эшитгансан, тўғрими?

— Тўғри.

— Сбат миллари бирга яқинлашганида, яъни беш дақиқадан сўнг тарсиллаб ёпилган. Шундайми?

— Ҳа, шундай.

— Янгам сен ўтирган хонага ўн беш дақиқада қайтиб келган бўлса-да, Жўрақул дўхтир амакиваччамнинг уйини ундан анча аввал тарк этганини эшикнинг беш дақиқадан ўтиб тарсиллаб ёпилгани ҳам айтиб турибди. Қолган ўн дақиқа янгам қўшни хонада ёлғиз нима қилган экан? Нима дейсан?

— Йиғлаган.

— Раҳмат, Назар. Янгамнинг кўзлари бежиз қизариб қолмаган. Бундан чиқди, биринчидан, янгам пок. Иккинчидан, улар ака-сингил эмас.

— Қанақасига? — деди маҳбус.

— Чарос янга дўхтирнинг отаси ва ўз онаси гап-сўз бўлганидан фойдаланиб, ёлғон қўллаб, ўзини босқинчидан қутқарган, холос. Босқинчи билан янгамнинг қони бир деёлмайман.

— Жўрақул дўхтир қуруқ ёлғонга дарров ишониб, эшикни тарсиллатиб ёпиб чиқиб кетганига ишонасизми?

— Ишонаман. «Нега ишонаман?» деган саволга ўзинг жавоб берасан. Чунки онасининг сирини сен бекинган хонада айтиш билан кифояланса ҳам бўларди-ку. Дўхтирнинг отаси билан янгамнинг онаси шаҳарда тушган фотосурат уларнинг жомадонида сақланган бўлиши керак. Жомадон нариги хонада эди. Айнан жомадоннинг олдида қутиси очилмаган ўйинчоқлар ҳам турарди. Янгам сени ўйинчоққа олиб кирганида, жомадонни кўргансан тўғрими. Яхшироқ эсла.

— Эсладим! У ерда бир жомадон очиқ ётарди, атрофида альбомлар!

— Бирор далил бўлмаса, «Юринг» деб қўшни хонага бирга борармиди? Юрадиган сиёҳи бўлганида-ку сен ўтирган хонага ҳеч қачон қочиб кирмасди.

— Эҳ, бола эканман-да, гувоҳлик кўрсатмаларимни эплаб айтолмаганман! — Назар пешонасига дўқ этиб урди. — Бахтсиз қилиб қўйганман янгани...

— Яна бир гап, — давом этдим мен. — Агар Жўракул дўхтирнинг отаси унинг ҳам отаси бўлмаганида, янгам суратни уйида сақлармиди? Эл оғзига эллик мингта миш-миш соладиган расмни ёқиб юборган афзал эмасмиди?

— Буниси нима деганингиз, ака? — маҳбус елка қисди. — Улар ака-сингил эмас дедингиз-ку?

— Янгамнинг юраги тоза эди. Кўнглида кир бўлмагани учун ҳам суратни эсдалик сифатида сақлаб қўйган. Агар Жўракул дўхтирнинг отаси ўзининг ҳам падари эканини билганида, буни Жўракулга аввалроқ айтарди. Сенинг гувоҳлик беришингча, Жўракул дўхтир «Акам бўласиз, дейсану бошқага турмушга чиқасан, шуми адолат?» деган. Хулоса шуки, Жўракул анча аввал ҳам Чарос янгамга гап отган. Дунёдаги ҳеч қайси сингил сўнгги дақиқалардагина сингил эканини айтмайди. Энг қамида, оғиз солганида сирни очади.

Назар бошини ҳам қилиб, бир муддат ўйга толди.

— Тергов ҳам тугади, — дедим. — Янгам шўрлик телефон ишламай қолгани учун йигирма йил сургунда яшади, сен эса телефон асрида йигирма сония сабр қилмай, хотинингнинг бошига етдинг. Телефон офат эмас, ақлнинг йўқлиги офат.

— Энди менга нима бўлади?— сўради Назар

— Шкафга қамалиб, соат милларини кутасан.

— Ўн беш йил ўтираманми?

— Бу ер суд зали эмас. Аниқ бир нима деёлмайман.

Соқчи кириб, маҳбуснинг билагидан тутди.

— Назар, — дедим улар эшик остонасига етганиларида, — сенингча, босқинчи зўравонлик қилса, бу аёлнинг хиёнати ҳисобланадими?

— Йўқ.

— Йигирма йил муқаддам амакиваччамнинг ўрнида бўлганинга қандай йўл тутардинг? Ажрашармидинг, яшайверармидинг?

Назарнинг лаблари титраб кетди. Яноғига бир томчи ёш думалаб, соқчига деди:

— Юринг...

Улар кетгач, мен фотосурат ҳақида ўйлаб қолдим. Модимики, ўша сурат ростдан мавжуд бўлган экан, қаерга йўқолган?

Яқинда шу ҳақда гап очилиб қолганида, Чарос янгамдан секин сўрадим.

— Суратни Жўракул олиб кетганди, — деди янга мунгайиб. — Зовурга йиқилганида, сувда оқиб кетган бўлса керак, ҳеч қаердан топилмади. У менинг акам эмасди. Дажжолга жигар бўлишдан Худо асрасин. Жўракул ёмон инсон эди, афсуски, амакиваччангиз пок хотинининг сўзларига эмас, ёмондан қолган изларга ишонди. Юрак ўксийдими? Наҳотки, ўксиган юрак ялинса?! Қайним... — янада маҳзун тортди у, — ўтмишимиз ўтмишда қолаверсин. Мен амакиваччангизнинг хиёнатини кечирдим. Ахир, аёл зоти кечиримли бўлмаса, ҳаёт ҳаёт бўладими?

ОТ ДЕВИ

*Бу воқеани қўшимиз Аҳрор Шербеков сўзлаб берган.
У эса бобоси Ҳаққул Тоғаевдан эшитган экан.*

Муаллиф

Чошгоҳда бошланган тўй кечга яқин охирлади. Молхона олдидаги бедапояга қатор-қатор тизилган темир стол-стулларнинг кўпчилиги бўшади. Умар қассоб чўнтагидан соатини чиқаргач, кетишга чоғланди. Шунча еб-ичди, етар. Қишлоғига боргунча кеч ҳам тушса керак.

Фотиҳага қўл очилди. Умар қассоб кўчага чиққанида, қишлоғи томон на бирор машина, на трактор ўтишини билди. Пиёда жўнади. Ёши қирққа етмасдан кекса отасининг касалликлари бўйнига тушганди. Ҳаяжонланса, қўрқса, кўп еса, кўп ичса юраги чимиллайди, гоҳо ўт-олов бўлиб қизийди. Бир гал табибга учрашган эди, нима овқат ейишини сўради. Қассоб айтди: филминдидан йигирмата, кулчатойдан икки лаган, паловдан бир лаган, қайнатма шўрвадан икки коса, жиздан бир кило. Бундан ташқари ҳар кечқурун бир коса новвотнинг устига қайноқ чой қуйиб қўяди-да, эрталаб ичади. Озғингина табиб маъюс бош чайқаб: «Сиз овқатларни эмас, овқатлар сизни еяётган экан-да», деган эди. Умар қассоб бундай гапларга тушунмасди. «Овқат емасанг, қандай юрасан? — дерди. — Иштаҳа тортаяптими, ейиш керак. Хотиним ажрашмаса, устига яна хотин олиш ниятим бор. Бунинг устига қассоб бўлсам, гўшт ичида юрсам...»

У тўй бўлган қишлоқдан чиқиб, бир чақиримча йўл босгач, пишиллаб қолди. Бир қишлоқдан кейин уйига етиб боришини ўйлаб, деди:

— Яна бир хотин олиш ниятидан кечиб, мошин олмасам бўлмас-ов...

Биринчи турмуши бузилгач, бир ой юрди. Турмуш

қурмаган қызлар рад жавобини беравергач, бева жувонларни суриштирди. Бир қишлоқдан боши очиқ жувон топилди. Кичик маросим ўтказиб, иккинчи марта уйланди. Мана шунисида билди у заҳар хотин қанақа бўлишини. Одамлар «Умар хотин қўйиб, хотин танлаб, қоқ пешонасидан тушди», дейишди.

Юраги гурс-гурс уриб, лўқ-лўқ қилаяпти. Ўйлаб кўрса, уни касалга йўлиқтирган овқатлар эмас, уйдаги жодугар. Бу сафар яхши аёл учраса, қассоб зуғум ўтказмай, хиёнат қилмай, тинч-тотув яшамоқчи эди.

Тоғ ён-бағридаги қишлоққа етиб, бирор танишиникида бир соат нафас ростлашга қарор қилди. Қош ҳам қорайиб қолаёзган эди.

Қирдан:

— Умар ака! — деган овоз келди.

Қараса, тепаликдаги сўқмоқдан бир йигит чопиб тушаяпти. Қассоб уни хушламайгина кутиб турди. Бир иш буюрса керакки, ҳаллослаб югураяпти.

— Отим ўлар ҳолатда! — деди йигит. (У кўпқарига от чопадиган Мусо полвон эди.) — Сўёласизми, ака?

— Нега ҳовлиқасан? Ҳовурингни бос, полвон, — Умар Қассобни ҳиқичоқ тутди. — Қассоб экан, деб ҳар нимани сўйишга чақираверсанларми?

— Ҳар нима эмас! — бўриқди Мусо полвон. — Кўпқарида чопадиган отим ўлаяпти, ёрдам беринг, қийналмасин бечора!

Умар қассоб шу етмай турувди дегандек ҳафсаласизлик билан тикилган эди, ёш полвон тутақиб кетди:

— Отим жон беролмаяпти, қанақа одамсиз?! Азобдан қутқариш шунча қийинми?

— Э, майли! Кўрсат отингни! Лекин иккита шартим бор. Биринчиси, хизмат ҳақимни дангал берасан.

— Бераман, ака.

— Иккинчи шартим, уйимга олиб бориб қўясан. Кеч тушиб қолди, чарчадим.

— Хўп.

— Қишлоғингдан машина тополмасанг, отингда элиб кўясан.

— Хўп, ака... Э, отим ўлаяпти-ку! Қанақасига отимда олиб бораман? Сиз ҳам бошни гаранг қилдингиз-да!

Отхона ёнида чол кўринди. Умар қассоб унинг ҳассага суяниб, оёғда зўрға турганига кулгиси қистади. Чол нимадир демоқчи бўлди. Қассоб эътибор бермасдан, Мусо ишора қилган томонга қаради-ю кўзларини мўлтиратиб ётган оқ отни кўрди.

— Гап йўқ, сўямиз, — Умар қассоб чолга қараб кўлини кўксига қўйди. — Шу холосми?

Чол гапиришга уринганди, соқоли силкиниб, оғзидан сас-садосиз сўзлар учди.

— Мастсан, демоқчимисиз? — Умар қассоб Мусонинг отасига эътироз билдирди. — Тўғри, тўйдан келаяпман... Пичоқ опкелинглар! Тўйдан қайтаётганимни кийимимга қараб билдингиз-а, бова?

Чол «йўқ-йўқ» дегандек қўл силтади.

— Отанг нима деяпти ўзи, Мусо? Ўлай агар, гапига тушунмаяпман.

Пичоқни истар-истамас қассобга тутқазган полвон деди:

— Отамнинг айтишича, сиз отнинг девини кўтаролмаслигингиз мумкин экан.

— У таҳоратсиз... У фақат мол сўйган... От бошқа масала... — зўрға тушунтирди чол. — От деви қассобни... Уни... Уриб кўяди...

— Отнинг деви деган гапларга ишонмайман, — мийиғида кулди Умар қассоб. — От ҳам, мол ҳам ҳайвон. Қассоб эса ҳамма жонлиққа қассоб.

— Отимни қийнамай, тез сўйинг, илтимос, — деди Мусо. — У мен учун одамдек дўст, одамдек сирдош эди. Қийналиб ўлмаслиги учун ҳам сизни чақирдим. Қишлоқда ҳеч кимда милтиқ йўқ экан. Милтиқ бўлганда эди, бир сонияда қутуларди.

— Милтиққа бало борми? Уни ҳалоллаш керак, оғайни,
— лабини чўчайтирди қассоб.

Отнинг оёғини боғлашга киришди. Мусо полвон отасини етаклаб, отхонадан узоқлашди. Улар севимли тулпорнинг сўйилишига хотиржам қараб туролмасдилар.

— Отнинг деви эмиш... — қассоб ўзига-ўзи минғиллади.
— Катта қассоблардан қўл олганман. Кетаяпсизларми? Ҳа, кетаверинглар, раҳмдил ота-болалар. Ҳақимни ўзим айириб оламан. От сўймаганимга ўн йилдан ошди. Йў-ўқ, нималар деяпман. От сўймаганман, от гўштини емаганимга ўн йил бўлибди. Тўйда дастурхонга нуқул қари сигир билан ориқ эчкининг гўштини тортишибди, қурумсоқлар.

Мусо полвон харсангтошга ўтириб, кўз ёшларини артди. Отини ўз қўли билан қассобга топширди. Шунга мажбур бўлди у. Мақсад — оти азоб чекмаслиги. Бугун ҳаммаси тугайди. Отининг бўғзига тиг тортилиб, ҳаёт билан видолашгач, полвон уни иззат-икром билан дафн этади.

Шу он отхонадан ниманингдир гурсиллаши эшитила бошлади. Мусо полвон ялт этиб қаради. У отхонага яқинлашган сайин кўнгли бир ёмонликни сездди. Болта чопаетган ким? Нега болта чопаяпти? Бўғзига тиг тортса бўлди-да!

Мусо отхона эшигида даҳшатдан қотиб қолди. Умар қассоб отнинг терисини яримигача шилган, энди эса орқа оёғини болта билан чопаетган эди. Янги кийим-бошига, бет-қўлларига қон сачраб, қўрқинчли қиёфага кирганди.

— Келдингми? — деди қассоб ҳансираб. — Терисини охиригача шилишга, қорнини тозалашга эриндим, ука. Қоронғи тушаяпти. Мен... шу сонини олсам бўлди, «раччўт». Пул-мулинг керакмас. Ўзларинг бу ёғини саранжомлайсанлар...

Мусо секин ортига чекинди, гўё қаршисида афсонавий қонхўр турарди. Отнинг эмас, одамнинг қонига беланган, мана, оғзидан ҳам қон оқаяпти, ҳозир қутуради.

Шу дамда отнинг оёғи узилди. Умар қассоб болтани ташлади ва улушини кўтариб, ташқарига чиқди. Ранги қув ўчган оила аҳли ҳам қассобни ваҳима билан кузатарди.

Ёш полвон девор тагига чўккалаб қолди.

— Нима қилиб қўйдим сени, тулпорим? Нега қассобнинг қўлига топширдим? Наҳотки, гўштингни есам... Одамларга едирсам?! Мени кечир...

Тўсатдан Мусо сакраб турди-да, болтага ёпишди.

— Сўйишни кўрсатиб қўяман, жаллод! — деб бақирди-да, Умар қассобнинг устига бостириб борди. — Терисини шил, оёғини кесиб ол дедимми? Тўхта, қотил!

Мусо полвоннинг йўлини оиласи тўсиб қолмаганида, яна бир фалокат юз берарди.

...Отнинг оёғи енгил эмасди, қассоб уни елкасига ортмоқлаб сой бўйига келгунча терга пишди. Боз устига қоронғи тушиб, сўқмоқдаги шох-шабба, янтоқларга қоқина бошлади. Юлдузлар ҳам сирли бодради. Пастликка энганида, олисда итларнинг ҳургани қулоғи чалинди. «Қанийди биров бўлганида, кўтаришарди», — хаёлидан ўтказди у.

Шу пайт орқадан кимдир келаётганини пайқаб ўтирилди ва гўзал бир жувонни кўрди. Жувон тимқора сочларини ёйиб, эгнига оппоқ қўйлак кийиб олганди. Қассоб бугун тўйда биланглаб ўйнаган ўйинчимикан, деган хаёлда тикилиброқ қараганди, танимади.

— Ака, қишлоққа кетаяпсизми? — сўради жувон.

— Ҳа, қишлоққа, — деди қассоб. — Сен-чи, синглим?

— Мен ҳам, — сирли жилмайди жувон.

Икковлон сўқмоқдан тушишди. Умар қассоб гўзал жувонни учратган тақдирдан миннатдор эди. Ким бўлди экан? Ким бўлса ҳам, гапга кўнади. Йўқса, овлоқда ёлғиз юрармиди? Аммо у қаердан келиб, кимникига меҳмонга бораёпти? Қишлоғида бундай латофатли жувон йўқлиги аниқ.

— Нима қилиб кеч қолиб юрибсан? — ортига қарамай сўради қассоб. — Қўрқмайсанми?

— Йўқ. Сиз-чи?

— Мен нега қўрқарканман? Эркак киши бўлсам.

— Қўрқмасангиз, жуда яхши-да, — деди жувон.

— Кимникига бораяпсан?

— Сизникига эмас.

— Тушунмадим?

— Бунча тергайсиз, ака?

Сой бўйига тушганларида, олисдаги прожекторларининг шуълалари ҳам тепада қолди. Пастлик хийла қоронғи, сирли ва сокин эди. Ҳар замонда сой ўрамалари қултиллаб қўярди.

Сойликдаги ўтлоқ кенг эди, ёнма-ён кетаверишди. Қассоб ҳамон ҳайратда эди. Ҳайрат ўрнини бошқа туйғу — ҳирс эгаллаб бораверди. Кимсасиз сой бўйи, юмшоқ ўтлоқ, қоронғилик пардаси, гўзал жувон...

— Отинг нима?

— Сўрамадингиз-ку, — деди жувон.

— Мана, сураяпман-ку.

— Энди муҳим эмас.

— Турмуш қурганмисан?

— Наҳотки, ҳаётимнинг сизга қизиғи бўлса? — жувон ҳамон ердан кўз узмай борарди.

— Қизиғи бор, ўлай агар! Мен яхши одамман. Фақат... фақат яхши ҳамроҳ тополмай, неча йилдан бери кийналаман.

— Тушунишимча, менга бошқа гап айтмоқчисиз.

— Ҳа. Сезаяпман, ёлғизсан...

— Ёлғиз эканимни кўриб турибсиз-ку.

Сойнинг нариги қирғоғидаги жарликда бойўғли сайради. Яна юрсалар, кўприкка етади. Сойдан ўтиб, тепаликка чиқса, қишлоқ йўли, узумзорлар, далалар. У ёқда деҳқонлар учраб қолиши тайин.

— Бугун узоққа тўйга бордим, қайтишда от сўйдим, гўшти кўтариб ҳам чарчадим, — деди қассоб. — Кел, манави ерда бир оз дам олиб, баҳонада танишсак. Оёғинг ҳам чарчаб кетгандир?

— Оёғим чарчамайди, қассоб ака, — жувон сирли кулиб кўйди.

Шундагина Умар қассоб бу жувон кўзига тик қарамаётганини, таниш туюлаётганини, уни қаердадир кўрганини тушунди. Ва беихтиёр оёқларига разм солди. Разм солди-ю елкасидаги от гўштини ташлаб юборди. Не кўз билан кўрсинки, оёқлари одам боласиники эмас, отники эди, боягина сўйилган оқ отники.

— Ким... ким... кимсан?.. — Умар қассоб ортига тисланди. — Кишт, жин...арвоҳ...

Жувон туёқларини дупурлатиб, унга яқинлашди. Шундан кейингина кўзларини ердан узди. Бу кўзлар ҳам бугун ўзи сўйган отники эди.

— Гўштимни емоқчимисиз? — деди оғзидан ҳаво уфуриб. — Аввалги хотинингизнинг гўштига тўймадингизми? — Кейин кўзларида ўт ёниб, кишнаб юборди. — Нега оёғимни кесиб олдинг? Бер! Бер оёғимни!..

Умар қассобнинг қичқирғини ҳеч ким эшитмади.

Воқеадан эртасига хабар топишди. Қассоб тилини тишлаб, кўзларини бақрайтириб, сой бўйидаги ўтлоқда ўлиб ётарди. Сал нарида эса оқ отнинг оёғи...

Мурдани учратган чўпоннинг айтишича, сўқмоқда отнинг туёқ изларини кўрган, лекин излар ақл бовар қилмас даражада бир жуфт бўлган, холос. Афсуски, кўйлар сўқмоқни топтаб ташлашган.

Текширувдан сўнг Умар қассоб юраги ёрилиб ўлгани маълум бўлди. Икки оёқли от борлигига ишонмаган ички ишлар ходимлари изларни ахтармади ҳам.

ТАРОҚ ЙЎҚОЛГАН КҮН

Бозор олдидан ойна дўкони очган Санъатжоннинг иши юришиб, уйини кўнгилдагидек таъмирлатди. Хотини Ойзодага атир-упалар, қиммат тақинчоқлар, нархи осмон либослар учун қийналмай пул берадиган бўлди. Орзу қилинган фаровонликка эришиш осон кечмади, албатта. Санъатжон бозорма-бозор, цехма-цех, банкма-банк елиб-югурар, уни турли қурилишларда линейка ёки ўлчов тасмаси кўтарган ҳолда ҳам учратиш мумкин эди.

— Кеча-ю кундуз итдек ишлайсиз, — кулдилар бир куни танишлари. — Сиз ҳам биз билан бундоқ дам оласизми, йўқми?

Санъатжон бир неча марта чойхона-ю ресторанлардаги зиёфатларда иштирок этди. Негадир гап кўпинча енгил-елпи, майшатпараст кишиларнинг тутумига бориб тақаларди. Кимнинг маъшуқаси бор, ким хотинини алдаёлмайди, ким фалончихон билан қандай танишган ва ҳоказо.

— Кафолат бераманки, орамизда фақат Санъатжон хотинига садоқатли, — деди ширкайфлардан биттаси. — Иш, рўзғор, хотин, бола-чақа деб ёмон ўлиб-тирилади-да. Эҳ дўстим, — Санъатжоннинг елкасига қоқди у, — биз ҳам сиздекмиз. Лекин ҳаётда бошқа сўқмоқлар ҳам йўқ эмас.

«Дўстинг кимлигини айтсанг, сенинг кимлигингни айтаман», дейишгани ҳақ гап экан. Улфатларининг гап-сўзи таъсирида бўлса керак, охир-оқибат Санъатжоннинг кўнглига шайтон оралаб, Ойзодага берган ваъдасини бузишни ўйлаб қолди. Анча вақтдан бери дўконига Замина деган жувон кирарди. Дам ойна сотиб олса, дам кўзгу истарди. Исмини ҳам, ўзини ҳам яхши эслаб қолганди. Бир гал эри билан келди. Фотостудия сураткаши, олифтагина йигит, янги қора «Нексия»си бор.

Кунларнинг бирида Санъатжон уйи яқинидан тароқ сотиб олди. Улфатларидан ҳеч бир жиҳатдан ортда қолмасликни кўнглига туккан эди. Тароқ кумушдан ясалган бўлиб, унча-мунча дўконда учрамасди. Дўконига келиб, кўзгулардан бирига қаради-да, сочини тарай бошлади. Кимдир соати билан мақтанса, кимдир телефонини кўз-кўз қилади, яна биров эса чиройли кўзли узугини намоиш этади. Аммо улфатларининг бирортаси қимматбаҳо тароқ олиб юришни хаёлига келтирмаган эди.

Санъатжон ўзидан мамнун бўлиб, тароғини пуфлаб, кўкрак чўнтагига солган ҳам эдики, бўсағада турган жувонга кўзи тушди. У Замина эди.

— Ётоқхонамга кўзгу олмоқчиман, — деди жувон аланглаб. — Қанақасини маслаҳат берасиз?

— Ётоқхона кўзгуси нозик масала, — деб Санъатжон унга яқинлашди. — Аввало, ўзингизнинг кўнглингизга, кейин жуфтингизга ёқиши керак. Кўнгил ва кўзгу... Аслида бир хил нарса... Танланг!

— Қизиқ, — маъноли қараб қўйди жувон.

Санъатжон кўзгу танлашда ёрдамлашиб, касса ёнига қайтди.

— Сотувчингиз қани? — сўради Замина ҳамёнини кавлаб.

— Учрашуви бор экан, кетди, — жилмайди Санъатжон. Кумуш тароғини чиқариб, сочини ўнг тарафга силлиқлади. — Биринчи марта дўконимда ёлғиз харидор билан ёлғиз савдо қилишим. Бундай тинч кунни кўп йиллардан бери кўрмагандим.

— Қанча бўлади?

— Сизга арзон, — деди Санъатжон илмоқли оҳангда.

— Вой, тушунмадим? — жиддий тортди жувон.

— Доимий харидоримсиз. Арзонлаштиришим мумкин эмасми?

Замина нима дейишни билмай, нигоҳини тароққа қадади.

— Тароғингиз кумушми? — деб кўзгунинг пулини пештахтага қўйди.

— Кумуш, — бош силкиди Санъатжон. — Аёлларники ҳам сотилаётган экан. Агар керак бўлса...

— Йўқ, хайр.

— Хайр... Келиб туринг, Замина.

Санъатжон тароқдан мамнун бўлди. Ҳарҳолда, латофатли жувоннинг эътиборини тортишга шу жонсиз нарса ҳам ёрдамлашган эди.

Уйига келиб, яна кўзгуга боқди-да, сочини таради. Хаёлидан «Келишган, ёқимтой, бадавлатман» деган ўй ўтди. Ўй ўтган он нечундир бахти кемтик бўлиб туюлди. Шундай кишига кимдир, нимадир етишмаётгандек эди.

— Намунча ойнага қарадингиз? — Ойзода хонага кира солиб, уф тортди. — Ана чиқади дейман, мана чиқади дейман...

— Тинчликми?

— Юринг ошхонага.

— Овқатинг дарров пишдими?

— Овқатни кейин ейсиз. Жавоннинг тахтасини тузатиб беринг.

Санъатжоннинг асаблари ўзи ҳам кутмаган тарзда тантаналашди.

— Нега бузилади? Янги эди-ку!

— Қаждан билай?! Тахтаси ўз-ўзидан тушиб кетди, атайлаб осилибманми?

— Нега мен тузатишим керак?

— Сиз туриб, мен тузатайми? Бугун нима бўлди ўзи? Ишдан келганингиздаёқ тўнингиз тескари!

— Мен дурадгорманми демоқчиман, Ойзода? Келганимдан қичқирасан!

— Бўлмаса, дурадгор чақиринг.

Санъатжон баттар асабийлашди. Қараса, ошхона жавони ростдан ҳам таъмирталаб. Шу кунгача хиёнат нима, билмади, ароқ ичмади, сигарет чекмади, топган-

тутганини уйига ташиди, хотинининг раҳмати шуми? Улфатларига ўхшаб ялло қилиб яшасин экан-да. Улар кўчада яйраб юрганлари учун хотинларининг дийдиёсига индамайди. Гўёки қийналаётган виждонларини хотинларининг бобиллашлари ювиб юборади. Ойзода эса, ҳатто, тароқни қаердан олдингиз, демади-я! Санъатжонни ким деб ўйлайди? Пул топадиган машинами, рўзғор ташвишларидан бошқа ҳеч нима керак бўлмайдиган одам-роботми?

Эртасига дурадгор ахтарди. Бозорнинг нариги тарафидаги келин либослари салонига ойна сотганида, усталар орасида Исмоил деган дурадгорни учратганди.

— Исмоил, сенмисан, ука? — деди қўнғироқ қилиб.
— Рақамингни сақлаб қўйгадим. Мен ойна дўкони эгаси Санъатжонман.

— Э, Санъат ака, яхшимисиз?

— Вақтинг қалай?

— Нима хизмат, акажон? Уйда ғирт бекор ётибман.

— Олти ой аввал ошхонамни янгидан жиҳозлатгандим. Кеча жавоннинг тахтаси тушиб кетибди. Сифатли деб мақташганди. Бир қараб бер. Ё тузатиш керак, ёки янгисидан қўямиз.

— Хўп, акажон, сиз айтган вақтда бораман.

Санъатжон телефонини ўчириб, кумуш тароғини эслаб, чўнтақларини пайпаслади. Тароқ ҳеч қаерда йўқ эди.

* * *

Бу пайтда Исмоил ҳам телефонини чўнтагига солди-да, ўзининг пластмассадан ясалган арзон хитойи тароғидаги кирларни тозалаб, симкаравотига чўзилди. Тароқнинг анча-мунча тишлари тўкилиб қолганди.

Одми кўйлак кийган, сўлғин хотини Вазира кириб, каравот четига оҳиста чўқди.

— Исмоил ака, мени ҳам эшитинг, — деди маҳзун товушда. — Бошқаларга «акажон», «опажон» деб яхши гапирасиз. Жеркиб ташламасдан, рухсат бера қолинг, ишга чиқай. Ана, қўшни хотинлар билан бориб келаман. Яқин-ку.

— Ишламайсан! — кўзларини олайтирди дурадгор.

— Ишлашнинг нима айби бор? — йиғламсиради Вазира. — Маоши ҳам яхши бўлса! Пулга зориқиб шунақа ётаверамизми? Ҳаракат қилиш керак, ахир! Неча ойдан бери битта шу пластмасса тароқда соч тарайсиз...

— Ҳозиргина буюртма тушди, — тароқни синдириб отиб юборди дурадгор. — Ойна дўконининг эгаси уйига чақирди. Ошхонасини қайта қурдирармиш. Сен эса официантка бўлмоқчисан!

— Ресторанда ишлашни ёмон деб ҳисоблайсиз! Кўшни хотинларнинг эрлари...

— Сен нимани ҳам билардинг? Аёлни муҳит бузади! Гапирма менга қўшнилариинг эрларини!

— Тавба денг, Исмоил ака! Ўз хотинини енгил деб ўйлаган эр...

— Ўчир!

— Ҳар кимга инсоф берсин!

— Ўғирлик қилиб қамалганимни юзимга солаяпсанми? — Қаддини ростлади Исмоил. — Нима қилган бўлсам етишмовчиликдан қилганман! Инсоф бўлган менда!

— Бу гапларга ўғирлигингизнинг нима алоқаси бор?

— Ичингда мени ўғри, пултопмас, калтафаҳм, бадбин деб ўйлаяпсан!

— Тухмат қилманг!

— Тухмат эмас!

— Бошқа дурадгорларга қаранг, Исмоил ака! Ўғирликка қўл уришга мажбурлайдиган муҳтожлик йўқ бу ҳаётда. «Нима қилган бўлсам етишмовчиликдан қилганман» дейсиз. Шу фикрингизга қўшилмайман, холос.

Эр-хотин бир оз гижиллашишди. Кечга яқин Санъатжон кўнғироқ қилди.

— Исмоил, — деди у, — уйинг қайси тарафда? Машинамда олиб ўтмоқчи эдим.

Дурадгор айтди. Орадан кўп ўтмай Исмоил Санъатжоннинг машинасига ўтирди. Иккисининг ҳам кайфияти бузуқ эди.

— Қанча топсанг ҳам кам, — деди Санъатжон йўлда. — Кеча ўша ошхона жавонини деб хотин билан уришиб қолдим. Ёнимиздаги тилла дўкондан тароқ олгандим. Хотин билан ади-бади айтишаман деб, тароқни қаерга қўйганимни эслаёлмаяпман. Эсиз, биттасига ёққанди-да шу тароқ.

— Биттаси деб кимни назарда тутаяпсиз? — сўради Исмоил.

— Дўконимга кириб туради. Тез-тез кўраверсанг, кўзингга иссиқ бўлиб қоларкан.

Исмоил хўмрайганча деди:

— Тароқ тилладанми?

— Кумушдан, — деди Санъатжон. — Нархини айтайми? Юз минг сўм.

Санъатжоннинг уйига кирдилар. Икки эркак олдинмакетин ошхонага ўтишди. Ойзода уста келганидан хурсанд ҳам бўлмади. У синган тахтани кўрсатиб, нариги хонага чиқиб кетди. Исмоилга бу иш ҳеч гап эмасди. Таъмирлашга киришганида, эр-хотиннинг нариги хонадан овозлари эшитилди:

— Тароғимни кўрмадингми, Ойзода?

— Қанақа тароқ, дадаси?

— Кумуш тароқ. Нархини эшитсанг, йиғлаворасан.

— Пул учун йиғламайман.

— Пул аввало хотинни қутуртираркан-да, а? Қачондан бери пулга бунча паст назар билан қараяпсан?

— Дадаси, уйда одам бор...

Исмоил тахтани жойига маҳкамлаётиб, ўзининг

хотинини — Вазирани ўйлади. Келиб-келиб ресторандан иш топибди. Ўйда Санъатжон айтди, бир аёлни тез-тез кўравергани учун фикри ўзгарибди. Ойна дўконига ресторан муҳити таққосланса, ўн баравар, эҳтимол, юз баравар нобоп. Вазира ёш, соҳибжамол, ўйнаб-кулгиси келади ва, энг ёмони, пулга зориқиб яшайпти. Шунчаки олифталик учун қиммат нархга кумуш тароқ оладиган Санъатжондек эркаклар у ерда...

Шу пайт ошхона чаноғи тагида ётган ялтироқ тароққа кўзи тушиб, Исмоилнинг хаёли тўзғиди. Санъатжон йўқотган тароқ шу экан-да? Ҳақиқатан қимматбаҳо шекилли. Бежирим нақшлари, тулкига ўхшаш думдор ҳайвонни эслатувчи дастаси, қимматбаҳо металл эканини айтиб турадиган ялтироқ тишлари...

У қандай қилиб тароққа қўл чўзганини, чўнтагига солиб қўйганини билмай қолди. Битта тароқ олишга қунт қилмай, неча кундирки кемтик тароқда соч тараб юрганди. Сочи ҳам ғайир-да, унча-мунча матоҳ дош бермайди.

Санъатжон ошхонага хафагазак қайтди.

— Тароқнинг жанжалими, ака? — деди Исмоил ўзини бепарво тутиб.

— Ҳа. Дўконда иккитагина бор эди. Ҳозир хотинни юбораман. Сотилиб кетмасдан иккинчисини олиб келади.

— Кеча уйингизга кимлар келганди? Мабодо, бирортаси ўғирлаб...

— Ҳеч кимдан шубҳаланганим йўқ, — стулга жаҳл билан ўтирди Санъатжон. — Қариндош-уруғимнинг орасида ўғри йўқ. Эътиборсизликдан куяяпман. Бегоналар мақтайди, қойил қолади, ўз хотининг қанақа тароғинг бор деб қарамайди ҳам.

— Ҳаммаси яхши бўп кетади, — юпатган бўлди Исмоил. — Муҳими, бойсиз. Хотинингиз дўконга борса, бас, янги тароқ муҳайё.

— Шу ҳам муаммоми, демоқчимисан?

— Муаммо шуми, демоқчиман, ака.

Иккиси ҳам мийиғида кулди.

* * *

Бу пайтда яна бир хонадонда — сураткаш Шоносирникида ҳам можаро бошланган эди. Хотини Замина бозор олдидаги ўша ойна дўконидан ётоқхона учун жимжимадор кўзгу келтирибди.

— Ўтир машинага! — деди Шоносир. — Ҳозироқ бирга бориб кўзгуни топшириб келамиз!

— Нима учун?

— Менга ёқмайди кўзини лўқ қилиб қарайдиган ўша сотувчи! Иси нима эди?

— Санъат ака, — деди Замина соддадиллик билан.

— Кўрдингми, исмини ҳам биласан! Кеча бир ресторанда улфатлари билан ўтирганини кўрдим. Ҳаммасининг оғзидан боди кириб-шоди чиқаётганди. Гапирган гаплари хотинбозликдан бошқа нарса эмас.

— Исмини тасодифан эшитганман...

— Сенинг ҳам исмингни тасодифан эшитганми, йўқми, шуни ҳам аниқлаймиз!

— Тўхматингиз учун жавоб берасиз! Мени... мени ким деб ўйлаяпсиз? Шунчаликка ҳам борасизми?

Эр-хотин кўзгуни орқа ўриндиққа жойлаб, машинага ўтирдилар. Рулда ҳам Шоносирнинг ияк-жағи тинмади. Замина бўш келмай, ҳар бир гапига ўнта жавобни жавраб қайтарарди.

Сураткашнинг хўроз думидек сочи ҳадеб чап кўзига тушаверди.

— Минг лаънат! Тарогим қани? — қидирди у.

— Тароқ излагунча йўлга қаранг! — деди Замина. — Машиналар олдидан бир аёл йўлга чиқаяпти...

Сураткаш кечикди. Йўл четида турган «Каптива» панасидан шошилиб чиққан хотин бир қадам ташлаб улгурган эди. Шоносир жон-жаҳди билан тормозни босди. Темир улов аёлни уриб юбориб, йўлга кўндаланг тўхтади.

Бир зумда одам тўпланди. «Тез ёрдам» чақиришди.

— Бечорани ким танийди? — дейишди одамлар. — Қўлида анави кумуш тароқдан бошқа ҳеч нарса йўқ экан.

— Қўшнимнинг хотини-ку! — деди биров. — Ҳозиргина дўкондан шу тароқни олаётганди.

* * *

Кечқурун дурадгор кичкина кўзгучага қараб, кумуш тароқ билан сочини тараётган эди, Вазира кириб келди.

— Вой, кумуш тароқми? — ҳайронлигини яширмади у.

— Қаердан олдингиз, Исмоил ака?

— Ишинг бўлмасин.

— Нега ишим бўлмайди? Бу жуда қиммат-ку!

— Ойна дўкони эгаси совға қилди.

— Қайси ойна дўкони эгаси?

— Бугун ошхонасида ишладим.

— Эркак киши тароқ совға қилдими?

— Чет элдан олиб келган экан. Сувенирга ўхшаш совғада, ахир! Нега бошимни қотирасан?

Вазиранинг кўнгли тинчимайди. Эри эски хунарга қўл уриб, тароқни ўғирлагандек туюлаверди. Ҳақиқатан, гап битта тароқда эмасди. Вазира аниқлик киритиши керак, ҳа, бу ўта муҳим. Эри ўғирликни умрбод ташлагани ростми ё ёлғон?

Бир неча кун ўтгач, ойна дўкони эгасининг уйи қаердалигини аниқлади. Эркак кишидан сўраш ноқулай. Дўкон эгасининг хотинини гапга тутмоқчи бўлди. Гапни тароққа буради-да, «Менинг хўжайиним дурадгор, — дейди. — Ўтган ҳафта бировнинг жавонини тузатиб берган экан, кумуш тароқ совға қилибди».

Бироқ Вазира маҳалла кўчасидаёқ совуқ хабар эшитди.

— Санъатжоннинг уйими? — деди бир хотин. — Хув ана, маърака бўлаётган эшик. Ўтган ҳафта хотини қазо қилди.

— Хотини?.. Қачон?..

— Ўтган ҳафта деяпман-ку.

— «Нима сабаб» демоқчийдим...

— Э, арзимас нарсани деб — битта тароқ учун ўлиб кетди шўрлик. Санъатжоннинг пули кўпайган, ўзича бир олифта, калондимоғ. Кумуш тароғи йўқолган экан, хотинини ҳозир топиб келасан, деб қўймабди. Жанжалдан боши карахт Ойзода «Нексия»ни кўрмай қолибди-да...

Вазира уйига қайтиб, эрига ғазаб-ла тикилди.

— Қўли эгри кимса битта ўзининг эмас, оиласининг ҳам, фақат оиласининг эмас, бошқаларнинг ҳам бошини ейди!

— Нималарни алжираяпсан? — Исмоил ўрнидан турди.

Вазира кумуш тароқни юлқиб олиб, силтаб гапирди:

— Тароқни нега ўғирладингиз? Шунинг деб бир одам ўлиб кетибди-ку, Исмоил ака! Сиз қотилсиз!..

Дурадгор хотинига бир шапалоқ туширди. Хотин йўлдаёқ бир қарорга келган эди. Кўч-кўронини йиғиштириб, шартта жўнаворди.

* * *

Хотинининг ўлиmidан сўнг Санъатжон ёлғизлик исканжасида қолди. Бир куни дўкон олдида ўтиб бораётган Заминага кўзи тушди-ю изидан борди. Худди тасодифан учратгандек саломлашди.

— Заминахон, дўконга ҳам кирмай қўйдингиз? — деди оғир сўлиш олиб.

Кўзига кўрқув балқиб чиққан аёл:

— Хотинингизни уриб кетган ҳайдовчининг судига нега бормадингиз? — деган эди, Санъатжон дабдурустдан айтилган ҳақиқатдан довдиради.

— Хотиним ўлганини эшитдингизми?

— Ҳа, рулдаги менинг эрим эди.

— Даъвом йўқ...

— Сизнинг даъвойингиз бўлмаса, давлатники бор экан. Эшитган бўлсангиз, у киши қамалди.

— Мендан нега қўрқаяпсиз? Сизда қасдим йўқ, Заминахон.

— Бўлмаса, нима учун изимдан келаяпсиз?

— Бир оғиз гапим бор эди. Юринг, анави ошхонада гаплашайлик.

— Шу ерда гаплашаверамиз, — Заминанинг кўзлари пирпиради. — Эрим айбдор, лекин атайин қилмади, Санъат ака.

— Кўчада ноқулай.

Улар йўл бўйидаги кичкироқ ресторанга кириб, рўпарама-рўпара ўтиришди. Официант аёл келиб, буюртма олди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ресторанга баджаҳл эркак бостириб кирди.

— Барибир айтганингни қилибсан-да? — дея официантга ўшқирди. — Ниятингга етиб, ҳар хил одамларнинг атрофида гирдикапалакмисан? Ўзи аввалдан орзуинг шу эди!

— Ресторанда ишлайдиган хотин-қизлар эмас, сизнинг дунёқарашингиз бузуқ, Исмоил ака! — бўш келмади официант аёл. — Мана, қаранг! Бу ерга бинойидек эр-хотинлар овқатланишга киради. Кумуш тароқ ўғирлаб, бировларнинг умрига зомин бўлган ўғри билан яшайди деб ўйласангиз катта хато қиласиз.

Дурадгор ва ойна дўкони эгасининг нигоҳлари тўқнашди. Санъатжон бир оғиз гапирмади. Замина эса «Кечирасизлар, биз...», деди-ю ташқарига шошилди. Ортидан Санъатжон ҳам эргашди. Бироқ Замина таксига ўтириб, ойна дўкони соҳибини ёлғиз қолдириб кетди.

— Битта мен ёмон эмасман, — тўнғиллади дурадгор. — Ҳаёт ўзи шунақа.

— Ҳаётнинг нима айби бор, Исмоил ака? — Вазира пешбандини ечиб, эшикка йўналди. — Ҳамма гап ўзимизда-ку.

ОҚТОШ МОМО

Ниҳоят, Муслимга қиз топилди. Жиян қишлоғидаги Ҳаловат деган аёлнинг қизи, исми Ойхон. Бир йилдирки Саройда ҳам, қўшни қишлоқларда ҳам ҳеч бир қиз Муслимнинг совчисига розилик бермаётган эди. Муслим ота-онаси кексайганда туғилган кенжа фарзанд бўлиб, падари ҳам, волидаси ҳам вафот этгач, у уч акасининг қарамоғида қолган, кўпчиликнинг таърифи билан айтганда, «бир оз кам» йигит эди.

Катта акаси Исамат совчиликдан қайтгач, овсинлар унинг атрофига тўпланишди.

— Нима?

— Бердимми?

Исамат ёстиққа ёнбошлаб, кўк чойга қўл узатди. Бир-икки хўплаб, бақбақасини янада осилтириб аёлларни жеркиди:

— Э, қулоқни едиларинг-ку! Бошим оғрияпти! Қон босимим ошганга ўхшайди!

Укаларининг хотинлари бўш келишмади:

— Айтинг, ака, одамнинг ичини мунча қиздирасиз! Қон босимингизни баҳона қилманг!

Асли саройлик бўлмиш уч овсин ўткиргина эди. Алалхусус, бошқа қишлоқлардан фақат туёқли ва қирқ уруғидан қиз олиб, қиз берадиган Сарой қишлоғи одамлари шаддодлиги билан теварак-атрофга ном чиқарган эди. Қайсидир йили саройлик бир аёл «Афросиёб» фирмасига қарашли даладан помидор ўғирлаганида, бригадир участка нозирига арз қилган ва аёлни туман ички ишлар бўлимига олиб кетмоқчи бўлишган. Шунда Сарой аҳли кўчага чиқиб, аёлни қамоқдан асраб қолган. Ҳалигача участка нозири бу атрофга қадам қўйишга ийманади. Одамлар «Тўрт кило помидор учун Саройнинг аёлини қаматмоқчи бўлган

мелиса бола сенмисан?» деб сўрайвериб, хижолат чектирмасдан қўймайдилар, ҳатто сўкиниб ҳам юборадилар.

— Бўри, — деди Исамат пиёласига яна чой қуйиб, — Ҳаловат опа рози бўлди.

Ўртанча овсин қошини чимириб, лабини бурди. Кириб келган унинг эри Жаббор чап қўлини уқалаб, деди:

— Барибир ўша қиз битибди-да! Негадир менга ёқмаяпти.

— Қиз жиянли уруғидан бўлгани учунми? — деди Исамат. — Начора! Муслимга саройидан ҳам, туёқли-ю қирқдан ҳам қиз чиқмади-ку! Нима қилайлик?

— Нега қўлингизни ишқалайверасиз? — турткилади хотини Жабборни. — Қиз ёқмаса, бошқа топинг!

— Қўлим увишяпти, — деди Жаббор. — Бармоқларим ҳам ғалати бўлиб қолаяпти. Дўхтирга кўрсатсаммикан?

— Сал нарсага ваҳима, тўғрими, қайним? — дея ўртанча овсин Ҳакимга қараган эди, Ҳаким негадир жиддий тортди ва у ҳам қўлини беихтиёр енг ичига яширди.

Хотинлар қий-чув қилиб баҳслаша кетишди.

— Ҳа, майли, — катта овсин гапни кесди, — саройи уруғидан эмас деб кўп ҳам куйинаверманглар. Қайтага бегона бўлгани яхши. Ўз-ўзидан четланиб қолади.

Аёллар ҳазил-ҳузул билан уй-уйига тарқалишди.

Бу гапларнинг ҳаммасини Муслим эшитди. У эртасига акаларининг қўйини Жиян қишлоғи кўриниб турадиган очиқ майдонда боқа бошлади. Жиян Саройга қўшни қишлоқ бўлмаса-да, Муслимнинг даласидан олис уфқда шиферлари оқариб, қора толлари қорайиб зўрға кўзга ташланарди. Саройдан четдаги, сой томондаги шу уч гектар далани отаси айнан Муслимнинг номига ўтказиб, «Боламни ер боқсин, обрўйини ер билан топсин» деб васият қилган эди. Акалари олғир кимсалар бўлгани учун ўз кунини кўриб кетишларига падар ишонган чоғи. Бироқ далада ҳозирча акалари деҳқончилик қилишади. Исамат,

Жаббор, Ҳакимнинг пиёз, картошка, маккажўхорилари етилганда, Муслим бир тийин ҳам ҳақ олмай тер тўкиб ишлайди. У ота уйида — Исамат акасининг оиласи билан яшарди. Ҳозирда бўлиб ўтаётган воқеаларнинг шунчаки кузатувчисига айланганди, юрак ютиб акаларига гапиролмасди. Аммо юрагида бир тугун пайдо бўлди: «Нега улар уруғ суриштириб, уруғ талашаяпти? Одамнинг қандай экани, наҳотки, уруғига боғлиқ бўлса?»

Муслим дала ўртасидаги йигирма сотихли шувоқзорга кирган қўйларни кўриб югурди. Шувоқзорни шўро замонида ҳам ҳеч ким бульдозер билан текислаб, экин даласига қўшиб юборолмаган эди. Икки асрча муқаддам ўтган Оқтош момо ҳақида мудҳиш афсона яшарди бу заминда.

— Қайт! Ҳо-о, қайт!

Уч-тўртта қўй оқ тошнинг ёнига етган эди, Муслим таёқ билан қувиб солди. Ногаҳон қулоғига қизнинг кулгиси эшитилгандек туюлди. Оқтош момонинг тоши кўпчиликнинг назарида муқаддас эди, атайин келиб зиёрат қилиб кетишарди. Болалар орасида кечаси арвоҳлар, қоқ тушда ажина кезади, деган гап юрарди. Бундан қирқ йил муқаддам колхоз раиси Сарой атрофидаги ерларни ўзлаштирган. Ўша замонда ҳам кимдир Оқтош момо шувоқзорини текислаттирмаган. Рух безовта бўлса, қарғиш уради, деган. Бироқ бир ўрис бульдозерчи кечқурун тошни кўтариб, сойга ташлаб юборган. «Эртага эрталаб шувоқзорни ўзим суриб ташлайман», деган. Эрталаб тош яна ўз жойига қайтиб қолганини кўрганлар улар ҳайратдан ёқа ушлашган. Ўрис тракторчи эса ишга чиқмаган. Суриштирсалар, қўлини даҳшатли яра-чақа босиб кетганмиш.

Муслим Худога ишонарди, қолаверса, муқаддас тошни ҳам ҳурмат қиларди, лекин одамларнинг тошга сиғиниб, дардларига шифо тилашларига тушунолмасди. Тош Муслим учун қабрга қўйилган қабртош каби эди.

Иттифоқо, қиз кулгиси жаранглагач, юрагига ваҳима тушди. Онаси оламдан ўтмасидан бурун дуолар ўргатган эди. Калималарни пичирлаб ўқиганча ортига чекинди. Уйига бир аҳволда етиб, икки кун иситмалаб ётди.

Касал ётган кунлари уни Ойхонга унаштиришди. Ўша киши Муслимнинг қаердалигини сўрамади ҳам. Аллақайси бурчакда пусиниб ўтиргандир, деб ўйлашган бўлса керак. Муслим учун мушкулотлардан бири Ойхон билан танишмоқ эди. Одатда унаштирилган йигит-қизлар тўйгача кечалари учрашиб юришарди. Жиянга кундуз боролмаган Муслим кечаси борармиди?

— Муслимбой, — деди Исамат акаси унаштирув маросимининг эртасига, — қўйларни ким боқади? Ётаверсанг, бунақада тўйинг қишга қолиб кетади. Қани, тур!

Ука қизариб-бўзариб далага жўнади. Ҳавонинг авзойи бузуқ эди. Экинлари йиғиштириб олинган далалар узра совуқ шамол кезади, қора булутлар подаси кунчиқарга шошади. Оқ тош шувовқлари дилдираб, Муслимга қиз кулгисини эслатади.

«Касал бўлганлар оқ тошга танга ташласа соғайиб кетармиш, дейишади, балки шу тошнинг ростдан ҳам бир хосияти бордир?» — ўйлади Муслим ва ёнини ковлаб эллик сўмлик топди. Мана, оқ тош ярими ерга ботиб ётибди. Кирлаб кетган, бир четини пўпанак босган. Атрофида тангалар кўзга ташланади.

— Эй Худо, соғайиб қолай, — деб ният қилди Муслим. Танга заиф жиринглаб, тош ёнига думалаб тушди. Муслим чордона қуриб ўтирди. У марҳум ҳақиға Куръон тиловат қилмоқчи эди...

Тиловатдан сўнг ҳам ўтираверди. Бир пайт орқадан қадам товушлари ҳамда аёлнинг «Вой, биров ўтирибди» дегани эшитилгач, ўгирилди: бир қиз ва аёл ҳайронлик-ла қараб турарди. Муслим икковини ҳам танимади. Қўйлари томон кетаётганди, аёл чақирди:

— Ҳой куёв йигит, тўхтанг.

Рўмолини ияги остидан ўтказиб боғлаган аёл жилмайди, ёнидаги қиз совуқданми, уялганиданми, жун рўмоли билан оғзи-бурнини бекитди. Аёл ва қиз Саройдан эмас, демак, бошқа қишлоқдан, «куёв йигит» деганига қараганда балки Жияндандир?

— Мен борай, қўйларим... — деди Муслим уялиб.

— Қўйлар ҳеч қаёққа кетмайди, — деди аёл. — Исмингиз Муслимми?

— Муслим.

— Адашмабман. — Аёл шундай дея қизни олдинроққа итарди. — Бу менинг қайнсинглим. Яқинда сизга унаштирдик. Бир келиб танишай демадингиз-а? Қаранг, қандай сулув қиз. Сизни ўйлайвериб, касал бўлиб қолди. Оқтош момонинг руҳига атаб битта танга ташласа соғайиб кетади, деб шунча узоқдан пиёда келдик. Сиз ҳам гриппга ўхшайсиз-ов?

Муслим нима қилишни билмай серрайиб қолди. Кетай деса янгаси кулади, қолай деса қизга нимани гапирари.

— С... салом... — дея олди у.

— Бирпас кутасиз энди, куёв, — деди янга узрхоҳ оҳангда.

У қайнсинглисини ҳозиргина Муслим ўтирган ерга етаклаб борди. Янга бир нималарни пичирлаб, дуо ўқигач, тангани Ойхоннинг қош-кўзига, қўлларига суртиб, сўнгра боши узра айлантирди-да, оқ тошга ташлади.

— Шу қизнинг дардига даъво бер, кўрмагандек бўлиб кетсин, — деди янга.

Улар Муслимнинг ёнига келишди. Янга тут тагида кутиб туришни айтиб, Ойхонни қолдирди.

— Қўй боқаяпсизми? — сўради қиз.

— Ҳа... йўқ... — довлдиради Муслим, — лекин чўпон эмасман... Қўйлар акамларники...

Ойхон жун рўмолини тушириб, юзини очган эди, чиройли кулаётгани кўринди. Майда тишлари дурдек оқ эди.

— Шу ерлар сизники эканми? — деди қиз. — Йўлда эшитдик.

— Ҳа, бу ерлар бизга қарашли. Фақат мана бу зиёратгоҳ ҳеч кимникимас.

— Биламан. Қишлоғимизнинг кўпчилиги Оқтош момага ихлос қўйган Саройдагилар унчалик ишонишмайди. Сиз менга ўхшаб оқ тошга келаркансиз-да?

Муслим бош қимирлатди. Иккови бир-бир қадам ташлаб, зиёратгоҳ четида тўхташди.

— Бутун атроф даштлик, бу тош қаердан келиб қолганини биласизми?

— Тоғ овулидан, — деди Муслим.

— Биларкансиз, — Ойхон мамнуният ила жилмайди.

— Тарихини эшитганмисиз?

— Тўлиқ билмайман.

— Икки юз йил аввал, — деб ҳикоясини бошлади қиз, — Сарой қишлоғида подшо саройидан қувғин қилинган учта оила яшаган экан. Уларнинг фарзандлари улғайишиб, турмуш қурибдилар. Йигит-қизлар нисбати тенг эмас экан. У пайтларда бизнинг Жиян қишлоғимиз бўлмаган. Умуман, яқин-атрофда қишлоқлар йўқ экан. Бир баджаҳл йигитга беш йил хотин топилмабди. Тоғ овулидан қиз олиб қочиш мумкин деб эшитгач, ўша ёққа от қўйибди. Ҳафта-ўн кун ўтмай сулуvgина қизни ўғирлаб келибди. Никоҳ ўқитиб бирга яшай бошлабди. Сарой аҳли жуда калондимоғ экан. Келиннинг уруғини суриштиришса, кишанли уруғидан экани маълум бўлибди. Айтишларича, кишанли уруғининг аجدодлари куллар бўлиб, бир замонлар исён чоғи тоққа қочиб, овул барпо қилиб, яшаб қолишган экан. «Биз олий тоифали уруғмиз, сен тоғнинг кишанли уруғидансан, кишанлилар

кул бўлишган», деб бечора келинни камситар эканлар. Уни овулдан ахтариб келишганида, келин «Бу ердан олиб кетинглар», деб ялинибди, лекин акалари «Қиз бола палахмон тоши, сен энди куёв билан бир умр бирга яшашинг керак, бизнинг тарихда қизи ажрашган оила бўлмаган», дейишибди.

Келин туғилиб-ўсган овулини, катта-катта оқ харсанг тошларни, уларнинг устида сакраб-сакраб ўйнаган болалик кезларини унутмабди. Вақт топди дегунча қишлоқ четидаги тут тагида кўз илғаган уфқларга, киндик қони тўкилган томонларга тикилиб ўтираркан. Тоғ узоқларда бўлгани учун қуёш ботаётганда, шунда ҳам ҳаво тиниқ бўлган чоғларда уфқда элас-элас кўзга ташланаркан. Гоҳида келин ўз ватанининг шарпасини ойлаб кўролмас экан.

Баҳорда акалари яна келишибди. Келин ҳомиладор экан. У туғилажак фарзандини эмас, овулини ўйлармиш. «Овулимни бир кўриб ўлсам армоним йўқ, бегона одамларнинг орасида эзилиб кетдим», дебди. Акалари ҳар қандай хотинга эр юрти ватан эканини тушунтиришга уринибдилар. Жўнаб кетаётганларида келин кейинги сафар бир бўлак оқ тош олиб келишларини сўрабди. У овулининг бир бўлак тошини фарзандидан-да аъло кўриб, интиқлик билан кутишини, агар тош келса, қучоқлаб ўпишини, сандиғида авайлаб сақлашини, қазо қилса мазорига қўйдиришни айтибди.

Келиннинг овсинлари пинҳона қулоқ солиб туришган эканлар. Баджаҳл эр шаҳар бозорига қўй сотишга кетган экан. Уч кун ўтиб уйга қайтиши билан янгалари қўшиб-чатиб сўзлаб беришибди. Эри «Сен ҳали битта тошни биздан устун қўйдингми?» деб хотинини калтаклабди. Келин бояқиш ялангбош, ялангоёқ қочиб чиқибди. «Бўлди, ортиқ чидолмайман! Ўлсам ҳам, ватанимда ўламан!» деб тоғ томон югурибди. Кишанли уруғининг қизини ҳеч ким одам ўрнида кўрмас экан,

шунинг учун Сарой аҳли кўчага чиқиб жанжални бамайлихотир томоша қилишибди. Эр отини минибди, кўлига қаёқдандир болта илинибди. Келин «Овулим!.. Овулим!..» деб югуриб бораётган жойида эри от билан қувиб етибди-да, болта билан уриб йиқитибди.

Уни мана шу оқ тош қўйилган жойда ўлдиришган, жасади ҳам шу ерга дафн этилган экан. Акаларининг кўнгли фожиани сезганми ё ватанини соғинаётган сингилга ичлари ачишганми, ўша куни кечаси хуржунга оқ тош ортиб етиб келишибди. Сингилнинг ўлганини эшитиб, мазорига оқ тошни ёдгорлик сифатида ўрнатишибди-да, куёвнинг уйига бостириб кириб, қўл-оёғини боғлаб, от билан судраб қочибдилар. Қотилнинг жасади тилка-пора бўлиб, дашт чиябўриларига ем бўлган экан...

Шу пайт Ойхонни янгаси чақирди. Улар истамайгина хайрлашишди.

Ўша кундан сўнг Муслим ҳар куни Оқтош момо қабри бошига борадиган бўлди. Бироқ танга ташламас, армон билан ўлган келинни ўйлар, Ойхон яна келиб қолмасмикан деб атайин узоқ ўтирарди.

Исамат қўйларнинг бир қанчасини сотиб, Муслимнинг тўйини ўтказди. Одамлар териб-териб айтилган эди, келиб-кетувчилар кам бўлди.

— Муслим тентакка ойдайд қиз тегибди-я? — дейишди Сарой хотинлари.

— Бир балоси бўлмаса, розилик берармиди?

— Ер-сувига учдимикан?

— Эшитишимча, қиз ёмон касал эмиш...

Қиш охирлаб, баҳор яқинлашди. Муслим ва Ойхон фарзанд кутаётган эдилар. Бир куни Ойхон қўярда-қўймай Муслимни Оқтош момо қабрига эргаштириб келди-да, туғилажак чақалоққа атаб танга ташлади.

— Эшитдингларми? — деди Исаматнинг хотини овсинларига. — Кичик овсин ҳомиладор эмиш. Вой, нимасини айтасиз, оқ тошга танга ташлаб келса, нияти ижобат бўлармиш.

— Бу жиянли чатоқ чиқди, — кўзларини олайтирди Ҳакимнинг хотини. — Саройини кўлида кўғирчоқ қилиб ўйнатаяпти. Оқ тошда бало борми? Қайним хотинчасининг орқасидан думга ўхшаб эргашиб юрганига ор қилаяпман.

— Борса борибди-да, — гапга кўшилди Жабборнинг хотини. — Ойхон оқ тошга қатнаб ўрганиб қолган. Ҳозиргина эшитиб келаяпман, ростми-ёлғонми, унинг тутқаноғи бормиш. Тавба қилдим, баҳор келса кўзирмиш. Ҳаловат опа тузуккина қизини қайнимга нега берди экан, деб гаранг бўлгандим, мана, ечими ҳам топилди. Оқ тошга танга ташлаб, ирим-сирим қилса таскин топаркан-да, бечора Ойхон.

— Э, қанақа бечора! — кўл силтади Ҳакимнинг хотини. — Ҳали у барчамизга кўрсатади. Уч гектар ер аслида эриники эканини билганмиш. Бир-икки йилдан сўнг ердан ўзимиз фойдаланамиз деганмиш.

— Жонинг чиққур-ей! — қарғанди Исаматнинг хотини. — Булар ота мерос деб мени болаларимга кўшиб, уйдан қувиб чиқармасайди!

— Ҳаммаси Ҳаловатнинг иши, — кўлларини пахса қилди Жабборнинг хотини. — Қизига у ўргатаяпти. Тезроқ кўклам келса, қутулардик-қўярдик.

Бир неча кун ўтиб, Исамат, Жаббор ва Ҳаким тўпланиб, ўзаро маслаҳат қилишди. Уч гектар майдонни бир гектардан бўлиб олишга, керакли ҳужжатларга Муслимни кўл кўйдиришга келишдилар.

— Унинг ўзига, — деди Жаббор, — оқ тошнинг йигирма сотих бўш жойини ҳужжат қилиб берамиз. Йигирма сотихни эплаб олса ҳам катта гап. Майли, бульдозер билан текислаб, экинга тайёрлаш мендан. Лекин, Исамат ака, ҳужжатлаштириш сиздан. Ҳаким, сен ўша оқ тошни даладан йўқотасан. Анави сойга ташлаб юборасанми, янги қураётган молхонангнинг пойдеворига кўйдирасанми, ўзингга ҳавола.

Ойхон қайноғаларининг кирдикорларини сезиб, эрига тайинлади:

— Ҳеч қандай ҳужжатга имзо чекманг! Улар ерингизни олиб қўйиб, Оқтош момонинг мозорини ҳам буздиришмоқчи. Мозор бузилса, ҳаммамизни қарғиш уради. Қорнимдаги болани ҳам!

Муслим акаларидан янада кўрқиб қолди. Наҳотки, улар шу даражада ваҳший бўлишса?

Сой бўйида зўрға вақт ўтказиб, кечга яқин қўйларни ҳайдаб келди-ю қий-чув устидан чиқди. Янгалари ва акалари безовта эди, «Дўхтир чақир!» деб бақирарди. Севикли хотини Ойхонни оғзидан кўпик чиққан, кўзлари ола-кула ҳолда кўрган Муслим йиғлаб юборди.

Эртасига янгалари тушунтиришди:

— Қайнонангиз бизни алдабди, қайним. Ойхон касал экан, шунини бошидан айтса ўладими? Бунақа аёлдан туғилган бола ҳам соғ бўлмайди. Акаларингизнинг қўйини боқаверинг, кузга қолмай сизга бошқа қиз олиб беришади. Биз кафил. Битта қиз тополмасак, нега юрибмиз янга бўлиб?

Ойхонни ҳайдаб юборишгач, Муслим сўппайиб қолди. Унинг баттар одамовига айланганини кўрган акалари дейишди:

— Касал хотин учун руҳингни чўктириб, эл олдида бизни шарманда қилма! Қутулганингга хурсанд бўлмайсанми, ахир!

Кўп ўтмай Муслимнинг қўлига ҳужжат тутқазишди, имзо чектиришди. Муслим ўша куни сой бўйига қўйларини ҳайдаб кетди-да, дўнгликка чиқди. Бульдозер оқ тош шувоқзорини текислаётганини кўриб, кўзи қинидан чиқаёзди. Аёлнинг чинқириви ҳам эшитилди. Муслим чопди, чопаверди. Исамат Ойхонни қувиб-солмоқчи бўлар, Жаббор бир четдан тупроқни сулар, келин баттар жазавага тушарди.

— Хотинингни йўқот бу ердан! — бақирди Исамат Муслимга. — Уйига ташлаб кел иримкаш пасткашни! Тошга ҳам сиғинадими, товуқмия!

Муслим Ойхоннинг қўлидан тортди. Ойхон йиғлар,

ўзини трактор тагига ташламоқчи бўлгандек талпинарди. Шу дам бульдозернинг сургичи тошга тегди-ю мотор ўчиб қолди. Ҳарчанд уринсалар-да, мотор қайта ўт олмади.

Муслим Ойхонни етаклаб, дала четига етганда ортига қаради: акалари тошни кўтариб, сой томонга шошилишарди.

— Оқтош момонинг арвоҳи уради сизларни... — Тиз чўкиб, ўкириб йиғлади Ойхон.

Ўша кеча Исаматнинг қон босими ошиб, алаҳдай бошлади. Хотини дўхтир чақиргунча жон берди. Жаббор ва Ҳакимга хабар беришга Муслимни жўнатмоқчи бўлишди, аммо уни тополмадилар. Муслим илк марта кечаси ўз жойида йўқ эди. У саҳарда уст-бошига сув сачраган ҳолда кириб келди.

Пешинда жаноза ўқилди. Исаматнинг тобутига биринчи бўлиб Жаббор қўл чўзди. Бироқ қўли ўзига бўйсинмади. Қабристонгача тобут ортидан оқсоқланганча эргашиб борди, мозорга бир ҳовуч тупроқ ташлолмади. Кечқурун чап оёғи ҳам ишламай қолди.

Акасининг маъракаларида Ҳаким одамлардан ўзини тортиб юрди. Қўлларини нега енг ичига яширмоқчи бўлаётганини даставвал одамлар тушунишмади. Қарасалар, қўлларига оқ тушибди.

— Аввалдан бор эди... аввалдан бор эди... — минғирлади Ҳаким.

Фақат Муслим ҳар доимгидек жим эди.

— Мўъжизани кўринглар, — дейишарди маъракада Сарой аҳли. — Сойга ташлаб юборилган тош эртасига яна эски жойида пайдо бўлиб қолибди. Демак, Оқтош момонинг арвоҳи ростдан ҳам бор экан-да.

Аммо икки юз йил бурун воқеа қандай якунланганини ҳеч ким билмас эди. Келиннинг бошига болта тушиб, дафн этилган кун тоғдан келаётган акалар шувоқзорда янги қазилган тупроқ устида инграётган сингилни учратдилар. Нар-бери кўмиб ташланган сингил ҳушига келиб, гўрдан чиққан ва қони қотиб қолган бошини ушлаганча ўтирарди.

— Синглим, — деди катта ака, — сени ким бу кўйга солди?

— Куёвингиз, — жавоб берди сингил.

— Куёвни пайғамбарлар ҳам сийлаган, биз сен учун ундан қасос ололмаймиз.

— Шу вақтгача бир гапни яшириб юргандим, — деди сингил. — Саройликлар мени ҳам, овулимизни ҳам кул уруғи деб ҳисоблаб, доим паст назар билан қарарди. Куёвингизни ҳурмат қиларкансиз, майли, лекин миллатчини ҳам ҳурмат қиласизми? У мени айнан кишанли уруғидан бўлганим учун ҳам аёвсиз калтаклади, ҳатто ўлдиришга ҳам уринди. Агар саройлик бўлганимда, бунчалик хўрлаёлмасди.

— Шунинг олдинроқ айтганимда, азобларга қолмас эдинг, — дейишди акалари ва Сарой қишлоғига от чоптириб кетишди. Шўринг қурғур куёвни отда судраб келиб, ўлигини ўзи қазиган мазорга кўмиб, устига оқ тошни ўрнатишди.

— Хотин керак бўлганида, бизнинг овулдан қиз олиб қочганимда индамадик, — дейишди тоғликлар. — Аммо одамларни, ҳатто ўз хотинини табақага ажратиб, паст назар билан қарайдиган сендек миллатчининг бошида то қиёматгача шу оқ тош, яъни ҳаётлигини паст назар билан қараганинг овул тоши босиб туради.

Акалари сингилни отга мингаштириб, овулга жўнашди. Сингил бир ўғил туғди. Уни ҳеч ким ўз исми билан чақирмай, Жиян дейишарди. Жиян бу овул ота замини эмаслигидан ўқиб, бошқа жойни макон тутди. Янги қишлоқ номи Жиян бўлди, ундан тарқаганлар жиянли уруғи деб аталди...

...Бульдозер Оқтош момо шувоқзорини сурган кундан ҳафта ўтмай Ойхон ҳам шифохонага тушди. Шифокор текшириб кўрди-да, Ҳаловат холага деди:

— Қизингизнинг ҳомиласи нобуд бўлибди. Менимча, у оғир юк кўтарганга ўхшайди. Бунинг устига совуқ ҳам ўтиб кетган...

ЁМҒИРЛИ КЎЧАДАГИ ОДАМ

Кимсасиз маҳаллага чўккан сукунатни ҳув наридаги катта кўчадан онда-сонда ўтган машиналарнинг шовқинигина бузиб турарди. Ҳавони ёмғир ҳиди тутди. Аллақерда ёввойи мушук бўғиқ миёвлади.

Бир пайт катта кўчадан маҳалла томон юрган машинанинг кучли чироқлари кўринди. Такси чеккадаги кўҳна уй рўпарасида тўхтаб, бир аёл тушди. Такси изига қайтганидан сўнг ўн дақиқа ўтса-да, аёл қилт этмади.

Ёмғир томчилай бошлади, атроф ярақлаб чақмоқ чақди. Баҳорга хос бўлмаган алфозда қалинроқ кийинган навқирон хотиннинг ёнидаги каттакон сафар жомадонлари унинг ҳозиргина олис сафардан келганидан дарак берарди.

Қўшни ҳовлининг кўча эшиги ғийқиллаб очилиб, бир кампир пилдираб келди.

— Хумор, сенмисан? — дея аёлга яқинлашди.

Иккиси қучоқлашдилар. Аёлнинг эзилиб йиғлаши, «Ёлғизгина боламдан ажралиб қолдим» дейиши фожиа содир бўлганини англатарди. Кампир юпатишга уринди. Бир оз ўтиб, жомадонларни судрагудай бўлиб икковлон рўпарадаги уй эшигига келишди. Чор Россияси даврида Осиёда қурила бошлаган уйларни эслатгувчи катта-катта деразали, чордоқсиз эски иморатнинг эшиги қўш табақали, зил-замбил эди. Уйга кўчадан тўғридан-тўғри кириларди. Ҳовличаси эса орқа томонда эди.

Остона ҳатлаган аёл чироқ тугмачасини босди. Икки йил аввал қандай бўлса шундай, фақат бу уйда, бу оламда энди қизи йўқ.

Кўз ёшларини артиб, қизининг хонасига бош суқди. Пардани суриб, зулматга боқди, негадир чироқни ёқишга ботинолмади. Ўзини олиб қочгандек эшикдан узоқлашди-да, бошқа хоналарга ҳам бир-бир кириб чиқди. Уйни

атирнинг кучли ҳиди тутди. Кампир аёлни мунғайиб кузатар, раҳми келаётганидан йиғлаш шашти бор эди.

Аёл қўшни кампирнинг ёнига қайтгач, диванга ўтирди-да, бошини чангаллаб ҳиқ-ҳиқ йиғлади. Кампир эшик қулфининг қулоғини бураб, жомадонларни бирин-кетин диван ёнига ташиди. Газплитасига чой қўйиб келди.

— Тиллалар керак экан, — деди Хумор, — долларлар керак экан, ниқоб кийиб келса бўлмасмиди? Нега ўлдиради? Нега? Олиб кет нима истасанг! Олиб кет! Қонхўрлик қилиб нима топасан? Қўлга тушмайман, деб ўйлайсанми?

Кампир йиғламсираган оҳангда:

— Қўй, Хумор, ҳаммаси қисматга ёзилгани, — деб бошини силади. — Пешонамиздагини кўрамиз-да биз ожиз бандалар. Қизингнинг руҳини кўп чирқиратма. Қарғамасанг ҳам барибир қарғиш уради.

— Нима учун уни топишолмади? — Хумор оёққа қалқди. — Тайёр далил керакми? А, нима учун бундай бўлаяпти?

— Ўзингни қўлга ол...

— Кўрсатиб қўяман уларга! — Хумор у ёқдан бу ёққа юриб гапирди. — Ёш бошим билан, аёл бошим билан, бева бошим билан дунёнинг нариги чеккасида ишлаб топган пулларимга бу ёқда кимдир эга чиқади! Эга чиққаниям ўлсин, қизимдан жудо қилади! Шу билан мақсадга етдим деб ўйлайдими? Ўзим кунини кўрсатаман уларнинг! Бурда-бурда қиламан!

— Ўчакишмаслигинг керак, Хумор, орган эрта-индин топади, — деди кампир. — Бир вақтлар судда котиба бўлиб ишлаганман.

— Ўчакишмаслигим керакми? Қизимни ўлдириб, бор-будимни ўмариб кетишса ҳам-а?

— Терговчига учраш, уларга ёрдам бер, шунда ярмаснинг топилиши осонлашади.

— Ярамас дейсизми? — Хумор қошларини чимирди. — Нега «ярамаслар» демаяпсиз?

Ёмғир шаррос қуйиб берди. Худди томчилар орасида тошчалар бордек дераза ойнаси чирс-чирс этарди. Хумор ёмғир садоси остида бир зум карахт бўлиб қолди.

— Мен... — чайналди кампир. — ...Мен бир киши деб ўйлайман. Чунки кўп одамнинг ёш қизга кучи тарди. Оғзини бекитиб, қўл-оёғини боғлаб, нарсаларни олиб кетарди. У эса анави ерда ўлдирган...

Хумор орқа ҳовлига қараган деразага тикилиб қолганди. Кампир кўрсатган жой билан ўзининг нигоҳи битта нуқтада учрашгани билгач, ниманидир эслагандек ўтирилди.

— Қаерда дедингиз? — Кейин у деразага яқинлашди, шоша-пиша очди, чўян панжарага пешанасини тиради.

Кампир Хуморнинг ортидан юрмади. Қўшни хонага ияк учуриб, деди:

— У ёқдан яхши кўринади.

— Ҳа, у ёқдан, — ичида ёнаётган олов тафтидан ҳансирагандек бўлди аёл. — Юринг-чи.

Марҳума қизнинг ётоқхонасига кирдилар. Чироқ ёқилди. Хумор бир зум тошдек қотди, кўзлари ёшланиб, энгаги қалтиради. Каравот эгасини кутиб ётарди (темир бўлса-да, худди тирикдек эди). Кўзгуни чанг қоплаган, у ҳам «Ҳозир соҳибам келади, ўлди деб ўйламанг», деб шивирларди, гўё.

Хумор чуқур уҳ тортди. Пардани шариллатиб бир четга йиғди-да, деразани ланг очди. Шамол совуқ томчиларни учуриб юз-кўзига урди. Бу ердан орқа ҳовли ҳам, қўшниларининг уйлари бузиб ташлангани учун, нариги кўча ҳам кўринарди.

— Анави тўнка ёнида, — пичирлади кампир.

Хуморнинг кўзи ўтмади. Ёмғир зулмат ёрдамчиси эканидан аччиқланиб, юз-кўзини артди.

— Сиз кўраяпсизми? — сўради ҳайрон бўлиб.

— Йўқ, — бўйнини чўзди кампир, — лекин биламан. Ўрик қаерда ўсгани эсимдан чиқармиди, ўшанинг тўнкаси ёнида...

Хумор ҳам, кампир ҳам жимгина қаради. Ёмғирнинг дайди томчилари анча ичкарига, гилам устига ҳам учиб кирди.

— Маҳалла нима учун бузилди? — Хуморнинг ҳазин овози эшитилди.

— Йўл тушармиш, — деди кампир. — «Проект» дегани сенинг уйингача келди. Сеникидан бошлаб бу ёғи эски уйлар. Улар кичкина қизчалигимда ҳам бор эди. Одамзот яшамаса қоп-қора ваҳима бўлиб кўринаркан.

— Қизим ўлдирилган кун ишчилар ишлаётганмиди?

— Ишчи зоти ҳозирча иш бошлагани йўқ. Шаҳардан уй-жой берилгач, одамларнинг ўзлари уйларини бузишга тушиб кетди. Шиферларни, эшик-деразаларни, жамики ёғочларни сотишди. Қолган-қутган вайроналарни кулатиш, чиқиндиларни суриб ташлаш учун уч-тўрт кун экскаватору бульдозерлар ишлади.

— Биронта ҳам гувоҳ йўқ, шундайми? — деди Хумор ҳаммасига шу татар кампир сабабчидек.

— Худо гувоҳ... — деб кампир насиҳатомуз гаплар айтмоқчи эди, Хумор ортига ўгирилиб, ростдан-да бояқиш кампирни айблади:

— Сизга ишонгандим, момо! Ўша энагани сиз топган эдингиз! Қариндошчилигингиз ҳурматига ишонсам... У қизимни нега ёлғиз ташлаб кетади? Ҳеч бўлмаса, сиз уйга келиб ётсангиз осмон узилиб ерга тушмасди. Вой, менинг гулдек нозик болам-а! Ҳайҳотдек уйда кечаси ёлғиз қолиб кетдими?! Бир томонда вайрона маҳалла!

Кампирнинг қовоқ-тумшуғи осилиб тушди. Уй соҳибасига икки-уч норози қараб қўйгач, тўнғиллади:

— Нотўғри гапирдимми? — қичқириб юборди Хумор.

Кампирнинг лаби кўкаринқиради. Қўл силтаган эди, гавдаси ҳам силкиниб тушди.

— Қизингнинг ўрнига мен ўлсам майли эди, Хумор, — деди у. — Аммо нима қил дейсан? Гуля бир оғиз айтмаган. Дилоро ҳам уйда ёлғизман, демаган. Сенга ростини айтай, қизингнинг биринчи марта ёлғиз қолиши эмасди.

Гулянинг уруғи кўп, ҳали буниси тўй қилади, ҳали униси. Энагамисан, маош олаяпсанми, масъулиятни ўйла, деб кўп гапирдим...

— Аблах! — гижинди Хумор. — Уни кўрсам, бўғиб ўлдираман!

— Бўлари бўлган. Энди гапиришингдан фойда йўқ. Гапларимдан яранг тирналмасин-ку-я, яна бир гапни айтиб қўяй. Гулянинг айби камроқ...

— Кимники кўпроқ? Чет элда ишлаганим учун меникими? Ёш хотинини қизчаси билан аро йўлга ташлаб кетган эримникими?

— Қизинг Дилоро... — деб гап бошлаган кампирнинг гапи бўғзида қолди. Кўзлари олайган Хумор урмоқчидек кампирга хезланди.

— Эшитиб қўйинг, — деди титраб, — Дилоро кўз олдимда икки йил аввалгидек беғубор, пок, ширин бир қиз... Умрбод шундайлигича қолади... Агар у мен кетгандан сўнг ўзгарган бўлса...

Кампир:

— У яхши қиз эди, — деди шартта, — фақат шуни сезардимки, Дилоро худди севиб қолгандек кўп хаёл суларди, хиргойи қиларди, қисқаси, охирги пайтлари ғалати эди. Буни тушунтириб беришим қийин, кўнгил сезадиган ҳолат.

— Йигити бормиди?

— Йўқ. Терговчилар ҳам аниқлашолмади. Қизинг ҳеч ким билан севишмаган экан. Нима учун кечаси эшикни очиб, орқа ҳовлига чиққан, бизга номаълум.

— Қотилга аён, — пичирлади Хумор.

Уйда чироқ ёқилганини кўрган участка нозири эшик қоқди. Марҳуманинг онаси билан ярим соатча гаплашиб ўтирди. Эрталаб шаҳар ички ишлар бошқармасига бирга боражагини айтиб, чиқиб кетганида, кампир ухлаб ётар, қўлидаги суратда марҳума қиз мангу жилмаяр, худди «Ойижон, мени ўлдирган одамни қандай топасиз?» деб сўраётгандек эди.

Бошқарманинг иккинчи қаватида очиқ эшиклар кўп эди. Компьютер қаршисида ўтирган ходимлар аллакимларни тергов қилаётгани кўзга ташланарди. Хуморни қирқ ёшлардаги барваста эркакка рўпара қилишди. У қотиллик бўйича шуғулланаётган асосий ходимлардан эди. Расмиятчиликлар бажарилгач, терговчининг ёши катта бўлса-да, «опа» деб мурожаат қилди:

— Хумор опа, бояги саволга қайтаман. Ростдан сизга ҳеч ким пўписа қилмаганми?

— Вой, айтаяпману, менинг душманам йўқ. Чет элда ҳам биров норози бўлмаган. Бирга ишлаган юртдошларим ҳам фақат раҳмат айтишарди. Сизга ҳайронман, қотилни маҳалладан ахтариш керак, хориждан эмас. Билган одам қилган бу хунрезликни.

— На яқин дугонаси, на севгилиси бўлган, — деди терговчи. — Энагасининг айтишича, у кечаси ҳеч қачон ёлғиз чиқмаган. Биласизми, ҳозир мен нимани аниқлаш ташвишидаман? Қизингизни орқага ҳовлига чиқишга мажбур қилган сабабни.

— У кечаси ёлғиз чиқишга кўрқарди, — бошини эгди Хумор.

Иккиси ҳам жимиб қолишди. Компьютернинг фингиллашигина сукунатга раҳна соларди.

— Бу ҳақда фикрингиз... — деди терговчи.

— Фикрим... Билмасам... — елка қисди Хумор. — Алдаб чақирган десам, қизим унақа эмасди. Бегона одам чақириши билан кўрпага бурканиб олиши керак эди ёки энагасига телефон қилиб чақирарди. Иложи бўлса, суратини кўрсатсангиз...

— Сурат?

— Ўлдириб кетилган одамни суратга туширасизлар-ку... Мен кўрмоқчиман.... — Хуморнинг авзойи ўзгарди, кўзларида алланечук телбалик зоҳир бўлди.

— Сизга кўрсатмаганимиз маъқул.

— Тушунмадим. Ўз боламнинг ҳам суратини кўролмайманми?

— Юринг, опа, бир оз шамоллаб келасиз, — дея эшикка ишора қилди терговчи. — Очиқ хавода айтиладиган гаплар бор. Қаранг, яна ёмғир ёғмоқчи. Бошқарма ҳовлисида ошхона бор, балки ошхонада қаҳва ичармиз? Ё чойга мухлисмисиз?

— Ёмғир-р... ёмғир-р... — Хумор ҳолсизланиб, бир ёнга оғди ва полга гурсиллаб қулади.

Кўзини очганида ҳамон бошқарма полида ётарди. Бошига адлақандай кийим ёстиқ қилиб қўйилган. Зум ўтмай ғала-ғовур кучайди, оқ халатлилар пайдо бўлди. «Миясига қон қуйилмасин деб қимирлатмай ётқизиб қўйдик», деди терговчи.

Ёлғиз боласидан айрилган она шифохонадан қайтиб келганида, уни қўшни кампиргина кутиб олди. Бироқ ҳамдардликлар таскин беролмасди. Узу-кун дераза олдида хаёл суриб ўтирарди. Йўқ, у хаёл сурмасди, онг деб аталмиш олтин қайиқда чангалзор оралаб ўтган хаёл дарёсида сайр қиларди, атрофга боқарди, ахир қаердадир қотилнинг бир белгиси, биттагина аломати қолган бўлиши керак. Худо манфур кимсаларни омадли қилиб яратмайди, кишилар ғафлатда қолади, холос.

Терговчилар куннинг исталган вақтида келишарди. Бир гал офтоб қиздирган туш чоғида кўчада қоралари кўринди. Кўчанинг нариги бетидаги бузилмаган уйларда яшаётган қўни-қўшнилardan нималарнидир сўраб-суриштиришди, кейин Хуморникига киришди.

— Ишимиз шунақа-да, узр, — деди ўша кунги барваста терговчи. — Неча марта бердиларинг шу саволни деб биттаси аччиқланаяпти. Ҳамма биздан безор. Қотилни топиш ўрнига «Ҳеч нарса кўрганимиз йўқ», дейишади.

— Шунақа денг... — Хуморнинг боши эгилди.

— Топамиз, оз қолди.

— Бирор ўзгариш бўлдими?

— Ҳа, битта гувоҳ чиқди. У ёмғир ёққан кечада, яъни қотилликдан уч кун аввал анави бузилаётган маҳалла кўчасида бир йигитни кўрибди.

Хумор бошини кўтарди.

— Ростданми?

— Йигит анча вақт уйингиздан кўз узмабди, сўнг рақсга тушибди, турли ишоралар қилибди.

— Қанақа ишоралар?

— Упич, қучоқлашиш, вальс тушиш. Ўша кўча қизингизнинг ётоқхонасидаги деразадан яхши кўринади. Энагасининг айтишича, ёмғир ёққан куннинг эртасига қизингиз мириқиб ухлаган. Бу шундан далолат берадики, қизингиз ёмғирли кечада ухламаган. Бундан чиқди, йигитни томоша қилган.

— Йигитни?

— Унинг қилиқларини. Айтиш мумкинки, рақсини. Менда яна бир тахмин бор. Қизингиз у билан имо-ишоралар билан гаплашган бўлиши ҳам мумкин. Мана, сурат, — деб терговчи қотиллик жойида олинган суратни кўрсатди. (Мурда фотошоп ёрдамида атайин хиралаштирилган эди.) — Яхшилаб қаранг...

Хумор суратга боқиб:

— Нима бу? — деди. — Нега қизим кўринмаяпти?

— Сиз атрофига қаранг, баргларга, тўнкага.

— Очикроқ гапиринг, топишмоқли гапларингизни тушунмаяпман.

— Қотиллик бўлган куни орқа ҳовли, том, кўча ҳўл эди, худди ёмғир ёққандек.

— Нима, ёмғир ёлмаганмиди?

— Йўқ. Қотиллик юз берган кеча осмон очиқ бўлган. Кечаси кимдир жўмракни бураб, сунъий ёмғир ҳосил қилган. Томга, ҳовлига, кўчага сув сепилган. Биз бузилган уйларнинг канализацияси тасодифан очилиб кетган деб эътибор бермагандик. Энди эса бу қотилнинг ҳийласи бўлиб чиқаяпти. Қизингиз ёмғирни яхши кўрармиди?

— Шунчалар яхши кўрардики, дераза олдидан соатлаб кетмасди. Гоҳида кундуз кунлари ҳовлидаги айвончада ҳам ўтирарди.

— Фикримча, — деди терговчи, — қотил қизингизнинг бу одатини, қолаверса, уйингизда доллар ва тилла тақинчоқлар сақланишини яхши билган. Ўша кеча уйда ёлғиз қолганидан ҳам хабардор бўлган. Кечаси бирдан «ёмғир» бошланганига ҳайрон бўлган қизингиз аввал деразани очган, булут йўқлигини сезгач, чиқиб қараш ниятида тузоққа тушган.

Хумор юзини тўсиб, оғир хўрсинди. Ахир, қизи ёмғирлар билан тирик эди. Ҳаётда битта шу дўсти бор эди ногирон жигарбандининг. Ҳа, ёмғирлар дўсти эди унинг.

Шу кеча энаганинг ўғли талончилар томонидан ўлдириб кетилгач, терговчилар ашёвий далиллар орасида Хуморнинг ўғирланган тақинчоқларидан бирини учратишди. Ҳа, ёмғирлар дўсти эди унинг.

Энага ўглининг шериги эмасди. Бироқ қабиҳликнинг мураккаблиги шунда эдики, ўғли ўз онасидан жиноий мақсадда фойдаланган эди.

ТУЯ ОВИ

Исхoқ аканинг бир гектар узумзори бор эди. Ёз бўйи кеча-ю кундуз тоқзордан чиқмасди. Тўй-маъракага борса ҳам, дарров қайтиб келарди.

Узумзор Худойтепа деган қадимги тепаликка туташ эди. Тепалик қадимда қоровул минораси бўлган экан. Чингизхон босқини даврида одамлар қатл этилиб, тепаликка дафн этилган, дейишарди кексалар. Бундан йигирма йил аввал эса археологлар қазишма жараёнида катта хум топиб олишди. Хум ичидан одам суяклари бор экан. Шундан кейин тепаликнинг ёши янада улуғ эканлиги айтила бошланди.

Кўшни қишлоқларга боришга тўғри келса, Исхoқ ака тепаликни айланиб ўтиб, ёлғизоёқ йўлдан янтоқзор оралаб сойга тушар, сўнг кўприқдан асфальт йўлга чиқарди. Бу ердан кечаси ҳам ўтарди. Баъзи бировларга ўхшаб жин ёки арвоҳдан ҳайиқмасди. Гоҳ-гоҳидагина (айниқса, ярим кечаси) сойдан ўтаётиб, беихтиёр Худойтепага кўз ташлаб кўярди. Тепалик сой бўйидан янада виқорли кўринарди.

Июль ойининг охирида Худойтепада археологлар ўралаша бошлади. Икки кун тепаликни қазидилар. Исхoқ ака тоқларга сув тараб, этакда юрганди, калта шим кийган серсоқол бошлиқ ейишга узум сўради. Исхoқ ака уларни шира боғламаган узум билан меҳмон қилди.

— Узумингиз пишишига ҳали бор экан, — деди археолог.

— Бу ер эскилардан қолган, — Исхoқ ака Худойтепага ачиниб қаради. — Ҳадеб қазийвериб барака топмайсиз.

— Биз ҳам барака топиш учун келганимиз йўқ, — кулди бошлиқ. — Тадқиқот ўтказаяпмиз. Мабодо, хазина топиб олсак, унда бошқа гап.

— Хазинани музейга топширасизларми?

— Ҳа, албатта. Ҳатто, чет элга ҳам жўнатамиз. Лекин... ёмби бўлса, йўқ демасдик.

Улар кетганидан кейин кўп ўтмай ғалати воқеа содир бўлди. Мамат дўкончининг қизи кечқурун подадан қайтмаган сигирини ахтариб юрса, сойдан сув ичаётган туяни кўриб қолибди. Туя оппоқ экан, юнглари нур таратаётганга ўхшармиш. Қиз унга яқинлашмасдан туриб туя сув ичиб бўлибди ва тепалик томон кетибди. Қиз ғайришуурий тарзда унга эргашибди. Балки қиз ҳақиқий туяни илк бора кўраётгани учун маҳлиё бўлгандир, дерсиз? Йўқ, у туя оддий эмас экан. Худойтепага етгач, ер бағрига сингиб кетибди. Худди туман ичра ғойиб бўлгандек. Шунда қиз атрофга назар ташлаб, сой бўйида ўзидан бошқа ҳеч ким йўқлигини, кўрқинчли қоронғилик бостириб келаётганини, Худойтепада бойўғли сайраётганини билибди. Шундан бери касал эмиш.

Исҳоқ аканинг ишонгиси келмади. Худойтепада оқ туя яшайдими? У арвоҳ экан, нега сойдан сув ичади? Ёш-яланг эса қош қорайганда, тепалик ёнидан ёлғиз ўтишга юрак олдириб қўйди. Исҳоқ аканинг ўғли ҳам кечаси қоровулликда туришга кўрққан эди, койиди:

— Маматникига бориб сўраб кел-чи, кўрқоқ қизи туя кўрибдими ёки оқ сигириними? — деди жаҳл билан.

Август ойининг охирида тўйлар кўпайди. Этакдаги узумзорда ҳусайнилар ғарқ пишди. Бош томондаги тойфилар ҳам етилди. Исҳоқ ака тез-тез узумзорни ўғилларига ташлаб тўйга кетадиган бўлди. Элчилик. Айтилган жойга бормаса бўлмайди.

Бир куни келиб қараса, чайлада ҳеч ким йўқ. Азбаройи жаҳли чиққанидан эртасига ўғилини роса сўкди.

— Худойтепада оқ туя кўрдим, — деди кенжаси йиғламсираб. — Жин-пин чалиб, касал бўлсам, сизга яхшими?

— Шунақа ҳам кўрқоқ бўласанми? — бақирди Исҳоқ ака. — Миш-мишни эшитиб, туя кўзингга кўринган! Ўтган гал у сойдан сув ичган экан, кеча тоқзордан узум еб кетдими? А?! Гапир!

Ұша куни Исҳоқ ака узумзорда қорамол тезакларини кўргач, жини кўзиди. «Мана сенга оқ туя! У Маматнинг бебош сигири-ку!»

Кечқурун қўшни қишлоқдаги тўйда тасодифан Мамат дўкончи билан бирга ўтириб қолди.

— Кеча бизнинг сигир яна йўқолди, — деди дўкончи кулиб. — Худойтепа томонни кўрай-чи, деб бораётсам, ўғлинг орқа-олдига қарамай қочиб келаяпти. Оқ туя кўрдим, дейди. Оқ туя кўрса бой бўлармиш, деб эшитганман. Зингиллаб борсам, бир нима оқариб кўринаяпти. Нима экан де! Ўзимнинг сигирим! Лаънатини қассобга топширмасам, қутулмайман.

— Бобом айтарди, — гапга қўшилди меҳмонлардан бири, — хазиналарни ё оқ илон, ё оқ туя қўриқлаб ётармиш. Менимча, Худойтепада бир бало бор.

Исҳоқ ака тўйдан ёлғиз чиқди. Яқин йўлни кўзлаб, сой орқали тоқзорига ўтмоқчи бўлди. Осмон тоқига ой ўроғи илинган қоронғи кеча эди. Ялтираб оқаётган сой кўринди-ю юрагига илк бор ваҳима тушди. «Исҳоқ ака кечаси Худойтепа ёнидан ўтаётиб ўлибди» деган овоз эшитилгандек туюлди.

Шу пайт сув шилдираб, сой бўйида аллақандай қушнинг қийқириғи эшитилди. Қадамини тезлатди. Пастликдан тезроқ чиқиш учун қадамини илдамлатган ҳам эдики, ён томонда ўзи билан баб-баравар одимлаётган оқиш шарпани илғади. Ялт этиб қаради-ю оқ туяга кўзи тушди. Исҳоқ ака қочмоқчи эди, оёқлари бўйсунмади. Туя Худойтепага қараб равонгина кетиб борарди. У ҳеч нарсадан чўчимас, ҳеч нарсага эътибор бермас, мағрур ва хотиржам эди.

— Оқ туя! — қичқирди Исҳоқ ака. — Ҳой, оқ туя! Мендан кўрқма! Яхши одамман! Хоҳласанг, узумзорим билан бирга Худойтепани ҳам қўриқлайман! Сендан илтимос, безовта бўлма!

Туя тепаликка сингиб кетгач, Исҳоқ ака ўзига

ўзи бақираётганидан чўчиб тушди. Биров кўрдими, кўрмадими, деб атрофга қаради, сўнгра узумворита гандираклаганча жўнади. Эртасига «Исҳоқ ака ҳам Худойтепада оқ туя кўрибди» деган гап тарқалди.

— Гап бундай, — деди Мамат дўкончи чайлага келиб. — Туя Худойтепанинг қайси ковагига кириб кетди, шуни менга айт! Қолгани билан ишинг бўлмасин! Сени қуруқ қўймаслигимни яхши биласан!

— Агар тепаликка тиг урсанг, қаттиқ хафалашамиз, — деди Исҳоқ ака. — Сенга нима етишмайди? Дўконингни яшнат, элнинг хизматини қил, бўлди-да, жўра!

— Айта қол энди! Биз қазиб олмасак, археологлар топади.

— Менга қара, Мамат, туя бекорга безовта эмас. Хазина ҳашаматли уй қурилишига, уй эгаларининг биқириб семиришига, данғиллатиб тўйлар қилинишига, яшиклаб ароқлар сотиб олинишига хизмат қилиб қўймаслиги учун ҳам туя чидолмаяпти, ичи ёнаяпти, бечоранинг.

Эртасига ҳашарчилар узум тераётган илиқ кун эди. Отининг хуржунига кетмон, белкурак солиб, эгарда қийшайиб ўтирган Мамат «Ҳорманглар» деб ўтди. Орқасига ўғлини ҳам мингаштириб олганди. Исҳоқ ака чопиб бориб, отнинг жиловидан тутди.

— Тепаликка кетмон урсанг, ўз гўрингга кетмон урган бўласан, Мамат!

— Э, қўйвор-е! Сойдаги кўприкдан ўтиб, нариги қишлоққа бормоқчиман, жинни! Сен оқ туя қаерга кирганини айтмадинг-ку! Нима, шундай катта тепаликни қандай қазийман?

Туш вақти бўлгач, ҳашарчилар овқатлангани ўтирдилар.

— Анавини қаранглар, — деди бири. — Боласи қурғур бунча чопмаса!

Исҳоқ ака тоқзор оралаб кесакларга қоқила-қоқила ҳалослаб келаётган болани таниди: у Маматнинг ўғли эди.

— Дадам... Дадамни тупроқ босиб қолди...

— Мамат мени алдабмиди?! — Исҳоқ ака тепалик сари югурди. — Ҳайданглар, йигитлар! Отасини қутқарайлик!

Исҳоқ ака оқ туя ғойиб бўлган жойда янги тупроқ уюмини кўрди. Ўпирилган тупроқдан Мамат дўкончининг бўм-бўш кўли чиқиб турарди.

Аср чоғи жанозаси ўқилди. Майитни тобутга олдилару елкама-елка кўтариб қабристонга элтдилар ва минг-минг аждодлари қатори тупроққа топширдилар. Ҳаммаси жуда тез тугади, жуда ҳам тез.

Кечаси у «Туя овига кетдим», деб уйдан чиққанини хотини йиғлаб гапириб берди. Мамат адашмаган эди. У қазийтган жойдан хумча топилди. Хумча ичида чақалоқ суяклари ва тилла тангалар бор экан. Исҳоқ ака тангани музейга топширишни ўз бўйнига олди. Автобусда шаҳарга кетар экан, хаёллари ғужғон ўйнади. «Агар бу матоҳларни кўрсатсам, улар Худойтепага канадай ёпишмайдиларми? Мен — Исҳоқ, яхши одамман! Оқ туяга ҳам сўз берганман!..»

У калта шим киядиган серсоқол археологга учрашмади. Худойтепага қайтиб, чақалоқ суяги солинган хумчага тилла тангаларни ташлади-да, минг йиллик эски жойига дафн этди.

Шундан сўнг ҳеч ким юрак ютиб Худойтепани қазимади. У улкан қабристон эканини, муқаддас ватан учун одамлар шаҳид бўлганини, тепалик тагида минглаб оқ туялар тупроққа бош кўйиб тин олаётганини, юраги ватан деб ураётганларгина уларни хотиржам қилишини одамлар билмас эдилар.

ВАФОДОР

Кечкурун ижара уйга келиб, остонадаги бир жуфт калишга кўзим тушди. Эшик очилганини эшитган хотиним ичкаридан хуш-хандон чиқди.

— Қишлоқдан аммам келди, — деди у.

Икки кун бурун аммасининг ўғли Омон Самарқанддаги шифохонага ётқизилган эди. Эрталаб хотиним: «Бугун-эрта аммам келса керак», деган эди.

Юз-қўлимни юйиб, меҳмон ўтирган хонага кирдим. Муштипаргина аёл мени кўриши билан жойидан чаққон турди-да, икки қўлини чўзиб кўришди. Қишлоқ аёллари каби ҳол-аҳволимни, ишимни сўраб, яхши тилаклар билдирди. Мен ҳам ўзининг, ўғлининг аҳволини сўраб, шифохонага боролмаганимдан хижолатда эканимни айтдим. Аслини олганда, хотинимнинг аммасини биринчи кўришим, ўғлини ҳам танимас эдим.

Ош сузиб келинди. Нима сабаб биландир нариги хонага чиққанимда, хотиним деди:

— Дадаси, сиз келгунча аммам очилиб-сочилив ўтирмади. Танимаган-билмаган куёв қандай муомала қиларкан, деб эшикка тез-тез хавотир билан қаради. Очиққўнгиллик билан сўрашганингиздан кейин бирдан кайфияти кўтарилди.

Бу гап мени ўйлантириб қўйди. Наҳотки, меҳмонга келган одамни ёқтирмайди деб гумон қилсалар? Меҳмоннинг ёнига қайтдим.

— Амма, — дедим жойимга ўтирар эканман, — эрталаб касалхонага бирга борамиз, Омон билан таништирасиз.

Амма кўзимга ҳамон ийманаётгандек кўринарди. «Ўзингизнинг уйингиздагидек бемалол ўтираверинг, ўғлингиз шифохонадан чиққунча бизникида туринг», дедим.

Хотиним коса-товоқларни ювишга киришди. Шу пайт уй эгасининг кучуги эшикни тирнаб, гингшиди.

— Кучукми? — сўради амма.

— Э, шу ернинг кучуги, — дедим уялинқираб. — Коса-товоқнинг овозини эшитса, югуриб келади.

Амма хаёлга чўмиб, дастурхоннинг бир четини ўйнади. Хотиним ишини тугатиб келгач, деди:

— Умр ҳам ўтаяпти. Бир вақтлар биз ҳам сизлардек ёш эр-хотин эдик. Қарабсизки, ёшимиз бир жойга бориб қолибди. Кучук эшик тирнаганига эсимга тушди. Бизнинг Мўйноқ деган итимиз бўларди. Энди, унақа ит ҳозир йўқ.

— Мўйноқни айтаяпсизми? Қопқир эди-я? — гапга кўшилди хотиним.

— Йўқ, мен айтаётган Мўйноқни билмайсан, — деди амма. — Менимча, сен бизникига борган пайтларингдаги кучукни айтаяпсан. Мен анча йиллар аввалги воқеани гапирмоқчиман, эсимга тушиб кетди-да, айланайлар. У вақтларда сизлар туғилмаган эдиларингиз. Болаларим кейинги кучукларга ҳам фақат Мўйноқ деб лақаб қўйиб ўрганишган.

Рўзгоримиз янги эди. Тўнғичим туғилган кезлар. Қайнотамникида яшардик. Тоғ қишлоғини ҳамма билади: крант йўқ, газ йўқ. Бир куни кечқурун челақларни кўтариб булоққа тушдим. Сув олиб энди тепага кўтарилмоқчи эдим, дупур-дупурлаб бир одам от чоптириб келди.

— Келин, сизми? — деди у.

«Ҳа» дейишга улгурмасимдан хуржунидан бир нарса чиқариб ерга ташлади.

— Айтганингни опкелдим.

Отлиқ қамчини шартиллашиб урди-да, икки қир оралиғидаги сўқмоқда ғойиб бўлди. Бояги нарса тўп этиб тушганида ангиллаган овоз эшитилганди. Кучукка ўхшарди. Адашмабман, кучук боласи экан. Қизиги, мен ҳеч кимга кучук олиб келинг, демагандим. Хўжайин тушмагур бировга ҳазиллашганми деб ўйладим.

Кўлларимда икки челақ, кучуквачча ўша жойда қолди. Уйга кириб, чироқларни ёқдим. Хўжайин даладан қайтиб, уст-бошини қоқар, ювинар, кейин ичкарига кирар эди. Бу сафар бўсағага ҳорғин ўтирди.

— Бўсағага ўтирманг, барака кетади, — дедим.

— Кофир эмасман, биламан, — деди у. — Шундоқ ҳам барака кетадиган кўринади.

— Тинчликми?

— Даштликлар мени тоғнинг одами деб чеккалаяпти, узумга ўғри оралайдиган бўлди.

— Раисга айтинг-да.

— Узум ўғирланса раисга айтасанми, ундан каттасигами, барибир ўғирландими, тамом.

— Ишқилиб, қоровуллар қилмаяптими?

— Жиянларимга ишонаман. Улар аятаптики, бу ерда биргадирларнинг кўли бор экан.

— Нима, энди ўзингиз ётасизми?

— Қаёқда! Қоровул бўлишим қолувди!

Хўжайин бир муддат ерга қараб ўтирди-да, тиззасига шапатлаб жойидан турди. Ичи тор, асабий одамга қийин. Чуқур ух тортди.

— Замон кўтарса, Бувихол, кечаси милтиқ билан борсам, ёнимда бўрибосар бўлса! Халқ мулкига кўз олайтирганни итга бостирсам! Ит тутолмаса, тузли ўқ билан отсанг!

— Қўйинг, унақа совуқ гапларни гапирманг. Айтган одамингиз бўрибосарни ташлаб кетди. Пишакчадай.

Хўжайин менга бурилиб қаради.

— Пишакчадай?

— Ҳа.

— Сенга булоқ бошида отлиқ одам бердими?

— Унга сиз тайинлаганмидингиз?

— Йўқ. — Эрим янада қайғули кўринди. — Демак, Бувихол, — деб гап оҳангини пасайтирди, — тушим ўнгидан келибди.

Энди унинг чеҳраси очилди. Уст-бошини қокди. Мен кучукваччани олиб келмаганимни айтганимда ҳам авзойи ўзгармади: булоқ бошига тезда бориб қайтди. Ўша кундан бошлаб ҳовлимизда ит вояга ета бошлади. Унга хўжайиним Мўйноқ деб ном қўйди.

Бир йилдан сўнг Мўйноқ қишлоқдаги энг эсли ит бўлди. У бегонанинг қўлидан нон емас, ҳовлидан қўшниларининг товуғини қувиб чиқарар, агар кечқурун кўчага ёлғиз чиқсам, қўриқлаб юриш учун менга эргашарди. Ичиқора кимсаларни узоқдан пайқаб вовиллаб огоҳлантирарди.

Бригададан ўғри қочди. Хўжайиним айтганини қилди: кечаси Мўйноқни эргаштириб узумзорларни айланди. Бир гал қочиб кетаётган ўғрини «Тўхта! Отаман!» деб қўрқитди. Икки кун ўтиб ростдан ҳам отди. Ҳавога ўқ узган бўлса ҳам, даштнинг одамлари устидан ёзди. Хўжайинимни қамаб қўйишди. То ўн беш кунни у ёқда ўтказгунча ўғрилар қасдма-қасдига бор ҳосилни кўтариб кетса керак деб ўйлагандим. Йўқ, Мўйноқ шу вақтгача одамга ташланган эмасди. Хўжайин қамалиб қолгач, кечалари узумзорда итимиз ётиб қоладиган бўлди. У билан ўғрилар ўртасидаги жангни айтиб берсам бир дoston бўлади. Заҳарламоқчи ҳам бўлишган, тошбўрон қилишган, қопқон қўйишган. Ҳатто, бир куни таёқлар билан қуролланган ўғрилар ёппасига ҳужум қилишган. Мўйноқ бечора боши ёрилиб, оёғи оқсоқланиб қолди. Жиянлар кейинчалик айтишарди, «ўғрилар кимлигини билиб юрардик, лекин итчалик юрагимиз йўқ эди...»

Режани ошиғи билан бажардик, раис мукофотга тавсия қилди. Анча-мунча пул жамғардик. Бироқ ҳали алоҳида уй-жойимиз йўқ эди. Уйдаги овсиним билан гапимиз тескари бўлиб қолди. Мен бирор юмушни ўзимдан билиб қилардим. Бу иш меники, унисини овсинимники демасдим. Овсиним эса асабга тегадиган ишлар қила бошлади. «Ҳовлини кеча мен супурдим, бугун анавининг навбати, нега уйидан чиқмайди?!» деганларини эшитиб қолардим.

Хўжайинга «Акангизнинг хотини ўзгариб бораяпти», дедим. У киши ҳам сезиб юрган экан. «Уй қуришимизга бир йилча бор, чидаб тур», деди. Хўжайиним жиззаки бўлса-да, уриш-жанжалларга тоқати йўқ эди. Агар яна овсинимни ёмонласам ёки ади-бади айтишсам, мен билан жанжаллашишини сезиб индамадим.

— Болангизнинг тувагини бу ерга саситиб қўйманг! — захрини сочди бир куни овсиним.

Ахийри, чидолмадим.

— Опа, — дедим, — тувакни ҳозиргина чиқардим. Сумак ёдимдан кўтарилиб, бир лаҳзага уйга кирувдим. Нега мени жеркийверасиз, тушунмаяпман!

Овсиним лаб буриб нари кетди. Кетаётиб унинг «сассиқлар» деганини эшитиб, кўзларим ёшга тўлди. Мени айтса майли, боламни ҳам ҳақоратлади, деб йиғладим.

Овсиним даштдаги бадавлат одамнинг қизи эди. Ўзини ҳаммадан аъло чоғлаб юарди. Сезиб турибманки, бининг пулимиз кўпаяпти. Бойиб кетади, деб юраги ёрилаётган бўлса ажаб эмасди.

Кечқурун бор дарду ҳасратимни хўжайинга тўкиб солдим.

— Ижарага уй топинг, бу ердан кўчиб кетайлик, — дедим йиғлаб.

— Қаёққа кетасан?! — ўшқирди хўжайин. — Уй қурмай ҳеч қаёққа чиқмайман!

Аразлаганимнинг устига ўртоғи келиб қолди. Даставвал ишдаги можароларни муҳокама қилишди, кейин ўйга толишди.

— Шунақа денг, — хўжайин ўзига чой қуйди. — Катталарга ёмонлаётган ўша экан-да? Раис ҳам унинг ноғорасига ўйнаб қопти-да?

— Сиз хушомадни билмайсиз, хушомадни! Нима қиласиз қаддингизни тик тутиб?! Эгилинг, салом беринг! Кутилмаганда хўжайин қаҳ-қаҳ уриб кулди.

— Ҳамма гап салом-аликдами? — деди кулгидан ўзини тўхтатолмай. — Мухторовулга ким сув чиқарди? Ким боғ барпо қилди? Меҳнатми ё хушомад?

— Билиб қўйинг, — деди ўртоғи, — энди Мухторовул сизсиз ҳам боғ бўлиб қолади. Аччиқ бўлса ҳам, ҳақиқатни тушунинг. Миқ этсангиз, бригадирликдан кетасиз. Сиз у ерда ишингизни бажариб бўлдингиз. Раис ва унинг югурдаклари учун биз ортиқча одамлармиз.

— Қўйсангиз-чи, — хўжайин эшикдан мўралаётган Мўйноққа ишора қилди. — Ҳатто анави ит ҳам ортиқча эмас.

— Ит ҳеч қачон ортиқча бўлмайди. Чунки у думини ликиллатади, сиздан қолган суякни ғажийди, урсангиз ҳам ялоқхўрлик қилаверади.

— Мўйноқ унақа эмас, — деди хўжайин қандайдир ўйчанлик билан. — Мўйноқ ақлли мавжудот. У итсимон одам.

— Атрофингизда битта итсимон одам бор экан. Одамсимон итлар эса ўн барабар кўп.

Чой дамлаб қайтиб кирсам ўртоғи Мирзачўл ҳақида гапираётган экан. Ўша пайтларда Мирзачўл ўзлаштирилиб, янги шаҳарчалар, совхозлар бунёд этилаётган эди. Нафақат Самарқанду Жиззах вилоятидан, балки бутун республикадан одамлар кўчиб боришиб, уй-жойли, касб-корли бўлищаётган эди.

— Йўқ, мен у ёққа бормаيمان, — деди хўжайин. — Чўлга қочиб кетди, деган ном олиш зарилми менга!

— Бу ерда ишингиз узоққа бормайди, — деди ўртоғи жиддий оҳангда. — Ҳайдалгандан кўра ўз ихтиёрингиз билан кетганингиз маъқул эмасми? Қолаверса, у ёқдаги янги ерларга ҳам сиздек ишнинг кўзини биладиган масъулиятли кадрлар керақ.

Шунда хўжайин бошини қуйи солиб, ўйданиб қолди.

— Ҳа, майли, — деди меҳмон, — сизнинг бошингизни қотиришга келмагандим. Келишимнинг бошқа сабаби бор: мен кетаяпман.

— Қаёққа? — ҳўжайин ажабланиб сўради.

— Мирзачўлга. Совхозлардан бирига агроном бўлаяпман.

— Боядан бери бошимни қотирмай шуни айтиб қўя қолсангиз бўлмасмиди? Оббо, дўстим-ей!

Боламни ухлатиб чиқсам, меҳмон оёқ кийимини кияётган экан. Хайрлашдик.

Хўжайин уф тортди-да, менга қаради.

— Бувихол, — деди у, — пулимиз минг сўм эмасмиди?

Ўша пайтларда минг сўм катта пул эди. Етти юз-саккиз юз сўмга сигир олиш мумкин.

— Ҳа, минг сўм эди.

— Дўстимга юз сўм қарз бердим, лекин у ерда етти юз сўм қолди.

Пулни қайта-қайта санаб кўрдик. Эшикда овсиним кўринди. У пул санаётганимизни кўриб, ранги гезарди.

— Қайнимнинг пуллари кўп! Қайним яқинда машина олади! — дея ҳасад билан ёниб гапирди.

— Машина ҳам олардим, уй ҳам қуардим, — деди хўжайин. — Лекин уйимизда ўғри пайдо бўлибди. Ўғрилиқ бор жойдан файз-барака кетади.

— Уйга ўғри кирибдими? — Овсиним ясама қайғу ила ёқасини ушлади.

— Минг афсус... — Бош эгди хўжайин.

— Мен... мен бояги дўстингиз нега келганини сўрашга чиқувдим. Акангиз қизиқаяптилар.

— Мўйноқ! — бақирди хўжайин. — Ўғрини қандай ўтказиб юбординг?! Бегона қуш ҳам учиб киролмасди-ку бу ҳовлига?!

Кўринардик, хўжайин янгасидан гумонсираётган эди. Мўйноқ ҳам овсинимга ола қараш қилди.

Хўжайин ҳаммасини тушунди. Янгасининг саволига жавоб айтди:

— Дўстим чўлга кўчиб кетаётган экан, мени ҳам таклиф қилди.

— Кетасизми?

— Ҳа. Мирзачўлда давлат қурган уй, молхона, сомонхонаси билан кутиб турибди.

Овсинимга қўшилиб менинг ҳам оғзим очилиб қолди. Балки эрим жаҳл устида айтгандир, деб ўйладим. Йўқ, эрталаб эрим ўртоғиникига бориб келди. Биз ҳеч кутилмаганда Жиззах шаҳридан ҳам наридаги олис маконга кўчиб кетадиган бўлдик.

Хўжайин ҳужжатларини тахт қилди. Раис аризасига жон-жон деб имзо чекибди. Хўжайин ўшанда айтганди: «Менсиз улар Мухторовулни бажаролмайдилар, чунки бригадирлар ишни эмас, ўз нафсини ўйлайдиганлар».

Бу гапи кейинчалик ҳақ чиқди. Мухторовулдаги узумзорлар қурий бошлагач, бульдозерлар билан суриб ташлашди. Аввалига картошка экишди, сўнг лалмикаор жойга айлантириб, буғдой экадиган бўлдилар. Ёгингарчилик бўлмаган йиллари Мухторовул ерларида шамол чанг-тўзонни кўкка кўтарганини кўриб юрак-бағримиз эзиларди. Худога шукр, хусусийлаштириш бошланиб, хўжайин ерни қайтариб олди, яна обод қилди...

Мирзачўлга кўчиб кетаётганимизда қизиқ воқеа бўлган. Юк машинасига ҳамма кўч-кўронимизни орддик. Ҳеч нарса эсдан чиқмадими деб қарасак Мўйноқ бир четда мунғайиб турибди.

— Вой, отаси, кучукни нима қиламиз? — дедим.

— Кучук менга керак, — деди қайноғам. — Подани боқишни ўргангани роса иш бераяпти-да.

Эрим кўна қолди. Биз қишлоқ билан хайрлашиб, йўлга тушдик. Мўйноқ ғингшиб қолаверди. Унинг кўзларида ёш кўриб, юзимни четга бурдим.

Машина борти юкларимизга лиқ тўла. Ҳайдовчи, хўжайин, мен, болам кабинада тиқилишиб ўтирибмиз. Ўнқир-чўнқир кўчалар ортда қолиб, текис йўлга чиқдик.

Ичимда бир овоз «Алвидо, қишлоқ! Алвидо, Мўйноқ!» деяётгандек бўлади. Кулгим ҳам қистайди: «Намунча қайғу? Олти-етти ойда меҳмонга келамиз-ку!»

Машина тоғ ичкарисидан чиқди. Олдимизда далалар ястаниб ётарди. Йўл тоғ ёнбағри бўйлаб қўшни қишлоққа бурилган, ундан дала ўртасидаги Самарқанд-Тошкент катта трассасига чиқилар эди. Ҳайдовчи: «Ие, анавини қаранглар!» — деди. Эр-хотин у кўрсатган томонларга, қирларга қарадик.

— Биз билан бирга ит чопиб келаётганди, кўринмай қолди, — деди ҳайдовчи.

Юрагим увишди. Машина бир оз юргач, ҳайдовчи орқани кўрсатувчи кўзгуга ишора қилди.

— Ана, ана! Энди қирдан йўлга тушиб, орқамиздан чопаяпти!

Биз машинани тўхтатишни илтимос қилдик. Бечора Мўйноқ сўнгги кучи қолгунча ортимиздан чопиб келган экан. Ҳўжайин оёғи остида ётган Мўйноққа ачиниб қаради. Юкимиз орасидан арқон топиб, итни бортга чиқарди-да, шкаф оёғига боғлаб қўйди.

Шундай қилиб, Мўйноқ ҳам янги маконга келди.

Бир йил оддийгина уйда яшадик. Иккинчи йили катта ҳовли олдик. Ҳўжайиннинг ўртоғи билан битта кўчада яшардик. Аммо икки йил ўтиб, у тоққа — она қишлоғига қайтди.

Биз чўллик бўлиб кетдик. Орадан тўққиз йил ўтди. Яна бир ўғлим, икки қизим Дўстлик тумани марказидаги туғруқхонада туғилди. Шарт-шароит яхши эди. Тоғдагидек кичкина эмас, уч қаватли мактаб, болалар боғчаси, кинотеатр, ҳаммом бор. Мол-ҳол қилдик. Рўзғорга керакли жиҳозлар, мебеллар олдик. Янги бўлмаса ҳам, «Москвич»ли бўлдик. Болалар боғча ва мактабга қатнай бошлашди. Шундай кунда яна бир қўшнимиз она қишлоғига кўчиб кетди. Ўрнига турмуш қурганига ўн йил бўлган эр-хотин келишди. Улар бефарзанд эдилар.

Аёлнинг исми Маъмура эди. Эри агроном, Маъмура эса ҳеч қаерда ўқимаган, ҳеч қаерда ишламади. Кунбуйи ё уйда ўтирар, ё бизникига чиқиб, армонлари ҳақида гапириб йиғларди.

Мўйноқ уни илк кўрганданоқ вовиллаб, уйга киришга қўймаганди. Биз итни койиб, янги қўшнига мулойим гапирардик. Вақт Мўйноққа ҳам ўз таъсирини ўтказган эди. Юнглари ҳурпайиб, қари итга айланганди.

Орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Мўйноқ худди одамлар каби ўзидан ёрқин хотиралар қолдирди. «Мўйноқдек эсли-хушли, зийрак ит яна бошқа жойда ҳам бормикан?» дейман. Агар она қишлоғимиз томондан бирон киши келса, Мўйноқ узоқдан сезиб, шодон вовиллар, ўйноқлаб югурар, меҳмоннинг туфлисини яларди. Энди ўйлаб қарасам, бечора ит туғилиб-ўсган маконини соғинган экан. Биз — осий бандалар баъзи байрамларда, тўйларда гоҳ автобусда, гоҳ «Москвич»да қишлоққа борардик. Мўйноқни ҳар гал уй-жойга қоровул қилиб ташлаб кетардик. Уни бирон марта ҳам қишлоққа олиб бормаганмиз.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Кеч кузда Мўйноқ лўли кампирни тишлаб олди. Яқинда кўмилган картошкаларни совуқ урмасин деб устига поя ёпаётган эдим. Кўча эшик очилиб, бир кампир кўринди. Елкасида тугуни бор. Болаларим «мўлтони, мўлтони» дейишди. «Келаверинг, момо», деган эдим, ит вовиллаб бориб, оёғидан тишлади. Ҳай-ҳайлаб Мўйноқни қувиб солдим. Кампир дағ-дағ титрарди. Аввал сув ичкизиб, ярасига йод қўйдим.

Кампирнинг алламбало ҳунарлари бор экан. Фол очиш, жоду қилиш, табиблик... «Совуқда шунча йўл юриб, пулмул ишлайман деб келган-да, шўрлик», дедим ичимда.

Унга битта нон бериб жўнатиб юбормоқчи эдим, шундай деб қолди:

— Феъли кенг аёл экансан. Кимларнидир тез-тез соғинишинг кўринаяпти. Кўрқма, умринг бу ерда ўтмайди, соғинган одамларинг орасида яшай бошлайсан.

Шу пайт Маъмура келди. Кампирни уйига эргаштириб кетди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай Маъмура уни шод-хуррам кузатиб қўяётганига кўзим тушди. Уйига кираётиб менга ёш қизлардек қўл силкиб: «Ишлар беш!» деб хитоб қилди.

Кечқурун Маъмура остона ҳатлаб, негадир келганданоқ Мўйноқни сўради.

— Сизга айтдимми, йўқми, Мўйноқ лўли кампирни тишлаб олди. Шунга койигандим, кўзимга кўринмай юрибди.

— Кийими ёқмагандир-да, — кулди Маъмура. — Чопонининг этагидан пахталар осилиб қолган экан.

— Табиб экан...

— Ҳа, унинг ҳам амалини қилиб кўрмоқчиман.

Маъмура кетаётиб, яна Мўйноқни сўради. Итни қақирдим, лекин у қорасини ҳам кўрсатмади. Кўчада Маъмуранинг нариги томонидаги қўшниси Салтанатнинг кучуги бир сариқ кучукча билан қувлашиб юрган экан.

— Мўйноқ нега керак бўлиб қолди? — дедим. — Ана, Салтанатнинг ити.

Маъмура уларга бир зум тикилди-да, «Ўзим шунчаки...» деганича уйига кирди.

Хўжайин ишдан келибоқ «Газ ўчмадими?» деб сўради. «Ўчади» деган гап бор экан. Биз газни гуриллатиб ёқиб, алламаҳалгача суҳбатлашиб ўтирдик. Чироқ ўчиб қолган; болалар ухлаган, ташқарида бўрон бехосият увиллайди.

— Бу йил ҳам пахтани бажардим, — деди хўжайин дўпписини ечиб. — Шу тахлит умр ўтиб бораяпти. Битта нарса тинчлик бермайди: мен шу ерда кексайиб, шу ерда мазорга қўйиламанми? Бувихол, бошқаларни билмадимиз биз кўчиб кетишимиз керак. Умрбод қололмаслигимни тушундим. Келгуси йил кетамиз. Тоғдан ҳовли-жой қуришга кучим етади.

Биз она қишлоғимизга кўчишнинг ширин ташвишлари билан ухлаб қолдик. Туш кўрдим. Уйимизни каттакон, қора тош босиб қолганмиш. Қимир-этолмайман. Тош бутун

аъзойи баданимни эзиб турибди. Кўнглим айнийди-ю ўқчиёлмайман. Ит вовиллади. Уни чақирмоқчи эдим, тилим айланмади:

— Мўй...мўй-но-оқ...

Ит юзимни ялай бошлади. Кўзимни зўрға очдим, ҳеч нима кўринмади. Бир фалокат юз берган эди.

— Болам-а-а-м...

Қаддимни ростламоқчи бўлдим у хонтахта устига ағанадим, чойнак-пиёла шақирлаб синди. Нақ қулоқларим остида Мўйноқ вовиллади. Эшик! Очиқ эшикка қараб судралдим. Бўсагадан ўтганимда, нима юз берганини англадим. Печкадан газ сизиб чиқмоқда, олов кўринмаяпти. Жон ҳолатда ичкарига талпиндим, болаларимнинг устига ўзимни отдим, улар қимир этмасди. Вишиллаётган газни ўчириб, дераза ойналарини уриб синдирдим. Хўжайин ҳам ўзига келиб, менга ёрдамлашди...

Болаларимни ташқарига қандай чиқарганимни эслолмайман. Улар ҳушига келгач, совуқни ҳам сезмай, Маъмураникига ялангоёқ, ялангбош чопдим. Агар мен етиб бормасам, эр-хотин бўғилиб ўлар экан. Бақир-чақирни эшитган бошқа қўшнилари уйғонишди.

Маълум бўлишича, ярим кечаси газ тармоқдан ўчгач, ҳаял ўтмай яна очиб юборилган. Биз ва Маъмуралардан бошқа ҳеч қайси хонадон жабрланмабди. Икки уйга қишлоқ врачлари бир неча кун қатнаб, даволади. Мўйноқ тирноқлари билан эшикни очиб, ёрдам бермаганида, ўлиб кетармидик. Итга меҳримиз баланд эди. Бўлиб ўтган воқеадан сўнг унга қандай миннатдорчилик изҳор этишни билмай қолдик. Унда ақл бўлмаса, бизнинг газдан бўғилаётганимизни қаёқдан билди?

Ит икки оилани ўлимдан қутқариб қолганини ҳамма эшитди. Маъмура икки-уч марта Мўйноққа овқат келтирди. Ит ҳали-ҳануз бегона кўлдан овқат емасди. Биз мактаб-мактаб, ейишга ундадик. Ниҳоят, Мўйноқ Маъмура берган овқатларни ейишга ўрганди.

Бир куни она қишлоққа оилавий меҳмонга жўнайдиған бўлди. Уйни, мол-ҳолни Маъмурага топшириб, «Москвич»га ўтирдик. Мўйноқ бечора югуриб келди.

— Мўйноқ ҳам борадимиз? — сўради қизчам.

Эр-хотин бош чайқадик. Биз олти жон эдик, қолаверса, итни меҳмонга олиб бориш тасаввуримизга сиғмасди. Қарасак, у машина орқасидан чопаяпти. Сомонхонага қамаб кетдик.

Қариндош-уруғимиз ҳам қишлоққа кўчиб келиш тарафдори бўлишди. Ҳовли учун қайноғамнинг уйи ёнидан, бир вақтлар нотаниш отлиқ Мўйноқни ташлаб кетган булоқ яқинидан жой танладик.

— Янаги йил пахта мавсуми тугаса, Мўйноқни ҳам олиб келамиз, — дедим қизчамга.

Мўйноқ бизни нохуш қаршилади. Аниқроғи, у касал бўлиб қолганди. Кун бўйи бир нуқтага тикилиб ётадиган бўлди. Унинг соғайиб кетишига умид қилардик. Ветеринар текшириб кўриб: «Заҳарланмаган, касал юқтирмаган, соғаяди», деди. Бироқ Мўйноқ ғойиб бўлди. Икки кун дарагини тополмадик. Одамлар «Яхши ит ўлигини кўрсатмайди», дейишди. Учинчи куни хўжайин дарвозадан мунғайиб кирди. Бар фалокатни ҳис этиб, саволомуз боқдим.

— Бугун районга ишим тушганди, — деди у, — ярим йўлда Мўйноқни кўрдим. У ўлибди.

— Ўлибди? Машина босиб кетибдими?

— Йўл четида ётган экан. Машинадан тушиб, тут тагига кўмдим. Ҳеч қаери лат емаган. Бу дейман, қишлоққа йўл олган кўринади. Наҳотки, ит ҳам туғилиб-ўсган ерни соғинса?

Болаларим Мўйноқнинг ўлганини эшитиб йиғладилар. Менинг ҳам кўнглим бўшади. Ит оиламиз аъзосидек бўлиб қолганди.

Хўжайин уйга кираётиб, деди:

— Шеригимнинг айтишича, Мўйноқ кўзикиб ўлибди.

— Кўз текканми?

— Шунга ўхшашроқ. Унга заҳар қўшилмаган, лекин қандайдир моддаларга ботирилган таом едирилган бўлиши мумкин экан.

— Мўйноқ бегонанинг қўлидан овқат емайди, — дея эътироз билдирдим. — У қариб қолганди. Кексайишдан ўлган бўлса керак.

Куз келишини интиқиб кутдик. Ёзда «Москвич»ни сотиб, тоғдаги уй қурилишини жадаллаштирдик.

Бир куни Маъмура ажойиб хушxabар айтди: ҳомиладор бўлибди. У ёз бўйи қорнини қаппайтириб юрди. Сентябрда эса кўчқордек ўғил туғди. Биз кўчиб кетаётганимизда ўғилчаси ширингина гўдак эди.

Маъмурани синглимдек кўрардим. Уйни сотганимизда у ҳам, мен ҳам йиғладик, рози-ризочилик сўрадик. Самарқанд вилоятидаги қишлоғимиз билан Жиззах вилоятидаги ўша совхоз ўртаси икки юз эллик чақирим эди. Бундан ташқари Маъмура ва эри асли сирдарёлик бўлиб, ҳаёт бизни яна қайтиб учраштирадими, йўқми, ҳеч ким билмасди.

Пахтачилик совхозидаги охирги кун кечагидек эсимда. Кўч-кўронимизни юк машинасига ортганмиз. Қаердандир лўли кампир келиб қолди. Хўжайин унга садақа берди. Мен четроққа бошладим.

— Кучугимиз сизни тишлаганди, кўп ўтмай ўлди, — дедим. — Фолга ҳам ишонмайман, сеҳру жодуга ҳам. Бу воқеадан кейин... рости, сиз нимадир қилмаганмидингиз, момо? Бугун кўчиб кетаяпман, қайтиб умрбод кўришмаймиз. Илтимос, итимизга нима бўлганини айтинг.

— Ўша кучук сеники эдими? — Кампир менга маъноли қаради. — Нонни сенинг итинга берибди-да? Афсус, афсус.

— Ким берибди? Қанақа нон?

— Қулоқ сол, — деди кампир, — ўшанда кўшнинг фарзандли бўлмаяпман деб ўкинди. Мен нон бўлагига дуо ўқиб, доримга ботириб бердим. Аёл нонни бирон

кучукка берса, аёлга илакишган балои қазо итга уриши керак эди. Ит ўлади, аммо аёлнинг истаги ижобат бўлади. Оддий итга эмас, кучли итга берса, яхшироқ таъсир қилишини айтдим. Иккинчи бор келганимда уйларида ҳеч ким йўқ экан. Қўшнинг «Итни сомонхонага қамаб қўйишган», деди. Мен нонни бошқа кучукка беришни маслаҳат солдим. Ўлимдан қутқарганини эшитгандим. Лекин қўшнингдан хафа бўлма. Ит баҳонаи сабаб бўлса ҳам бахт топди.

— Нега энди... Хафа эмасман... — деб атрофга алангладим. Қўшниларининг болалари қий-чув солиб ўйнашар, Салтанатнинг кучуги ниманидир ғажир, қўшнилар тўп-тўп бўлиб суҳбатлашиб туришар, аммо Маъмура қаёққадир ғойиб бўлган эди.

Машина жойидан силжиганда ҳам Маъмура қорасини кўрсатмади. Мен Мўйноқ учун Маъмура билан жанжаллашмас эдим. Ким билади, ит бошқа сабабдан ўлгандир...

Бироқ кўксимни бир ўт куйдирди: «Нима учун айнан Мўйноққа едирди? Мўйноқ уни ўлимдан қутқарган эди-ку!»

Шунча йиллар яхши-ёмон кунларимиз ўтган ҳовлига сўнгги марта боқдим. Ўзим ўтқазган теракларгина кўринди...

Амма ҳикоясини тугатиб, бизга бир-бир қаради.

— Зериктириб қўймадимми?

— Йўқ, — дедик эр-хотин бараварига.

— Шундан кейин чўлга бирор марта бормадингизми?

— Боришга вақт қаёқда. Омонжон мактабни битирди, демак, ўн саккиз йил ўтиб кетибди, ҳеч йўлим тушмади.

Эртасига амма икковимиз шифохонага бордик.

— Ҳаммаси яхши, текширишди, — деди Омон. — Айтгандай, эна, иккинчи қаватда бир жиззахлик аёл ётибди. Кеча гапдан гап чиқиб сизларнинг танишларингиз бўлиб чиқса ҳайрон қолибман. Чўлда яшаганларингизда қўшни бўлган экан.

— Ким экан? — ғалати кулимсиради амма.

Омон чақириб чиққан аёл амма билан куюқ сўрашди.

— Танимадингиз-а, тўғриси айтинг, — деди бемор.

— Қаридик, эслолмаяпман, — ийманди амма.

— Салтанатман, бир уй наридаги қўшнингиз.

— Ҳа-а... Вой, анча ўзгариб, катта хотин бўлиб кетибсиз.

— Бир қариндошимиз шу ерда, Самарқандда шифокор. Шунинг учун Жиззахда даволанмай унинг ишхонасига келавердим-да, опа.

— Ҳозир ҳам Дўстликда яшаяпсизларми?

— Ҳа, ўша уйда...

Қарасам, аёлларнинг гапи чўзиладиган кўринади. Амма ва ўғли билан хайрлашиб, эшикка юрдим. Эшикка етунимча йўлакдан икки аёлнинг гаплари эшитилиб турди:

— Қайси Маъмура? — сўради жаззахлик аёл. — Эҳ-ҳ, сиз ўртадаги қўшнимизни айтаяпсизми? Чақалоғи бор эди. Улар сиз кўчиб кетган йили вафот эшитган. Шу вақтагача билмасмидингиз?

— Нима... Нимадан ўлди?

— Чақалоғи иккови газдан бўғилиб...

— Эри ҳозир ҳаётми?

Мен жавобни эшитмай ортимга ўгирилганимда, бемор бошини маҳзун чайқганини, амма юзига фотиҳа тортганини кўрдим.

Кейинчалик таҳририятга келган бир чол шундай деди:

— Итим кўп туғарди. Кучукваччалардан қутулиш учун бирор қишлоққа от суриб борардим-да, дуч келган ёлғиз аёлнинг пойига ташлардим. «Айтганингни опкелдим!» деб бақирардим-да, отимга қамчи босиб кўздан йўқолардим. Шунақа телба ҳазилкаш эдим. Кенжа қизим Сирдарёга келин бўлди. Куёв агроном эди, чўлга кўчиб кетишди. Қизим билан неварам ўша ёқда ўлди. Ҳатто ҳазиллашиб бўлса ҳам кучуквачча совға қилмаганимга афсусланаман. Биринчи марта фалокат келганида, жонларига бир ит оро кирган экан-да, болам...

ИЛОНҒОР ПОДАЧИСИ

Гилдираклари лойга беланган машина дарвоза олдида тўхтаб, ундан қирқ ёшлардаги киши тушди. Папкасини қўлтиқлаб уй сари юрди. Хотини пешвоз чиқди.

— Мазам йўқ, чой-пойинг борми?

Аёл обдаста кўтариб, эри томон шошилди.

— Кунлар бемаҳал исияпти, — деди чой қайтараётганида.

— Ҳамма касал.

— Меники об-ҳаводан эмас, бу ёғини эшит, Зебо.

— Вой, ер беришмадими? — Шундай дея хотин папкага қўл чўзди. — Қасамхўрлар!.. Ҳойнаҳой, Авлиёкуловлар эга чиққандир?

Эр ҳорғин ҳолда бош силкиди.

— Тоғамга айтаман, устидан ёзади, — жавради Зебо.

— «Сотка»нгиз қани? Беринг!

Эр аввал чой ҳўплади, кейин кўз остидан ёвқараш қилиб, деди:

— Ўпкангни бос. Нима гаплар бўлганини билмай ҳовлиқма. Ер бизга барибир тегмайди.

— Нега?

— Менга бошқа жойдан ер топиб беришди, арзон-гаровга кенг-мўл майдон. Қўл ҳам қўйдим. Фақат бир оз ишлаш керак. Бульдозерни ишга солиш керак...

— Ер қаерда?

— Қишлоғингнинг яқингинасида.

— Мабодо... — Зебо ёқасиниғижимлади. — ...Илонғор эмасми?

— Ҳа, Илонғор энди бизники.

Зебо кулоқларига ишонмади. Эри алжираяптими?

— У ер мозор-ку!

— Сен ҳам одамнинг асабини ўйнама, илтимос!..

Орага оғир жимлик чўкди. Эр ҳўриллатиб чой ича бошлади, хотин дастурхондаги ушоқни ўйнаб, хаёлга толди.

Қишлоқнинг кун ботиш томонида Илонғор деган чангалзорга ўхшаш майдон бор эди. Жийдазор ва жарликлари, сассиқ балчиқлару қалин қамишзорлари кўп. Мол-қўй боқса бўладиган ўтлоқлари, серўт дарахтзорлари ҳам бор. Кимлардир Илонғор атрофида мол-қўй боқса, кимлардир яқинига ҳам йўламайди, беҳосият жойда нима қиламиз, дейдилар.

Зебо Илонғорга энг яқин қишлоқда туғилиб ўсган. Болалигида у ҳақидаги афсоналарни кўп эшитган. Баъзан шайтон қизлар Илонғордан чиққан арвоҳ кечаси қишлоққа ҳам келади, ким уйида ёлғиз ўтирган бўлса, эшик ё деразасини тақиллатиб, ташқарига имлаб чақиради, дейишарди.

Йиллар ўтди. Зебонинг назарида, Илонғор ҳақидаги гап-сўзларнинг бари афсона эди. Одамлар нималарни тўқимайди дейсиз. Айниқса, Илонғорда эллигинчи йиллар охиригача кичкина ҳарбий казарма бўлганини, аскарлар ўлганини эшитгач, афсоналарга батамом ишонмай қўйди.

Бироқ эрта баҳорда Илонғор чангалзоридagi казарма харобасида одамлар бир шарпани тез-тез учратадиган бўлишди. Болалар орасида яна ваҳима тарқалди. Аммо катталар хотиржам эдилар. Харобада бир ўрис пиёниста яшаётганмиш.

Кўп ўтмай Илонғордаги «шарпа» қишлоқ аҳлига тўрғай сотишга келди.

— Илонғорда қаёқдан пайдо бўлиб қолдинг? — Зебонинг отаси ирkit кийимли кимсага гап қотди.

Соқол-мўйлови ўсган кимса ўзбекчани бузиб, бунинг устига дудуқланиб гапираркан.

— Меники... Табиат ошнаси.... Робинзондай ёлғиз яшашни хоҳлайди... Туғилган жойи Саратовда... Нон беринг, ҳамма ишни қилади...

Унга ул-бул юмушлар буюрадиган бўлишди. Дайди ақли заифга ўхшаса-да, баъзи ишларни усталик билан бажариб, «Мана, Пушкин! Ҳаммаси шоирона!» дерди. Кўпчилик шўрликнинг устидан кулса-да, аслида у одамларнинг устидан кулаётгандек туюларди. Харобгина клуб биносида ҳинд киноси намойиш этилса, бутун қишлоқ оқиб борар, мабодо, дайди ўша атрофдан ўтиб қолса, мийиғида кулиб қўярди-да, ерга туфларди, қўлини кун ботарга жаҳл билан ниқтаб, сўнг ҳавога гугурт чақиб отарди. У Илонғорга ишора қилаяптими, Фарбгами, гугурт чақишида не маъни бор, ҳеч ким тушунмасди.

Баъзан лой кўчадан ўтаётиб, русчалаб сўкинар, ҳаммаёғига ҳалқоб сачратиб, ҳовуридан тушгунча депсинарди.

— У денгиз бўйида, ойнадай текис, озода кўчада яшаган, қишлоққа кўниколмаяпти, — дейишари айримлар.

Сирини ҳеч ким билолмади. Миш-мишларга қараганда, у келиб чиқиши Россиядан эмас, Литвадан бўлиб, собиқ маҳбус экан. Олис Ўрта Осиё қамоқхонасига юборилгач, жазо муддатини рисоладагидек ўтаган. Озодликка чиққач, юртига кетмай, ароққа ружу қўйган. Кейин эса таркидунё қилган ва кимсасиз харобаларда, чекка қишлоқларда яшаб юрган. У дайдиб юра-юра, кунларнинг бирида нима учун айнан Илонғордан кўним топган, биров қизиқмасди.

Баҳорда бир неча одамнинг молини боқа бошлади. Бокқанда ҳам ҳеч ким қадам босмайдиган Илонғор ўтлоқларига ҳайдарди. Моллар тез семирди. Унинг подасига мол қўшадиганлар секин-аста кўпайди. Дайди пиёниста энди Илонғор подачиси деган лақаб олди.

Бир йил садоқат билан ишлади. Бора-бора қишлоқ аҳли уни яхши кўриб қолди. Ҳатто тўйларга чақиришарди. Лекин подачи тўй-маъракаларда бирор марта ҳам иштирок этмади. Халқ подачини участка нозиридан ҳам ҳимоя қилди, турли қаланғи-қасанғи безорилардан ҳам. Подачининг қишлоққа меҳри товлангандан товланаверди.

Бир гал Зебонинг «Весна» русумли магнитофонини тузатиб берди. Қиз унинг кўм-кўк кўзларида ўткир ёлқинни пайқаганда беихтиёр чўчиб тушди. Ҳеч бир зоғ эътибор бермаган яна бир жиҳатидан ҳайратланди: жулдур кишининг ўттиз икки тиши ҳам соппа-соғ эди. Ҳеч замонда пиёниста, дайди, хароб маконларда яшовчи ўз соғлигини унутган кимсанинг ҳам тишлари бус-бутун бўладими?

— Сиз ростдан ҳам дайдимисиз? — деб сўради ўшанда.

— Меники... Уй йўқ... Бола-чақа йўқ... — Ҳазин товушда сўзлади подачи.

— Артистларга ўхшаркансиз, — жилмайди Зебо.

Подачи магнитофонни жаҳл аралаш тутқазди-да, ҳовлидан оқсоқланганча чиқиб, кўчада кўздан йўқолди.

Иккинчи йили қишлоқдаги бир одамнинг қизи ёлғиз фарзанди билан эридан ажрашиб келди-да, узуккун Илонғор атрофида гоҳ тезак териб, гоҳ жийда йиғиб, вақли ўтказа бошлади. Зебо ҳам подага мол қўшарди. Бир гал подачи есир жувон ва унинг қизига ўқрайиб қараб қўйганига гувоҳ бўлди. Афтидан она-бола Илонғор жийдазорига тап тортмай боришлари подачига ёқмас эди.

Бир фалокат бўлишини кўпчилик сезди. «Илонғорда бало борми? Хосиятсиз овлоқ жойларда тимирскalaniб юради анавилар!» деб Зебонинг отаси ҳам ёзғирган эди.

Даҳшатли қотиллик ёзнинг бошида содир этилди. Жийдазор ўртасидаги қамиш босган ҳовузчадан есир хотин ва қизининг жасади топилди. Аёлнинг кўзлари худди қўрқинчли махлуқни кўргандек қўрқувдан қотиб қолган эди. Айниқса, қизининг кўзида ғалати бир маъно акс этганди. Гувоҳларнинг айтишича, у ибодат қилаётгандек кўкка кўз тикиб ётганмиш.

Милиция оёққа турди. Она ва бола бир хил тарзда — бўйни қайириб ўлдирилган эди. Уларни охириги марта кўрган тракторчи вақтни эслади: соат 11:00. Жасадларни

топган икки ўсмир ҳам вақтни аниқ айтиб берди: 11:05.

Қотил беш дақиқа ичида иккита одамни ўлдириб, ҳовузга ташлаб юборган эди. Ҳеч ким Илонғор атрофида бегона шахсни учратмаган. Қотилнинг оёқ излари юз қадамлардан сўнг ҳавога учгандек ғойиб бўлганди. Яна бир сирли жиҳати шундаки, иккала жасаднинг елкасига «8М» деган тамға босилганди. Энг тажрибали терговчилар ҳам сирли жиноят қаршисида ожиз қолишди. Одамни бир сонияда ўлдиришнинг бундай усулини ҳар ким уддалаёлмасди. Қотил нақадар тажрибали, раҳмсиз ва устаси фаранг экани яққол кўриниб турарди.

Ўшанда Зебони ҳам бир неча марта терговга чақиришди. У Илонғордаги тепалик кўринадиган йўлдан айнан қотиллик содир этилган вақтда ўтган ягона йўловчи эди. Тергов чоғида маълум бўлдики, Зебо Илонғор томонда, аниқроғи, тепаликда фақат подачини кўрган. Бошқа бирор шубҳали шахсни, машинани ё ғалати туюлган нарсани учратмаган.

«Соат 11:00 да подачини тепаликда кўрганингизни аниқ эслайсизми?» — сўрашди терговхонада.

«Ҳа, у пастликдаги молларга қараб ўтирганди», — жавоб берди Зебо.

«Балки тепаликдаги бошқа одам бўлгандир?»

«Ўша киши эди. Кийимидан, соқолидан, кейин... Ўтиришидан танидим. Бизнинг магнитофонимизни тузатиб берган... Бир неча марта... Шунақа чўнқайиб ўтиради...»

«Жулдур подачи магнитофон тузата олишини қасдан билгансиз?»

«Ўзи айтган».

«У сизга гапирармиди?»

«Йўқ. Подага қўшиладиган молларнинг пулини йиғиб юрганида, айвонда магнитофоннинг овозини чиқаролмай жигибийрон бўлаётгандим. «Мен биламан»

деб тузатиб берди. Сўнг қамалмасидан аввал радио-техникани тузатишга қизиққанини айтди. Бошқа гапирмаган. Эрталаб молларни подага қўшиши учун қишлоқ четидаги булоқ бошига борганимизда ҳам ҳеч биримизга гапирмасди».

Илонғор подачисини бир ой сарсон-саргардон қилдилар. Кузда подачини кимдир шаҳарда маст ҳолда кўрганини айтди. У ҳақда аниқ маълумотларни ҳеч ким билмасди. Билганлари шу эдики, асли Литвада туғилган Степан Артёмович Куняев тергов изоляториди, яъни дам ички ишлар идораси ертўласига келтирилиб, дам шаҳардаги турмага юборилиб, бир ойча тергов қилинган, вақтинча қўйиб юборилади. У кўчага чиқади-ю номаълум томонга жуфтакни ростлаб қолади. Дайдига макон борми? У энди Илонғорга яқин йўламаслиги ҳаммага маълум эди.

Бир куни отаси милиция ходими билан гаплашаётганини Зебо тасодифан эшитиб қолди.

«Командир, қотил топилиши ҳам чўзилиб кетди-я?»

«Тез орада топамиз».

«Подачимизни бекор кўрқитдиларингиз-да. Шу-шу бу ерлардан думини тугди. У бечора қандай қилиб одам ўлдирсин? Ўзи қишлоқ аҳлига маъқул бўлай деб қўлидан келгунча ёрдамлашиб юарди. Инсофли эди».

«Ўша Куняев қотил бўлиб чиқса, ҳайрон қолманг. Бекор қўйиб юборган эканмиз. Бутун мамлакат бўйлаб қидирувга бериш эҳтимоли ҳам йўқ эмас».

«Қўйсангиз-чи, она-бола ўлдирилган пайтда у тепаликда ўтирганини қизим кўрган. Шунча экспертлар, изқуварлар, итлар тополмайдиган даражада уста қотил эканига ишонмайман. Инс-жинсларнинг иши бўлиб чиқади-ёв...»

«Қурбонларнинг елкаларига «8М» деган тамға нега босилган дейсиз? У махсус код бўлиши ҳам мумкин экан.

Яъни бечора аёл билан қизи халқаро жиноятчиларнинг ишига халал берган бўлиб чиқиши ҳам эҳтимолдан холи эмас».

«Халқаро жиноятчилар? У нима деганингиз?»

«Эҳтимол, чет эл жосуси. Яна ким билади дейсиз? Юқорида ҳозир шуғулланишяпти».

«Барибир ақлдим етмаяпти. Нега «8М» деган тамға босади? Нима дегани экан у?»

Ички ишлар ходими атрофга аланглаб, шундай деди:

«Яна бир тахминга кўра, «8М», бу — «8 март» деган маънони англатаркан. Америкада худди шу номли жиноий гуруҳ бўлган экан. Аёлларнинг кушандаси, антифеминизм, балои баттар. Яхшиси, бу ишга қизиқмаганингиз маъқул.

Йиллар ўтса-да, Зебо болалик даврида рўй берган фожиани унутмади, унутолмади. Жиноий гуруҳ номи нега айнан «8 март»? Хотин-қизларнинг устидан кулишми? Шундай ҳам дейлик, олис Америкадаги жиноят эпкини қандай қилиб Осиёдаги чекка қишлоққача етиб келди? Фақат подачигина европалик эди. Аммо у ҳам Америкада яшамаган, бормаган, халқаро жиноятларга аралашмаган, бор-йўғи камомад туфайли қамалиб кетган...

* * *

Шундай қилиб, Илонғор замини Зебонинг эрига хатлаб берилди. Зебонинг кўз олдида Илонғор подачисининг чақноқ сирли нигоҳи, дурдай тишлари, марҳум она-боланинг маҳзун қиёфалари яна кечагидек жонланди, ёмон сесканди.

— Дадаси, у ёққа бормаимиз, тамом-вассалом, — деди Зебо.

— Салкам текин тушган ташландиқ ердан қанча экинзор очилади, биласанми? Неча гектар боғ қилса

бўлади! Чорва учун беҳисоб майдон-ку у ерлар! Э, сенинг афсонанг қурсин! Иккита одам ўлганини менга турмушга чиққанингдан бери гапирасан!

— Атиги икки марта гапирганман, дадаси. Ҳамма ҳам гоҳида ёшлигидаги сирли воқеаларни эслайди.

— Мана, учинчи марта айтдинг! Шуниси охиргиси бўлсин!

Бир кеча эри Илонғордан қайтмади. Кўнғироқ қилса, «Хизмат кўрсатиш доирасидан ташқарида» дейди. Зебо тонгдаёқ киракаш ёллади-да, болалиги ўтган тоғ томон жўнади. Илонғорга бурилганида, у ерлар анча ўзгариб кетганини кўрди: экинбоп янги ерлар очилган, чангалзорлардан яккам-дуккам дарахтлар қолган эди. Бульдозерлар ва ишчилар ётадиган вагон аллақандай таскин бағишласа-да, юраги ҳамон хавотир исканжасида қийналарди.

Зебо бир қарашдаёқ эрининг машинаси бузилганини пайқади.

— Нима гап? Тинчликми? — сўради эри ҳеч нима бўлмагандай.

— Буни сиздан сўраш керак, дадаси! Одам ҳам шунақа қиладими?

— Тушунмадим...

— Бир оғиз айтиб қўйиш шунча қийинми? Телефонингиз ҳам хизматдан ташқарида!

— Ие, «sms»ларим етиб бормадими?

— Йўқ!

— Кўпинча «антенна»сиз жойларда гудок кетмаса, «sms»лар борарди-ку. Хавотирланмасин деб бир неча марта хабар юбордим, онаси! Яхшимисан ўзи? Болалар қандай?

Шу пайт вагондан хориждан келган сайёҳлардек кийинган олтмиш-етмиш ёшлардаги киши чиқди. У Зебога, Зебо унга тикилиб қолди.

Меҳмон ҳақиқатан ҳам ажнабий экан.

— Америкадан келган меҳмон, — изоҳлади эри Зебога. — Кечқурун шу ерда қолди. Фермерлар ҳаёти билан танишмоқчи. Ўзи журналистга ҳам ўхшамайди, ғалати одам. Русча гапирди, ўзбекчага ҳам сал-пал тушунади.

Етмиш ёшларни қоралаб қўйган, мунтазам булутли ўлкаларда яшаб, оппоқ оқарган кимсани йиллар ўтган бўлса-да, Зебо таниди. Ахир, уни бир неча минг маротаба кўз олдига келтирган: ўт ёнадиган кўк кўзлари, дур тишлари...

Ҳа, бу сайёҳ йигирма икки йил бурун ғойиб бўлган Илонғор подачиси эди.

— Исломни қабул қилибди, — деди Зебонинг эри пичирлаб. — Ёшлигидан кўп гуноҳларга қўл урганга ўхшайди. Кечадан бери Яратганга ёлворади.

— Бу ерда нима қилиб юрибди? — Зебо сайёҳдан кўз узолмади.

— Саёҳатга келган.

— Илонғор қачондан бери чет элликларнинг зиёрат жойи бўлибди, дадаси? — Зебонинг юраги гуп-гуп уриб, вужудини ҳадик ва ҳаяжон тўфони титратиб юборди. — Ўз гуруҳидан ажралиб, чекка қишлоқда ётиб қоладиган сайёҳни қаерда кўргансиз? А?

— Э, бунча ваҳимасан-а? У шўро даврида, аниқроғи, саксонинчи йилларда командировка билан шу атрофларга келган экан.

Сайёҳ Зебонинг рўпарасида тўхтади.

— Хотиним анави қишлоқдан дегандим, мана у, — Зебога ишора қилди эри.

Ўша совуқ йилтираган мовий кўзларда бугун ҳалимлик балқир эди.

— Исмингиз нима? — сўради рус тилида.

— Зебо.

Сайёҳнинг кўзларида ёш ҳалқаланди.

— Зебо?... Ҳа... Магнитофонингиз бор эди... «Весна» эди...

— Сиз қишлоқ подасини боқардингиз, — деди Зебо.
— Тўғри топдимми?

— Мени кечиринг... Ҳаммаси учун кечиринг... — Кейин бошини эгди-да, бош чайқади. — Йўқ, кечириб бўлмайди.

Зебо ҳаммасини тушунганди. Шунча вақт Илонғор жумбоғининг ҳеч ким ечолмаганига ҳайрон қолди. Ахир, Илонғор подачисидан бошқа ким ҳам қотил бўлиши мумкин?

— Сизми ўша она-болани...

— Ҳа, мен. Гуноҳларим учун Худонинг олдида ҳам, давлатнинг олдида ҳам жавоб беришга тайёрман. Ҳаммасини тан оламан.

— Эридан куйиб есир қолган бечора аёл билан бегуноҳ норасида қизи нима ёмонлик қилган эдики, ваҳшийларча ўлдирдингиз?

— Ўшанда эси паст дайди ролини ўйнаганман, — деди сайёҳ. — Литвалик маҳбусни ўлдириб, ҳужжатларини қўлга киритганман. Менга Куняевнинг ўтмиши ҳақида барча маълумотларни етказишган. Куняевнинг ҳаётини ёддан биладиган бўлганимдан сўнг бу ёққа — Илонғорга юборишди. Жуда-жуда ёмон одам эдим. Сиримни билиб қолган ҳар қандай инсонни осон ва из қолдирмай ўлдириш қўлимдан келарди. Айёрликка, ёвузликка, топшириқларни сўзсиз бажаришга ўргатилгандим.

Эри дам сайёҳга, дам Зебога анграйиб:

— Астаффуриллоҳ, нималар бўлаяпти? Ишқал чиқиб, бошим балога қолади шекилли, — деб қулочини ёйди.
— Шу етмай турувди!

— Сирингизни она-бола қандай билиб қолди? — сўради Зебо.

— Мени бу ёқларга жосус қилиб жўнатишларидан

мақсад, — давом этди сайёҳ, — кераксиз жойга нега ҳарбий казарма қуришгани-ю тусатдан кўчиришгани ҳақида маълумот тўплаш эди. «Совуқ уруш» даврида дунё иккита лагерга бўлинганидан хабардорсиз. Душманнинг ҳар бир казармаси, ҳар бир ҳарбий базаси, ҳар бир қитъалараро ракетаси ҳақида маълумот тўпланиши шарт эди. Бунингсиз бўлмасди, Зебо. Эсимда, сиз беғубор, навниҳол қиз эдингиз. Тинчлик замонида яшаяпмиз деб юрардингиз. Аслида уруш аллақачон бошланганди. Мана, мен сизнинг қишлоғингизга рус пиёнистаси қиёфасида кирган душман партизани эдим. Одамлар ўлдирилмадими? Шафқатсизларча ўлдирилди. Биздаги маълумотларга кўра Илонгорнинг тагида баллистик ракета бўлиши керак эди. Ракета қаровсиз ташлаб кетилмайди, аммо ер остида ракета сақлашнинг биз билмаган услублари ҳам йўқ эмасди. Она-бола ҳаммаёқни искаб юришарди. Кутилмаганда махфий ертўламга... Мени фош этадиган нарсаларга гувоҳ бўлиб қолишди. Иккисини ҳам ўлдирдим... Бошқа чорам йўқ эди... Мен... Ўша пайтларда хизмат вазифасини бажариш учун ҳеч нарсадан қайтмайдиган жосус эдим... Йиллар ўтди, «Совуқ уруш» тугади, хизматдан кетдим. Яхши одамлар орасида яшаб, ўзимни ўзим танидим. Наҳотки, Аллоҳ мени ёруғ дунёга ёвуз қилиб юборган бўлса? Ҳеч қачон. Мен беғубор бола эдим, сиз каби, Зебо. Танлаган йўлим мени хунхўр махлуққа айлантирди.

— Сиз ҳақингизда хабар беришга тўғри келади, — деди Зебонинг эри.

Сайёҳ фермерга эътибор ҳам бермади. Ёш тўла икки кўзи Зебога боқди.

— Вақт орқага қайтса, қушга ҳам озор бермасдим. Барибир... Бу ерда ракета йўқ экан.

— Лекин... Сизни тепаликда кўрганман, — деди Зебо. — Мени ҳам бир неча марта терговга чақиришган.

Тепаликда подадан кўз узмай ўтирган одам қандай қилиб Илонғорнинг нариги чеккасига бориб, жиноят қилиб келади?

— Сизнинг гувоҳлингиз менга асқотганди, — аччиқ кулимсиради сайёҳ. — Тепаликда ўтирган «одам» мен эмас, қўғирчоқ эди, кийимларим кийдирилган... Бас, Зебо, бошқа ҳеч нима сўраманг... Онасини ўлдирганимда қиз менга мўлтираб қаради... Унинг нигоҳи ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди... Ўша нигоҳ шўроларнинг даҳшатли куролларидан ҳам кучли чиқди... Мени енгди, Зебо... Мен Яратганнинг ҳузурига барча гуноҳларини тан олган тавбадаги банда бўлиб боришни истайман...

— Нега «8М» деган тамға босгансиз? Бегуноҳ инсоннинг мўлтираши оз бўлса-да таъсирлантирган экан, ўлигига тамға босишингиз нимаси?

Сайёҳнинг ранги мурданикидек оқариб кетди.

— Қанақа «8М»?

— «8 март» деган уюшган жиноий гуруҳ тамғаси. Нима, бу ҳақда билмасмидингиз?

— Р... ростми? Мен... Тамға босмаганман... Ўшанда ҳибсхонадан чиқиб, асл қиёфамга қайтиб, бошқа ҳужжат билан мамлакатдан чиқариб юборилгандим.

— Демак, шеригингиз ҳам бўлган экан-да?

— Ахир, қанақасига?.. Шеригим йўқ эди... — Сайёҳ бир зум ўйга толгач, нари кетди. Унинг минғиллагани эшитилди: — Ҳа, энди тушундим...

— Аблаҳ, — пичирлади эри. — Ҳозироқ милицияга хабар бераман.

Зебо миқ этмай сайёҳнинг ортидан кузатиб қолди. Гуноҳларига тавба қилган қотил шудгор оралаб Илонғор ичкарисидagi кўҳна мозор томон жўнади.

Кўп ўтмай «Виллис»да ички ишлар ходимлари келишди. Ажнабий сайёҳни бир соат ахтаришди. Ниҳоят, собиқ жосуснинг мурдаси топилди. У мозор яқинидаги ўрага йиқилиб, бўйнини синдириб олган экан.

— Бахтсиз ҳодиса, — деди милиция ходими шапкасини пешонасига кўтариб.

— Қайтар дунё, — пичирлади Зебо.

Ўликни туман марказига олиб кетишди. Тиббий экспертизадан ўтказиш учун ечинтиришганида, елкасидаги яқинда босилган тамгага шифокорнинг кўзи тушди. Дарҳол ички ишлар идорасига сим қоқди:

— Бу бахтсиз ҳодисага ўхшамаяпти. Елкасига тамга босилган.

— Қанақа тамга?

— «8М» деган ёзув.

— Экспертизани тўхтатинг, — дейишди унга.— Мурда билан бошқа ташкилот шуғулланади.

— Мени нима қилай?

— Эшикни қулфланг-да, йўлакдаги стулни эгаллаб, ҳамширалардан бирига кўк чой буюртиринг. Одамлар етиб боргунча бир пиёла чой ичиб турасиз. Мабодо кимдир нега ўликни текширмаётгангизни сўраса, «Тўсатдан тирилиб кетди, терапияга юбордим», денг.

Ола-чипор ва фуқаро кийимидаги кишилар тезда етиб келишди. Шу-шу Илонғор подачисининг мурдасини ҳеч ким қайтиб кўрмади.

ТУНГИ ФОЖИА

*«Отам ўлишини билганимда
бир қоп похолга алмашардим...»
(Ким айтгани номаълум)*

Ўша кечаси бўрон гувиллади. Сўнгги япроғи тўкилган дарахтлар совуқдан мўрт бўлиб қолгандек: ҳадемай инжиқ табиат ўзи яратган гўзалликни кунпаякун этади, гўё. Аллақаяқдан тунука бўлаги учиб келиб, ҳовлидаги бетон саҳнга тарақлаб тушгач, электр лип этиб ўчди. Сотиболдининг хотини кўрпадан бошини чиқарди.

— Дадаси, туринг, томдан тунука учди, шекилли. Тўк ҳам ўчиб қопти.

— Филойнинг томида тунука йўқ, билмадим, қаердан учиб келди.

Хотин бирдан эрига қаради.

— Сиз ҳам ухламай ётганмидингиз?

Сотиболдининг хаёлига онаси келди. Ҳавонинг авзойи бузуқ бўлса-да, бугун меҳмонга келиб-кетганди.

— Ҳа, онамни ўйлаётгандим. Уйга етиб олдимикан? Шу кунлари ёқилғи йўқ деб машиналар ҳам камқатнов. Онамга ҳайронман, шунча узоқдан келиб нима зарур экан?

— Дадаси, бир нарс айтсам хафа бўлмайсизми?

— Ҳисоб варақларини йўқотдингми? — Сотиболди беихтиёр ёстиқдан бош кўтарди.

— Йўқотиб ўлибманми?! Онангиз ҳақида гапирмоқчиман.

Сотиболди лабини чўччайтиргач, «Хайрият-э» дегандек ёстиққа оҳишта бош қўйди. Хотини тирсағига суяниб ёнбошлаганди, билагининг эни икки қарич бўлиб ялпайди.

— Келмаганига олти ой бўлди-ми? Кўзи яхши кўрмай қолганини бугун билибман. Пиёлани зўрға пайпаслаб топди.

— Онамми? Қўйсанг-чи, мени эллик қадамдан таниди-ку.

— Филой момонинг уйи тўлиқ бизники, охирги ҳужжат қўлда, деб хиргойи қилганингиздан сўнг сизни пайқади-да!

Сотиболди қўл силтамоқчи эди, эринди. Хотин эса жаврашда давом этди:

— Онангизнинг қон босими ҳам сал ошиб турганди. Билдирмайман деди-ю барибир пайқадим. Овқат еёлмади, фақат ҳўриллатиб чой ичади, фақатгина нон шимган бўлади.

— Э, буларни нега ярим кечаси айтаяпсан? Бор уйқуни ҳам қочирдинг.

— Негадир юрагим ёмон нарсани сезаяпти, дадаси...

— Ўчирасанми, йўқми?

Шу пайт дарвоза тақилладими, тақ-тақ этган овоз кулоққа чалинди. Эр-хотин иссиқ кўрпадан чиқмай бири-бирига тикилишди.

— Ёндиргичнинг фонарчасини ёқиб қўй.

— Мана, ёқдим.

— Соат неча?

— Икки. Ҳали тонг отишга эрта. Вой, бу бўрон дарахтларни қўпориб кетади-ёв!

Сотиболди ташқарига диққат-ла кулоқ тутди, шамол аллакимнинг заиф ноласини учириб келгандек туюлиб, аста хотинини туртди.

— Гапни айлантирма, онамни бекатгача кузатиб қўйганмидинг?

— Ким?.. Менми?..— чайналди хотин.

— Сен!

— Изғирин бошланмасдан, кечқуруноқ сув музлаганди. Бу худо қаргаган посёлкангизнинг бекати бийдай очиқ жойда, шамолнинг кўзида бўлса! Айтинг, сиз боролмаган жойга мен қандай бораман? Бир чақирим нарига...Э, шу Филой момонинг уйини қаердан топдингиз ўзи?! Эрта-перта келиб яна қарғайди? Тентак тушунармиди! Ҳужжат-пужжат билан иши йўқ. Бу ерда чолим билан яшаганман, деяверади, гапи ҳеч тугамайди. Шунча ўжар экан, қандай илиб ўша қаллобга бериб қўйган?

— Бас, бу уйни нақд пулга сотиб олдик. Озмунча

пулми! Уйни алдаб олиб қўйиб, сизларга сотган, деса индамай бўшатиб бераверамизми? Марҳамат, пулини тўласин... Лекин посёлкада ишимиз кўп. Барибир уйни қайтармайман.

— Ҳамсоялар айтдики, — пичирлади хотин, — Филой момонинг ётадиган жойи йўқ эмиш, қишда жой беришимиз керак экан.

Сотиболди ёстиқа суяниб ўтирди.

— Филой момонгни иккинчи гапирма, — деди зарда билан. — Сенга ўтган куни ҳам айтгандим-а! Ҳозир, биласанми... Онамни ўйлаяпман. Аксига олиб ҳеч қайси бирида телефон йўқ. Анови қурумсоқ қўшниларни айтаман-да.

— Етиб боргандир...

Шунда дарвозанинг тақиллаши Сотиболдининг хотинига ҳам эшитилди. Эр-хотин ноилож эгниларига халат ташлаб, дераза ёнига писиб келишди. Зулмат қўйнида дарахтлар гувиллади, шамол зўридан тунука бетон саҳндан судралиб, ғийқиллаб ўтди, шифт ғичирлади.

— Вой-бў, қиёмат бўлади-ёв, — деди хотин.

Шундай аёзли бўронда ташқарида қолган одамнинг ҳоли не кечишини тасаввур қилган Сотиболдининг эти жимирлаб кетди. Ахир, онаси эски чит қўйлак устидан юпқа желак кийганди, холос. Сотиболди эсини танибдики, онаси бечораҳол бўлиб, мунғайиб юради. Қорақозонни зўр-базўр қайнатди. Яккаю ёлғиз ўғлини ҳам қарз-қурз қилиб уйлантирди...

«Машинага ўтирмайди! — деди ичида Сотиболди. — Унча-мунчага ўтирмайди!.. Келишида инсоф бериб автобусга чиққандир. Кечқурун қатнамайди. Балки йигирма чақиримга пиёда кетаман... Кетоламан деб...»

Сотиболди чидаёлмади. Хотинини ургудай алфозда:

— Машина-пашина тўхтадимми? — деб сўради. — Нега ҳеч нарса демадинг? Ташлаб келавердингми?

— «Совқотиб қолдинг» деб қайтарворди...

Сотиболди бақириб юборди:

— Бекатда қолдимиз?!

— Ҳим...

Сотиболди эшикка юрди, аммо даҳлиз изн бермади: суяк-суягигача музлатди. Халатини ечиб, шим, кўйлак, жимфер кийди. Сўнгра қалин пахтали янги чопонга ўралиб, остона ҳатлади. Эрта баҳордан бери тугунда ётган қишки кийимлардан моғор иси анқирди.

Гуп этиб урилган шамол қалқитди. Сотиболди ортига қайтиб, негадир ғаладондан қассоб пичоқни олди. Катталашиб кетган юлдузларга кўрқа-писа нигоҳ ташлади. Назарида, шамол том ва дарахтларга урилиб эмас, фалакдаги илоҳий кучлар таъсирида увиллаётган эди.

— Ким у? — деди турган жойидан.

Овози ўзига ҳам эшитилмади. Дарвоза сари юришга мажбур бўлди, оёғи тагида муз қарс этди.

Дарвоза заифгина тақиллади. Ярим кечаси, бўрон, аччиқ совуқ... Сотиболдининг жаҳли чиқди:

— Ким у?! — деди бу сафар қаттиқ товушда.

— М-ме-ен... — аянчли овоз эшитилди.

Сотиболди дарвозани шарақлатиб очиб юборди, даҳшатдан лаҳза тошдай қотди. Унинг қаршисида кундузгидан-да букчайган, ҳориган, ҳилвираган вужуд турарди.

— Она! — Сотиболди ҳайқириб юборди.

Бир зумда ичкарига киритди.

— Чироқни ёқ! Печкани.. Чой... Иссиқ чой қўй!.. — пайдар-пай бақирди хотинига.

Сотиболди кўзларига ишонмасди. Олисдан кекса онаси сўроқлаб келса-ю (у аввал келмагани учун манзилни билмасди) кун ботар маҳал мол-қўйни баҳона қилиб жўнаб кетса. Ва ярим тунда эшик қоқса...

— Нима бўлди? Кетолмадингизми, она?

Кампир жавоб бермади. Аёзда қотиб қолгандан кўра хижолат чекаётганга ўхшарди.

— Она!..

Сотиболдининг хотини чироқ ёқиб, қайнонасига

уйқусираб қаради. Қаради-ю «Вой» деб чироқни ташлаб юборди. Кўрқув Сотиболдига ҳам кўчди. Чунки онасининг серажин юзини қандайдир вахшийнинг панжаси қонталаш қилиб тилиб ўтганди. Ияк этини бирмунча чуқурроқ шилган, оқибатда қон қотиб, музлаб қолган эди.

— Онажон! — деди Сотиболди умрида илк бор раҳминган оҳангда. — Сизга нима бўлди?.. Мени кечиринг... — Кейин барибир таъна қила бошлади: — Нима керак шундай аёзда пиёда кетиб? Ахир, сиз ҳам инсонсиз-ку! Нега қадрингизни билмай яшайсиз? Уриб-қарғаб бўлса ҳам йўл пули сўрасангиз-чи?! Бутун умр виждон азобида куйсин дедингизми?..

Сотиболдининг гапи бўғзида қолди. Ё алҳазар, онасининг чап қўли ғажиб ташланган эди. Шалвирабгина бошмалдоғи омон қолган, холос.

— Тезроқ дўхтирга оборишимиз керак! — қичқирди Сотиболди.

Тўсатдан кампирга жон кирди. Симкаравотга чўзилди. Эр-хотин ярим йўлда, хона ўртасида туриб қолдилар.

— Мени қўйинглар, — деди у, — куним битган кампирман. Бундай беҳосият тунда ўзларингни авайланглар...

— Йўқ, онажон!

— Йиғлама, Сотиболдижон, шунча йил йиғламай энди йиғлайсанми, болам?

Сотиболдининг хотини ёқасини ғижимлаб, дир-дир титрамоқда эди. Ташқарида эса бўрон баттар қутураверди.

— Вой, она... — деди келин. — Дўхтир чақирмасак бўлмайди. Дадаси, бир нима қилинг. Бўрилардан қутулиб минг азобда...

— Бўриларга дуч келганим йўқ, — кампир келинига олайиб қаради.

Сотиболди хонадан ниманидир ахтара бошлади. Ҳамон қўлидан қўймаган пичоқ ялтирарди. Ахийри, тутатиб:

— Яраларини боғлашга дока топ! — деб амр этди

хотинига. — Дори ҳам! Телефон қаерда эди? Ҳеч нарса жойдамас! Тайини йўқ! Ҳеч ниманинг тайини йўқ!

Кампир жароҳат натижасида бир томонга тортишиб қолган оғзини қимирлатди, лекин гапирмади. Сўнгра кўзларини юмди. Оқ чойшабда қон изларини кўрмаган эр-хотин бир-бирига қарадилар. Она фалокатга шу кеча эмас, бир қанча вақт муқаддам учрагандек, жароҳатлари оғир бўлса-да, хунук тарзда битаётгандек эди.

— Ёнимга кел, болам, — деди кампир хириллоқ овозда. — Соғ қўлим бошингни силасин. Кел. Сени катта қиламан деб нима азобларни кўрмадим. Минг чандон қийналсам ҳам, уйингда, сенгинанинг қўлида жон бериш учун келдим. Дунёда ҳамманинг онаси бор, аммо онаси дўзах азобини тортган фақат сен, жигарпорам! Бугун менга қандай яхши кун...

Сотиболди икки қадам ташлади-ю ялт этиб хотинига ўтирилди. Эрининг кўрқинчли юзини кўрган аёл беихтиёр ортга чекинди. Додлашдан ўзини зўрға тийиб сўради:

— Д-да-даси... нега бундай қарайсиз?

— Менга эмас, онамга қара. Қара деяпман! Бу онам эмас! Нима бало, кўрмисан?! Қара! Қара-а!..

Эр-хотин титраб-қақшаб каравотга яқинлашдилар. Ҳозиргина майиб-мажруҳ ҳолда алжираб ётган кампир кўз юмган эди.

— Бу Филой момо-ку!

— Филой момо?.. — Сотиболдининг оғзи қийшайиб кетди. — Қандай қилиб?.. Йўқ, бу у ҳам эмас...

Иккови секин ортга тисарилишди. Бўрон жон-жаҳди билан деразага урилди, ойналар зириллади. Бўрон эшикни ошиқ-мошиқидан юлиб отгудек ҳамла қилди...

Шунда Сотиболди ёнгинасида ўлимтик сояни сезиб қолди. Негадир хотини ўзини каравотга отди. Сотиболдининг ўзи ҳам йиқилди, кейин гандираклаб турди-да, чойшаб

ёпинган мурдани кўрди. Гулдор чойшабда қизил доғлар кўзга ташланарди. «Музлаган қонлар эрияпти», — ўйлади Сотиболди.

Онасига ваҳшийлар ҳужум қилганини кўз олдига келтирди. Қандай қутулиб келди-я? Қўлини бор бўйича йиртқич бўғзига тиқиб нафас йўлини тўсдимикан? Муштдек кампир қандай уддалади экан бу ишни?

Бир оз ўтиб, каравот ёнига келди. Ички бир куч билан чойшабни тортди. Қараса, у на онаси, на Филой момо, ҳозиргина ўлдирилган хотини!..

Сотиболди қолганини эслолмайди. Қўзини очса, шифохонада ётибди. Қўл-оёғи боғлаб ташланган.

Шифокор аллакимга тушунтирмоқда:

— Онасининг ўлигини кўриб, эсдан оғиб, хотинини ўлдириб қўйган.

— Онаси ростдан ҳам шунча йўлдан судралиб келганми?

— Йўқ, — деди шифокор, — йиртқичлардан бири судраб опкеп ташлаган, бир чақирим наридаги бекатдан! Баъзан ҳайвонот оламида ҳам инсофлилари учрайди.

Кейинги овоз олисдан келди:

— Кунларнинг бирида онанг сени соғиниб келмасин, ўғлон, тез-тез ўзинг хабар ол... хабар ол... хабар ол... Ота-онанг бир боғ похол эмас... похол эмас...

ҚОРДА ҚОЛГАН МУҲАББАТ

Қор ҳеч кимга дардини айтмайди. Аста-аста ёғади, мени ҳеч ким билмасин, дейди. Ранг-туси каби қалби ҳам оқ. Оламни оқ гулларга, момиқзорга айлантираётганини сезмайди. У фақат яхшилик истайди. Яхшилик истай-истай, ер бағрига сингиб кетади.

Қор ҳавосидан нафас оламан. Қанчалик қулоқ солмайин, қорнинг овозини эшитмайман. Индамасанг, қор ўзи ҳақида ҳеч нарса демайди. Тиз чўкаман, дуога қўл очган каби кафтларимни тутаман.

Ўшанда бошимга кўп қор ёғди. Орзигул яхлаган қўлини уҳлаб, менга кулиб қаради.

— Телпагингни кий, жинни.

Бошимни чайқадим.

— Менга барибир, — деди Орзул. — Челақлар тўлгунча Қорбобога айланасан.

Тепаликка югурдим. Орзигулнинг тикилиб туриши менга куч бахш этди. Лекин мўлжалимнинг яримида лой оёғимга панд берди. Ўзимни тўхтатолмай пастга шўнғидим. Булоқ бўйидаги қизлар қийқиришиб, икки ёнга қочишди. Орзигулнинг челагини ағдариб, қўлмакка шалоплаб тушдим.

Хатто Орзул ҳам кулди. Отаси ўлганидан бери кулганини кўрмагандим. Ичимдан севинч тошди. «Ҳаёт давом этади, — дедим, — тириқлар неча бор кулиб, не-не қайғуларни бошдан кечирмайдилар...»

Оёққа турдим-да, атайин йиқилдим. Қишлоғимиз қизлари яна кулишди. Орзигул эса бу гал менга ачиниб қаради.

— Бас қил, Асқар, — деди у. — Ҳали ҳаётда кўп йиқилишингга тўғри келади.

Биз синфдош эдик, қўшни эдик. «Кўп йиқилишингга тўғри келади» деган гапни синфдош қиз, қўшни қиз, ўзимизнинг шу Орзигул айтди деб қўя қолган эканман.

Ҳаёт унинг қиёфасига кириб, фаришталар сўзлатган экан.

Кийимларимни қуриштиш учун ошхонага чопиб кирганимни онам кўрган экан, чақирди:

— Асқар-у-ув, бери ке! Мойинг қайнаб, нима ўйин қип юрибсан?

Ошхона эшигидан бош чиқариб:

— Йиқилиб тушишга ҳақим йўқми, эна? — дедим.

— Ҳаққинг йўқ! — нола қилди онам. — Ҳаққинг йўқ, тушундингми? Қачонгача йиқилиб яшайсан?!

Кийимимни алмаштириб, уйга кирсам, онамнинг бошида Орзигулнинг онаси Кунсулув чеча ўтирибди.

— Асқар, энангнинг мазаси йўқлигини билмайсанми? — койиди у киши. — Бунча асабийлаштирасан?

Бошимни эгиб, кўрпача четига ўтирдим ва ямоқни ўйнадим.

— Бор, — деди онам, — булоқдан Орзигулнинг челақларини кўтаришиб кел. Ўғил бола бўлиб шунча йиқилибсан, қиз боладан хавотир олмайсанми тойғоқда?

Ичимдан суюниб эшикка юргандим, орқадан танимни музлатиб юборган гап эшитдим:

— Кўшни, — маҳзун сўзлади онам, — қизингизнинг раъйига қаранг. Мактабни тамомлашига ҳали вақт бор. Эр нималигини тушунмаса...

— Кўймаяпти, нима қилай? — йиғламсиради Кунсулув чеча.

Сой трмон чопиб қетдим. Орзигулга совчи келаяпти! Совчи! Ҳозиргина ўсмир эдик, беғубор, эркин. Атиги ўн дақиқа муқаддам меъдан бахтиёр одам йўқ эди бу дунёда.

Акамнинг синфдоши «Сўнги қўнғироқ»нинг эртасига келин бўлганида ҳайронлигимдан ҳеч ўзимга келолмагандим. Аҳир, кечагина мактаб либосида юрган қиз энди келинчак, кимгадир хотин, кимларгадир янга. Ё тавба, янга дегани сал кам она қатори кўпни кўрган ҳурматли аёл бўлмайдами? Мактабни кеча битирган қизни ҳам узатишадими? Ундан мактабнинг иси ариб улгурмаган-ку!

— Орзигул! — деб қичқирдим.

Қизлар челақларини кўтаришиб, сўқмоқдан секин юқорилашарди. Ораларида Орзигул кўринмагани мени ажаблантирди, беҳол ўтириб қолдим.

— Орзигул қани? — сўрадим қизлардан.

— Адҳам ака билан кетди, йўлда кўрмадингми? — дейишди улар.

— Қайси Адҳам?

— Ўзингнинг аканг-ку, аҳмоқ.

Йўлни яқин олиб, жийдазордан қийиб ўтгандим. Оёғим остидаги изларга эътибор бердим, тош кўча томон йўналган. Бироз югурган эдим, чойхона ортида челақ кўтариб кетаётган акам ва унга эргашган Орзигул кўринди.

Акамга ҳурматим баланд эди. Кўпинча қўлимдан бир иш келмаса, акам қараб турмасди. Менга ўхшамаган. Тортинмайди, қўрқмайди, дадил гапиради. Агар Орзигулни севишимни айтсам, Кунсулов чечани ҳам, онамни ҳам гап билан бошлайди. «Ие, чеча, — дейди, — қизингиз бегонага кетмайди-ёв. Бизнинг Асқар оламан деб ҳар куни жанжал қиляпти...» Хотин-халаж аввалига роса кулишади. Кейин гап жиддийлигини тушунадилар, қишлоқда «Асқар Орзигулга унаштирилибди» деган миш-миш тарқалади. Кўчада одамлар «Тўй қачон?» деб сўрайвериш, жонга тегиб кетишади.

Тўрақул тентак масҳара қилса керак. Йўқ, энди қараб ўтирмайман. Оғзи-бурним қонга беланса ҳам олишаман. Ҳар доим устимдан кулади, аблаҳ. Қор ёғмасдан олдин қўлимни қайириб, талаб қўйди: «Акажон де!» Тупроққа йиқилсам ҳам қийнайверди. Акамга чақиб берсам ёки йиғласам, Тўрақул тугул, бошқалардан ҳам мазахга қоламан. Орқаваротдан «Ҳазилга чидамаган хотинчалиш» дейишларини истамайман.

Айниқса, шу бугундан бошлаб ўзимни хўрлатиб қўймаслигим керак. Орзигул учун ўзгараман. Акамдек бўламан...

Шундай хаёллар билан уларнинг орқасидан эргашиб келавердим. Муюлишда акам челақларни ерга қўйди. Орзигул энгашган эди, акам бермади. Менга кўзи тушиб қақирди:

— Масхарабоз, тезроқ кел.

Орзигулдан кўз узмай яқинлашдим. Жилмайиб турган бу гўзал қиз совчи келганини билармикан? Эшитиб қандай аҳволга тушаркан?

— Орзигул... — дедим ва қолган гапни ичимга ютдим.

— Нима? — энсаси қотди акамнинг.

— Кунсулув чеча бизникида ўтирибди, ака...

— Энам... Мазаси қочдими?.. — дедию кўзларимга акаларга хос меҳр билан боқди. Валинеъмат ҳимоясини ҳис этиб, «Энамнинг аҳволи яхши, лекин Орзигулни эрга беришаяпти, акажон» дегим келди, қорачиқларим кўз ёшларга кўмилиб, кўзим пирпиради.

Акам челақларга ишора қилди.

— Буларни Орзигулларникига элтиб бер.

Ўзи эса уйга шошилди.

— Асқар, — деди сал нарига етиб, — Орзигул Қорқиз, сен Қорбобо бўласан! Янги йилга ҳам оз қолди! Қолганини кейин гаплашамиз!

Орзигул челақларни кўтартирмади. Ялинсам ҳам тўхтамади. Совчилардан оғиз очишга истиҳола қилиб серрайганча қолдим. У қорни ғарч-ғурч босиб, уй томон бурилганида, негадир тўхтаб менга кўз ташлади. Назаримда, жилмайгандек туюлди.

Онам эрталабгача анча ҳолсизланди. Мен гоҳ онамни, гоҳ Орзигулни ўйлаб ўтирардим. Тоғам келиб, уйқусираган юзимга норизо қараб қўйгач, деди:

— Мошин топиб касалхонага олиб борсанглар бўлмайдими?

— Қирқ марта обориб-опкелди, — инқиллади онам.

Акам менга буюрди:

— Тўрақулнинг уйига бориб кел, машинаси кўринса, айтасан.

— Қайси Тўрақул? — сўради тоғам. — Кунсулувнинг кизига совчи қўйган магазинчи йигитми? Ҳа, майли, эл улардан барака топмаган бўлса бордир, лекин бошқа одамда тузукроқ мошин ҳам йўқ.

Акам ерга қаради. Мен ҳам чорасиз эдим.

Бахтга қарши кўчада Кунсулув чеча бир аёлга дардини айтиб қолди:

— Орзигулни берсакми деяпман. Раҳматли отаси магазинчидан қарздор эди. Ўзи дунёдан ўтиб кетди, магазинчи қарзини сўраб чарчамайди. Қуда бўлсак, ора очик дейди. Шунча пулни қалинга ҳисоблаб, кечиб юборармиш.

— Тўрақул унчалик ёмон йигит эмас, — кўнглини кўтарди ҳамсуҳбати.

Уларга, ҳатто, салом беролмадим. Биламан, овозим қалтираб, йиғлаб юборишим мумкин.

Миямда Орзигулдан бошқа ўй қолмади. Тўрақул Орзигулни оладими? Орзигул Тўрақулнинг уйига келинчак бўлиб борадими? Кейин биз бир қишлоқда қандай яшаймиз? Кўчасидан қандай ўтаман? Тўйларга ҳам чиқмай қўяманми? Дўконга-чи?

Тўрақул пиета чақиб турган экан, яқин боришимни кутиб, менга қараб пўчоқ пуфлади.

— Асқар қашқир, — деди у тиржайиб, — булоқ бошида ўзингни сувга отганингни эшитиб, эрталабгача кулиб чиқдим. Орзигулларга ёмон томоша қўйибсан-а?

Уни умрим бино бўлиб бунчалик ёмон кўрмагандим. Бўғиб ўлдиришга ҳам тайёр эдим.

— Тўра ака, — дедим, — машинангизни ҳайдаб, бизникига бораркансиз, энамнинг мазаси йўқ.

— Ҳа? Нима қилди?

— Шаҳардаги касалхонага олиб бориш керак экан. Тоғам ҳам уйда.

Тўрақулнинг машинасига ўтириб, дунёда бахтли ва бахтсиз, катта ва кичик одамлар борлигини ўйладим.

Тўрақул нима каромат кўрсатган эдики, Орзигулдек қиз унга ёр бўлаяпти? Нега унга омад кулиб боқди? Сурбет, виждонсиз кимса эканини Худо кўриб турибди-ку.

Онамни машинага чиқариб, тоғам ва акам бирга кетди. Орзигулларнинг уйига қарадим. У Тўрақулнинг машинасини кўриб бекинганди. Ниманидир баҳона қилиб айвонга чиқди. Унга-бунга уринди-да, яна уйига кирди, эски ошиқ-мошиқ ғийқиллади. Мен қор курай бошладим. Тўрақул ва Орзигулни ўйладим, ўйлайвердим. Орзигул ўзига тўқ хонадондан бўлганида қулдай сотилмасди. Тўрақулнинг отаси «Қизингни берсанг қарзингдан кечаман» деб бежиз шарт қўймаган. Тўрақул тентакка қишлоқдан қиз топилмаслиги аниқ-да. Қолаверса, Орзигул меҳнаткаш, ювош қиз, анча-мунча қийинчилиқни кўриб қўйган. Тўрақулнинг хотини бўлгач, сой бўйидан сув ташимайди, пулга зориқмайди, бармоқларида узуклар ярақлайди. Қимматбаҳо этик, қиз-жувонларнинг ҳавасини келтирадиган пальто кийиб юради, қозонида ҳар куни гўшт қайнайди, дастурхонидан новвот-шакари узилмайди, у ер-бу ерга машинада боради. Агар менга турмушга чиқса-чи? Нариги ҳамсояннинг келинига ўхшаб қишда ҳам кавушда молхонани тозалайдими? Ё сайлга боришга янги қўйлак тополмай уйидан чиқмайдими?

Курак синиб, хаёлларим бўлинди. Ошхонага кирдим-да, олов ёнидаги ис босган эски пўстакка чўзилдим. Ҳадемай «Янги йил» байрами...

Бу сафар ҳам онам кўп ётмади. Дори-дармонлар рўйхатини нимчасининг чўнтагига солиб, қишлоқнинг сариқ автобусида мунғайибгина қайтиб келди. Синф раҳбаримиз мендан онамнинг соғлигини сўрагач, Орзигулга қараб олди-да, деди:

— Ҳамманг қулоқ сол! Кеча директоримизни прокурор ёрдамчиси чақирибди. Ўн еттига тўлмаган қизларни эрга берган ота-оналар беш йилга қамалиши мумкин

экан. Мана, кўшни қишлоқда бир қиз келин бўлди. «ЗАГС»дан ўтказайлик дейишса, кўлида паспорти йўқ. Паспорт ёшига тўлмаган қизга эрга тегишга бало борми? Ахир, бу шармандалик! Директор бугун-эрта ота-оналарни чақириб йиғилиш қилади. Сир эмаски, бир неча қишлоқда, жумладан, бизнинг қишлоқда ҳам битирувчи қизларни унаштириб қўйиб, мактаб тугагандан, ёздаёқ узатишяпти. Бу ҳам етмагандек «Сўнгги кўнғироқ»ни кутмаётганлар ҳам йўқ эмас. Қизларга алоҳида илтимос. Кимнинг уйидагилари мактабни тамомламасдан тўй қилиш ниятида юрган бўлса, ҳатто, унаштирмоқчи бўлса ҳам, менга айтсин. Оила қуришга тайёр бўлмаган қизларни ҳимоя қиладиган қонун бор. Ёзма равишда арз қиламиз.

Орзигул партадан бош кўтаролмади. Кейин икки юзи чўғдек қизариб, кўзларида ўт шуълаланганини кўрдим. Юрагида илк бор кураш олови ёнганини ҳис этиб, қувондим. «Нега бўш, лапашангман? — дедим ўзимга. — Муҳаббатим учун, бахтим учун нега жанг қилолмас эканман? Бугундан бошлаб Орзигул... меники!»

Уйда акам йўлимга кўзлари нигорон бўлиб ўтирган экан.

— Орзигул ҳам мактабдан келдимми? — сўради дарҳол.

— Ҳа.

Қорбобо ва Қорқизнинг кийимларини кўрсатгач:

— Сен Қорбобо бўлмай қўя қол, — деди.

— Ким бўлади?

— Мен, — деди акам ва Орзигулга учрашгани чиқиб кетди.

Маҳалламизда «Янги йил» кечаси машиналарнинг яроқсиз шиналари ёқилади, гулхан атрофида Қорбобо-Қорқиз, болалар, келин-куёвлар рақсга тушишади. Уйлаб, энтикиб кетдим. Бир ажиб дамлар яқинлашаётган эди.

Акам хомуш ҳолда қайтди. Кунсулув чеча хонадонида қий-чув бўлаётганмиш. Орзигул «Турмушга чиқмайман, агар мажбурласангиз прокуратурага

бораман» деб йиғлаётганмиш, Кунсулув чеча эса «Бизни ўлдирмоқчимисан?» деб фарёд ураётганмиш.

Акам сўкинди-да, деворни муштлади. Мен кўчага чиқдим. Оёқларим Тўракулнинг уйига шошиларди. Ҳа, курашмасам Орзигулни севиб нима қиламан?

Тўракул бир ўртоғи билан эшик тагида ҳиринглашаётган экан. Мени кўрган ўртоғи сигаретини олифталарча тутатиб, Тўракулга деди:

— Мана, хизматкор ҳам ўз оёғи билан келди. Синфдоши дейсанми, кўшниси дейсанми, бу бола ҳар томондан хизматингга мос.

— Рост айтасан, Орзигулни Асқар чақириб беради, — кафтини ишқалади Тўракул. Сўнгра менга бош ирғади. — Шундайми, шалпангқулоқ?

Жангни қандай бошлашни билмасдим. Авзойим бузуқлигини кўрган Тўракул хизматдан бўйин товлашимдан чўчиб, хушомадга ўтди:

— Энангнинг аҳволи тузукми? Ўша куни машинага сен ҳам чиқмадинг-да, шаҳарни томоша қилдирардим.

Гапни айлантиришни истамадим.

— Орзигул ҳақида бир нима дедиларингми?

Иккови кўз уриштиришди.

— Тушунмадим, худди уни қизғанаётгандай гапирдингми? — деди Тўракул.

— Қизгансам нима бўпти?

— Орзигулни севасанми? — кўзларини ўйнатди Тўракул.

— Тўйим ўтсин, унинг қандай бека бўлганини... Бўла олганини гапириб бераман, хўпми? Ё бировнинг хотини ҳақида эшитишни хоҳламайсанми? Унда ёнимга нега келдинг? Йўлингдан қолма, ука.

Кучимни муштимга йиғдим-да, Тўракулнинг башарасига солдим. У ҳам қараб турмади: тепки-ю мушт ёғдирди. Мен зарбаларни сезмай овозим борича бақириб, рақибимга ташланардим.

Қонга беланган уст-бошим ва кўкарган кўзимни кўрган онам «Ажалимдан беш кун бурун ўлдирасан мени», деб ингради. Акам бир лаҳза қотиб турди-да, индамай чиқиб кетди.

— Укангни ўчини олиш учун сен ҳам ёқавайрон бўлмоқчимсан? — йиғлаб юборди онам.

Кечқурун Кунсулув чеча бизникига кирди. Орзигулнинг тўйи бир йилга қолдирилганини эшитиб хурсанд бўлдим.

— Ўла қолсин, прокуратура ҳам қўймас экан, — деди чеча.

— Орзигул мактабни тамомласин-да, — гапга қўшилди акам. — Ўзи нега бунча шошасизлар?

— Шўрим қурсин, қиз бола дегани эгаси чиққанда тўй бўлиб кетаверсин-да. — Чеча бирдан менга ўтирилди. — Тўра билан нега уришиб юрибсиз?

Жавоб беришга ожиз эдим. Онам жонимга оро кирди:

— Синфдошининг тарафини олибди.

— Қайси синфдошининг?

— Қайси бўларди, Орзугулнинг-да.

Мен хонани тарк этдим. Кўзларимга ёш қуйилди. Катталар қалбимдаги буюк ҳақиқатни англаб етмаётган эди.

Янги йил кечасида акам Қорбобо, Орзигул Қорқиз бўлди. Уларнинг ортидан шодон ҳайқариб, қорга думалаб, қорлар отиб, ўзимни унутиб ўйнадим. Тўрақул бизни кўрган он сигаретини отиб юбориб, дўконига кириб кетди. Ҳа, у қочди. Мен голиб бўлишимни тушунди.

Акам, Орзигул, мен — ҳамма хурсанд эди. Оппоқ қор тўшаги эса ҳеч кимга сирини айтмай, унсиз ястаниб ётарди.

Январнинг охирида онам яна ётиб қолгач, акам машина топиб келди-да, онамнинг ёнига мен ва тоғамни қўшиб, шаҳарга юборди.

— Энам врачларни яхши танийди, — деди акам. — Сен фақат ёнида бўлсанг бас. Мен эртага хабар оламан. Бугун қишлоқда муҳим ишим бор.

Онамни гоҳ мен, гоҳ акам йўқлаб турдик. Баҳорда онам анча соғайиб қолди. Бироқ Орзигул кун сайин ўзгариб борарди. Сўлгин юзига қараб раҳмим келарди. Кимдир заҳар берганга ўхшарди.

Баҳорнинг илиқ кунда Кунсулув чеча бизникига чопиб келди-да, йиғлаб юборди.

— Орзигулим... Орзигулим... Опа, энди нима қиламиз? — дедию гапиролмай қолди.

— Нима гап? — онам ўрнидан турди.

Даҳшатли ҳақиқат айтилди: Орзигул иккиқат эмиш. Қизни ким авраб-алдаб тузоққа туширибди дейсизми? У акам эди. Қишда шаҳардаги шифохонада, онамнинг ёнида бир кеча қолган кунимда акам Орзигулни уйга алдаб чақирибди...

— Бўлиши мумкинмас, — пичирладим кўз олдим қоронғилашиб.

Акам менга Тўракул дўппослаган кундагидек сирли, совуқ, айёрона қараб қўйди.

— Бу қасос... — деди у. — Тўракулга тегадиган Орзигул йўқ.

Ими-жимида кўримсизгина тўй қилдик. Тўракулнинг отаси ариза ёзган экан, Кунсулув чечани прокуратурага чақиритибди. Аммо марҳум эри ҳеч қандай ҳужжатсиз қарз олгани учун бевадан пул ундиролмабдилар.

— Биров учун мен жавоб бермайман, — дебди Кунсулув чеча.

— Эрингиз бировми? — сўрабди Тўракулнинг отаси газаб билан.

— Эрим-ку менга биров эмас, — деб жавоб берибди Кунсулув чеча, — аммо сиз пулни олган одам қолиб, бировдан талаб қилаяпсиз-ку. Куним бўлса, пенсиямдан йиғиб бўлса ҳам қайтараман. Қизимни сотиб эмас!

Акам келгуси Янги йилда рўзғор учун курашиб, дастурхонимизни ноз-неъматларга тўлдирди. Янги йил

байрамида оппоқ қор ёғди. Акам яна Қорбобо, Янгам яна Қорқиз бўлди. Онам уларнинг қизчасига — севимли неварасига қараб уйда қолди. Биз кўчага чиқдик. Мен ўтган йилдагидек уларнинг ортидан шодон қийқириб чопдим, ногаҳон қорга думаладим. Оёққа қалқдим у яна йиқилдим. Орзигул қайрилиб қаради.

— Ёмон йиқилмадингизми? — деди у.

— Йўқ, кетаверинглар, — дея қўл силтадим кула-кула.

Акам ва Орзигул кўча охирига кетишди. Қор кучайди. Ўзимни унинг кўрпасига ташлаб, минг-минглаб капалакларга термулдим. Қор ҳеч кимга дардини айтмайди. Аста-аста ёғади, мени ҳеч ким билмасин, дейди. Ранг-туси каби қалби ҳам оқ. Оламини оқ гулларга, момикзорга айлантираётганини сезмайди. У фақат яхшилик истайди. Яхшилик истай-истай, бир куни ер бағрига сингиб кетади.

— Сендан бир илтимос, Орзигул, мен йиқилсам раҳминг келмасин...

СИРЛИ ХУЖРА

Шаҳарча биқинида алмисокдан қолган эски ҳовли бор эди. Уй анча вақт сотувда турган бўлса-да, ҳадеганда харидор чиқавермади. Мишмишларга қараганда, муқаддам шу уйда яшаган оиланинг уч фарзанди бир кечада вафот этгач, оила узоққа — она қишлоғига кўчиб кетганмиш.

Уйга кейинги олти йил мобайнида маҳалла раиси эгалик қилди. Ундан олдин кимдир ижарада яшаб, кўп ўтмай хизмат тақозаси туфайли яшаш жойини ўзгартирганди. Худди ўша ижарачи собиқ ижара уйи ёнидан ўтаётиб, маҳалла раисини учратди. Раис дарвозани ланг очиб, эски оҳак бочкани думалатиб киритаётган эди. Салом берган кишига ўгирилиб қаради.

— Бир вақтлар шу уйда яшовдим, — деди йўловчи. — Ҳозир ҳеч ким йўқ, шекилли?

— Уйнинг эгаси одам чиқса сотиб юборинг, деб кетганди, — деди маҳалла раиси. — Оладиган инсон топилмаяпти. Мен шунчаки ҳовлисидан фойдаланаман.

Йўловчи дарвоза лабидан ҳовлига кўз югуртирди. Ҳақиқатан, маҳалла раиси бу ерни шахсий омборхонага айлантириб юборганди: тахта, бочка ва турли тақир-туқирлар кўзга ташланди. Уй қирқ-эллик йил бурун пахсадан қурилган бўлиб, фақатгина четдаги хона пишиқ гиштдан бунёд этилганди.

— Анави ҳужрани кўрсам Самарқанду Бухородаги қадимий гиштин уйлар эсимга тушади, — йўловчининг қовоғи солинди.

— У ростдан ҳам қадимий, — раис бошини маънодор лиқиллатди. — Яқинда эшитдим. Хужра уч юз-тўрт юз йил илгари қурилганмиш. Кейинчалик қаровсиз қолгану одамлар ўз ҳовлисига қўшиб олган. Ҳукумат билса, тарихий обида деб олиб қўяди.

— Ўтган-кетганга сирини айтаверсангиз олиб қўяди-да,
— деди йўловчи. Сўнг нима учун тўхтаганини эслади: —
Менинг бир ҳамкасбим оилавий квартира ахтариб юрибди.
Ижарага қўясизми? Жуда яхши оила.

— Энди бу ерда ким ҳам яшарди?

— Бепул десангиз келади. Газ, электр ҳақларини тўлаб,
бамайлихотир яшайверишади. Одам бор жой обод бўлади.
Харидор чиқиши ҳам осонлашади.

Эртасига худди ўша вақтда Бердиёр ака келди. Уст-
боши одмигина, қўллари дағал, хумдек бошидаги
сочлари тўкила бошлаган. Ўзини таништирди: фабрикада
ишлайди, бир ўғил, бир қизи бор.

Маҳалла раиси унга ҳовлини топширди. Ишчи юк
машинасига кўч-кўронини ортиб, шошилинич кўчиб келди.
Бердиёр аканинг ўзи ҳам, хотини ҳам, фарзандлари ҳам
ҳовлини тартибга келтириш учун тиним билмай ишлашди.
Эртасига дарвоза тақиллади. Давроннинг синглиси Дақиқа
эшикни очди-ю «Акам келди, ойи!» хитоб қилди ҳовлини
тўлдириб.

— Вой, болам-а, қўйиб юборишдими? — пешвоз чиқди
она.

— Ҳа, — деди Даврон водопровод сари юриб. — Лекин
ҳеч қаерга рухсатсиз чиқмаслигим керак экан. Тергов
давом этади.

— Суд қачон? — сўради отаси деразадан қараб.

Даврон чанқоғини қондиргач, отасига шошилмасдан
жавоб берди:

— Энди-да, қаёққа шошади? Ўзимни ҳимоя қилганман.
Аслида безориларни қамаши керак эди.

— Ўлсин ўша терговчилар! — қарғади онаси. —
Одамгарчилик борми уларда?

— Кўп жаврайверма! — жеркиди Бердиёр ака хотинига.
— Ўғлинг бировнинг боласини майиб қилган. Шунини
ўйласин эди. Урган одамни курорт эмас, қамоқ кутишини
ёш бола ҳам билади.

— Э, қамалсам қамаламан, — Даврон жойидан ғазаб-ла турди-да, эски хужранинг эшигини зарб билан урди. Кўли занглаган ҳалқага теккан заҳоти «Воҳ» дея ортга тисланди.

— Нима қилди? — Она қайрилиб қаради.

— Ток бор экан, — деди Даврон ғижиниб.

Бердиёр ака эшикни синчиклаб текширди. Тақиллатиш учун ўртага темир ҳалқа ўрнатилган эди. Ҳалқалар аллақачон занглаб кетган, ҳеч қаерда электр сими кўринмасди. Девордан тешиб ўтказилган оқ резинали симдан шифтдаги чироққа ток келарди. Унинг ҳам бирор жойи очилиб қолмаганди.

Бир неча кун ўтиб, Дақиқа Давронга кўчадан бир гап олиб келди. Уй эгасининг уч ўғли эски хужрадан ухлашаркан. Кунларнинг бирида отаси хужрага кирса, ўғиллари ўлиб ётганмиш. Милиция роса текширибди, ўлим сабаблари аниқланмади. Орадан бир ой ўтгач, отаси хужрадан чиқиб келаётган ўғилларини кўриб қолибди. «Болаларим!» деб фарёд урганича чопиб борса, учаласи ҳам ям-яшил тусга кириб, бижир-бижир қилишибди-ю ғойиб бўлишибди. Шу-шу отаси касалликка чалиниб ётиб қолибди. Ими-жимида қишлоқларига кўчиб кетишибди.

Дақиқа эртакнамо бу гапни даставвал ўша хужрада ётиб юрадиган акасига айтди. Даврон ўттиз йиллар аввалги ғалати фожиага ҳайрон бўлмагач, ойисига айтиш учун шошилди.

— Тўхта! — деди Даврон. — Бунақа гапни ойимга қандай айтасан? Одам ўлган жойда яшамаймиз, деб туриб олса, яна кўчишимиз керак. Бундай ҳовли бошқа топилмайди. Беминнат, бупул. Биласан-ку, аввалги жойимиз ёмон эди. Пиёниста, нашавандлар қўшниларимизни деб, мана, қамалиш арафасидаман.

Дақиқа акасини яхши кўрарди.

— Қамалмайсиз, ака, — деди сингил. — Бу йил ўқишдан

йиқилганингизга ҳам куйинманг. Келгуси йил ўзингиз орзу қилгандек университетнинг тарих факультетига ўқишга кирасиз.

Ўша куни Даврон синглисининг тилла сирғасини тузатиб берди. Кечагина унақа майда иш одамнинг асабини кўзғатади, деганди.

— Уста экансиз, — деди Дақиқа.

— Шунақа сирғадан яна битта тузтасам мени қайтиб кўрмайсан, — Даврон жилмайди-да, хужрасига кирди.

Дақиқа ўзида йўқ шод эди. Тилла сирғани битирув кечасига тақиб боролмаслигидан ўкиниб юрганди-да.

Кечга яқин онасининг овози эшитилди:

— Даврон, Даврон деяпман!..

— Акамни ўзим уйғотаман, — деди Дақиқа ва хужрага шошилди. Эшикни очганида юзига бир лаҳза аллақандай илиқ тўлқин урилди.

— Ака, — чақирди Дақиқа. — Овқат тайёр. Ойим чақираяпти.

Ҳеч ким жавоб бермади.

— Ака...

Дақиқа акасига яқин борди-ю қичқириб юборди. Даврон оғзи очилиб, кўзлари олайиб ётарди. Ҳовли бир зумда дод-фарёдга, қий-чувга тўлди.

Пешинда майитни чиқаришди. Ота-она ва сингил айрилиқ азобини юракка сиғдиролмай ер муштлаб қолавердилар. Ўлим сабаби аниқланмади. Давронни экспертизага бермай қабрга қўйишди.

Жаноза бўлган уйда кечаси чироқ ўчмади. Яқин-қариндошлар ётиб қолишди. Хужра ҳақидаги миш-мишларни ҳамма эшитди. Бирон киши гап бу ёқда эканда, демади. Кексалардан бири «Бехосият уйдан кўчиб кетган маъқул», деди, холос.

Бу вақтда Даврон шаҳарча яқинидаги қабристонда, ўз гўрида ётарди. Ярим кечаси ёввойи мушук деворга сакраб

чиқди-да, бирорта сичқон умидида атрофга қулоқ солди. Айнан янги пайдо бўлган мазорга тикилиб, қулоғини динг қилди. Пастдан, қабрдан ғалати овоз эшитилди.

Дарвоқе, мушук миёвлаган чоғ Давроннинг кўзлари лип этиб очилган эди. Аввал бармоқларини қимирлатди, сўнг тирсагига таяниб, гавдасини кўтарди. Зим-зиё, димиқ маконда, тупроқ тагида эканини тушунди. Бўлиб ўтган воқеаларни эслади: узукни тузатиб хужрага кирди, қанча ухлади, билмайди. Алланиманинг чирсиллашидан уйғонди. Хужра эшиги ёлқинлана бошлаган эди. Даврон ҳайрон бўлиб, эшикка яқинлашди. Шунда чап томондан пайдо бўлган араб ёзуви ўнг томонга ҳаракатланиб ғойиб бўлди. Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, Даврон ҳижжалаб ўқишга киришди. Арабча ёзув эски ўзбек тилида битилган битик экан. Давроннинг тушунгани шу бўлдики, Абу Ҳасан деган аллома дунёни ҳўб кезибди. Шу хужрада олтмиш бир йил яшаб, вақт эшигини ясабди. Қуёш ботишидан олдин қирон кучи тўпланаркан. Эшик ҳалқаларини жипслаштирсалар, бошқа замонларга эшик очиларкан. Эшик тутқичи тортилган заҳоти хужрадаги жамики тирик жон олдинги ё кейинги даврга ўтаркан. Қирон кучи одамни иккига ажратаркан: бири бошқа замонга ўтиш имконига эга яшил зарралардан иборат иккиламчи одам, иккинчиси унинг бу ерда қолаётган асл танаси. Бошқа вақтга кўчган одам ўша ёқда ҳақиқий одамдек эт ва суякка эга бўларкан. Бу ёқда қолган танаси эса ўлик ҳолига келаркан. «Қўрқмангки, — дейилган эди битикда, — бу ёқда қолаётган асл тана ҳаводан бенасиб қолмаса, сувга чўктирилмаса, оловда куйдирилмаса, тигдан ўтказилмаса, яна ўз замонангизга, ўз танангизга қайтасиз».

...Шу пайт ташқарида аяси чақира бошлади ва кимдир эшикни очди. Назарида, номаълум куч Давроннинг тит-питини чиқариб юборди. Кўзини очганида замонавий

бинонинг ялтироқ йўлагига ётарди. У икки томондаги эшикларнинг биронтасини очмасдан тўғрига бораверди. Йўлак охиридаги эшик икки ёнга сурилиб рангпар, озғин одам кўринди. У Давронга қаради-ю жон ҳолатда девордаги тугмачани босди, сигнализация ишга тушди. Ҳаял ўтмай аскарлар тапир-тупир етиб келиб, Давроннинг йўлини тўсишди. Улар тиш-тирноғигача қуролланган эдилар.

— Қимирлама! Кўлингни чўнтагингга сол! — ҳайқирди бири.

Лифтга киритишди. Бир юз йигирма қават пастга тушириб, бино эгаларига топширишди. Улар жуда меҳрибон куюнчак олимлар экан. Даврон бошидан ўтганларини сўзлаб бергач, ишонишди. Омади шу эдики, вақт машинаси устида тадқиқот олиб борилаётган ўзбек институтида пайдо бўлиб қолганди.

— Ҳозир нечанчи йил? — сўради Даврон.

— Икки минг икки юз ўн иккинчи йил, — деб жаваоб беришди.

Ўтган соатлар мобайнида Даврондан сирли хужранинг қаерда жойлашганини ҳам сўрашди, албатта. Олимлар кенгаши бир неча соат маслаҳатлашишди. Даврон ҳақида ҳукуматга хабар берилгач, бир қанча вазирликлардан, жумладан, ўзбек фазо бошқармасидан ҳам вакиллар келишди.

Илмий-тадқиқот институтига ректори Марсга кетгани учун унга қўнғироқ қилишди. Ректор Даврон билан ҳам шахсан суҳбатлашди. Кейин хулосасини айтди:

— Агар йигит бизнинг асримизда умрбод қолишни истамаса, зудлик билан орқага қайтариб юбориш чораларини кўриш керак, чунки у ёқдаги танасини ёриб кўришса ёки қабрда узоқ вақт кислородсиз ётса, тана ўлимга юз тутади. Натижада йигит биз билан умрбод қолишга мажбур бўлади.

Давронни махсус лаборатория хонасида орқага

қайтаришга уринишди. Унинг яшил зарралари коди аниқлангач, электр заряди ҳушидан айирди..

Ва ниҳоят, мана кўзини очиб, кафанга ўралган ҳолда кўрди ўзини. Ўз танасига қайтганидан хурсанд бўлишга улгурмади. Тупроққўрғондан чиқиб олиш айтишгагина осон эди. Бақириб-чақириб қабр деворларини тирнай бошлади. Қўлларига палахса-палахса чим бўлакларига илакишгач, ичкарига юлқиб тортаверди. Тез орада қум аралаш тупроқ оқиб кирди. Даврон бошини деворга тақаб ўнг қўли билан тупроқни пастга сураверди. Сёкин-аста юқорига силжигач, гўр ўпирилиб тушди. Ҳаёт-мамонт жанги ниҳоялаб борарди. Ахийри, Давроннинг ғолиб қўллари тупроқдан чиқди. Яна бир уринди ва...

Осмонда юлдузлар чарақлади. Даврон ўпкасини тўлдириб чуқур-чуқур нафас олиб, нам тупроқ устида чўзилиб қолди. Мушук эса тирик мурдани кўрганиданми, кўчага сакраб тушиб, ура қочди. Ногоҳон эсган шамол кафанни ҳилпиратиб, баданини жимирлатди. Қабрлар оралаб дарвоза сари юраркан, кафанига яхшилаб ўранди. Ҳатто, бир қабртошга суяниб, нафас ростлади.

Дарвозадан чиқиб, кўчада кетаркан, «Мен тирикман!» деб бақирди. Овози баралла эшитилди. Қанийди уйига тезроқ етиб борса, тирик эканини ота-онасига, синглисига айтса. Маҳалласига етгунча бирорта тирик жон учрамади.

Эски ҳовлининг дарвозани шундай ура кетдики, уйдагилари яна қандай фалокат эшик қоқди экан, деган хавотирда бағирлари хун бўлди. Эшикни очган қариндошлардан бири калтак егандек гавдасини илкис орқага отиб, эшик тагига йиқилди. Давроннинг отаси айвонга чиқиб улгурганди, ўлган ўглини тик оёқда кўриб, ўша жойда шилқ этиб йиқилди. Узоқдан келган амманинг эри эса тентакларча ҳиринглай бошлади. Даврон уни анча вақтдан бери кўрмагани учун ҳол-аҳвол сўрашди. Қараса, почча ҳиринглаган кўйи ҳўнгиллаб йиғлаяпти.

Даврон ҳеч ким юраги ёрилиб ўлишини истамасди. Шунинг учун ҳаммага тушунарли қилиб гапирди:

— Қўрқманглар, мени ток уриб юборганди. Заҳда ётиб, ўзимга келдим. Соппа-соғман. Арвоҳ эмасман.

Ярим тунда содир бўлган воқеа маҳаллани оёққа турғазди. Одамлар эски ҳовлига ҳайрат-ла бош суқишарди. Ҳамманинг наздида янги кўчиб келганлар антиқа тақдир соҳибларига айланишганди. Кеча аза, бугун тўй.

Даврон онасининг оғушида узоқ ўтириб, кўп нарсани ўйлади. Ҳужра эшиги бошқа асрларга ўтказадиган мўъжиза эмас, сирли чоҳ. Даврон мутлоқа тасодифан омон қолди. Агар у вақт машинаси ихтиро қилинган жойга тушмаганида, бу ёқдаги танаси ўларди ва қайтишга йўл ёпиларди, уй эгасининг уч ўғли каби яшил зарраларга айланиб кетарди.

Эрталаб хурсандчиликка пашша тушди. Органдан келган икки ходим Давроннинг қўлига кишан солишди. Тез кунлар ичида суд бўлди. Айбдор деб топилиб, олти ой қамоқ жазосига маҳкум этилди. Даврон муштлашиб қамалганидан ҳам кўра, унинг қабрдан қайтгани ҳақидаги миш-мишлар кўпроқ болалади. Кўпчилик мазкур ҳодисани «ток ургандан кейин жасаднинг заҳда ҳушига келиши» деб таърифлади.

Ота-онаси билан хайрлашаётиб, Даврон чеккадаги ҳужрадан эҳтиёт бўлиш кераклигини тайинлади. Дақиқа билан бир он ёлғиз қолганида, деди:

— Фақат сен менга ишонасан, сингилжон. Яхшилаб қулоқ сол. Мени ток урмаганди. Ҳамма гап ҳужра эшигида. У ер қадимги физик олимнинг лабораторияси бўлган. Умрининг охиригача бошқа замонларга ўтказгич эшик устида тадқиқот олиб борган. Кашфиёт амалга ошган. Ҳужра эшигини маълум бир чизикқа тўғирлаб ёпсанг, тамбалар бир-бирига мос келса, яна қандайдир шартлар бажарилса, ё келажакка, ё ўтмишга эшик очилади. Ишон,

ўша пайтда хужра эшигини очсанг, бошқа замонга ўтиб қоласан. Тананг ўликдек жонсиз ҳолга келади. Менга шубҳа билан қарама, Дақиқа, ишон. Мен қайтгунча хужрага кўз қулоқ бўл. Келажак билан гаплашишим керак.

— Ишонаяпман, акажон, ишонаяпман, — дея Дақиқа кўзларидан дув-дув ёш тўкди.

— Қамоқдан қайтсам, университетга ўқишга топшираман, — давом этди Даврон. — Ўшанда хужра ва унинг эгаси ҳақида илмий иш қилиб, илм-фанга янги соҳани киритаман. Буларнинг бари учун сенинг ёрдамнинг керак, Дақиқа.

— Тайёрман, акажон.

— Қамалганимга куйинаверма. Олти ой ўтади-кетди... Тўхта-тўхта, тагин менинг гапларимга шубҳа қилаётган бўлма. Агар акам бир кеча гўрда ётиб, жинни бўлиб қолибди десанг, хато қиласан.

— Ака... акажон... — Дақиқа ҳаммага эшиттириб йиғлай бошлагач, бир томондан ота-онаси, иккинчи томонда посбонлар келишди.

Вақт тугаганлигини англаган Даврон шундай деди:

— Икки минг икки юз ўн иккинчи йилга бориб келдим. Қамоқдан чиқсам, уй эгасининг уч ўғлини ҳам қайтаришим мумин. Бунинг қандайдир йўли бор...

— Юринг, — соқчи Давроннинг билагидан тутди.

Шу тариқа оила аъзолари билан хайрлашди. Пешонасига ёзилган панжара орти ҳаёти ўз домига тортиб кетди. У қамоқхонанинг кўплаб камераларини, тош йўлаklarини, дардчил одамларини кўрди. Хаёли ўша хужрада бўлди, ўзи яшаётган қамоқ хусусида ўйлашни истамади. Маҳбуслар унга «Девона» деб лақаб қўйдилар.

Уч ой ўтгач, онаси келди. Юз-кўзидан ўпиб, йиғлаб кўришди. Дақиқанинг мактубини топширди. Сингилжони Даврон тайинлагандек хужрага кўз-қулоқ бўлиб турганмиш, супуриб-сидирармиш, кечқурунлари эшигини очиб, гишт тираб қўяркан.

Даврон севинди, аммо хавотири ҳам ошди. Мабодо вақт эшиги тасодифан ишга тушиб кетса борми!

Даврон ҳадик ва шубҳа-гумонларга тўла жавоб хатини онасидан бериб юборди. Она кетгач, ўйлаб қолди. Хато қилаяпти. Оиласини касофат ҳовлидан тезроқ кўчиб кетишга ундагани афзал эмасми? Ҳар ким ўз замонида яшасин. Тарихнинг мувозанатини бузадиган бемаъни кашфиёт кимга керак? Бу ердагилар ўтмишга ё келажакка бориб келар эканлар, у ёқдагилар-чи? Бизнинг замонга Чингизхонлар, Дракулалар ўтиб қолмайдими? Ё келажакдан келганларнинг нияти пок бўлишига ким кафолат беради?

Шундан сўнг Даврон почта орқали яна бир мактуб йўллади. Унда шундай сўзлар ёзилганди: «Ҳовлида одамлар ўлган, беҳосият жой! У ердан кўчиб кетишларингиз керак...»

Жазо муддати тугади. Ярим йиллик умр торгина ҳуддудга бой берилди. Даврон шаҳарчадаги вокзалга тушганданоқ отасини кўрди. Отасининг бошида эски дўппи, бир оз озиб қолган, кўзлари киртайган. Улар қучоқлашиб кўришдилар. То таксига боргунларича Бердиёр ака ўғлининг елкасидан қўлини олмади.

— Йигитчиликда бўлади-да, ўғлим, — деб юпатди ота. — Бу кунлар унутилади. Нариги дунёдан қайтиб келганингда, бу дунёнинг иши нима бўпти.

Отаси бунақа оҳангда гапирмасди. Такси чорраҳада тўхтади. Даврон бошқа жойга кўчган-кўчмаганликлари ҳақида сўрамоқчи эди, машина чапга бурилиб, саволига жавоб аниқ бўлди. Даврон уйдан йиғлаб чиққан онасига кўзиб тушиб, қотиб қолди: она азадорлар кийимида эди.

— Ким?.. — деди Даврон.

— Болам... — дея онаси уввос солиб ўғлини қучоқлади.

— Сингилижонингдан айрилиб қолдик...

— Қачон?! — Даврон онасини ўзидан нари итарди. — Қачон ўлди деяпман? Нима қилиб ўлди?

— Аввалига ҳовлида эдик, сен ҳалигидай бўлган хужрага кирувди... — Бердиёр ака кўзлари ёшга тўлиб сўзлади.— Ойинг эшикни ёпган экан, ичкаридан унинг қичқиргани эшитилди. «Эшикни очманглар!» деб йиғлади. Нега унақа деяпти, деб очсак, ҳеч нарсадан ҳеч нарсса йўқ жон берди-қўйди. Дарров кўчиб келдик бу ерга. Ҳали...

— Нима ҳали? Қачон ўлди ахир?

— Бугун бешинчи кун.

— Экспертиза қилиндими?

— Йўқ.

Даврон онасининг қучоғидан юлқиниб чиқди-да, жон-жаҳди билан югурди. Муюлишда такси тўхтатди. Ортидан Бердиёр ака ҳам қабристонга жўнади. Такси дарвоза ёнида турарди. Бердиёр акани кўриб таксичи ва гўрков ранглари оқариб қабристон томонга ишора қилишди.

— Ўғлингиз гўрни қазияпти! Синглимники қайси деди-ю...

— Бизга куч ишлатди, кетмон кўтарди, — қўшимча қилди таксичи.

Бердиёр аканинг капалаги учди. Даврон Дақиқанинг қабрини телбаларча қазийётган эди. Ўқдек учиб бориб, ўғлининг елкасидан тутди. Гўрков ва таксичи ҳам Бердиёр акага ёрдамлашишди.

— Нима қилаяпсан, тентак?! — отаси Давроннинг юзига тарсаки туширди.

— Дақиқа тирик, ота! У ўлмаган! Ток ургандек тошдек қотиб ётибди. У...

Ўткинчилар ҳам келишди. Давронни машинага босдилар.

— Майли, уни ток урган, — деди отаси эртасига.— Шунча кун ичида у барибир тамом бўлди, ўғлим. Энди қабрини очиб, руҳини чирқиллатиб нима қиласан? Ким гўр очиб бахт топибди, айт менга шуни?

Давронни уч кун ҳеч қаерга чиқармадилар. Ниҳоят, дуои фотиҳа қилиш учун ота-онаси Дақиқанинг қабрига эргаштириб боришди. Даврон бир сиқим тупроқ олиб гўрга сочи.

— Кечир мени, синглим, — деди у. — Мен сабабчиман... Қўлимдан келса, бир кун сени албатта топаман... Машъум тарихнинг аллақаерида яшаяпсан... Абадий қолиб кетган маконинг бор, замонинг бор, сингилжоним...

Уйга борганда онаси унга бир фотосурат кўрсатди. Бу Давроннинг ўтган йили тушган расми эди.

— Шуни Дақиқанинг чўнтагидан топдик, — деди она. Даврон эски ҳовлига йўл олди. Ичкаридан тарақ-туруқ овозлар эшитилгач, кўча эшигини шошиб очди. Тўрт-беш уста тер тўкиб ишламоқда эди. Эски ҳужранинг томи очиб ташланган, деворларининг ҳам ярми қулатилган эди.

— Бу ердаги эшик қани? — сўради Даврон титраб-қақшаб.

Усталар дарғазаб йигитнинг саволига елка қисиб, уй томонга ишора қилишди. Ичкаридан қориндор киши чиқди. Мўйловини силаб, Давронга «Нима истайсан?» дегандек тикилди. Даврон саволини такрорлади.

— Эшик жуда эски экан, — деди уйни сотиб олган киши. — Шундаям биттаси сотинг деб қўймади. Роса пулладим деб қувониб ўтирсам, ўша аблаҳ музейбоп эшигимни чет элликларга минг долларга сотибди.

Даврон йиғлаб юборишдан ўзини зўрга тийиб, ҳовлини тарк этди.

Шундан кейин у ўқишга тайёрланди, бир суткада ўн беш-ўн олти соатлаб китоб ўқиди. Юқори балл тўплаб, университет талабаси ҳам бўлди. Йиллар ўтиб, археология соҳасидаги кўзга кўринарли ишлар муаллифига айланди. Бу орада сирли ҳужра эшигини ҳам кўплаб музейлардан, кўплаб мамлакатлардан ахтарди. Афсуски, ҳеч қаердан

тополмади. Синглиси тўғрисида тарих қаъридан ҳам ҳеч қандай садо чиқмади. Балки вақт эшиги Дақиқани келажакка ўтказиб юборгандир.

Даврон умидини узди. Саҳрои Кабирдан бир дон кумни ахтараётганини тушунди.

Бироқ кунларнинг бирида Мўғултепада аждодлар изи топилди. Эмишки, скелетлар ёнидан бир парча қоғоз ҳам чиқибди. Не кўз билан кўрсинларки, у фотография маҳсулоти эмиш.

Даврон Мўғултепага борди. Очiq мазордаги сарғайган скелет бошида тиз чўкди. Бошчаноқ ёнида сирға ётарди. Бағри хун ака сирғани таниди, таъмирлаган жойи яна узилиб кетган бўлса-да, таниди.

Шу пайт Давронга ярими чириган фотосуратни кўрсатишди. Расмдаги йигит Даврон эди.

— Бу қиз, — деди археологлардан бири, — мўғуллар билан бўлган жангда ҳалок бўлган. У ватан учун курашган...

Давроннинг қулоғига Дақиқанинг «Акажон!» деган нидоси эшитилгандек бўлди. Ёш археолог шафқатсиз тарих қаршисида ёш боладек ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

ТЕШИК ТОҒОРА

Қишлоғимиз тепаликда жойлашган. Иланг-биланг кўчалардан пастликдаги катта йўл сари тушиб бораркансиз, кўз ўнгингизда ям-яшил воҳа ястаниб ётади. Бир манзара, бир жонли сурат, ҳисларни қитиқловчи диёр парчаси.

Агар ортга қайтиб, қишлоқ юқорисига ўрласангиз, кўча четидан жилдираб оқаётган жилға салом бериб, хув ўша воҳа томон югуриб кетаётгандек туюлади. Тепалик бошига етганда қишлоқ тугайди. Ўнгга бир оз юриб, муҳташам дамбалардан ошасиз ва кўз ўнгингизда сув омбори намоён бўлади. Ҳамма учун у сув омбори бўлса, мен учун денгиз. Қўшнимизнинг ўғли Миробид ака шу денгизда ишларди.

— Акангга ўхшаб сен ҳам хаёлпарастсан-да, — дейишарди ота-онам. — Икковинг ҳам аслида шоир бўлишларинг керак.

Келажакда ким бўлиб етишишим фақатгина Яратганга аён. Аммо сал кам ўттизни қоралаб қўйган Миробид аканинг умри қишлоқда ўтиши, рўзгор, бола-чақа деб яшаши, ҳеч қандай шоир бўлиб етишмаслиги аниқдек эди. Ким биларди яна, балки ичида шоир бўлса шоирдир, лекин бунга сира ҳам сиртига чиқармасди.

Дарвоқе, ўшанда у бўйдоқ эди. Отаси анча йиллар бурун вафот этиб кетганди. Кўпчилик «Миробид нақ отасининг ўзи-я», дейишарди. Онасининг феъл-атвори эса шу қадар тескари эдики, она-болани таққослаганлар бегоналар деб ўйлаши ҳеч гап эмасди. Миробид ака камгап, андишали, бировнинг бир тийинлик ҳақини емайдиган, доим кишига самимий боқадиган, жилмайиб турадиган йигит бўлса, онаси унча-мунчага тишининг оқини кўрсатмас, эсимни таниганимдан бери ияк-жағи гапдан тинмас, ушлаган жойини узиб оладиган хотин

эди. Шунинг учун қишлоғимиз аҳли уни орқаваротдан Жияк чеча эмас, Ияк чеча дерди. Умуман, ёмон аёл эмасди, бир оз асабий, бир оз баджаҳл эди, холос. Биз — болаларни неча бор ёнғоқ-майизлар билан сийлаган, неча марта тўй-маъракада ўзимиздан каттароқ шумтакалардан ҳимоя қилган.

Кунларнинг бирида пастликдаги кутубхонадан Пушкиннинг китобини қўлтиқлаб қайтаётгандим, муюлишдаги электр устуни панасидаги Миробид акага кўзим тушди. Янги металл тоғора кўтариб олганди. Назаримда, мени кутаётгандек эди.

— Яхшимисан? — деб китобга қўл узатди у. — Қанақа китоб?

— Пушкин эртаклари.

Мен тоғорасини кўтардим, у китоб варақлади. Ёнма-ён кета бошладик.

— Ҳаммасини ўқиганман, — дея «Балиқчи ва олтин балиқ ҳақидаги эртақ»да тўхтади. — Шунисига роса қизиқаман-да. Нега дейсанми?

Бош силкидим.

— Сув омборида олтин балиқ бор, — деди у кўз қисиб қўяркан. — Ишонмайсанми?

— Ишонаман, лекин океан билан туташ эмас-ку? Қаердан келган?

— Дарё орқали.

— Тоғданми?

— Ҳа, олтин балиқ аслида ҳеч ким яшамайдиган овлоқ гўшадаги булоқ сувида туғилади. Кейин жилға орқали дарёга сузиб келади. Дарёдан сув омборигами, денгизгами боради...

Биз хаёлларимизнинг ҳақиқатга айланишига ишонардик. Қанчалик ишонсак, бир-биримизнинг гапимизни ҳам шунчалик рост деб ҳисоблардик, шубҳага бормасдик, зерикмасдик.

— Олтин балиқни тутсангиз нима сўрайсиз?

— Қишлоқни каттакон қасрга айлантиргизаман, — Миробид ака ёлкамта қўйни ташлади. — Катта йўл бўйида муҳташам дарвоза қўр тўкиб турган бўлади. Кирсанг, кўчалар қоп-қора асфальт, четларига оқ чизиқ чизилган, ҳар бир симёғочда чироқ ёниқ, уйлар рангли, яп-янги, бир томонда қишлоқ тўйхонаси, иккинчи томонда кинотеатр, гилам цехи, кўйлак-шим цехи, қисқаси, барча шарт-шароитлар муҳайё.

Кўчадаги қувурдан жилдираб оқаётган сувга челақларини тўлдираётган хотинлар тўдасига етдик. Орасида Манзират янга ҳам бор экан, дарҳол тилла тишларини ярақлатиб илжайди. Миробид ака уларнинг ёнидан ёлғиз ўтишга ийманиб мени кутганини англадим.

— Қайним, энангиз янгиликни айтдими? — деди Манзират янга бизга яқинлашиб. — Нозгул жиянимдан ортиғини тополмайсиз. Мен сизга айтсам, бу қишлоққа биздек чаласаводлар адашиб келин бўлиб қолган. Аммамнинг қизи ўқишни яқинда тугатди, дипломли. Бир амаллаб сизга кўндираяпман. Мактабимизга муаллима роса керак...

— Бошқа пайт гаплашамиз, — Миробид аканинг овози зўрға чиқди.

— Шунақа деб қочасиз-а? Жияк чечамга айтдим. Кўнди.

— Яхши, яхши...

— Сиз ҳам кўнинг-да энди.

— Хабарим йўқ...

— А? Нима дейсиз? Эшитмаяпман!

— Ҳамманинг олдида муҳокама қилишингиз шартми, янга?

— Вой, сизга яхшилик қилаяпман-ку! Нега хафа бўлаяпсиз?

— Хўп, хайр, янга.

— Эртага жавобини айтасизми?

— Хайр дейман...

Манзират янгадан узоқлашганимизда, дув қизарган Миробид аканинг ранги аслига қайтиб, пешона терини артди.

— Кўрдингми, хотинларнинг ўзи қўймайди, замон ўзгараяпти, — деди кўзларимга тик қараёлмай. — Олтин балиқдан аёлларга инсоф сўраш керакми, дейман?

Жияк чеча уйи орқасига чиқиб, қўлини айвон қилиб бизга тикилди.

— Бунча имилладинг? — деди у ўғлига. — Темир тоғора керакмас, занглайди, тешилиб қолади, демаганмидим?

— Пластмасса тоғораларнинг фақат кичиклари қолибди, — деди Миробид ака китобни менга бериб, тоғоранинг қулоғидан тутаркан.

— Йўлда Манзират янгангни кўрдингми?

— Кўрдим.

— Айтдимми?

— Уйда гаплашамиз, эна, — аччиқланди Миробид ака. — Нега менинг тақдиримни кўчада ҳал қиляапсизлар? Манзират янганинг жияни ким? Танимасам, билмасам! Бунинг устига кимга уйланмоқчи эканимни бегоналардан эшитиш... Ахир, эна, бу тўғримас-да...

Ўша куни китобнинг яримига етдим. Айниқса, олтин балиқ ҳақидаги эртакни аввал ўқиган бўлсам-да, икки қайта, завқ-шавқ-ла мутолаа қилдим. Чолнинг тўрига олтин балиқ илинади. Балиқ озодлик эвазига тилагини амалга оширишини айтади. Чол ҳеч нарса сўрамайди, аммо кампири чатоқ чиқади. Аввал тоғора тилайди, кейин янги уй. Ундан сўнг қаср бекаси бўлади, ҳатто юрт маликаси даражасига етади. Ҳеч бирига қаноат қилмайди. Ниҳоят, денгиз ҳукмдорлигини кўнгли тусайди, шунча тилакларини амалга ошираётган олтин балиқни эса ўзига хизматкор қилмоқчи бўлади. Чол яна соҳилга бориб, олтин балиқни чақиради ва кампирининг навбатдаги тилагини айтади. Олтин балиқ ҳеч нарса демай, мовий денгиз қаърига сузиб кетади. Чол уйига қайтса, саройдан ҳам, маликаликдан ҳам асар йўқ. Ўша хароб ертўла, афти буришган кампир, тешик тоғора, хуллас, эски ҳаммом, эски тос.

Негадир кўз олдимда Миробид ака бугун пастки дўкондан келтирган яп-янги тоғора гавдаланди. Сўнгра унинг олтин балиқ ҳақидаги гаплари ҳам қулоғим остида жаранглади. Жияк чечанинг кўча эшикка чиқиб, ўғлига тумшайиб тикилиши эртақдаги кампирни эслатди...

Қандай ухлаб қолганимни билмайман. Туш кўрибман. Кечаги кун эмиш. Ҳеч бир ўзгаришсиз баайни кечаги воқеалар. Фақат сув омбори томонда ҳақиқий денгиз шовиллабди, холос.

Эрталаб китобнинг давомини ўқимоқчи эдим, отам чақирди.

— Уйнинг сиртини суваймиз, — деди. — Ияк чечанг яқинда тўй қилмоқчи. Уйни ялтиратмасанг, одамлар гапиради. Китобингни кейин ҳам ўқийверасан.

Ҳафта давомида биз уйни чир айлантириб сувадик, ҳовлини, кўчани тозаладик. Кейинги ҳафтада Жияк чечаникида ҳам иш тинмади. Совчилар боргач, тўй санаси аниқланган эди. Гоҳида Миробид ака сув омборидаги ишидан ортмас, қўни-қўшни йигитлар, мен каби бўз болалар чечанинг юмушларига ўзимиз билиб қарашардик. Жияк чеча «Ишингдан жавоб сўра» деб минг жаврамасин, Миробид ака бошлиқларига огиз очмасди.

Келин туман маркази ҳисобланмиш шаҳарчадан эканини, шу йил институтни битирганини, онаси каби олифтагина эканини қишлоқ аҳли гапириб чарчамади. Албатта, ҳамма билардики, у Манзират янганинг жияни, худди шу Манзират келинликка бошқарган. Бироқ жияни бўлса-чи? Аввало, Манзират янганинг ўзи қишлоқдан нолиб, пешонаси шўрлигидан нолиб юрарди. Иккинчидан, овсинлару айрим яқинларига аёнки, олифта аммаси Манзират янгани заррача ҳам ҳурмат қилмайди. «Ғалдир-шалдирсан, елпатаксан, жиддийлигинг йўқ», деб маъракаларда юзига айтиб ташлайди. Энди осмондаги ой қизини келиб-келиб унинг маслаҳатига биноан тепаликда жойлашган қия

қишлоққа, ҳеч қаерда ўқимаган, бир индамас йигитга узатадими? Ҳойнаҳой, Жияк чечанинг феълини ҳам эшитгандир? Яшашлари обод эмаслиги-чи?

— Қиз Миробидга маъқул кептими, бас, бошқаси бекор, — деди отам онамга. — Ҳар ким тақдирига ёзилгани билан яшайди. Шаҳарликми, ўқиганми, пўримми, бунисига қараманглар.

Хуллас, совчилар ишни битирди, уй таъмирланди, тўйга аталган бўрдоқилар етилди, Жияк чеча умр бўйи тўплаган бор-будини ўртага ташлади; етмаганига қарз ҳам кўтарди. Апрельнинг охирида дангир-дунгир тўй бўлди. Табиат ҳам қарашди, ёмғир ёғмади. Келинчакнинг хусн-малоҳатидан қишлоқ аҳли ҳайрат ила ёқа ушлашди. Қишлоқдаги ҳеч бир кимса бунақа соҳибжамол келинни кўрмаганди. Кимдир ҳавасдан, кимдир ҳасаддан ўлиб қолаёзди-ёв. Арзимаган маош эвазига ишлайдиган, қишлоқдан чиқмаган, бор-йўқлиги ҳам-билинмайдиган Миробидга қандай қилиб шундай қиз турмушга чиқди? Яна денг, олий маълумотли-я?

Бир маъракада кимдир ҳазиллашиб:

— Миробид, мабодо сув омборидан олтин балиқ тутиб олиб, ўзингга дипломли, чиройли хотин сўрамаганмидинг? — деганида, мен ялт этиб қарадим. Олтин балиқ ҳақида мен билардим, Миробид ака биларди, бошқаларга қаердан ҳам хабар топсин, қаердан ҳам ишонсин?

— Балиқ тутмаганману кечаси Ой ёруғида кўзим бир тушгандай бўлувди, — деб жавоб берди Миробид ака ўнғайсизланиб.

Одамлар гурра кулишди. Ҳамма буни ҳазил ҳисобласа-да, ёлғиз камина чинга йўйди. Инсоният жамики махлуқотни кашф этиб, жамики сирларнинг тагига етмаган экан, олтин балиқ қаердадир яшаётгандир, эҳтимол. Миробид ака ой шуъласида ростдан олтин балиқни учратгандир, гаплашгандир, сир сақлашга келишгандир.

Сўрашга келганда тилим айланмади. Чунки Миробид ака ҳам кун сайин ўзгариб борарди. Биз олдингидек ўртоқ эмасдик. Балки одам уйланса, ўзини бурунгидек эмин-эркин тутолмай қолар. Қандай қилиб ундан «Олтин балиқни ростдан кўрганмисиз?» деб сўрайман? «Эҳ, ука, бунинг бари оддий бир эртақ-ку! Қачонгача ишонасан?» деса, тамом, дунёда яна бир қадрдон камаяди.

Мактаб бошланиб, Нозгул янга нозланганча пастликдаги мактабга йўл олди. Бутун қишлоқ, ҳатто болакайлар ҳам унинг ишга жўнашини кузатишарди. Нозгул янганинг киприклари ясама эканини, яноқларидаги қизиллик оддий ранглигини ўшанда тушунмаганмиз. Тиззадан келадиган хушбичим кўйлакни-ю, пошнаси узун туфлини ҳам фақат шаҳарда ёки ойнаи жаҳонда кўрганмиз. Қишлоқ манзарасида бундай шакл-шамойил ажиб қиёфа касб этар, оҳанрабодек тортарди. Айниқса, қаддини тик тутиб, виқор-ла юриши-чи. Болапақирлар ўйинларида «Менинг келинчагим ҳам Нозгул янгадек бўлади» дейишса, айрим бемазалари «Нозгул янгани севаман» деб ҳиринглашарди. Эл ҳамон ҳайратда эди. Қандай қилиб у Миробидга турмушга чиқди? Нега бизнинг хароб қишлоқни ўзига умрбод раво кўрди?

Маош оладиган ўқимишли келиннинг олдида Жияк чечадек аёл ҳам ювош тортиб қолди. Келинчакнинг таннозлиги, энг аввало, биз — кўшниларга билинди. Сигиримизни сўйишга қассоб чақирганимизда, яна бир тоғора керак бўлди. Отам мени Жияк чечаникига югуртирди. Қассоб ҳам кўпод одам-да. Оғир осма тарозини айнан тоғоранинг ичига тушириб юборди. Бахтга қарши учи билан тушган тарози тоғора тагини бужмайтириб қўйди.

— Тешилдими? — хавотирланди отам.

— Йўғ-е, ҳеч нарсa қилмайди, — дўриллади қассоб.

Ўша кеча Жияк чечаникидан жанжал овози эшитилди.

Нозгул янганинг ғазабнок овози чийиллаб чиқарди. «Вой тавба, янги келинчак тўполон кўтараяптими?» деб онам рўмолининг учини тишлади. Ҳеч ким юрак ютиб, кўшненикига бош суқолмади. Эртасига Нозгул янга ишга кетгач, Жияк чеча бизникига мунғайибгина кириб келди.

— Мен — аҳмоқ кеча сизларга Миробиднинг янги тоғорасини берибман-да, — деди хўрсиниб. — Келин тушмагур кечаси бошини ювай деса, қон иси келаётганмиш. Сиртига яхшилаб қараса, молнинг қон юқи, тагида эса гўнг парчаси ҳам топилибди. «Битта ҳаммом қурмаганларингиз етмагандек энди шу якка-ю ёлғиз тоғорани ҳам молга ишлатдиларингми?» деб бирам бобиллаб берди-ей! Қолоқдан олиб қолоққа, камбағалдан олиб камбағалга солди-я! Бунинг устига тоғорани тешиб кўйибсизлар.

— Шу бугуноқ янгисини олиб берамиз, — дея онам қайғурди. — Уятли иш бўлибди-да!

— Агар тоғора олиб берсангиз, ҳақиқий уятли иш бўлади! — Жияк чечанинг ранги учди. — Кўшнчиликда биров тоғора сўрайди, биров арра, биров болта! Нима, энди сал тешиб кўйса, янгисини бериш керакми? Кўшнчилик қаёқда қолади унда? Иккинчи бунақа гап гапирманг!

Нозгул янга бизга ҳам лаб буриб қараётгандек туюларди. У қанчалик гўзал бўлмасин, қишлоқни ҳам, одамларни ҳам севмаслиги ёшу қарига бирдек сезилиб қолди. Кўчада ҳам нозланиб эмас, кибр билан, ҳеч кимни писанд қилмасдан юришини халқ англаб етди. У болажонликни ҳам, меҳмондўстликни ҳам, сахийликни ҳам, қисқаси, қишлоқ одамларининг хислатларидан ҳеч бирини ҳазм қилолмасди. Кампирларнинг чой маҳал кўни-кўшненикига суҳбатга чиқишини сурбетлик, болаларнинг кўчада ўйнаб юришини ёввойилик, қиз-

жувонларнинг рўмол ўраб, узун кўйлак кийишларини қолоқлик, эрлари ёки қайноналаридан қўрқишини онгсизлик деб ҳисобларди.

Миробид ака ҳаммасига чидади, онаси ҳам.

Бир куни яп-янги пластмасса тоғорада кир юваётган Нозгул янгани кўрган онам:

— Қўшнимиз янги тоғора олибди, — деди отамга. — Уларнинг олдида хижолатлимиз.

Отам индамади. Яна олтин балиқ ҳақида ўйладим. Бироқ мен ҳам улғая бошлагандим. Янги тоғорани олтин балиқ муҳайё этмаганини ичимда тан олганимда, дунё қоронғи кўринди. Ҳа, ҳаёт бошқа эди, эртаклар олами бошқа...

Аммо Жияк чеча келини янги тоғора сўраганида, Миробид ака сув омборидан қайтишда келтириб берганини айтганида, кўнглимнинг бир бурчида чироқ ёришди. Ҳаётда ҳам сеҳр бор эди, ҳаётда ҳам эртаклар пинҳона яшарди.

Миробид акадан олтин балиқни сўраб-суриштирай десам, қишлоқда деярли учратмай қўйдим. Тўймаъракаларга ҳам шўшилинч келиб кетарди. Айтишларича, икки сменада ишлаётганмиш.

Ёз охирида уйига уста тушди. Усталар келин-куёвнинг уйи томини очиб, деворга яна беш қатор гишт қўшиб, қайтадан ёпишди. Келин-куёв хонаси Жияк чечанинг хонасидан баландроқ ва салобатлироқ бўлди. Баҳорда тўй қилган одам уйини қайта қуриши мени ҳам, бошқаларни ҳам ҳайрон қолдирди. Бошқалар Миробид қаердан пул топаётганини тушунмаса, мен олтин балиқни хаёлимдан чиқаролмасдим.

Кузгача Нозгул янга нафақат ўз оиласига, балки бутун кўчамизга амрини ўтказадиган бўлди. Аввало, Жияк чечанинг уйига хотин-халаж тугул, мен ҳам қадам босишга чўчийдиган бўлиб қолдим. Ўйнаб юрган болалар

Нозгул янгани кўргани он паналаб қочишарди. Кир-чир болани кўрдими, қўлидан етаклаб ота-онасининг ҳузурига судрарди. Минғирлаган оила бошлиқларининг бошқа фарзандларига мактабда танбеҳ бериб, «Ота-онаси ўзи эътиборсиз, гапукмас кишилар экан, яшаш тарзларидан ҳам маълум» деб ҳеч бир андиша қилмасдан гапираверарди.

Нозгул янга янги тоғора олди, уйини тийрамоҳгача битирди, кўчамизнинг дворян хонимига айланди, ҳатто қишлоққа қиролича бўлди, хулласи калом, олтин балиқ амалга оширадиган ҳамма мукофотга эришди. Ўйлашимча, энди унинг сув омборига шаҳаншоҳ бўлишигина қолган эди. Лекин олтин балиқ кўнармикан?

Ниҳоят, озиб-тўзиб кетган Миробид акани ёлғиз учратиб, сўрадим:

— Ака, олтин балиқ борми ўзи, йўқми? Ростини айтинг, илтимос.

— Худо бор, ука, худо бор... — Минғирлади паришон ҳолда.

Ишдан чарчаганликка йўйдим. Аслида ҳамма гап бошқа ёқда экан. Одамлар «Келини Жияк чечадан ҳам зўр чиқди, бир неча йил ўтсин, шу келиндан рухсатсиз уйдан ҳам чиқолмайдиган бўламиз, бошимизга келин эмас, бало олдик», дейишади. Бироқ бундай гап-сўзлар пуч бўлиб чиқди. Нозгул янга бир кунда йўқолиб қолиб, қайтиб ҳеч ким кўрмади. Бола эдим, баъзи нарсаларга ақлим етмасди. Айтишларича, Нозгул янга ҳомиладор бўлгач, шифокорга борибди. Шифокорлар текширгач, бола етти ойлик бўлганини, яқинда туғилажагини айтишибди. Миробид ака билан Нозгул янганинг тўйи ўтганига ўшанда етти ой тўлмаган экан. Ҳаммасига чидаган Миробид ака бунисига чидамабди. Нозгул янганинг жавобини берибди.

Қариндошлари очкўзлигини кўрсатишди. Юк машинасида келган семиз хотинлар келиннинг сепларига кўшиб, Миробид ака маошига харид қилган янги тоғорани

ҳам ортиб кетишди. Онам кўнгил сўрашга чиққанида, Жияк чеча олдида тешик тоғорани қўйиб, Миробид аканинг пайпоғини юваётган экан.

— Номуссиз келинни бошимга чиқариб қўйибман мен — тентак, — деб йиғлаб юборибди. — Орзу-ҳавас ўлсин, орзу-ҳавас...

Кунларнинг бирида Миробид ака менга деди:

— Олтин балиқдан ҳамма нарса сўраш мумкин, у сўраганингни амалга оширади, лекин ҳеч кимга виждон ва номусни беролмайди. Ҳақиқий бойлик қаёқда эканини тушунгандирсан? У сенинг виждонинг, шарм-ҳаёнг, гуруринг. Шунинг учун олтин балиқ учраган тақдирда ҳам ҳеч нарса сўрама.

Мен Миробид аканинг бахтсиз эмаслигидан хурсанд эдим. Бир неча йил ўтиб, катта йўл бўйидан бир хилдаги рангли уйлар қурилди, оқ чизиги бор теп-текис асфальт йўлда гард йўқ эди. Бир томонда кинотеатр, иккинчи томонда гилам цехи очилди. Биз янги қишлоқда ҳам Жияк чеча билан қўшни бўлдик.

КЕКСА ИБЛИС

Қадаммурод Совуров — олтмиш ёшни уриб қўйган қўшиқчи — қишлоққа келган кун лой кўчада милиция машинаси турарди. Меҳмонни оқсоқолнинг, яъни қўшиқчи билан тенгқур собиқ раиснинг уйига бошлаб боришди. Қўшиқчи йигирма йил аввал шу хонадонда келин тўйда хизмат қилганди. Эслаёлмаса ҳам «Ҳаммаси худди кечагидек» деб бир неча бор бўғиқ овозда такрорлади.

Ярим соат ўтиб, оқсоқол келди. Меҳмонга салом бериб, кучоқлашиб кўришди. Ҳол-аҳвол сўрашилмасданоқ гап ҳозиргина содир бўлган воқеага бурилди.

— Файзиқулнинг қизи аҳмоқлик қилиб қўйибди, — деди оқсоқол. — Ўша ёқдан келаяпман. Мелисанинг ҳам кулоғига етибди. Бундоқ ота-онани ҳам ўйлаш керакда. Ота-она тарбияни қаттиқ олади. Ким бўш қўйса, ўз фарзандига душман. Энди-и, урганга, сўкканга ўзини осаверса, бола қоладими? Нима дедингиз, Қадаммурод ака? Фарзандда ҳам инсоф бўлиши керакми?

Қўшиқчи мулойим жилмайди.

— Қадамим ёқмади-ёв, — дея ҳазил оҳангида сўзлади. — Сизлар шундоғам безовта экансизлар, меники ортиқча, шекилли.

— Йўғ-э, меҳмон, бу нима деганингиз! Ростини, бошим говлаб кетди. Неварам Файзиқулникига чопиб келиб, «Сизни артистлар чақираяпти» деса, «Ким тўй қилмоқчи эди-я?» деб ҳайрон бўлдим.

Қишлоқликларга хос йўл-йўл катта дастурхон ёзилди. Нонлар ҳам баркашдек эди. Ўчоқда қайнаган чойдан куйилди.

— Эртага жанозасими? — сўради қўшиқчи.

— Ҳей, буни қаранг-а! — бирдан тўлқинланиб кетди оқсоқол. — Қизнинг ўлмаганини айтмабман-ку.

— Ўлмабдими? Яхши-да.

— Худо бир сақлабди бечорани.

— Нега ўзини осибди? Бирор йигит билан севишганмикан?

— Севишса отасининг ўзи ўлдириб қўярди. Отаси ниҳоятда феъли тор, баджаҳл одам. Тўғрисини айтсам айбга буюрмайсизми?

— Менми? Нега энди?

— Қўшиққа қизиқаркан, — деди оқсоқол. — Шунақа ёшларни эшитсам жиним қўзийди. Тўғри, Қадаммурод ака, санъат улуғ нарсас. Лекин унинг учун ўзини осибди шахсан мен тушунмайман. Одамнинг жони энг катта санъатдан ҳам устун. Қўшиқчи бўлмайсан, эрқақларнинг олдида қилпангламайсан деса, аразлабди қиз тушмагур. Узр, яна бир гапни айтмасам бўлмайди. Баъзиларни шайтон қитиқлаб роса ўйнатаркан, овозининг борица бақиртираркан. Шуларни хонанда деб бўладими? Хонанда ёшу қарига бирдек ёқадиган қўшиқ куйламайдими? Анавиларни, эстрадачиларни кўраяпсиз-ку...

Қадаммурод Совуров мийиғида кулиб қўйди-да, деди: — Ундай деманг, ака. Бу — бир томонлама фикрлаш. Ҳеч замонда одам санъат учун ҳам ўзини ўлдирадими? Шайтон қитиқлаш ҳақидаги гапингизни-ку иккинчи оғзингизга олманг, бу гап сизга ярашмайди. Ўша қизгина навниҳолга ўхшайди. Бечорани руҳан синдиришган. Исми нима экан?

— Зайнаб.

— Бирон жойда ўқийдими?

— Коллежни битираяпти. Ҳайронман, тумандаги касбхунард коллежида рубоб тангиллатиб, қўшиқ куйлашни ўргатишмасди, шекилли.

Совуров бошини оҳиста чайқади.

— Куйлаш учун қарда ўқишнинг аҳамияти йўқ, — деди.

— Мана, камина ирригация институтини тугатганман. Биласиз, ўз вақтида Маҳмудийлар қўли қўксига салом берарди. Ҳатто Парижга бориб куйлаганман. Энди эса тахтдан тушиб ўтирибмиз. Одамлар ҳам тез унутувчан бўларкан. Бу ёғини асти сўраманг.

Шу пайт ғала-ғовур билан ҳовлига уч-тўрт чоғли киши кирди. Оқсоқол деразадан қараркан, юзи ёришиб:

— Қадаммурод ака, ашаддий мухлисларингиз шу ерда,
— деди. — Қаранг-а, келганингиз бир зумда қишлоққа ёйилибди.

Эллик-олтмиш ёшлардаги кишилар ёш йигитлардек кучоқлашиб кўришдилар. Кўнгилларга-да баҳор нафаси уфурди. Қорачадан келган қишлоқ одамларининг кулганда юзи қизариши, кўзларида ёш ҳалқаланиши, хахолаб кулишлари Қадаммурод Совуровни гўё ёшлик дамларига қайтарди. Кўп йиллар муқаддам йўқотиб қўйганларини топгандек ич-ичидан суюнди.

— Меҳмон, уч-тўрт кун қоласиз, — деди бири. — Эртага бизникига, индин бу кишиникига.

— Гап бундай, — ҳаммага бир-бир қаради қўшиқчи, — келганимданоқ сизларни учратганим яхшилик аломати. Ўз оёғи билан келибди, деб ҳайронсизлар-а? Мақсад шу... Қандай тушунтирсам экан... Бутунлай қолиш... Шаҳардан кўчиб келиш... Пенсиядаги одам сўлим қишлоқда умр ўтказса худди курортда яшагандай яшайди-да, азизлар!

Қишлоқ одамлари бир-бирига маъноли нигоҳ ташлашди. Сўнг қўшиқчини биринчи марта кўраётгандек ҳайратланишди.

— Онамнинг онаси шу ерлик, — Қадаммурод Совуров бош эгди, — хабарингиз бор, илгари келганимда қишлоқ кексалари мени ҳофиз деб эмас, жиян деб кутиб олишганди. Ўзларингиздан қолар гап йўқ, киши ёши ўтган сайин юрагига яқин одамлар даврасини қумсайди. Шаҳар — бегоналар ғуж бўлиб яшайдиган ғала-ғовур макон. У ер мени чарчатди. Пули ҳам, шуҳрати ҳам керакмас.

— Бизда нима кўп — тўй кўп, — деди оқсоқол, — бахузур кўчиб келаверинг. Уй ҳам топилади.

Қадаммурод Совуровнинг унутилган қўшиқларидан бири радиода тасодифан қўйилган эди, қишлоқ тўлқинланиб кетди.

* * *

Оқсоқол Қадаммурод Совуровнинг ҳаётига зимдан қизиқиб қолди. Алламаҳалгача оғзини пойлади. Кутилган мавзудан гап очилмагач, секин сўради:

— Айбга буюрмайсиз, болалардан нечта?

— Болалар... Йўқ.

— Ахир, аввал келганингизда... Ҳа, майли, хотирам фаромуш бўлибди, чоғи. Демак, янга билан кўчиб келаркансиз-да?

— Янга ҳам йўқ, — уҳ тортди Совуров. Кейин изоҳ берди: — Умр бўйи йиққан молу давлатим, ҳайҳотдай уйим, машиналарим... Ҳаммаси уларда. Биласизми, беш йилдан бери «дом»да ёлғиз яшайман.

Оқсоқолнинг чимирилган қошлари эски ҳолига қайтди.

— Оилангиз билан орангиздан ола мушук ўтган бўлса, бунинг чораси бор. Сиз кўчиб келаверинг, қишлоқ ҳавосидан нафас олинг, сал ўтиб ўзим орага тушаман. Отани ёлғиз ташлаб қўйиш инсон деган номга тўғри келмайди. Э, ҳаётда нималарни кўрмадик! Қирпичоқ бўлганлар ярашди-ю!

Қадаммурод Совуров томоқ қирди. Ниманидир чамалади, ҳаёлан ўлчади-да, шартта кесди-қўйди:

— Ҳаётимга аралашмайсиз, оқсоқол бува. Квртирамни сотиб, қишлоқдан уй қураман, яшайвераман, ҳеч қимга оғирлигим тушмай. Бирон бева-есир бўлса, уйланарман ҳам. Қисқаси, ҳаётимни қайтадан бошламоқчиман.

— Маъкул, маъкул, — деди ноилоҳ қолган оқсоқол.

Меҳмон икки кун турди. Учинчи кун уй топилди: шаҳарга кўчишни ихтиёр қилган бир оиланинг ҳайҳотдек ҳовлиси бўшади.

— Уйим битгунча ўша ерда яшайман, — деди қўшиқчи.

— Сиздан яна бир ёрдам, оқсоқол. Шу десангиз, кийимимни ювадиган, овқатимни пиширадиган хизматчи топиб берсангиз.

— Келинларга айтаман.

— Йўқ-йўқ, менга хизматчи керак, ойлигини вақтида тўлайман.

Оқсоқол ғалати бўлди.

— Бизда пулга кир ювадиган, овқат қип берадиган аёллар йўқ, ака, — деди кўзларини олиб қочиб. — Бу ер шаҳармас, қишлоқ. Қишлоқ одамлари ор-номус...

— Тўхтанг! Қишлоқда бўлмаса, ана, туман марказида бордир? Шаҳарчада ҳар хил шароитли одамлар яшайди. Кунда бир келиб, юмушларни бажарса...

Шундай қилиб, хизматчи аёл ҳам топилди. Кўп ўтмай Қадаммурад Совуров шаҳардаги уйини сотди. Шаҳарда уй-жой қиммат эмасми, ўша кунгидея қишлоққа яп-янги «Нексия»да қайтди. Кейинроқ «Дамас» ҳам олдида, қишлоқ таксичиларидан бирига ижарага берди. Уй қурилиши бошланди.

Бироқ қишлоқ ҳавосига мослашолмай шифохонага тушиб қолди. Кўргани борган оқсоқол уйланишдан гап очди:

— Қадаммурад ака, бундай юришингиз бўлмайди. Уйланаман дедингиз, албатта, ихтиёр ўзингизда. Аммо оилангиз бор, менга манзилини айтинг, бориб бир гаплашай. Қишлоғимизга келган экансиз, сиз учун биз жавобгармиз. Янгага, бола-чақангизга обдон тушунтирамиз. Ҳойнаҳой, невараларингиз ҳам бўлса керак. Агар ярашишнинг иложи топилмаса, майли, хотин зоти топилади, ўзим бош бўламан.

Совуров ўсмоқчилаб сўради:

— Нимага бош бўласиз?

Хижолат чеккан оқсоқол:

— Ҳа, энди, тўйингизга-да, — деган эди, қўшиқчи қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Мен кимлардир топган аёлга уйланадиганлардан эмасман, оқсоқол бува, — деди кулгисини босиб. — Таклифингиз яхши, нафақат яхши, жуда аъло. Лекин ўзгартириш киритамиз. Биринчи шартим, оиламни

ахтармайсиз. Айтганман, қанчадан буён улар билан кўришмаганимни. Сиздан олдин не-не казо-казолар ўртага тушди, мен ҳам, улар ҳам ярашиш тарафдори эмасмиз. Иккинчи шартим, мен турмуш қурганларга уйланмайман. Биласиз, ҳозир от устида бўлмасам ҳам, эгардаман. Буни ижобий маънода айтаяпман, оқсоқол. Тагин кеккайганга, ё бўлмаса, хотинбозга чиқариб қўйманг.

Қадаммурод Совуров оқсоқолнинг ўйланиб қолишини кутган эди. Бироқ қишлоқ раиси бир сония ҳам хаёлга толмади.

— Хўп, сизга қиз керакми? Кўз остимда бор, айнан сизбоп. Отаси гапимни икки қилмайди, кўнглингиз тўқ бўлсин. Аммо оилангизни кўрмасдан туриб, бу ишга бош қўшмайман. Нега дейсизми? — Оқсоқол юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турди. — Буни тўғри тушунасизда, Қадаммурод ака.

— Мабодо машинанинг калити керак эмасми?

— Манзилни айтсангиз, автобусга ҳам чиқиб кетавераман.

— Ие, мени кавлаштириш ниятидан қайтмадингизми? Ўжарлик қилманг, оқсоқол бува. Бу ерга тинчлик истаб келганман. Санъаткор ҳамма жойда гапга қолгани қолган.

Оқсоқол эшик бандини тутди. Уҳ тортганини Совуров эшитмади. Оқсоқолга норозилик-ла боқди.

— Ёқмаётган бўлсак кетамиз қишлоғингиздан, — деб таъна қилди.

— Қадаммурод ака, биз тенгдошмиз, ҳурмат қилиб «ака» дейман...

— Ака деманг, умуман ака деманг. Машина калитини бераман, деганимга ҳам тушунмадингиз. Яхшилигингиз учун совға қилиб юборсамми десам...

— Хайр, соғайиб кетинг, — деди оқсоқол.

Эшик секин ёпилди, аммо Совуров қарсиллаган овозни эшитгандек сесканиб тушди.

* * *

Наврӯз яқинлашди. Шифохонадан чиққан Совуров қишлоқ маданият уйида бир гуруҳ қизларни байрамга тайёрлади. Зайнабнинг келишини кутган эди, аммо қиз қадам босмади. Уни туш чоғи дўкон олдида учратиб қолди. Ҳақиқатан, соҳибжамол, қадди-басти келишган эди. Раққоса ҳам, хонанда ҳам бўла оладиган шашти бордек туюлди. Ҳойнаҳой, овози ҳам ширали ва кучли бўлса керак.

Наврӯз куни чойхона саҳнида ажойиб томоша қўйиб беришди. Ҳамма бир овоздан Қадаммурад Совуровни олқишлади.

— Мен, — деди рубоби-ла микрофонга яқинлашган қўшиқчи, — мусаффо осмон остидаги шу гўзал қишлоқда яшайдиган бағрикенг халқ ичига бежиз келмадим. Эсларингизда бўлса, йигирма-ўттиз йил муқаддам, сал кам ўн йил мобайнида ҳар бирингизнинг тўйингизда хизмат қилдим. Ўшанда гоҳ телевиденияга, гоҳ чет мамлакатларга чақириб қолишган. Тушунасишлар, хизматчилик. Қолаверса, — кекса қўшиқчи шундай дея бармоғини кўкка нуқиди, — ўзим келолмасам-да, юрагим келган, руҳим келган, хаёлим шу заминда бўлган. Ёшлар, эҳтимол, билмас, мен асли «болалар уйи»дан чиққанман. Отамни танимайман. Онамининг онаси эса шу қишлоқдан, айнан шу заминдан эканини биламан. Қисқаси, мен бегоналар орасида эмасман. Ахир, муҳими ҳам шу эмасми, қадрдонлар?! Ёшлар дедим. Ёшлар, бу — куч, бу — муҳаббат, оташ, сел. Қишлоққа келган куним бир совуқ воқеани эшитдим. Ҳозир ўша воқеа иштирокчиси ораларингиздадир. Ҳамманинг олдида гапириб, ота-онаси-ю қавму қариндошининг юзини ерга қаратмоқчи эмасман. Аксинча, шу қизнинг жасоратига қойил қолдим. Гап жонига жабр қилишда эмас, илтимос, тўғри тушунинглар, бунда бошқа бир фалсафа бор.

Санъатни жонидан устун қўйган! Бу санъат илоҳий! Бу санъат буюк мерос эканлигини, шахсий ҳаёт улкан қуёш олдида бир заррача келолмаслигини билган у! Жасорат шу эмасми? Шу эмасми биздан ҳам бутун жаҳон танийдиган афсонавий юлдузлар етишиб чиқаётгани? — Қадаммурод Совуров жон қулоқлари билан тинглаётган одамларга бир қур кўз югуртириб, оҳангни бир оз пасайтирди. — Азизларим! Мен ҳаммангизни дилдан яхши кўраман! Бир сирни айтай. Нега мен куйламай қўйдим? Чунки қўшиқчилик бозорга айланиб кетди. Сизлар тинглаётган кўплаб қўшиқлар фонограмма, холос. Уларни куйлаганларда овоз қани дейсиз! Овқатнинг иси кўпроқ ёқадими ё овқатнинг ўзи?

Қишлоқ аҳли қарсак чалиб юборди. Турли хитоблар эшитилди:

— Улар ўғри! — давом этди Совуров. — Ҳинд, араб, Европа, Америка куй-қўшиқларидан ўғирлашади, компьютер ёрдамида овоз ёзади, бир умр ўша дискини кўтариб юради. Қаерга бормасин, қасир-қусур фонограмма...

Қишлоқ аҳли ичида кимдир бетгачопарлик қилди:

— Ваъзни тўхтатинг, ҳофиз, қачон қўшиқ эшитамиз?

Олд қатордагилар орқага аланглашди, беодобни ахтаришди. Айримлар ерга қараб пиқ-пиқ кула бошлашди.

— Ҳар бир уйни санъат масканига айлантирамиз, ҳар бир инсон санъаткор! — деб гапини якунлади Совуров.

Сўнг жаҳл аралаш тор чертишга тушди. Кимдадир қасди бордек бир нуқтага қовоқ уйиб тикилган кўйи қўшиқни бошлади. Овози борица бақираётгандек туюларди. Одамлар биринчи қўшиқни жимгина эшитишди. Иккинчисида Совуров ҳам, тингловчилар ҳам чарчаб кетишди...

Чойхона олдидаги байрам тантанаси ниҳоясига етгач, кекса қўшиқчини оқсоқолникида учратган улфатбозлар бир четга чақиришди.

— Ҳофиз бова, биз билан кетасиз, бир жойда зиёфат бор, фақат сизнинг шарофатингизга.

Оқсоқолнинг кўзини шамғалат қилиб, кўчага чиқдилар-да, ариқ бўйлаб пастки қишлоққа равона бўлишди. Ҳақиқатан тайёргарлик катта экан. Турли-туман ичимликлар, турли егуликлар, гўштлар...

Кайфи ошиб қолган улфатлар ёшлик даврини, Қадаммурод Совуров келган тўй оқшомларини эслашди, йиғлаб ҳам олишди, ҳатто, меҳмонни йигирманчи асрнинг энг буюк ҳофизи деб алқадилар.

Алламаҳалда уни уйига элтиб қўядиган бўлишди. Ижара ҳовли кўчасига етгач, Совуров кузатиб келаётганлар билан кучоқлашиб хайрлашди, ўпишди.

— Бу ёғига ўзим... — деди қўшиқчи. — Феълим шунақа. Манзилимга оз қолганда, ёлғиз етишни хоҳлайман.

Ажойиб кеча эди. Қадаммурод Совуров ўқчиб қўяркан, бирдан хотин ҳақида ўйлаб кетди.

— Уйланаман, — деди минғирлаб, — Оқсоқол... Оппоқ соқол сизбоп қиз бор деганди, кимлигини эртагаёқ сўрайман. Ким бўларди, ўша қиз-да, жонидан тўйган... Энди унга қайси йигит уйланарди... Эй жононлар, ё-о-о-шш...

Ногаҳон тутлар орасидан бир шарпа чиқди. Иккиси-да бир-бирига ҳадиксираб қараб қолдилар.

— Кимсан? — сўради қўшиқчи.

Шарпа яқинлашди. Кўзлари ўтдай чақнаган қиз экан. Совуров тушимми, ўнгимми деб энгашиб боқди.

— Ё тавбангдан! Паримисан, фаришта?

Қиз тилга кирди:

— Сизга раҳмат айтгани келдим. Уйингизда йўқ экансиз, кутиб ўтирдим. Исмим Зайнаб. Бугун чойхонада мени мақтадингиз, раҳмат. Қишлоқда ҳеч ким мени тушунмайди. «Санъаткор бўламан» деганим «енгилтак бўламан» дегани эмас-ку.

— Тўғри. Сен жуда истеъдодлисан.

— Кўшигимни эшитмагансиз, рақсимни кўрмагансиз. Истеъдодимни қаёқдан биласиз?

— Суриштирдим, Зайнаб, суриштирдим... Ие, нега кўчада гаплашаяпмиз? Қани, ичкарига юр. Биласан-а, менинг танишларим кўп, студияларда, телевиденияда... Бошқаларга кулоқ солма. Тушундинг-а? Мана, мен кулоқ солиб нима бўлдим? Агар фақат кўнгил амрини тинглаганимда, ҳозир ҳам юлдуз бўлиб порлаб турардим. Тақдирни қара, ўтмиш ва келажак юлдузларини учраштирди. Бири сўнган, иккинчиси энди порламоқчи. Бири шаҳардан қочиб келди, иккинчиси шаҳарга кетмоқчи.

Қиз аввалига гарантсигандек индамай тураверди, кейин кулиб юборди. Уйга кириб чироқни ёққунча Совуров гапдан тўхтамади. Сўнг соҳибжамол қиздан, айниқса, бўйнидаги арқон изидан кўз узмай жимиб қолди.

— Мен ёмонман, — деди Зайнаб, — ота-онамни куйдирдим... Лекин ёлғиз мен айбдор эмасман. Нега улар ҳалигача эскича фикрлашади? Илтимос, шаҳарда биронта ишга жойлаб, квартира топиб беринг. Бутунлай кетсам дейман, бутунлай. Бу қишлоқда қизларга эркинлик йўқ. У ёқда ўз бахтимни топишимга ишонаман.

Қиз юзини тўсди-да, Совуровнинг каравотига ўтириб, йиғлаб юборди.

— Менга ёрдам беринг, бўлмаса, адойи тамомман, — деди дона-дона қилиб.

Қўшиқчи ёш қизнинг ёнига ўтирди. Сочини силаб, оҳиста кучаркан:

— Тақдир шамоли мени бежиз бу қишлоққа учуриб келмаган, — деб эркалади. — Сенга жону дилимдан ёрдам бераман. Фақат шу... Ота-онангнинг розилигини ол.

— Йўқ! Ҳозир ҳам уйдан яширинча чиқдим. Ўлсам ҳам рухсат беришмайди. — Қиз силтаниб Совуровнинг кўлини елкасидан туширишга уринди.

— Ундай бўлса, менинг ёнимга келганингни айтмаслигинг керак, — деди Совуров.

— Нега?

— Одамлар нотўғри тушунишади.

— Нотўғри тушунишади? Мен, ахир... Сизни отам ўрнида кўриб... Қизингиз қаториман... Балки тўнғич неварангиз қатори...

— Чекка қишлоқда сендек қизни учратишни аввалдан билганимда эди...

Зайнаб ялт этиб қаради. Юзи юзига теккудек бўлиб бегона эркак еб қўйгудек тикилиб ўтирарди. Бўриникидек ялтироқ кўзлар, гуп этиб урилган ароқ ҳиди...

— Устозлик қиламан, — шивирлади Совуров. — Шундай машҳурликка эришасанки, бир тўйга чиқишингга беш юз-олти юз доллар тўланади. Мен умри ўтган одам... Сенга яхшилик қилиб кетаман... Ҳаммасини топшираман... Машиналаримни ҳам, пулларимни ҳам... Менга санъатдан бошқа ҳеч нарса керакмас, Зайнаб... Ҳаммаси сенга бўлсин, менинг умрим ўтди... Сен эмас, мен ўлишим керак, Зайнаб...

Қадаммурод Совуров йиғлади. Кап-катта одамнинг, бир вақтлар элга таниқли бўлган санъаткорнинг аҳволи Зайнабни лол қолдирди. Ҳозиргина ўзи йиғлаган эди, энди бировни овутмоқда.

Аммо бу овутиш қизнинг меҳрибонлиги эмас, соддалиги эди.

* * *

Тушга яқин оқсоқолнинг дарвозаси тақиллади. Чиқиб қараса, сал нарида Совуровнинг «Нексия»си кутаяпти. «Дарвозани тақиллатиб, яна машинасига ўтириб олгани нимаси? — ҳайрон бўлди оқсоқол. — Шу бало қаердан ёпишди бизга?»

— Бу томондан келинг, — дея Совуров нариги эшикни кўрсатди.

Иккиси ёнма-ён ўтиргач, қўшиқчи деди:

— Оқсоқол бува, мен кетаяпман, бутунлай.

— Нима, Наврўзда бир жуфт қўшиқ айтиш учун келганмидингиз? Қизиқ-ку, шунга шунча ташвиш.

— Кеча бировдан эшитдим. Касалхонада айтган қизингиз анави ўзини осган эмас экан. Қўшни қишлоқдаги ўтирган қиз экан.

— Кўнглингиз турмуш қурмаганини тусаяпти, десам, дардингиз нима ўзи? — Оқсоқол жаҳл билан эшикни очди, қўшиқчининг қўлини силтаб ташлади. — Кечирасиз, «меҳмон уч кунлик» деган мақол бор. Қишлоғимизда анча ушланиб қолдингиз. Яхши боринг, меҳмон!

— Тўхтанг...

— Жўнанг, мен қўшмачи эмас, оқсоқолман.

«Нексия» тор йўлга тикилиб, зўрға бурилиб олди. Оқсоқолнинг кайфияти бузилиб, мачитга ҳам чиқмади. Пешин намозини эндигина адо этиб, қўшни қишлоққа йўл олмоқчи эди, мачит қоровули ҳовлиқиб келиб қолди.

— Файзикулнинг қизи ўзини осиб қўйибди, — деди у.

— Ахир, у... Яқинда...

— Восвосга чалингани рост экан. Биринчисида Худо сақлаганди...

Қишлоқда икки хил миш-миш тарқалди. Бирлари унга «ит теккан экан» десалар, бирлари «осма касал» дейишарди.

Кадаммурод Совуров қайтиб келмади. Қурилаётган уйининг девори бир пахса кўтарилганча абадий тўхтади. Совуровнинг оиласи ҳақида оқсоқол сал кейинроқ эшитди. Қариб қуйилмаган қўшиқчи қўшнининг келинига тегишган экан. Нафақат оиласи, бутун маҳалла воз кечган экан ундан.

Қўшни қишлоқдаги қари қизнинг отаси эса шунча гапни эшитиб ҳам оқсоқолдан хафалигича қолди. «Тошкентдан куёв топдим, артист дегандинг, ўзинг артист экансан», деб қайсидир тўйдан қайтаётганда юзига солди.

— Раҳмат айтиш ўрнига нима маломат? — деди оқсоқол. — У ёши ўтган, хотинбоз, оиласидан кечган, имонсиз банда эди.

— Қизим ҳам қирққа бориб қолди. Бузғунчилик қилмаганингда, Тошкентда яшарди, шундай шахри азимда ўзининг уй-жойи, артист бўлса ҳам, эри бўларди.

— Суф-э сизга!..

Оқсоқол Қадаммурод Совуровдан ҳам кўра, шунақалардан кўпроқ нафратланади.

ТАРИХ

Чақалоқ йиғиси ғор ичкарисидаги кўршапалакларни хуркитиб юборди. Қиялик этагидаги чангалзор оралаб ўтган жилға бўйида тош найзасини қайраб ўтирган соч-соқоли ўсиқ киши оёққа қалқди. Тун бўйи изғиб, энди мудраётган шоқоллар ҳам бош кўтаришди. Шоқоллар инсон боласининг йиғиси билан ўзлариники ўхшашлигидан фахрланиб, бир-бирига маъноли қараб кўйдилар.

Найзали киши тепага ўрлаб, ғор оғзига шошилди. Унга ўзидек ўн чоғли одам эргашди. Ҳаммалари тош болта кўтарган, буғу терисини ёпинган нақадар жулдур одамлар бўлишса-да, барибир урфдан заррача ортда қолишмаган эди.

— Чақалоқ! — қичқирди қабила сардори қизарган уфққа қараб. — Ўғил!

У отани кучоқлади. Қабиладошлар найза, тошболта ва болдир суякларни кўтариб, қийқирдилар, оғизларига кафт уриб, шовқин кўтардилар. Бу — уларнинг табриклашгани эди.

Қаердадир ёввойи от кишнади, одам зотига эндигина ўрганган хонаки итлар ҳурди. Бола жимиб қолди. Отасига қуйиб қўйгандек ўхшарди. Тонг шуъласи ўйнаётган ғор девори сеҳрли кўринди шекилли, гўдаккина томоша қилиб тўймади. Онасининг кирлаган, аммо бўлиқ сийналарини навбатма-навбат эмиб, беғубор сут кўзларини йилтиратди. Ўша дамларда ҳам одамлар ва ҳайвонларнинг кўзлари ўхшардилар.

Қуёш чўққилар ортидан кўтарилиб келганда, одамлар ўз иши билан андармон эдилар. Кимдир овланган тоғ эчкиси терисини тузлар, кимдир дастлабки темир болтани ясаш билан овора, олов тафтидан темирчининг юзи янада қорайиб кетганди. Болалар тошдан-тошга

сакраб, ўзларича каталардай найзабозлик қилишарди. Улардан-да бахтли ҳеч ким йўқ эди дунёда. Оналар болаларини тез-тез койиб қўйишар, бир-бирининг жигарбанди ҳақида гаплашишар, аммо уларни ҳозир рўзгорини алоҳида қилган оилалар ҳақидаги миш-мишларгина кўпроқ қизиқтирарди. Ҳамма битта ғорда, битта дастурхон атрофида овқатланмай, алоҳида-алоҳида чайлада яшаши ҳам мумкин эмиш. Жамоа эса жамоалигича қолавераркан.

Шу пайт Бола ғордан эмаклаб чиқди. Илк бор қуёшга тикилди, кўзи қамашиб, юзини бужмайтирди. Қуёшни ҳамма ишларга қодир буюк мавжудот деб ўйлаб, дарров бош эгиб, ер искаб қолди.

Кейин чилангарнинг оловига кўзи тушди. Худди қуёшдан узилган парчани кўргандек ҳайратланди. Бунда оддий сир борлигини фаҳмлаб, қиқир-қиқир кула бошлади.

Вақт чошгоҳга яқинлашди. Бола соат сайин эмас, ҳар сонияда ўсиб-улғайиб борарди. Аллақачон тик оёқда юришни, югуришни ўрганиб олган эди. У билан бирга замон ҳам шиддат-ла илгариларди. Юз йил нима деган гап, минг йиллик ўтиб борарди.

...Тенгқурлари билан ғордан олислаб, қияликдан тушиб, жилғани кечиб ўтаётганда, оёғига ўткир қирра санчилиб, додлаб юборди. Оқсоқланганча жилға лабига ўтирди. Оёғини букиб, тиззаси устига қўйди-да, ярага энгашиб қаради. Шу ўтиришида у машҳур рассомнинг «Зирапча суғураётган бола» суратини эслатиб юборди.

— Шиша кесибди, — деди саҳро томондан келган, юзини қуёш қорайтирган овчи. Бу одам Боланинг тоғаси эди. — Ҳали бу шишалар инсониятнинг оёғини эмас, қалбини ҳам жароҳатлайди. Дунёда нима кўпаяди? Шунақа нарсалар! Тур, жиян, уйингга олиб бора. Ҳойнаҳой, отанг янги посёлкада иморат қураётгандир?

Болалар май идиши синиғини олиб, қуёшга тутдилар. Қуёш унда акс этиб, ҳаммалари завқланишди. Ўрмондан

чиққанларида ғорларни аллақачон тарк этган қабила ёғочдан, лойдан, айримлари тошдан иморат кўтармоқда эдилар. Ҳукмдорлар эса пишган ғиштдан муҳаташам залли, кунгурадор саройлар қуриш учун олис мамлакатлардан кўли гул усталарни чақиртиришганди. Эрталаб ғорда яшаган одамзот туш чоғи шаҳарларга асос солди.

— Табибга бориш керак, — деди отаси қўлларини пешбандига артиб. — Бу ярани шунчаки боғлаб қўйиш ярамайди. Ҳақиқатан, газак олиб кетиш хавфи бор. Ғорда яшаган давримизда чидамли эдик. Мана, ўзимизга қулай шароит яратганимиз сари табиатдан узоқлашиб, тобора нозиклашаямиз.

Отни аравага қўшиб, устига похол ташлаб, йўл тадориғи кўрилди. Бола аравага ётди. Табиб бир неча чақирим наридаги дарё бўйида қад ростлаган шаҳарда яшарди. Шаҳарнинг нариги чети денгизга туташган бўлиб, портда пороходлар буғ ва тутун буруқситиб сузиб юришарди. Йўл-йўлакай шамол тегирмонларини, бепоён буғдойзорларни томоша қилиб боришди. Кўкка кўз тиккан боланинг нақ устидан темир қуш — аэроплан учиб ўтиб, ўрмон ортида кўздан ғойиб бўлди.

— Ғорда яшаганимизда, дарахт ғўласини қайиқ қилиб сузганмиз, аэроплан нималиғи эса тушимизга ҳам кирмаганди, ўғлим, — деди отаси.

Шаҳарчага кириб келишди. Сал наридаги станцияга паровоз вишиллаб тўхтади. Найзали милтиқ кўтарган шинелли аскарлар бир саф бўлиб тизилишди, уларга бақириб-чақириб буйруқ берилди. Генерал келганга ўхшайди. Йўллар тўсилиб, арава тугул автомобилларга ҳам рухсат беришмагач, Бола кутавериш зерикди. Аравадан тушиб, оқсоқланганча дўкон витринаси олдига келиб, аёлларнинг либосларига тикилиб қолди. Бежирим, нафис кофталарни, юбкаларни, тунги кўйлақларни у умри бино бўлиб кўрмаган эди. Юраги гупириб ура бошлади.

— Хайр қилсангиз бўларди, яхши йигит, — деди кўнғироқдек жарангдор овоз.

Бола қайирилиб қараб, шарманка чалаётган чолни ва ёнида турган соҳибжамол қизни кўрди. Қиз шарманкадан таралаётган куйдан ҳам кўра Болага ошиқ экани сезилди. Боланинг мўйлови сабза уриб, юраги кўксини ёргудек гурс-гурс урди. Чолга қанча қоғоз пул узатганини ҳам англамади.

Кейин соҳибжамол иккови шаҳар айланишди. Ярасини ҳам унутди, шоввоз. Қиз билан қўлтиқлашиб юрган ондан буён яра нима, билмаётган эди. Кинотеатр олдида тўхтаб, музқаймоқ ейишди, сўнгра кинога тушишди.

— Тоғ томонлардан келаяпман дегин? — жилмайди қиз. — Исмнинг нима?

— Бола.

— Исмнинг шунақами?

— Ҳа. Асли келиб чиқишим иссиқ мамлакатлардан.

— Менинг исмим Қиз, битта жойнинг одами экан, — деди соҳибжамол узун этаклари ва бўйнигача ёпиқ ёқасини тўғрилаб қўяркан.

Дарвоқе, унга шляпаси ҳам жуда ярашган эди. Нафис, мулойим, ҳаёли жилмайиши-чи! Бола унинг лабларидан бўса олгиси келди.

Овозсиз бўлса ҳам кино иккисини-да мафтун айлаб, киприк қоқмай кўрдилар. Ташқарига чиққанларида, кўчада кино залидагидан ҳам кўп одам тўпланган, кимдир броневик устида халққа нутқ ирод этмоқда эди. Нотиклик сиёсат сурнайи эди, минг-минг одам тилсимланиб қолганди. Кийинишига қараганда, нотик на олим, на давлат арбоби, қайсидир заводда ишчи экани кундай равшан. Атрофдан «Йўқолсин золимлар!» деган хитоблар янгради, варақалар тарқатилди.

Кутилмаганда ур-тўполон бошланди. Ўқ отилди. Севгилисини йўқотиб қўйган Бола оломон орасида чопиб кетаётганида, чарм камзулли киши ўшқирди:

— Қуrolинг қани, ҳой мишиқи?! — Кейин у каттакон тўппончани узатди. — Ушла манавини! Душман учраса, отавер! Йўқса, сени ўлдиришади! Урушнинг яккаю ягона қоидаси ҳам шу! Ўлдир! Ўлдир!.. Ура-а!..

Мухташам саройдаги жанг узоқ давом этди. Гоҳ бир томон, гоҳ иккинчи томон устун келди. Ниҳоят, Болага ўқ тегди. У ўзи туғилган ғорни, қуёшни, ўқ-ёй ўйнаб ўсган чоғларини, оёғини кесган шишани, илк марта кўрган паровозини, киноқаҳрамонларни ва... севгилисини ўйлади. Назарида, бундай ур-тўполонда севгилиси ҳалок бўлган эди.

Йўқ. Кўзини очганида, шифохонада ётарди. Оқ халатли ҳамшира ярасини қайтадан боғлади. У Қиз эди, Боланинг биринчи муҳаббати. Токи Бола тирик экан, Қиз ҳам тирик бўлиши айтилиб ҳақиқатдек эди. Иккиси умрбод ажралмас жуфт эди, гўё.

— Сен ҳамширамисан? — сўради Бола. — Бунини айтмагандинг. Ахир, оёғим чўлоқлигини билиб ҳам бир оғиз сўрамадинг-а? Биз шаҳарга табиб ахтариб келгандик, демак, ўша сен экансан-да?

— Ҳа, ўша мен эдим, — жилмайди Қиз. — Барибир топдинг-ку!

— Ўйлайманки, сенинг қўлингда ўликка ҳам жон киради.

— Ярадорлар шунчалик кўпки, ҳаммасининг ҳаётини сақлаб қолишга улгуролмаяпман. Шифохоналарни кўпайтиргандан кўра урушни камайтирган яхшироқ. Урушни камайтириш, бутунлай тўхтатиш иккимизнинг кўлимиздан келмайди.

— Отам... отам қаерда бўлса? — хавотир олди Бола. — Аравасига ташлаб қочибман-ку!

Бола оқсоқлана-оқсоқлана шифохонадан чиқди. Ғор оғзига илк нурларини сочган қуёш ҳозир тиккадан куйдирмоқда эди. Қиз иккиси трамвайда кун ботиш томонга йўл олишди. Бироқ отасидан ҳам, от-аравадан ҳам ном-нишон йўқ эди. Шаҳар ғарби бутунлай ўзгариб кетган, ўттиз-қирқ қаватли иморатлар, ёниб-ўчадиган рекламалар, сон-саноқсиз машиналар, банклар, эркаларни ўзига чорловчи ярим яланғоч жувонлар — қисқаси, атрофни таниб бўлмасди.

Ресторанга кириб овқатланишди, жаз мусиқаси ҳаётнинг маъниси нима эканини уқтираётган эди. Бола қалин сигара чекди. Қиз билан рақсга тушар экан, тезроқ унинг васлига етиш ҳақида ўйлади.

Кейин поезднинг биринчи класс купесига ўтириб, қишлоққа жўнашди.

— Отанг сени улкан шаҳарда, урушларда йўқ бўлиб кетди, деб куя-куя вафот этди, — деди муштдеккина онаси. — Менинг ҳам поймонам тўлган, тўйингни кўриб қолсам, дегандим, болажоним... Ёнингдаги ким?

— Келинингиз.

Уялган қиз очиқ кўксини бекитди, тиззадан келадиган қўйлагининг этагини беҳуда тортқилади, аммо ҳаммасидан муҳаббат устун эди: онанинг ҳузуридан чиққан заҳотиёқ Болани қучиб, лабларидан бўса олди. Эҳ, Бола буни урушдан аввал ҳам ўйлаган эди, журъат этолмаганди.

Тўй бўлди. Масжидда имом олдинга сафга ўтиб, намозни бошлади, қўшни бинода черков қўнғироқлари бонг урди, ундан нарида Будда ҳайкали пойида муқаддас олов ёқилди ва ҳавога ажиб тутун ўрлади. Келин оқ фата-қўйлак, куёв қора костюм кийди. Ҳар қадаҳ кўтарганда Бола қалби симиллаб оғриди. Тоғасини ўйлади. Тоғаси таркидунё қилиб, умрини нариги дунёга бориш учун тайёргарликка бағишлаган эди, бундай базмда иштирок этармиди.

Бола ўзини бахтли ҳисоблади. Олиму сиёсатчи, диндору даҳрий, машҳуру номашҳур, бою камбағал — барча қариндошлари битта даврага жамланмаган эса-да, бахтманд эди у. Юртда тинчлик, тўкин-сочинлик. Гўёки қора кунлар тарих қаърига абадий ғарқ бўлган эди. Муҳими, севгилиси ёнида!..

Бироқ қачон, қаерда умрбод бахтли яшаган инсон бор дейсиз? Ногоҳон осмонда самолётлар пайдо бўлди. Тўй аҳли баб-бараварига кўкка тикилишди. Бир тонна келадиган, пулига, ҳаттоки, мактаб ёки бир нечта болалар боғчаси қурса бўлгулик бомбалар ташланди,

далалардаги экин-тикинни янчиб, танклар ғимирлаб кела бошлади, уларнинг ортида мўр-малахдай душман кўринди. Ҳаммалари автоматларини отишга шай қилиб олишган, бошларида гўдакларнинг тувагига ўхшаш каскалар...

Бола ҳам қўлига автомат олди. Дунё дунё бўлиб бунчалик кўп одам бўлмаган, шаҳарлар вайрон бўлмаган, кўкдан шу қадар кўп бомбалар ёғилмаган эди. Миллион-миллион одам ўққа учиб, бомбаю снаряд портлашида қолиб, ҳатто тириклай печкада ёқилиб, ҳалок бўлишди.

Бола кўксига орден-медаллар тақиб, уйига қайтганида, дунё хароб ҳолда эди. Қиз вокзалда бир кучоқ гул билан кутиб олди. Вокзалларда ғалаба маршлари чалинар, оғир саксофонлар тинмас, ҳаммаёққа шиорлар, байроқлар илиб қўйилган, кўчалар майиб-мажруҳларга тўлиб кетганди. Онасидан ғарибгина мозор қолибди. Эркак азалдан аёл билан барҳаёт эди, онаси ўлган бўлса-да, яна бахтли турмуши бошланди.

— Сен физикага жуда қизиқасан, — деди бир куни Қиз, — университетга имтиҳон топшир. Физика асрида яшаяпмиз. Инсоният бутун оламни забт этиши керак. Балки физик олим бўлиш сенга ҳам насиб этар, а?

— Ўзинг-чи? — сўради Бола.

— Мен одамларни даволашда давом этавераман.

Бола университетда ўқиб юрган чоғларидаёқ кашфиётлар оламига шўнғиб кетди. Фазога илқ ракета учирилди, атом бомбаси ихтиро қилинди. Буларда Боланинг ҳиссаси йўқ дейсизми? Бола олимлардек эди, олимлар эса Боладек.

Илк мобиль телефони жиринглади. Қизни ҳам, Болани бошқа қитъалардаги кечагина гордан чиққан қариндошлари тўйларининг юбилейи билан табриклашди. Эр-хотин бахтли турмушлари ҳақида хаёл суриб, деразадан олам манзарасига боқиб ўтирганларида, қуёш ҳам ботаётган эди. Инсониятнинг бир куни ҳам ўтмоқда. Бир юзу йигирма қаватли ойнаванд уйларда қизғиш

цуула жилваланди. Ер юзида миллиардлаб инсон яшасада, деярли ҳамманинг қорни тўқ, усти бут. Наҳотки, шу олтин аср бўлса?

Шу пайт Боланинг компьютери сигнал чалди: электрон хат келган кўринади.

— Пластик картани қаерга қўйган эканман? — деди Қиз. — Гипермаркетдан кечки овқат учун гўшт харид қилмоқчи эдим. Тавба, қари кампирларга ўхшаб, ҳамма нарсани унутиб қўядиган бўлдим-а!

Бола пластик картани топиб, жилмайди:

— Аждодларимиз тош найзалар билан буғу, кийикларни ўлдириб, оловга тоблаб ейишган, гоҳида ўша ов ҳам бароридан келмаган. Биз эса қадоқланган ҳалим гўштларни шундоқ дўконга тушиб, олаверамиз. Истасанг, кўнғироқ қилиб уйга буюртма беришинг мумкин. Бахт асрида яшаяпмиз ахир, жоним.

— Бахт асрида яшаяпмиз, — такрорлади Қиз. — Тўғри, уйда ўтириб ҳамма нарсани муҳайё этиш мумкин. Лекин негадир бугун оёғим гипермаркетга тортаяпти. Кеча кимдандир эшитдим, биз — ҳамширалар бир вақтлар ярадорларнинг ҳаётини сақлаб қолган шифохона худди ўша жойда бўлган экан. Балки шунгадир, балки... — Қизнинг хаёлига нимадир тушиб, сўради: — Тоғангиздан хат-хабар борми? У кишига на мен, на сиз ёрдам бера оламиз, шекилли?

— Нега ундай деяпсан?

— Таркидунё қилганлар сафида йўқ эмиш. У кишини ғорда кўришибди.

— Ота-боболаримиз яшаган ғордами?

— Ҳа. Мен ҳам ўша ғорда туғилганман, сиздан сал кейинроқ, — деди Қиз. — Аммо биз ғорда эмас, шаҳарда учрашдик. Тоғангиз ҳам ғордан чиққан одам. Мен унга тушунмайман. Энди одамлар ҳеч қачон ғорларда яшамайдилар. Агар тоғангизни...

У гапининг давомини айтмади. Кетди! Энди ҳеч қачон кўришмаслигини Бола билмас эди. Компьютер қаршисига ўтириб, хабарни очди. Тоғаси интернетга кириб, хабар жўнатган эди. Демак, у горда эмас экан-да! Ўқиди: «Жиян, сен аллақачон дўзахий бўлиб улгургансан! Бу йўлингдан қайтиб, тўғри йўлга кир! Агар мен бу дунёни тарк этсам, сенга ҳамроҳларим ёрдам беришади...»

Бола жавоб ёзишга улгурмади. Кўп ўтмай даҳшатли гумбурлаш эшитилди. Гипермаркет томондан қопқора тутун кўтарилди. Бола телефонга ёпишди, лекин рафиқасининг телефони ишламаётган эди. Дақиқа ўтмай шошилинич янгилик эфирга узатилди: «Бундан бир дақиқа муқаддам одамлар гавжум 7-гипермаркетда диний экстремизм аъзоси бўлган камикадзе белига боғланган бомбани ҳаракатга келтирди. Қурбонлар сони йигирматача деб тахмин қилинмоқда, элликка яқин киши жароҳатланган. Аниқ маълумотларни...»

Бола эгнидаги халат билан эшикка лапанглаб чопди, шу он ойнаи жаҳон иккинчи янгиликни эълон қилди: «Машҳур физик олим, янгича ядро қуролининг асосчиларидан бири Бола Одамовичнинг хотини 7-гипермаркетда содир этилган худкушлик оқибатида ҳаётдан кўз юмди...»

Сўнгра учинчи хабар: «Кузатув камералари ёрдамида худкушнинг шахси аниқланди. У...»

Бола экранга даҳшат-ла тикилди. Йиллар ўтган бўлса-да, қотилни таниди: йўқолиб кетган, ҳозиргина интернетдан хат ёзган тоғаси эди у. Жилга бўйида учратганидаги каби фотосуратда куёшда қорайган, соқол қўйган ва ниманидир таъкидламоқда эди. Жилга бўйидагидек самимий ва хушсурат эмасди.

Қизни тоғ ёнбағридаги қабристонга дафн этишди. Бола нафақага чиқиб, қабристон яқинидаги дала ҳовлисига кўчиб ўтди. У ердан мазор тоши майиздек бўлиб кўзга ташланарди. Бир қучоқ қизил гул томорқада ўсмоқда.

Эртага шу гулларни мозорга олиб боради. Ҳа, эртагача тирик бўлса, бас. Қуёш ёмон қийналиб ботмоқда, конталаш, жонталаш...

Ёлғизлик даҳшатини ҳис этмаслик учун Бола оз-оздан ичди. Ароқ идиши бир замонлар баданини тилган, энди қалбини ниматаламоқда эди: гоҳ дардни кучайтириб азоб берса, гоҳ айрилиқни унуттиради.

— Ердан олтмиш миллион километр нарида ўзга сайёраликларнинг разведка кемасини кўришибди, — деди ишхонасидан келган ходим. — Энг тажрибали, эски ходимсиз, ўз жойингизга қайтсангиз. Она сайёрани мудофаа қилиш учун ҳамма сафарбар этилган, албатта сиз ҳам.

Бундай чақириққа Бола бефарқ қарармиди. Бироқ аввал бир ишни адо этиб кетиши керак. Ярим соатга рухсат сўради. Кейин ҳаво машинасини чақиради-да, бошқармага бир зумда етиб боради.

Айтилган вақтда машина келди. Бола уйда йўқ эди. Ҳайдовчи маълумотлар идорасига қўнғироқ қилган эди, фуқаролик паспортига ўрнатилган микроchip Боланинг қабристонда эканидан далолат бераётганини айтди.

— Чапга, 13-ҳудудга учинг, қабристонга, — дейишди унга.

Машина гўристон четидаги дарахтлар устидан оҳиста учиб ўтгач, алвон гулларга бурканган мозор кўринди. Гулларни қучиб Бола ётарди. Бола билан Қизни ўлим ва тупроқ — ҳеч нарса ажратолмайдигандек эди.

— Профессор энди йўқ, — хабар берди ҳаво машинаси ҳайдовчиси.

— Худкушга лаънатлар бўлсин, — деди бошқармадаги киши, — агар у Боланинг хотинини ўлдирмаганда эди...

Шу дам қуёш ботди. Ногоҳон булутлар орасини тиккадан ёриб ўтган кўкимтир нур шаҳарни кулга айлантириб юборди. Портлаш ҳаво машинасини ҳам кулдек тўзғитиб, чанг зарраларига қориштирди. Не-не

шаҳарлар, миллиард-миллиард тирик жон — ҳеч кимга омонлик бўлмади. Сўнгги гўдакнинг ҳам овози учди, Ер шарини даҳшатли сукунат қоплади.

Орадан минг йил ўтдимиз, ўн минг йилми, қабристон устига илк бор қуш қўнди. Бола ҳамон суюкли рафиқасининг қабрини қучиб ётарди. Энди уни табиат гулларга буркаган эди. Қаердадир шоқол овозига ўхшаш чийиллаш, ғингшиш эшитилиб, қуш пир-р этиб учди. Сал наридаги жилға бўйида тош найзасини қайраб ўтирган жулдур либосдаги серсоқол одам қушга ҳавас билан боқди. У хушxabар кутмоқда эди. Шу пайт ёрдан чақалоқ йиғиси қулоққа чалинди. Буғу терисини ёпинган ўн чоғли одам тошболта, найза, болдир суяқларини силкитиб, ҳайқирдилар.

— Чақалоқ! — қичқирди қабила сардори қизарган уфққа қараб. — Қиз бола!..

Шундай қилиб, янги кун бошланди.

ОДАМ БЎЛИШ АЗОБИ

Қуёш тиккага келди. Терга пишган Охун ака эшакларни сойга ҳайдади.

— Даврон, — деди сояда ётган шеригига, — айрондан қолдирдингми?

Йигит хаёл оғушига ғарқ бўлганди. Бошини истамайгина чайқаб, яна кўзларини юмди.

— Итнинг кўзига из, ошиқнинг кўзига қиз кўринади, — деб минғирлади Охун ака, ўзича. Сўнг завқи келди шекилли, хитоб қилди: — Ўзим сув ичмасам ҳам эшакларим ичади. Юр, суғориб келамиз, Даврон! Оқ эшагимга ўхшаб бунча мазанг йўқ?

Эшаклар учта эди: оқ, қора, малла.

Даврон бир кўзини очиб, кулимсиради.

— Эҳ, Охун ака-ей! Нуқул эшагим дейсиз-а! Хуморанинг отаси «Даврон ўша Охун билан ишляптими, одам бўлмайди, унақага қиз бермайман», деганмиш. Майли, бермай қўя қолсин.

— Ие, кўнгил уздиларми?

— Хумора барибир меники. Отаси берса-бермаса меники.

Давроннинг юзи бужмайди. Бу ичгиси келаётганига далолат эди. Гавдасини хиёл кўтарган эди, Охун аканинг билимдон калласи эшаклар орасида қорайиб кўринди.

«Шунча эшакни цехда ишлатаётганига қойил қолиш керак, — деди Даврон ичида, — бир имо қилса, учаласи ҳам тизилади, бетон қориладиган жойга бирин-кетин келаверади, хуржун ўрнига осилган идишларга Охун аканинг қоришма қуйишини кутишади, кейин гишт қуйиладиган майдонга — менинг ёнимга шошилишади. Охун ака «блок» гиштнинг ҳақиқий устаси-да. Бекорга халқ уни Охун блокчи дейдими. Идиши бўшганини сезган эшак яна бетон қориладиган хумга — Охун аканинг олдига ошиқади. Бечора эшаклар иккимизнинг ўртамизда неча

минг марта қатнаган экан? Нолимайди ҳам, зерикмайди ҳам. Мен эса... эшакча ҳам бўлолмайман. Қачон майхўрликдан қутуламан? Қачон уйланиб, ҳаётимни изига тушираман? Архитектура институтини тугатиб, марказдаги ғишт заводида бир йил ҳам ишламадим. Қизиқ, мен қўл остимдаги уч ишчи билан келишолмадим. Охун акага таққослаганда, ҳақиқатан ҳам гўл ва гумроҳман. Одамни ишлатолмадим. Одамга аччиқ қилиб, ишдан бўшадим, ичкиликка ружу қўйдим...»

Қайтиб келган Охун ака Давроннинг дардини тушунди. Бугун ҳам тушлик чоғида бошламоқчи экани очиқ-аён эди-да.

Яғири чиққан дўпписини олиб, сояга ҳорғин чўкди.

— Иссиқда қандай ичасан? — деди дўпписи билан елпиниб.

— Ичаверамиз.

— Ичма, ука, ичма.

— Ким маслаҳат бераяпти? Устозимми? — кулди Даврон.

— Сенга блок ғишт бўйича устозман, ичиш бўйича эмас.

— Қўйсангиз-чи, ака. Охирги вақтларда сал ўзгариб қолганингизни айтмасак, нўш айловчиларнинг қиролисиз-ку.

— Хатони қанча эрта тузатсанг, шунча яхши, Давронбой.

— Бугун бир айтганимни қилинг, ака. Қўлингиздан ичмоқчиман.

Охун ака шишадаги спиртни ҳидлаб кўрди. Қанча сув кўшиш кераклигини чамалади-да, сири учган бочкага ботирди. Сув куйиб бўлиб, идишни кўзгади.

— Икки марта кўзгаш керак эмас, — деди бир дақиқада тайёр бўлган ароққа тикилиб. — Куч билан кўзгасанг, этади. Иккинчи кўзгашда спирт яна ажралади, сув билан яхши бирикмайди.

— Айтдим-ку, сиз спиртсменсиз, — хурсандлигини яширмади Даврон.

— Охирги марта ичишим, — Охун аканинг ранги тезарди. — Чин сўзим.

Томоғини куйдириб ўтган спирт сархушлик пайдо қилгач, Даврон деди:

— Уйланолмасам керак, Охун ака, ўзимни ўзим алдаяпман-ов. Беш йил қурилиш институтида ўқидим, заводда бир йил ишладимми, йўқми, ишим судга оширилишига сал қолди. Қишлоғимизга келиб, мана, сиз билан шу корхонани юргизиб турибмиз. Қишлоқдошларнинг мен ҳақимдаги фикри яхшимас. Қизнинг ота-онаси кимдан сўрайди? Шу одамлардан-да.

Охун ака негадир эшакларига қараб қўйди. Томоқ қириб олиб, сўради:

— Зикр нима деяпти, ўзи?

— Э-э, — Даврон қўл силтади, — Зикр ака муҳаббатга тушунармиди? Совчиларни қайтарди. Хумора мендан бошқага тегмайди, уни фақат мен олишим керак, мен! Зикр акалар қўлга қарайдиган, мансабни, бойликни суриштирадиган одамлардан.

— Хиҳ, ким бўпти ўша Зикр? Нимасига қатта кетади? Сендек ўқимишли, ҳамқишлоқ, бунинг устига ошиқ йигитни қаердан топади? Одамлар қизиқ. Йигитнинг бирор ёмон одати бўлса, гапни кўпиртираверади. Зикрнинг ўзи ичмаганми? Хотинини ўлдирворган қотил у!

— Катта кетиш учун айтарлик бойлиги йўғу, — бошини қашиди Даврон, — аммо қизини бойга бермоқчи.

— Бойга? Тавба! Бойликни эшагим ҳам тополади.

— Бой бўлмаса ҳам, мендан тузукларга-да, ака.

— Сенинг бузуқ жойинг борми? — чўрт кесиб гапирди Охун ака. — Айтаяпман-ку, бўладиган инсон камчилигини секин-аста тузатиб олади. Эрта-индин сен ҳам иродангни ишга соласан. Эҳтимол, шу корхонани ривожлантириб, марказдаги заводдай қиворарсан. А? Нима дединг?

— Ўзимизга ўзимиз яхши кўринамиз, — оғир уф тортди Даврон. — Четдан қараган киши тамом бўлаётганимни кўради. Ичмаган куним борми? Ҳатто қозонимга бир парча

гўшт солишни хаёлимизга келтирмайман. Бир томондан Зикр ака тўғри қилаяпти, — тўсатдан Давроннинг кўзлари ёшланди. — Отам мастлик оқибатида ўлди. Умр бўйи ичди, на бойлик тўплади, на обрў. Ҳаммасига ароқ сабабчими? Бизнинг хонадонни ароқ хароб қилдими? Шунини мен била туриб нега ичаман? Отаси ичган ҳар бир фарзанд албатта жабр кўриб улғайган бўлади. Аслида ароқни отамнинг қотили деб ўйлашим керак. Қаерда дуч келсам, бутилкасини синдириб ташлашим шарт...

Даврон юзни четга буриб, кўз ёшини артди. Қорни очиқиб, ютиниб олди.

— Зикр ака шунинг учун қизини бермаяпти. Институтни тугатиб, бир тўда эшакнинг орасида юрган йигит гўр бўлармиди, дейди.

— Ҳей, — ялт этиб қаради Охун ака, — эшакларимга тил теккизма! Улар сендан ақлли, Зикрдек қотил эмас!

Даврон аччиқ тиржайди, бошини кинояли лиқиллатди.

— Биз ана шунақамиз, Охун ака. Бир одамнинг бахтини эмас, эшакларни ўйлаймиз.

— Вей, — кесатди Охун ака ҳам, — эшакни ўйламай кимни ўйлайман? Эшаклар меҳнат қилиб, бизни боқаяпти. Севги нима беради?

— Сиз ҳам севиб уйлангансиз-ку!

— Нима? — Охун аканинг ранги учди.

— Айтаман-да, ака...

Охун ака бирдан бўшашди. Галати бўлиб, кетгани Давронга сезилди.

— Севги дейсан, ука, — деди Охун ака зўр-базўр, — севги қатта бахт. Аммо дунёда хиёнат ҳам бор. Шунини унутма.

У ўрнидан туриб, қабристон томон кета бошлади. Даврон букчайган қоматга, эгилган бошга, шалвираган кўлларга боқди.

— Помидор олиб келай, салат қилиб еймиз, — деди Охун ака ўгирилиб қараб қўяркан.

Даврон кечқурун ҳаммасини ҳал этишини кўнглига тугди. Хуморани чақиради-да, айтади: «Дадангни кўндир ёки мен билан қоч...»

Охун ака узоқ йўқолиб кетгандек туюлди. Даврон ўрнидан туриб қараган эди, қабристон қоровули билан хайрлашаётганини кўрди. Дўпписида авайлаб кўтариб олган нарсалар помидор бўлса керак.

«Охун акага ҳам осон эмас, — ўйлади Даврон худди бировга ҳикоя қилаётгандек. — Янга билан севишиб турмуш қурган. Унга уйланиш учун уч йил совчи қўйган. Уч йилдирки, янагага бошқалардан совчи келмаган. Опалари бадавлат хонадонларга тушишган. Ноилож қолган ота, ахийри, Охун акага — мактабнинг ёш муаллимига қизини берган. Даставвал бахтли яшашган. Бир ўғил, бир қиз дунёга келган. Кунларнинг бирида малака ошириш институтига ўқишга жўнайди. Учинчи кун и оиласини соғиниб, йўлга чиқади ва ярим кечаси кириб келади. Қараса, хотин уйда йўқ, болалар ухлаб ётибди. Соатига қарайди: 23:30. Бу вақтда хотини қаерда бўлиши мумкин? Бирдан чеккадаги эшик очилиб, икки шарпа чиқади. Охун ака уларнинг йўлини тўсади ва... ўз божаси билан суюкли хотинини кўради. Иккови ҳам хиёнатни тан олишмайди. Хотини дейди: «Поччам сизни сўраб келиб қолди, шу пайт чеккадаги хонадан шовқин эшитилди, кириб қарадик». Божа ҳам шу гапни айтади. Тўйдан қайтаётиб, мактаб масаласида бирровга учрашмоқчи бўлганини гапирди. Ростдан ҳам чеккадаги хонанинг деразаси очиқ бўлиб, ўғри кирганга ўхшарди. Аммо шу-шу оила об-ҳавоси илимайди. Ичкиликка берилгани учун Охун акани мактабдан бўшатишади. Қишлоқ четидаги қаровсиз қолган ғишт цехини ишга туширади. Ишчиларга маош тўлашга қурби етмагач, бетон ташишга эшакларни ўргатади. Ҳар кун и тушум бор, ичкилик бор... Эҳ, Охун ака болаларини кўзи қиймайди-да. Ўрнида бошқа одам бўлганида аллақачон ажрашиб

кетарди ёки хотинини ҳам, божасини ҳам ўлдириб қўярди. «Дунёдаги энг ёмон нарсаси — хотинингнинг севмай умрбод бирга яшаш» деганди. Мен севиб уйланаёпман... Бўлажак хотинимнинг ҳам тарбияси зўр...»

— Ие, айрон эсдан чиқибди-ку, — деди Охун ака салат тайёр бўлгач. — Опкелай.

У цементхонага лўкиллаб чопди. Давроннинг Охун акагами, ўзигами хўрлиги келиб, кўзлари пирпиради.

— Ҳеч бўлмаса, қолганини кечқурун ич, — деди Охун ака шишани яшириб. — Иссиқда қандай ёқади, ҳайронман. Менинг кўнглим айниб бораёпти. Ундан кўра, ма, айрон бор.

— Яна озроқ... — Қайсарлик қилди Даврон. — Кечқурун ичмайман. Учрашувга чиқаман.

— Менга қара, Даврон, — уҳ тортди Охун ака. — Бир гап айтсам хафаси бўлмайсанми?

— Айтинг.

— Эшакларни меҳнатга ўргатдим. Сен эса инсон боласисан, ука! Тарбиялай оламан! Ишонмайсанми? Ичишни барибир ташлатаман. Энди бу заҳри қотилни ўйлайверма. Тез орада у сен учун умрбод йўқ ҳисобланади. Ўзим ҳам бунга ошна эдим, шунинг учун сенга ақл ўргатолмадим. Кел, ташлайлик!

— Бугун тақдирим ҳал бўлади.

— Майли, ҳал қилсанг, қил. Гўристон қоровули мени боя қақирди. «Полизимдаги помидорни қуритдинглар, қачон ошга қақирасанлар?» — деди. Қабристон қоровулини тўйга айтиш бизга насиб этадими, йўқми, ўзи? Шу ичкиликни ташласак, барақа киради, ахир.

— Аста-секин сўфи бўп кетасиз-ов, устоз...

Улар бир соатлар, чамаси, валақлаб ўтиришди. Эшаклар дам олиб бўлиб, қатор тизилишиб кела бошлашди. Бу — тушлик ниҳоясига етди дегани эди.

Тераклар ортидан ой кўтарилди. Курбақалар беармон вақилларди. Бедапоя оралаб келаётган Даврон ва Хумора терак тагида тўхтади.

— Шу ерда ўтирамиз, — деди Даврон.

— Курбақаларнинг кўплигини, — кулди Хумора.

Курбақалардан бири завқланиб, ўзини сувга отди, сал наридаги кўлмак чўлп этди.

— Ичишни ташлаб, соҳам бўйича ишга ўтишим керак. Дадангнинг шарти фақатгина шуми?

— Шу, — деди қиз уялинқираб.

Даврон унинг елкасидан қучди. Худди ўпмоқчи бўлгандек бўйинини чўзган эди, Хумора ўзини олиб қочди.

— Даврон ака, сиздан бир ўтинчим бор. «Бажарамиз», «гап йўқ» деб ҳазил қилманг. Шу сафар жиддий киришинг.

— Ичишни ташлайми?

— Ҳим-м.

— Хўп, жоним.

— Ичишни ташламасангиз бўлмайди. Аямнинг аммаси ўғлига совчи бўлиб келмоқчи. Ҳаммаси аямнинг иши. Менда қасди бор, Даврон ака. Аммаси қанақа аёл эканини биласизми? Бир кунда ҳам совчиликни, ҳам фотиҳа тўйни ўтказдириб юбориши мумкин. Илтимос, ташланг ўша шайтон сувини! Шунча қийинми?

— Қийин эмас, — Даврон чўнтагидан сигарета чиқарди. — Ичишни ташладим! Шу сонияда! Бу сигарет эса охиригиси.

— Жиддий гапираяпман.

— Ташладим. Йигит сўзим.

— Дадам авваллари кўп ичарди, — деди Хумора. — Машинани маст ҳолатидаям ҳайдаб кетаверарди. Онам автоҳалокатдан ўлган куни ҳам дадам маст бўлган. Ҳалигача «Онангни мен ўлдирганман, ичмаганимда авария қилмасдим» деб йиғлайди. Аёлнинг тақдири эракнинг қулида. Сизга мен керакманми?

— Сени севаман, ахир, Хумора.

— Севаман дейсизу... — Қиз бошини эгди. — Аямнинг аммасининг ўғлини... Тўғриси, ўша йигитни ёқтирмайман, кўзлари шундай совуқ боқадики... Дадам ҳам ёқтирмайди... Шунинг учун сиз ичишни ташлаб, касбингиз бўйича ишга ўтсангиз, бас. Дадам қатъий туриб, мени сизга беради. Дадам кўнди деяпман, сиз жиддий қарамаяпсиз.

— Ваҳима қилма, — деди Даврон. — Сўзим сўз.

Даврон сигаретани оёқ остига ташлаб, эзгилади-да, Хуморани маҳкам кучди. Икковининг ҳам кўзида ой балқирди, дудоқларидан бахт нафаси келарди, юраклар бир-бирига потирлаб талпинарди.

— Даданг рози бўлибдими, истаган шартини бажараман, — шивирлади Даврон.

* * *

Эрталаб ишга ўзида йўқ шод бўлиб келдию Охун акани кўзлари қизарган ҳолда учратди.

— Бир гап бўлдим, ака?

— Уйга бормадим, шу ерда ётдим, — деди Охун ака.

— Тинчликми?

— Оқ эшак ўлди.

— Оқ эшак?

— Ҳа, у энди йўқ. Бечора касал экан.

Даврон сал нарида ётган эшакнинг ўлигини энди кўрди. Бир четга ўтириб, негадир кулиб юборди.

— Мени табрикласангиз-чи, Охун ака!.. Биламан, эшакларингиз яхши ишлайди. Ҳаммаси ақли. Лекин шундай кунда эшакнинг ташвишини қилиб ўтирибсиз-да! Мен кимман? Инсон боласиман! Зикр ака рози бўлди. Хумора меники. Бугун совчи борса, яқинда тўйим.

— Ростданми?

— Рост, ака, рост.

— Унда... бугундан бошлаб масжидга чиқаман,— тошчаларни ғижирлатиб ўрнидан турди Охун ака. —

Сенинг бахтинг учун илк марта қадаҳ кўтармайман, балки дуо қиламан. Йиғлаб, йиғлаб дуо қиламан. Анави кутида анча вақтдан бери бир шиша тоза спирт сақланади. Сенга айтмай юардим, Даврон! Ҳозироқ тўкиб ташлайман! Бу бизнинг биринчи ғалабамиз бўлади!

Охун ака идишни топиб чиққан эди, Даврон кўлига ёпишди.

— Тўхтанг, ака, «мусулмончилик секин-аста» дейилган. Келинг, шу зорманда зое бўлмасин. Охирги марта битта-битта ичайлик.

— Ичмайсан!

— Оқ эшак ўлди. Шунинг аламига бўлса ҳам ичайлик. Охун аканинг шашти сўнди.

— Иккита эшак бетон ташиб улгурмайди, — деди бурнини тортиб. — Сен қолипларга қуйиб туришдан ташқари замбилғалтакда бетон ҳам ташийсан.

— Ташийман, ака.

— Оқ эшакнинг ўрнига ҳам ишлайсан...

— Ишлайман.

— Оғир бўлади.

— Фақат сиз эзилманг, Охун ака! Ҳаммаси яхши бўлади, деяпман-ку! Бугун охирги марта бир ичайлик. Эртадан бошлаб мен ҳам масжидга чиқаман.

Тушга яқин цех ҳудудига «Москвич» кириб келди. Даврон гишт олувчи мижоз келди деб ўрнидан турмоқчи эди, мувозанатини сақлаёлмай, оқ эшакнинг ўлиги устига йиқилди. Бошини зўрға кўтариб, келган одамга қаради. Маст бўлса-да, таниди: Зикр ака.

— Ҳайф сенга йигитлик, — деди Зикр ака. — Қизим айтса, ишонибман-а! Минг афсус...

* * *

Спирт ҳақиқатан ҳам ўткир экан. Уста ва шогирд кун бўйи бош кўтаролмади. Қаердандир мусиқа садолари эшитилгач, Даврон кўзини зўрға очди. Кун бўйи бўш

идишларни ортиб, гоҳ бетон қориш ускунаси ёнига, гоҳ гишт қуйиладиган майдонга қатнаган икки эшак кеч тушганини билди. Улар сувсаган эди, туш чоғи на сув берилди, на ем. Иккиси ҳам сой томон эниб кетди.

Хуморанинг унаштирув тўйини ўғай онасининг аммаси катта базм қилиб бераётган эди. Зикр аканинг кўнгли тўлиб-тошиб кетаверди. У уйи орқасига ўтиб, гира-шира кўринаётган қабристонга тикилди.

— Кечир мени, онаси, — пичирлади лаблари.

Кейин цехнинг хароб томларига нигоҳ ташлади. Бир нима ёдига тушгандек юзи аламли буришди.

— Охун, сен ҳам кечир, — деди у. — Бир вақтлар уйингга ўғрилиққа тушганимни, хотининг мен сабаб туҳматга қолиб кетганини билмайсан... Ҳа, кўп нарсани билмайсан...

Зикр ака илондек биланглаб оқаётган сойга ҳам кўз ташлади. Қабристон этагидаги сойдан икки эшак ютоқиб сув ичарди.

САККИЗИНЧИ УЙ

Ниҳоят, кўнглимга ёқадиган ижара уйга дуч келдим. Бу Дон кўчасидаги, кейинчалик ғаройиб воқеа юз берган, ўша 8-уй эди.

Ўйланганимга эндигина икки ой тўлганди. Келинчакнинг чилласи чиққан, шаҳарга кўчиб кетишга рухсат теккан дам эмасми, ўзимни осмонда учиб юргандек ҳис этиб, нуқул ҳашаматли ҳовлиларни қидирардим. Кичик-кичик, пастқам уйлар, ўғри кўчалар орқали бориладиган арзон ҳовлиларни ҳам кўрдим. Назаримда, оиламга кимдир таҳдид соладигандек эди. Мени 8-уйга бошлаб келишганида, баланд яшил дарвозасини кўриб мамнун бўлдим. Уйни топишда ёрдамлашган таниш ўқитувчи шундай деди:

— Нархи жуда қиммат-да, сизга тўғри келармикан?

— Неча сўм?

— Ойига қирқ минг.

Ўша кезлари шаҳардаги ижара уйлар ўртача йигирма минг сўм эди. Қиммат бўлса-да, ўттиз минглик квартирани ҳам олавераман, деган хаёлда юргандим. Айтилган нарх бир оз ўйлантириб қўйди.

— Эгасини чақиринг, уйни кўрай-чи, кейин бирон тўхтамга келарман, — дедим.

— Юринг, — деди-да, ўқитувчи мени ўша боши берк кўчанинг этагига бошлаб борди. Кичкинагина сариқ эшикнинг кўнғироғини босиб, то Вера исмли аёл чиққунча 8-уй ҳақида сўзлаб берди.

Уйда узоқ йиллар Зиннур деган татар оиласи билан яшаган. Хотини Қозон шаҳридан экан. Улар битта фарзандли бўлишибди. Қиз ўн бешга кирганида, оила Россияга, аниқроғи, Татаристон автоном республикасига кўчиб кетиш тараддудига тушибди. Зиннурнинг хотини аввалдан кўчишни гапирар экану, аммо қари кампирнинг,

яъни Зиннурнинг онаси касаллиги туфайли шу ерда яшашаркан. Кампир авлиёсифат экан. Дуо ўқиб, касалларни тузатиб, мушкулотларни осон қиларкан.

Кампир бандаликни бажо келтирибди. Зиннур пишиқ-пухта одам экан. Агар Россияда ишлари юришмаса, қайтиб келишни ҳам ўйлаб, уйни сотмабди. Ҳовли-жойдан кўз-қулоқ бўлиш учун калитни Верага ташлаб, кечаси йўлга чиқиб кетишибди. Уларни кузатиб қўйишга вокзалга фақат Вера борибди. Мана, уч йилдирки, кўнғироқ қилиб, уйининг аҳволини сўрашаркан. Ҳеч ким яшамаган уй харобага айланмасин, деб ижарага одам қўйишни Верага ўзлари илтимос қилишибди.

Кўп кутиб қолдик. Ахийри, занжирлар шикирлаб, эшик очилди. Эллик ёшлардаги басавлат хотин уйқусираганча чиқди. У ички кийим устидан битта халат ташлаб олган, пастки тугмалари қадалмагани учун яланғоч оёқлари лорсиллаб кўринарди.

У сузилиб, мулойим оҳангда русча ва тожикча аралаштириб гапирди. Ўқитувчи, нархини салгина пасайтирмайсизми, деб сўраганида «нет, не-е-т» дея шундай рад этдики, ҳам илтижо, ҳам қатъий қарор англашилди.

— Унда бу йигит уйни кўрсин, — деди ўқитувчи. — Яхши йигит. Лицейда бирга ишлаймиз. Яқинда уйланган. Пулни ҳам вақтида тўлайди.

— Кичик одам хасми?

Ўқитувчи таржима қилди:

— Чақалоқ борми, деб сўраяпти.

— Йўқ ҳали, — дедим мен.

Ўқитувчи оилам икки кишидан иборат эканини тушунтирди. Вера чуқур уҳ тортди-да, «Ҳа, майли, қўйсам қўйибман-да», дея калит олиб чиқиш учун уйига кирди. Мен аёлнинг иккиланаётганига ҳайрон бўлдим. Ё ёқмадиммикан, деб ўйладим.

Вераникидан қайтаётиб, 8-уйга деворма-девор қўшнининг тош зинасида муштдеккина бир кампир мунғайиб ўтирганини кўрдим.

— Шу кампир ҳам тўқсонга кириб қўйган, — деди ўқитувчи. — Ҳар куни зинага чиқиб, соатлаб ўтиради. Кечаси ҳам ўтирганини кўриб қўрқиб кетманг.

Ҳовлида дастлаб кўзим тушган нарса ўртада уйилиб ётган ашқол-дашқоллар бўлди. Булар кераксиз либослар, пойабзаллар, ёғоч ҳамда шиша синиқлари эди. Ҳовлининг гишт ётқизилган юқори саҳнида ёғочлари чириб кетган чорпоя турарди, пастки саҳнида эса, бир вақтлар гул экилган шекилли, жўяқлар кўзга ташланарди. Икки туп токнинг ёнида қисиниб ўсган ўрик ҳали ёш эди, аммо ток шундай тарвақайлаб кетгандики, эски қазноқ ва товукхона устида ҳам шоҳлар осилиб ётарди.

Ҳамма томони иморат билан ўралган тор ҳовли ёқди. Вера истар-истамай мени хоналар билан таништира бошлади. Дарвозадан кирилганда чап томондаги эшик — ҳожатхона экан. Учта поғонадан юқори саҳнга чиқилгач, чапдаги биринчи эшик ошхона. Иккинчиси уч хонали уй эшиги. Чорпоянинг ортида қолган тўртинчи эшикни уй эгалари қулфлаб кетганмиш. Мебеллари ўша хонада сақланаркан.

Юқори саҳн билан пасткиси майда кўзли симтўр билан ажратилган эди. Товукхона ва қазноқ симтўрнинг нариги томонида, яъни икки жўякдан кейин жойлашганди. Қазноқ ва дарвоза девори ўртасида ҳаммом бор эди.

Қисқаси, уйда анча вақтдан бери ҳеч ким яшамаганди. Чирий бошлаган дераза ромлари, йиртилиб, осилиб қолган гулқозлар, полдаги чанглар уйни файзсиз кўрсатарди.

— Калитни беролмайман, — деди Вера кўчага чиққаннимизда русчалаб. — Аввал кўчиб келасиз, хотинингизни кўрай, сўнг майли. Биласизми, бу уйдаги газплиталар жуда қиммат. Ҳа айтгандай, паспортингизнинг ксерокопиясини ҳам унутманг.

Вера кетгач, ўқитувчи билан кўчада суҳбатлашиб, анча қолиб кетдим.

— Кўчиб келаверинг, — деди у. — Пулини ўйланманг, пул топиладиган нарса-ку. Муҳими, эгасиз ҳовлида яшайсиз. Тинч, бежавотир.

Эртасига кўчиб келишга ваъда бериб, уйга қайтдим.

* * *

Бу уйда бир кеча ҳам тунамасимдан куппа-кундузи мени чўчитиб юборган бир ҳодиса рўй берди. Отам, укаларим, хотиним ичкарида эди. Юк машинаси ҳайдовчиси машинаси ёнида куймаланарди. Мен сувга чиқдим. Ўрик тагидаги водопроводга энгашиб сув оларканман, икки қадам нарида, жўяклар устида бировнинг қаққайиб турганини сездим. Вера шу атрофда — ошхонадами, кўчадами куймаланиб юрган эди. Мен уни Вера деб ўйлаб, бошимни кўтардим, ҳеч кимга кўзим тушмади. Баъзан кишига шундай туюлади: сиз бирор юмушга хаёлчанлик билан шўнғиганингизда беихтиёр ён-верингизга биров яқинлашгандек чўчиб қарайсиз, аммо ҳеч зог йўқ.

Мен ҳам буни хаёлда юз берди деб, челақни кўтариб зинага икки қадам босдим. Тўсатдан миямга яшиндек урилган фикрдан бир зум тўхтадим. Ахир, мен сувга энгашганимда қошимдаги шарпанинг кампир эканини қаёқдан билдим? Ҳа, у кампир эди. Рўмолни ияги остидан ўраган, узун этакли жигарранг кўйлак кийган. Гарчи юзини аниқ-тиниқ кўролмаган бўлсам-да (чунки уни кўзимнинг ёни билан ғира-шира пайқашга улгурдим, холос), қари эканлиги, тишсиз оғзини маҳкам юмиб олгани учун ияги олдинга туртиб чиққани кўз олдимда жонланди.

Шу пайт нимадир қирс этди. Эшикка яқинлашиб қолгандим, ортимга ўгирилдим. Товуқхона оғзи қорайиб кўринар, одам бўйи тахланган темир-терсак, тахта синиқлари, сал наридаги оҳак бочкаси — барчаси қандайдир сирли туюлди.

Мен кўрқдим, бу ҳовлидан сесканадиган бўлиб қолдим. Ҳаммасини хотинимдан сир тутишга қарор қилдим. У ҳомиладор эди. Бошқача бўлганда ҳам қандай айтай? Мен унга суянчиқман. Мана, шаҳарга кўчиб келганига хурсанд бўлиб, бизга парвона. Гоҳ шкафни кўтаришмоқчи бўлади, гоҳ гиламни у ёқ-бу ёққа тортади. Икки яноғи қизарган, ҳаяжонда экани кўзларида ҳам акс этаяпти.

Олиб келган нарсаларимиз иккита хонага зўрға етди. Ижарада яшайдиганлар учун бу оз нарса эмасди.

Отам Верага русчалаб нималардир деди. Вера «Майли, майли» деб ўзини хокисор кўрсатди. Шунинг билан англандимки, у ўла қолса ҳам қирқ мингдан қирқ тийин ҳам тушмайди.

Юк машинасининг мотори гуриллади. Отам худди бизни узоқ бир мамлакатга бир неча йил муддатга ташлаб кетаётгандек куюқ хайрлашди. Ҳаммаси жойида эди, лекин кўнглим юмшаб, ғамгин ҳислар жўш урди. Машина ортидан ҳеч ким сезмайдиган ўкинч билан қараб қолдим.

Хотинимга қайрилиб қараганимда юзим чарақларди. Кўшниларга нималардир дедим, жилмайдим, ичкарига таклиф этдим. Улар — ўқитувчининг хотини, турмушга чиққан қизи, мактабда ўқийдиган болалари — уйларига кетишди. Дарвозани ёпиб, энди вақтинчалик бўлса-да, бизники бўлган ғариб ҳовлига ҳорғин назар ташладим.

— Қўрқма, бу ҳовли менга маъқул бўлган энг қулай жой, — дедим хотинимга. — Биронта деразаси кўчага қарамаган, очиқ жой йўқ, дарвоза ҳам мустаҳкам. Вақтим бўлганида мен кўрган аввалги ҳовлилардан бирига олиб бораман. Нақ дўзах дейсан. Қаланғи-қасанғилар яшайдиган тор кўчадан етти-саккиз бурилиб борасан, бир киши базўр сиғадиган йўлакдан юрасан. Ёғочлари чириган, табақалари бири-бирига тегмай қолган омонатгина эшикни очасан. Тўқсон йил аввал қурилган пастак уйга кирасан. Ҳаммаёқ нураб ётибди. Ҳовличада водопровод йўқ. Эгаси итини боғлаб кетган. Сассиғига мен чидаёлмадим. Сен-ку... Ҳовлига ҳам яқинлашолмайсан.

— Бўлади, бу ер менга маъқул, — деди хотиним гўё нима бўлса ҳам энди розиман дегандек.

Биз дарвоза эшигига гишт тираб ичкарига кирдик. Шу пайт мени яна ваҳима босди. Эшик ўз-ўзидан гийқиллаб очилиб, остонада кампир намоён бўладигандек туюлаверди. Айниқса, қулфлаб кетилган уйнинг панжарали деразасига (ичкаридан тунука қопқоқ қоқилган эди) бирорта шарпанинг нигоҳига дуч келмаслик учун иложи борица қарамасликка уринардим.

— Уф-ф, кўчиб ҳам келдик, — деди хотиним кўрпачага ўтириб.

— Чарчадинг-а?

— Бир оз.

— Сен ва мен, фақат иккимиз... — дея гапимни тантанавор оҳангда давом эттирмакчи эдим, овозим ўзимга ҳам сохта эшитилди.

Бир пайт дарвоза тарақлади. Вера келган эди. Мен боргунча эшикни одам сиғадиган даражада очолмай, афтидан мендан норозиликдан бўлса керак, уҳ тортмоқда эди. У уйга кириб, «Яхши, яхши» деб мақтади. Ташқарига чиқиб, чорпоянинг чириб тушган тахталарига тикилиб бир зум ўйга толди.

— Ҳаммомнинг печкасини ёқа оласизми? — деди у.

— Ҳа.

— Таёқча учига гугурт чўпини боғлаб ёқиш керак. Плитаси анча ичкарида.

— Тушунарли.

— Электрни ҳам кам ёқинглар. Ана, оҳак. Хоҳласангиз деворларни оқланг. — Вера калит ушлаган қўли билан товукхона томонни кўрсатди. — Бу нарсаларга тегманг, ҳар жойни қазиб ташламанг. Ҳовли тор. У ёққа ташийсизми, бу ёққа, барибир қўядиган жой йўқ. Бу йил эгаси Россиядан келиб кетмоқчи.

— Калитни берасизми?

— Бераман. Эртага ўзингизга битта ясатиб олинг, меникини қайтарасиз.

У чиқиб кетгач, дарвозани қулфламадим. Ичкаридан гишт тираб қўйдим. Қишлоқдан кўчиб келган эмасманми, қулфлаш шартми, деб ўйладим.

8-уй тор кўчада жойлашган бўлса-да, катта кўчадан атиги ўн қадам четда эди. Бир томонда нуфузли ўрта мактаб, иккинчи тарафда машҳур ресторан, ундан нарида ҳокимият, суд биноси кўзга ташланади.

— Ухлаб қолдингизми? — сўради хотиним.

— Йўқ.

— Жуда тинч жой экан-а?

— Ҳм.

— Лекин кечаси ҳовлидан одам сесканаркан.

Аллақаерда ит вовиллади. Машина сигнали эшитилди. Мен қанчалик илҳақ бўлмайин, кўч-кўрон кўтариб чарчаган эдим... ва ҳаммасига уйқу билан нуқта қўйишни истардим.

Ухлаб қолибмиз. Дарвоза гурс-гурс қоқилганида, чўчиб уйғондим. Чироқ ёқилган ҳолда қолган экан. Соатга қарасам, тунги 2:00.

Хотиним уйғонган эди.

— Чироқни ўчирмай ухлаб қолибмиз-ку, — дедим. — Дарвоза ҳам тақиллаяпти.

Минг бир хаёлда ҳовлига чиқдим, хотиним менга эргашди. Бугун кўчиб келган бўлсам, мени бундай вақтда ким сўроқлаб юрибди, дея кўрқув аралаш ҳайрон эдим.

Дарвоза яна хиёл очик эди. Кимдир итарар, аммо гишт ортиқ силжимаб қўйган эди. Милиция формасидаги киши келган экан. Гиштларни олиб ташладим. У нега дарвоза қулфланмаганини, бизнинг кимлар эканимизни сўради. Ижарачи эканимизини, бугун кўчиб келганимизни айтдим.

— «Участкавой»ман, — деди у.— Эртага ҳужжатларингнинг ксерокопиясини топширинглар. Бундан кейин дарвоза

кечаси кулфланмасдан қолмасин. Вера Исакова айтгандир бу ерда одам яшамай қўйганлигини?

Мен «Ҳа» дедим. Участка нозири яна бирон нима деса керак, деб тикилгандим, кетишга чоғланди. Кетаётиб бир оз юмшади.

— Қарасам, чироқ ёниқ, — деди у. — Ўғри кирмаганмикан, деган хаёлда эшикни итарсам, очиқ...

Биз кундуз ҳам дарвозани кулфлашни одат қилдик. Қишлоқдан меҳмонлар келганди, таажжубга тушишди. Куппа-кундузи ҳам эшик-деразани кулфлаб ўтириш ғалати туюлганди уларга. Мен кўчада ёмонлар кўпайганини баҳона қилдим. Назаримда, ўзим ҳам шунга ишониб борардим.

Бир куни чорпояни тузатаётгандим, ётоқхонанинг деразаси икки марта, аниқ эшитиладиган тарзда «тиқ, тиқ» этди. Хотиним «Нима у?» деб менга қаради. Бу уйда биздан ташқари яна кимдир яшашига энди ишондим. Қуёш ботиб бораётган эди. Биз ётоқхонамизнинг деразасига тикилганимизда, қуёш шуъласи ойнада жилоланиб ичкарини кўрсатмади.

— Ҳеч нарса, — дедим ўзимни босиб. — Биласанми, ёргинам, эски деразаларнинг ойналари нафақат қирс-қирс қилади, ўз-ўзидан синиб кетиши ҳам мумкин. Эски уйларда ром йиллар мобайнида секин-аста бир ёнга оғиб, ойнани қисиб қўяди. Бир кун келиб қарс этади-ю иккига бўлинади-қолади.

— Биринчи эшитишим, — деди хотиним.

— Юр, ичкарига қараймиз, — қўлимдаги болгани ташламай, эшикка юрдим.

Шу пайт дарвоза тақиллади. Очсам, эски-туски харид қилувчи илжайганча салом бериб, ишлатилмайдиган газплита, музлатгич, дазмол бор-йўқлигини сўради. Унга кўрс жавоб қилдим-да, уйга кирдим. Иккита хонадан ўтилса, ичкаридаги учинчиси ётоқхонамиз эди. Дераза тақиллагани учун ярим ҳазил, ярим чин ҳолда

уйга киришим гүё ўғри ҳам, мушук-пушук ҳам йўқ, ишонмасанг қара, деган одамнинг йўриғидек эди.

— Нима овқат қилай? — деди хотиним у ёқ-бу ёқни қараб бўлганимиздан кейин.

— Фақат шўрва эмас, илтимос.

— Майли.

У ҳам, мен ҳам тушунуксиз зерикашни бошдан кечирмоқда эдик. Кўп газета ўқирдим. Бу ерга кўчиб келдимۇ газета ўқишдек одатим ҳам йўқолди. Аммо тез-тез Куръон тиловат қиладиган бўлдим. Ҳозир ҳам тиловат қилмоқчи эдим, хотиним мен нимадан чўчиётганимни сезиб қолишидан хавотирландим.

Биз ётоқхонамизга яна бир марта синчиклаб кўз югуртирдик. «Аввал яшаган одамлар қанақа бўлишган? Шундай зерикарли жойда қандай яшашган?» деб ўйлаб қолдим. Шарпанинг уларга алоқаси бормикан? Ё барчаси менинг алаҳсирашимми?

Ётоқхонадан чиқиб, ташқари эшикка яқинлашган ҳам эдикки, ногаҳон хотиним қичқириб юборди. Остонада ҳасса суянган кампир биздан кўз узмай турарди.

— Нега қўрқасан, болам? — деди у жуда қариб, тўкилиб қолгудек аҳволда бўлса-да, дадил оҳангда. — Дарвоза очиқ экан, кириб келавердим. Бу ер менинг дугонамининг уйи. Ҳеч қачон тақиллатмаганман.

Уни танидим. Қўшни уйнинг зинасида ўтирадиган кампир-ку.

— Ие, қўшнимиз... Келинг... — дедим.

Эскифуруш билан гаплашгач, дарвозани қуфлашни эсдан чиқарганим учун асабим таранглашди.

— У жуда яхши аёл эди, — деди кампир ортига бурилиб. — Худди ҳалигача тирикдек, шу ерда кезиб юргандек. Ҳаёт шу экан-да. Бечора ўлаётиб, Қиёмат қойимда учрашамиз, деган эди. Мана, ҳеч келмаяпти у айтган кун. Болалари

ҳам Россияга кетмагандек. Болалари ҳам шу атрофда...

Кампирнинг мулзам бўлиб сўзлаши раҳмимни келтирди.

— Ўтиринг, момо, — дедим.

Бироқ унинг бу ҳовлида бир дақиқа ҳам қолишини истамасдим. Кўнглимдагидек, кампир тезроқ кета қолди. Дарвозага янада сергакроқ бўла бошладим.

Эртасига ҳаммомнинг чироғи ўз-ўзидан ёниб, сув шилдиради. Шунда ҳам мен шарпалар ҳақида хотинимга оғиз очмадим.

Биз ҳар куни қазноқдан чиқадиган митти калтакесакларни ўлдирадик. Ёз эмасми, лаънатилар хароб маконлардан ўрмалаб чиқаверарди. Майда кўзли симтўр устида ов илинжида пайт пойлаб ётарди. Бирорта тахта бўлагини олардим-да, елкасидан босиб эзгилардим. Калтакесак оғзини катта очиб, паст овозда чийиллар, хотиним унинг устидан қайноқ сув қуйганидан сўнг висиллаганча жон берарди.

Бир куни яна бир калтакесакни ўлдириб (эхтимол, бу йигирманчисидир), чиқинди қутисига ташлаб юбормоқчи эдим, дарвоза қулфи шақир-шуқир этди-да, эшик очилиб, ҳовлига Вера кириб келди. У ҳар якшанба Зиннурнинг ҳаммомида чўмилар экан.

— Чирик кўп, чирик кўп, — деди у елкасига ишора қилиб.

Шу куни у ижара ҳақини талаб қилди-да, ўтган куни қўшни кампирни нега уйга киритганимизни сўради.

Биз ўзи келганини айтдик.

— У ёмон кампир, — деди Вера. — Ифвогар, ғаламис.

Мен чорпояда ётиб, юлдузларга тикилдим. Бу дунёни тарк этгач, ўзи яшаган уйда кезиб юрадиган арвоҳлар бормикан, деб ўйладим.

Ресторандан шўх кўй-қўшиқлар эшитилар, ора-чора меҳмонлар келин-куёвни янги ҳаёт билан табриклашарди.

Шаҳарга оилавий кўчиб келганимдан сўнг ишим юришди. Гарчи ижара ҳақи қиммат бўлса-да, пулдан қийинчилик сезмас эдик. Хотиним ҳам кўникди. Ҳатто, шу кўчада яшовчи талаба қизлар, қўшни хотинлар билан танишиб олди.

— Хўжайин, — деди хотиним бир куни, — қўшниларнинг айтишича, бу уй сотувда эмиш. Қачон олувчи чиқса, сотиб юбораркан. Мана, бир неча йилдирки, харидор келаркан, ammo нима сабабдандир ёқмай, қайтиб кетишаркан.

— Менга ҳам ёқмаяпти, — дедим. — Хосиятсиз жойга ўхшайди.

— Вой, анави талаб қиз бору, исми Ҳожинисо. Ўшаларнинг ижара уйини кўрдим, бизники уларникининг олдида қаср. Уйининг девори тешилиб қолибди. Ўтган йили уйдан илон ҳам чиққан экан.

«Ҳарқалай арвоҳ чиқмаган-ку», дедим ўз-ўзимга.

Сўрашга қулай фурсат келган эди. Хотинимнинг кўзларига синовчан боқиб:

— Уйда ёлғиз қолганингда кўрқмайсанми? — деб сўрадим.

— Куппа-кундузи нимадан кўрқаман? — ажабланди у.

Мен эса бу уйда кундуз ёлғиз қолишга ҳам кўрқаётгандим. Алам қилгани шу эдики, авваллари қоронғиликдан, овлоқ жойлардан сесканмаганман. Ҳозир ҳам кечаси қабристон ёнидан ўтавераман.

Қайсидир куни стол чироғини ёқиб, китоб ўқишга берилиб кетибман. Бир хаёл билан деворга қарадим у сапчиб тушдим: девордаги соям меники эмас, кампирники эди. Шу лаҳза ортимдан кимдир пусиб келаётганини сездим у ялт этиб қарадим: ҳеч ким йўқ.

Эшик гийқ этиб очилди. Югуриб ҳовлига чиқдим. Хотиним қўшнилар билан чақчақлашгани кетган эди. Мен алаҳсирамадим. Сояни аниқ кўрдим.

Хотиним бир сурат кўтариб кирди.

— Қаранг, биз яшаётган уй қандай ажойиб бўлган экан, — деди у.

Уй эгалари кўчиб кетаётиб қўшниларга қолдирган эсдалик суратга боқдим. Деворига чиройли гулқоғозлар ёпиштирилган ётоқхонани кўрдим. Деворда кимнингдир аскарликда тушган портрети. Бир четда нақшинкор кийим жавони, шифтда тилларанг қандилнинг бир учи кўзга ташланади. Ва мен тилга олишга шошилмаган қиз — кофта-юбка, қора чулки, оқ кепка кийиб жилмайиб ўтирган татар гўзали. У оппоқ ҳарир тўшак тўшалган каттакон ётоқ дивани ўртасида сеҳрли жилмаймоқда.

Ҳақиқатан ҳам биз ётоқхонага айлантирган ичкаридаги хона ҳашаматли бўлган экан. Бироқ менга суратдаги Зиннурнинг қизи нимадир демоқчи бўлаётгандек туюлиб, этим жимирлаб кетди.

Отам келганда маслаҳат солдим:

— Бошқа уй топсам нима дейсиз? Бу уй жуда қимматлик қилаяпти.

— Бундан қулайини тополмайсан, — деди отам қўл силтаб.— Яхши квартиралар студентлар кетганидан кейин ёзда топилади. Жуда қимматлик қилаётган бўлса, бир ой шошма.

— Калтакесаклар ҳам бор.

— Э, ҳаммаси анави ташландиқ нарсалардан, — деди отам. — Бир ишга киришсам, ҳамма жойни топ-тоза қилиб бераман.

Мен эртадан-кечгача ишда бўлардим. Яқшанба кунлари ҳам бўш вақт топиш мен учун мушкул эди. Ҳовлини тозалашни ўзим тугул, албатта, отамга ҳам эп кўрмасдим.

Кечқурун ўқитувчини учратдим. У қуюқ ҳол-аҳвол сўрашаркан:

— Ҳаммаси жойидами? — деди.

Биз Дон кўчасига бурилган эдик, қўшни кампирга кўзим тушди.

— Жойида, — дедим. — Фақат... Нимасидир менга ёқмаяпти, Тунов кунни анави қампир уйга арвоҳдек кириб, қўрқитиб юборди. Ез келаверсин-чи, кетаман. Уй ҳам сотилар экан.

— Қўйсангиз-чи, — деди ўқитувчи куюнчаклик билан. — Бу уйни аввал-бошдан сотолмаган, энди ҳам сотолмайди. Ахир, эгалари Россияда, ҳужжат чатоқ.

— Бу йил келармиш.

— Ҳар йили шу гап. Эгалари Россияда ишимиз юришмаса, қайтиб келамиз, деб ҳар эҳтимолга қарши уйни сотмай кетишган. Лекин иши юришганга ўхшайди. Сизга бекорга тавсия қилганим йўқ, уй охири ўзингизга қолади. Яна бир гап бор: бу ерлар «снос»га тушганмиш. Йўл қурилар экан. Эгалари қиммат нарх сўрамайди. Бир иложини қилиб, ҳужжатини тахтласангиз, уйли бўлиб оласиз.

Отам товуқхоналарнинг ичигача тозалаб, хотиним супуриб-сидириб, ҳовлини чиннидай қилиб ўтирган экан. Кераксиз буюмларни, синиқ-пиниқларни тор кўчанинг охиридаги чиқинди ариққа ташлаб юборишибди.

Биз ресторандан келаётган мусиқа садолари остида чорпояда кечки овқатни едик. Бироқ қоронғи тушиши билан симтўрда яна калтакесаклар пайдо бўлди.

* * *

Ҳожатхонанинг бир четида газсув сотувчиларникига ўхшаш ингичка темир бочка ётарди. Якшанба кунни шуни чиқиндилардан бўшаган товуқхона айвончасига чиқариб ташламоқчи бўлдим. Бир четидан кўтардим, унчалик оғир эмас экан. Хотинимдан ёрдам сўрамай, ўзим судрадим. Амаллаб ҳовлига чиқариб, товуқхона томон думалатиб бордим. Энди уни айвончага усталик билан жойлаштирмоқ лозим эди.

Олдин чамаладим. Кейин эса товуқхона эшигига

кўндаланг ҳолда ётқизиб кўйишни мўлжалладим. Бочкани судраб, тортишим билан тупроқ кўпорилиб, оқ клёнка кўринди. Клёнкани тортқиладим.

— Уни нима қиласиз? — сўради хотиним. — Отам бу ерни тозалаётганида, устидан тупроқ тортиб, текислаб кўйди. Тагида яна чиқиндилар бормиш.

— Менимча, бу чиқинди эмас, — дедим. — Қара, атрофи қаттиқ ер.

Клёнкани кучлироқ тортдим. Осонликча чиқариб бўлмасди. Афтидан оғир бир нарсанинг ўрамаси эди. Синиқ белкуракни ботирганимда, нимадир кўмилганини сездим. Отам бу ердаги шунча чиқиндини тозалаб, хазинага етганида тўхтаган эди гўё.

Уч литрли банкани авайлаб қазиб олдим. Ичи узук, сирға, билагузук, тилла занжирчаларга тўла эди. Банканинг тагида эски қизил латтага ўралганлар АҚШ долларлари экан. Хотиним иккимиз ёқа ушлаб тақинчоқларни томоша қилдик. Ичида бирорта қалбакиси кўринмас, ҳаммаси қалин, катта-катта тилла буюмлар эди.

Уларни қайтиб банкага солдим-да, уйга киритдим. «Энди нима қиламиз?» дерди хотиним хавотир билан. Ичимда ёқимли энтикиш тўлқинланаётган бўлса-да, негадир мени ҳам хавотир босиб, дедим:

— Билмадим, билмадим... Кўчиб кетамиз...

* * *

Банкадаги хазинага бир неча ой қўл теккизмасликка қарор қилдик. Мабодо хазинани эҳтиёжимизга ишлатиб юборсак, эгаси Россиядан қайтиб, сиримиз фош бўлиши мумкин, кейин пулни қаердан топиб берамиз?

Бошқа бир жойдан, ишхонага яқин, деган баҳонада кичкинагина ижара уй топдим. Вера «Ой, йой, йой» деб афсусланди. Биламан, агар 8-уйга харидор чиққанида, биз кўчага қувиладик.

Вера ҳамма нарсани текширди, тозаланган товуқхона томонга ғазаб билан қаради, аммо бир нарсани унутди: калитни.

Мен пулга ўч бу аёлга ўз пулимга яساتган калитни беришни истамадим. Бошқа аёл бўлганида, «Бу бировнинг уйи, саранжом-саришта тутинглар, ойига йигирма беш минг берсанглар бас», дерди. У эса... Индамасак, бир ойдан сўнг қирқ беш минг сўрашдан ҳам тоймасди.

Янги ижара уйнинг ҳақи ўн беш минг сўм эди. Ҳаммом йўқ. Бунинг устига тор ҳовлида тўртта оила истиқомат қиларди.

Хазинани шкафга яшириб қўйдик. Хотинимга хазина тўғрисида оғзидан гуллаб қўймасликни қайта-қайта тайинладим. Ҳеч кимга, отамга ҳам сирни очмадик.

Ҳар эҳтимолга қарши, қуrollанишим керак эди. Бозордан этикдўзларнинг бигизини харид қилдим-да, филоф ясаб, ёнимда олиб юра бошладим.

Хотиним ошхонага чиқиб кетса, ё китоб ўқиётган, ё телевизор кўраётган бўлардим. Гоҳида орқа томонимда кимдир борлигини, у секин пусиб келаётганини ёки бир бурчакдан менга тикилаётганини ҳис этардим.

Тинчим йўқолиб, ҳар нимадан қўрқадиган бўлиб қолдим.

* * *

Ўша кунлари ҳамкасбим уйланди. Ресторандан чиққанимизда шаҳар ёз кечасининг тароватига бурканган эди.

— Озроқ ичибсизми? — сўради мендан уйига ташлаб келишни илтимос қилган ҳамкасб аёл.

— Ҳа, қитдай-қитдай, — мен таксига қўл кўтардим.

— Йўқ-йўқ, — деди аёл. — Уйим анави маҳаллада, пиёда борамиз.

Биз йўлни кесиб ўтиб, маҳалла кўчасига кирдик.

— Келин ҳам шаҳардами? — сўради аёл.

— Ҳа... Кеча қишлоққа жўнатгандим...
— Сизга раҳмат, — деди аёл дарвозаси олдида.
— Айтгандай, шу кўчадан ўнгга бурилиб, тўғрига
юраверсангиз маҳаллангиздан чиқасиз.

Аёл айтган йўналишдан кетавердим.

— Мен Дон кўчасида яшамайман-ку, — дедим ортимга
ўгирилиб. Ҳамкасбим кўринмади. Ўзимга-ўзим дедим: —
Барибир бораман.

Кўп ўтмай аввал яшаганим Дон кўчасига етдим.
Ўқитувчи айтгандики, «уй ҳувиллаб қолди, ижарага ҳам
ҳеч ким келмаяпти».

Қўшни кампирнинг эшиги олдида бир нарса қорайиб
кўринди. Қарасам, кампир мудраяпти. Ёнидан секин
ўтиб, 8-уй дарвозасига яқинлашдим. Ҳовлида ёруғлик
кўринди, кимдир кулди. Тақиллатдим: ҳеч нарса
ўзгармади, дарвозани ҳам очмадилар.

Ёнимдаги қалитни қулф тешигига солишим билан
шундай тез очилдики, бир лаҳзада ўзимни ҳовлида кўрдим.
Дастлаб таниёлмадим. Ҳовли бутунлай таъмирланган эди.
Хатто, чорпояга янги тахталар қўйилиб, темир қисми
бўялган. Деразалар ҳам янги. Ҳарир пардалар орқасидаги
шўх кулгилар эшитилмоқда. Нега келганимни тушунолмай
уй эгасини чақирдим:

— Зиннур ака! Ҳой, Зиннур ака!

Ҳеч ким чиқмади. Очиқ эшикдан кириб, донг қотдим:
ичкарида ҳақиқатан ҳам уй эгалари ўтирарди. Зиннурнинг
қизи суратдагидек кийинган, қилча ҳам ўзгармаган эди.
Улар баб-баравар ўгирилиб менга қарашди. Зиннурнинг
хотини юмшоқ гиламдан юриб келиб, қўлимдан ушлади-
да, хонанинг ўртасига етаклади. Уй қанчалик безатилган
бўлмасин, димоғимга қаровсиз уйнинг зах иси урилди.

— Ука, — деди Зиннур, — биз келдик.

Нима дейишимни билмай қолдим. Аксига олиб
улар сўзлашмас, бизга раҳм қил, дегандек илтижоли
боқишарди. Зиннур ўрта бўйли, қизғиш юзли, жиддий

одам экан. Бошига кийиб олган эскироқ ўзбекона дўпписи менга ёқди. Хотини озгин ва рангпар эди. Қизига қарадим. Шунда беихтиёр эшиги қия очиқ ётоқхонага кўзим тушди. Ўша. Худди суратдагидек.

— Қизим, унга ичкарини кўрсат, — деди Зиннурнинг хотини мендан кўз узмай.

Қиз юбкасини ҳилпиратиб ётоқхонага шошилди. Ичкарида негадир оқ кепкасини маъноли ушлаб қўйди. Хотиним ҳавас қилганича бор экан. Ўртада юмшоқ ётоқ дивани, бир четда қимматбаҳо фин жавони, шифтда тилларанг қандил. Дарвоқе, қандил суратда яхши кўринмай қолган экан. Ажойиботлигини кўриб ақлим шошди.

— Дадам. Армияда тушган, — деди қиз девордаги портретга изоҳ бериб.

Дунёда фақат шу қиз ва мен қолгандек эдик. Атроф шунчалик жим-жит эдики, нимагадир чоҳ тубида тургандек бўлдим. Қизга қўл теккизишдан раҳмон мени асради. Шу аснода дераза ёнидан ҳассасини дўқиллатиб кампир ўтди. У Зиннурнинг онаси эди. Неча кунлар мени тақиб қилган шарпани танидим.

Қарасам, яна катта хонадаман. Кетмоқчиман.

— Ука, — деди Зиннур, — олиб кетган нарсаларни жойига кўмиб қўй. Бировнинг нарсаси бировга буюрмайди. Мен Россиядан келиб, онамнинг қабрига тош қўймоқчи эдим, тақинчоқлар эса ундан эсдалик.

Бу хонадаги дераза тагидан ҳам кампир ҳассасини дўқиллатиб ўтди.

— Ўзингизга келтириб бераман, — дедим.

Зиннур кескин бош чайқади. Хотини билан қизи кўзлари ёшга тўлиб бош эгишди. Уларни мен тушунмаётган бошқа бир дард қийнаётган эди.

— Ука, айтганимдай қилинг, — деди Зиннур. — Кутамиз.

Ҳовлига чиққанимда кампир чорпоя четида ҳорғин ўтирарди. Юзининг яримига ёруғлик тушган, бу ҳовлига кўчиб келганимда тасаввур қилганимдек, тишсиз оғзини маҳкам юмиб олган, фақат кўзлари йилт-йилт этарди.

Ижара уйим сари шошилдим. Нима иш қилаяпман, менга нима бўлаяпти, англаёмас эдим.

Уйга кирганимданок шафни очдим: банка жойида. Сумкага солдим-да, изимга қайтдим. Дон кўчасига бурилганимда юзимга тунги салқин шамол урилди. Хушимга келгандек бўлдим. Бир хаёл «Орқага қайт, шунча пулни осонликча бериб қўясанми?» деса, иккинчиси «Қайтариб бер, шарпалардан, таҳликалардан қутуласан», дерди.

Кўшни кампир кўринмади. 8-уй ҳовлиси ҳам қоп-қоронғи эди. Қулфга калит солиб, зўрға очдим, эшик ёқимсиз ғийқиллади. Ҳовли қоронғи, жим-жит эди. Мени ўғри деб ўйламасинлар деган ўйда товукхона олдида Зиннурнинг эшик-деразаларига қараб бир оз серрайиб турдим. Нима қилишим керак? Шартта синиқ белкурак билан чуқурча қазиб, банкани жойига кўмдим.

Ой тобора кўтарилиб келмоқда эди. Кўчадан кимлардир сўзлашиб ўтишди. Юрагим бирдан дукурлаб урди. Ярим кечаси бировнинг ҳовлисида нима қилаяпман? Тиззамдаги тупроқ юқини қоқиб, қаддимни ростлар эканман, ой нури ёритган эшик-деразаларга нигоҳ ташладиму сесканиб тушдим. Улар биз яшаган пайтдагидек эски ва қаровсиз эди. Деразалар гўр оғзидай қорайиб кўринар, оёғим остида неча кундирки супурилмаган чиқиндилар сочилиб ётарди.

Ётоқхонанинг қия очиқ деразасидан дайди мушук чиқди. У мени пайқаб, кўрққанидан ўзини товукхона томон шундай отдики, дераза каттароқ очилиб кетди. Уйга яқинлашдим. Бўм-бўш хона, дераза ёнидаги гулқоғоз ҳамон йиртилиб, ослиб ётибди...

Ҳовлидан қандай чиққанимни эслаёлмайман. Бир неча кун касал ётдим. Хотиним «Қуръон тиловат қиладиган одамнинг ароқ ичгани шундай ҳолга тушунишга олиб келди», деди. Кўп ўтмай номаълум шарпаю олтин васвасасидан қутулдим. Курилиш бошланиб, чанг-тўзонга айланган Дон кўчасига қадамимни босмай кўйдим.

* * *

«...СИОН Б. АЗАМАТҰҒА НАЗАР АУРАУ»

Хотиним қыз туғди. Мен қишлоққа хабар бериш учун кетаётиб, дўкондан газета харид қилдим. «Дамас» ҳар галги йўналишдан эмас, бошқа томондан юрди.

— Янги йўл очилган, — деди ҳайдовчи. — Эскиси таъмирланаяпти, юриб бўлмайди.

8-уй жойлашган маҳалла четидан катта йўл тушган эди. Зиннурнинг, Веранинг, умуман, ўша қатордаги қўшниларнинг уйлари бузилиб кетибди. Гардсиз тимқора асфальт четидаги баъзи ҳовлилар қоқ иккига бўлинган, баъзиларининг фақат деворлари қолган, бу деворлардаги гулқоғозлар, токча излари зилзилада вайрон бўлгандек кўзга ташланарди. «Хазинани кимдир топганмикан?» деб ўйладим-да, қўлимдаги газетани очдим. Ногаҳон қўйидаги сарлавҳага кўзим тушди: «Зиннур олтинлари».

Мақолани ўқишга тутинганимда, гўё юрагим уришдан тўхтади. «...Вера Исакова ўша кеча, — деб ёзилганди газетада, — поездга чиқиши керак бўлган оила билан хайрлашиш баҳонасида Зиннурникига келади. У ҳаммага Зиннурнинг оиласини ўзи кузатиб қўйишини айтиб, мудҳиш режаси учун замин тайёрлаб қўйганди. Заҳарни таомга қўшгач, уй эгаси, рафиқаси, қизи воқеа жойида ҳаётдан кўз юмади. Қотил аёл бутун уйни титкилаб, долларларни, тилла тақинчоқларни топа олмайди. Сўнгра мурдаларни товуқхона олдига кўмиб, устидан жўяк тортиб, гул экиб қўйди... Йўл қурилиши бу жиноятнинг фош этилишига сабаб бўлди. Мурдалар топилгач, хазина кимга тегишли экани ойдинлашди... Вера Исакова умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилди...»

Газетани ёпиб, кўзимни юмдим. Қулоғимга Зиннурнинг «Бировнинг нарсаси бировга буюрмайди» деган овози эшитилгандек бўлди.

«ТОБУТИМДАН КЎТАРАМАН БОШ...»

Мактубингдаги шеърни ўқийман: «Тобутимдан кўтараман бош...» Билмадим, бу шеърни қардан олгансан. Бироқ ўз тақдирингни башорат қилиб қўйгандинг.

Сени севиб қолмасимдан аввал севги китобларда бўлади, деб ўйлардим. Мендан катталарнинг муҳаббати эса шунчаки кўнгил ўйинлари бўлиб туюларди. Зеро, севишганлар ҳижрон дардида Мажнундек бош олиб кетмас, Фарҳоддек ҳалок бўлмас, Тоҳирдек сувда оқмас эди. Севардилар — етишолмасалар, узоғи билан бирикки йил ўтмай бир-бирини унутардилар. Ҳеч нима бўлмагандек яшайверардилар.

Эсингдами, қишлоқда никоҳ тўйи бўлаётган эди. Қишлоқ болалари, йигит-қизлари томошага борардилар. Кўз уриштиришлар, севги изҳорлари тўйларда бўлардида. Биз ўшанда олтинчи синфда ўқирдик. Муҳаббат нима — кўпчилигимиз тушунмасдик. Нега сен ўша тўйда менга узоқ тикилиб қолдинг? Чиройли, маъсума кўзларингни шунча йигит ичидан айнан менга қададинг? Лабларинг қимтилди. Даврага боқдинг, сўнг яна менга...

Эндигина овози дўриллаган, мўйлови сабза урган йигитча бундайин қарашларга дош беролмас экан. Ўзимни алланечук бошқача ҳис этиб, чексиз сархушлик туйдим. Бошим айланди, қувончдан қийқириб эчкилардек сакрашни истадим.

Бу — муҳаббат эди, онгсиз муҳаббат, ёввойи муҳаббат!

Ўша тўйдан сўнг сени ўйлаб қолдим. Синфга сени деб кирардим, сенсиз ўтиролмай йўлакка чиқардим. Аммо кўзларингга қараёлмас эдим, юрак ютиб гапиролмас эдим. Кўрқардим севиб қолганимни сездириб қўйишдан! Муҳаббатим осмон-осмон эди, журъат эса хасча чиқмасди.

Йиллар ўтди. Сени севиб яшадим. Битта синфда...

Илк бор севишимни янги йил оқшомида билгандинг. Ҳавас қилмайдиган кун эди. Қор. Қишлоқ ёшлари кўчада.

Мен эса уйда ўтирардим. Оила аҳлимиз отамнинг бошида тўпланганди. Отам кундуз дўконда ичиб маст бўлган ва улфатлари билан муштлашиб қонга беланганди. Дамбадам ғайритабиий бақириб, ўрнидан туриб кетишга уринарди. Бизга байрам татимади. Юз-кўзимизда ғамташвиш қотиб қолганди. Дастурхонимиз ғарибгина эди. Очиғини айтганда, на отам, на байрам ташвишида эдим. Чўнтагимда хат бор эди. Сенга битилган илк ишқий мактуб.

Ўртоқларимдан бири чошиб келди-да, эшикни ланг очди: ичкарига қор зарралари учди.

— Юр, Акбар! Синфимиз кўчада! — деди у.

Мен бармоғимни лабимга босиб, бошимни елкамга тортдим. Отам уйғониб кетди-ю сўкинди. Кўчага отилдим. Шундоққина уйимиз орқасида қизлар туришарди. Бирваракайига кулиб юборишди. Шунда мен сенга рўпара келдим. Хатни беришимга ўзинг имкон яратдинг.

— Акбар, — дединг кулиб, — битта сен қолдинг хат бермаган. Қани, чўз!

Қизлар яна кулишди. Сенга мактубни узатганимни ҳалиҳануз эслаёлмайман. Сен ҳам қандай қўл чўзганингни билмай қолган бўлсанг керак.

Бу мактубни тўрт йил ёзгандим. Бир неча жумлага тўрт йил!..

Отам уй ёнига чиқди. Шимининг камарини ечмоқчи эди, бизга кўзи тушди.

— Во-о-й, Акбарнинг отаси! — деди қизлардан бири.

Бизнинг уйдан узоқлашдинглар. Кўчанинг ўртасида тошдай қотиб, ортингдан тикилдим. Ёшгина қизалоқлардек бахтиёр эдинг. Қўлингда ҳали ўқилмаган мактубим.

Отам бир шапалоқ урганда ҳушимга келдим, ширин туйғуларим сачраб кетди. Бир қадам чекиндиму сенга қарадим. Симёғоч чироғи тагида тўхтадинг. Отам мени дунёдаги энг қўланса сўзлар билан сўкар, яна уриш учун бостириб келарди.

Шу ёшгача отамдан ўлгудек қўрқиб яшаганман...

Кўлларим мушт бўлиб тугилди. Қайси гуноҳим учун умрим хўрланишу ҳақоратлар остида ўтмоқда? Шу тобда сен билан қишлоқ карнавалида бўлишим керак эди-ку. Эртага мактабни битириб, тўрт томонга тарқаймиз. Отам менинг бахтимни ўйлайдими? Ароққа ружу қўйган одамнинг ўйлагани ичиш-ку.

Ҳеч унутолмайман. Мен отамни урдим. Қорга қандай учиб тушгани, оғзи-бурнидан қон келганини кўрдим. Дунёнинг менга ҳозирлаб қўйган гуноҳи шу тариқа бўйнимга тушди.

Сен қочиб кетдинг.

Мактубингни баҳорда олдим. Ҳайратдан лол эдим. Сен ҳам мени севар экансан. Бир синфда шунча йил ўқиб, мактабни тугатаётганимизда очилган сир! Бир вақтлар тўйда менга сирли нигоҳингни қадаганингнинг маънисига етдим, воҳ, деб юбордим. Наҳотки, сенга ишқим тушмасидан аввал мени севгансан? Андиша, ҳаё, орийат биринчи муҳаббатингни қалбинг маҳбусига айлантирибди-да...

Даданг қишлоқ дўконини сотиб олди. Ишбилармон одам эди. Ҳақиқатан тез бойий бошладинглар. Гоҳида сен ҳам пештахта орқасида турардинг. Менинг отам эса... ҳамон ичарди. Пули йўқ дамларда дадангга ёки аянгга ялиниб, бир шиша ароқ сўрарди. Гоҳ элик граммни тиланиб ичарди. Сен бир сафар юз грамм қуйиб берибсану пулини сўрамабсан. Ўша куни отам уйга келиб сени мақтади. «Қандай ажойиб қиз-а? Акбар, шу қизни келин қилайми? Эсли-хушли, тушунган. А, нима дединг?»

Кўзларимга беихтиёр ёш келди, аччиқ алам ёшлари эди у. Нима деяпти отам? Сени менга беришармиди? Ўзларининг доимий пиёниста мижози билан қуда бўлишга кўзи учиб турган дўкондор топилармикан бу оламда?

«Келин тушириш ҳавасингиз бор экан, — дедим отамга хаёлан, — ичиб юрмай, орзуларнинг ушалишига ҳаракат қилиш керак эди. Мени, менинг қайтмас ёшлигимни

ароқнинг касофати урди. Ичмадим, ичмайман ҳам, шусиз ҳам ароқ менинг бахтимга зомин бўлди. Қачонлардир оила қуарман, хотиним ва болаларим даврасида ўзимни бахтли ҳис этарман, лекин ёшлигим абадий бахтсизлигича қолади. Уни ҳеч ким қайтаролмайди ва менга бахтли ҳолда туҳфа этолмайди...»

Тонггача мижжа қоқмадим. Отам сени келин қиламан деди-я! Шунчаки бўлса ҳам айтди-я!.. Йўқ, маст кишининг гапига ҳам хурсанд бўламанми? Насияга ароқ қуйиб берганинг учун кўзига яхши кўрингансан, холос. Бироқ юрагимнинг дардини биладигандек айтганини қара! Дам йиғлайман, дам қувонаман.

Отам оний бўлса-да, оталик бурчини ўтагандек эди.

Муҳаббатимни ошкор қилганим учун ўша кеча афсусландим. Сенинг тенгинг эмасман. Ишқ бошқа, ҳавас бошқа.

Сендан яна хат олдим. Шундай сатрларни ўқидим: «Тобутимдан кўтараман бош...» Агар ўлсаму видолашишга келсанг, ҳатто тобутимдан бош кўтараман, дийдорингга боқаман, деб ёзгандинг. Менга ҳамон жасорат етишмасди. Сенга уйланоқмаслигимдан ич-ичимдан эзилиб яшардим...

Дўкон омборхонасида ун солинган қоплар том бўйи таҳланган эди. Отам ароқ эвазига юк тушираётганини кўриб, кайфиятим баттар бузилди. Бир қуни маст бўлиб дўкон орқасида ухлаб қолибди. Юк келгач, туширишга одам тополмаган дадангнинг фиғони фалакка чиқди. Хизмат ҳақини олдинроқ олиб қўйган отамни ҳақоратлаётганида, мен келиб қолдим.

— Ўрнига ишлайман.

Даданг менга ачиниб қаради. Қадримга, гуруримга, пиёнистанинг ўғли бўлиб туғилганимга ичи куйиб, бош чайқади.

Қопларни ташидим. Ҳа, уларни мен таҳлаганим рост. Фожа тобора яқинлашиб келарди, қопларни устма-уст таҳлардим, сен ҳам дўконда эдинг. Аянг чўт қоқаётиб, бир

харидорга: «Одамларга ҳам ҳайронсан, ваъдани беради-ю ичиб, ётиб олади, бегуноҳ боласи қийналади» деганини эшитдим.

Сен бош эгиб, мулзам бўлганинг каби мен ҳам ичимда йиғлардим. Ҳақиқатни бир вақтда тушуниб етгандик: биз бошқа-бошқа кутбмиз, ҳеч қачон бирга бўлолмаймиз.

Жаҳл билан ишладим. Қопларни хасдек кўтардим. Кўзимга ҳеч нарса кўринмасди. Шунда сен ёнимга келдинг. Омборхона деворига суяниб, илк марта менга ошкора термулдинг. Қаддимни ростлар эканман, кўзларимиз тўқнашди. Ерга қарадингу дединг:

— Акбар, менга совчи келди, дадам рози... Илтимос, мени кечир...

— Нималар деяпсан? — анграйиб қолдим. — Мактабни тамомламасимиздан...

— Дадамнинг шаҳарга кўчиб кетган ўртоғи ўғлини августда уйлантирармиш. Ҳозир унаштириб қўйишса, уч ойдан кейин тўй. Акбар, мен...

Кўзларингдан дув-дув ёш оқди. Шоша-пиша енгинга ардинг.

Бошим оққан томонга кетаяпман. Дўкон, сен, девор тагида ётган отам — барчаси ортда қолаяпти. Мен сендан айрилаяпман, сен мендан.

Чошгоҳ эди. Кечаси билан бедор тўлғонган эмасманми, карахт ҳолда кўчага чиқдим. Қишда мен отамни урган жойда кеча ун келтирган юк машинаси ҳайдовчиси тўхтатди.

— Эшитдингми? — деди у. — Мамарасул магазинчининг қизи ўлибди. Кеча қопларини сен тахлаганмидинг, кайфи ошиб қолган отангми?

— М... мен..

— Қоплар босиб қолибди.

— Ким... кимни?

— Мамарасул аканинг қизини, деяпман-ку.

— Бўлиши мумкинмас! — Бутун вужудим, ҳатто тилимгача музлаб қолди.

— Ҳозир эшитдим. Ун қоплари ағдарилиб тушибди, қиз тагида қолиб ўлибди. Ҳозиргина дўхтирдан опкелишибди. Дўхтирлар «ўлган» деб қайтарворишибди. Менимча, қоплар бўйниними, кўкрак қафасиними эзиб юборган бўлса керак.

Уйларинг томон югурдим. Менга насиб этмаслигингни билардим, аммо бошқага ҳам насиб этмай, менга кўшиб ёруғ дунёни ҳам бунчалик тез тарк этишингни асло кутмагандим. Югуриб бораяпману умримнинг сен билан бир қишлоқда кечган ўн етти йили кўз олдимдан лип-лип ўтди. Шунчалик тез ўтдики, ҳар бир кунимизни, ҳар бир сониямизни эсладим. «Тобутимдан кўтараман бош» деб ёзганингни ҳам минг марталаб ёдга олдим. Қандай тириласан энди? У бир шоирнинг шеъри эди, сенинг тақдирингга айлана оладими?

Тўн кийган, белбоғ боғлаган дўппили кишиларни кўрдим. Ичкаридан йиғи-сиғи эшитилди. Йўл устида бирпас серрайиб турдим. Ақлимга ҳеч сиғдирилмасдим, наҳотки, сен ўлгансан? Мен жонимдан ортиқ кўрадиган суюклигимнинг бугун жанозаси! Нега севдинг, хатлар ёздинг, мен тахлаган қоплар ёнида хаёллар сурдинг? Тобутингдан бош кўтариб, мен билан дийдорлашишингга шунчалик ишондингми?

Лабларим пичирлади:

— Сен ўлмайсан! Муҳаббатимнинг куч-қудрати билан яшайсан! Ахир, ўзинг хатингдан ёзмаганмидинг, агар ўлган бўлсанг, кўришиш учун ҳатто тобутимдан ҳам бош кўтараман деб?!

Бораяпман. Мени ҳеч ким тўхтатолмади. Хотинлар гавжум хонага кирдим. Ўртада ётардинг, юзинг очиқ. Худди ухлаётгандексан. Бир зум тошдек қотдим, сўнг хотинларни итариб-туртиб хонадан чиқара бошладим. Шундай жазавам тутдики, эсанкираб қолган хотинларнинг

бирлари чўчиб, бирлари ҳеч нарсани тушунмай бўсағага қараб юришди. Эшикни қулфлашга улгурганим он онанг бирдан ўзига келиб, эшикни гурсиллатиб уриб, фарёд урди, «Оч!» деди, очмадим. Бу хонадан тиригим чиқмайди. Чиқмасин ҳам!

Бошқа хотинлар ҳам исён кўтаришди, эркаклар ёрдамга шошилишди. Даданг эшикларнинг мустаҳкамларидан ўрнатганди, дераза ҳам панжарали.

— Эшикни тепманглар! — бақирдим уларга. — Тинчгина ўлишимга қўйинглар!

Сен томон қайирилдим. Шоҳи матоларга ўраниб, кўзларингни чиройли юмиб ётибсан, киприкларинг найза-найза.

Қошингда тиз чўкдим.

— Сени ўлдириб қўйдимми? — деб шивирладим.

Бўйнинг аралаш елкангдан кучдим. Кўзларимдан ёш эмас, қон оқиб кучдим сени. Суякларинг қисирлаб кетди, қўлинг ҳавода жонсиз силкинди. Ўшанда ҳақиқатан ҳам сен билан бирга жон таслим қилишни истагандим. Эшикни бузиб кирганлар иккимизнинг жасадимизни кўрсинлар, дедим. Биз бирга бўлолмадик, аммо бирга ўлдик, бирга кетдик чин дунёга...

Эшик гурсиллаб ағдарилди-ю бир неча эркак устимга ташланди. Сени қўйиб юбормадим. Мени сендан ажратиб олиш осон эмасди. Ҳаётлигингда шундай курашсам бўлмасмиди? Ҳаётлигингда шундай севсам бўлмасмиди? Отам ароқхўр бўлса, мен ичмайман-ку! Ароқ ичган гуноҳкор экан, уни сотган-чи? Оталаримиз ҳам аслида бир қавмдан эмасми? Ҳатто, сен ҳам отамга ароқ қўйиб бердинг. Биз — ожиз бандалар кўп нарсани тушунмаймиз. Балки юрагингдаги пок ишқинг билан менинг отамга ароқ қўйганинг учун ортиқ гуноҳга ботмасин деб тақдир сени ҳаётдан шунчалар эрта юлиб кетаётган бўлса-чи?!

— Қўйво-о-р!.. — Кимдир кулоқларим тагида бўкирди. — У тирик экан!.. Тирик экан!..

Ниҳоят, кучли қўллар мени бурчакка улоқтирди. Агар ҳушингга келмаганингда, эҳтимол, аламзада қавму қариндошинг мени уриб ўлдиришарди. Шу пайт мўъжиза юз берган эди. Сен кўзингни заиф очиб, ҳансираб-ҳансираб нафас ола бошлангандинг...

— Муҳаббат! — бор овози билан хитоб қилди даданг.

— Муҳаббат, кел, қизимиз қайтди!

Онанинг исми Муҳаббат эди...

Бугун буюмларим орасидан сенинг мактубингни топиб олиб, йигирма йил аввалги ўша воқеани эсладим. Қоплар тагида бўйнинг қайирилиб, ўликдек совиганинг, мен қучганимда пайларинг аслига қайтиб, томирларингда яна қон юришиши чиндан-да мўъжиза, муҳаббат мўъжизаси эди.

Майли, мени севма. Бугун сен бахтлисан. Бахт-иқболинг кулғани абадий рост бўлсин. Бироқ сени ҳамон севадиган одам яшаётганини қачонлардир билишингни истайман. Бир вақтлар тобутидан бош кўтарган қиз қачонлардир мангу кўз юмаркан, мен муҳаббатга ҳали-ҳануз хиёнат қилмаганимни билса дейман...

ҚАРҒАЛАР ЭНДИ УЧМАЙДИ

Узоқдан қора нуқта кўринди. Эшагини «их» деб шошилтирди. Қанча илдамламасин, имиллаётганга ўхшарди. Қишлоқнинг четки уйи адир ортида ғойиб бўлиб, эшак овлоқ лалмикор ерлар сари ўрлаб бораркан, Мингберди акани ваҳима босди. Шу кўраётгани қарға бўлмасин-да, ишқилиб. Яқинда нўхат сепилган лалмикор далаларга қарға ёпирилса, урди худо.

Ҳа, қарғалар келса, бу қишлоқни эмас, анави кўриниб турган пурвиқор тоғларни ҳам ларзага солади. Қиру адирлардаги неча минглаб гектар ерлардаги нўхатлар қушларнинг ошқозонида ҳазм бўлади. Айниқса, очофат қушлар гала-гала бўлиб ҳужум қилса, экилган уруғдан ҳеч вақо қолмайди. Нўхат сотолмаган оилалар иморат сололмайди, тўй қилолмайди, фарзандини шаҳардаги ўқишга юборолмайди. Ҳатто, одамларнинг суяги ва териси ўртасидаги масофа ҳам қисқаради.

— Их!

Эшак тўппа-тўғри қора нуқтани мўлжаллаб юрди. Мингберди ака машина овози келган томонга бир қараб олди. Узоқда, кун ботишда қишлоқ йўли жарлик устидан ўтган. Бир «Дамас» эски кўприкнинг қаеригадир қисилиб қолган, шунча кучанса ҳам чиқолмаяпти. Дўрмонбойнинг машинаси бўлса керак, шаҳардан қайтадиган вақти ҳозир.

Мингберди ака ўйлади: «Бизнинг Мовадан ҳеч ким ҳажга бормади. Қурисой, Чаёнли, Нолиларда эса ҳожилар кўп. Мен ҳам борармиканман? Йўқ, кучим етмаса керак. Яхшиси, Мованинг йўлини тузатаман, жарга янги кўприк қурдираман. Йўл қурган, кўприк солган Ҳажга борган билан барабар дейишади-ку».

Қора нуқта қимирлади. Уват четида ўрмалади. Тўғрига

юрса, дўнгликнинг нариги томонига ўтиб кўздан йўқолиши мумкин. У ёқда Мингберди аканинг асосий нўхатзори ястаниб ётарди, чамаси етти гектарча бор.

— Их-е, ҳаром қотгур!

Мингберди ака оқаринқираб қолган соқолини силаб, ажин босган юзини яна-да тириштирди. «Қизларим бу йил мактабни битирди, — ўйлади у, — хотин бекорга пул керак демаяпти. Совчи келса, ўраб-чирмаб узатамиз. Бу ёғидан баракасини берсин, нўхат пул бўлса, ҳаммасига етади».

Қора шарпа ҳавога бир кўтарилиб, дўнглик ортига ўтиб кетди, «қағ» деган садо янгради. Битта қарға билан қиш келмас деганларидек, қароқчиларнинг икки-учтаси экинзорга таҳдид сололмас эди. Бироқ ўн олти йил муқаддам минглаб қарғалар ёпирилиб келганди. Уларни отиб ўлдириш учун қанчадан-қанча ўқ-дори, ҳайдаб солиш учун неча юзлаб одамлар зарур эди. Қишлоқ аҳли қарғалар олдида ожиз қолди. Деҳқонлар тит-пити чиқариб ташланган далаларда кўз ёш тўкиб ўтиришди. Ўшанда оқсоқол деди: «Эй Мова халқи! Ўнлаб, юзлаб қарға тўдалари бирлашиб, бизга ҳужум қилди. Нега биз одам бўла туриб бирикмадик? Қарғалардан фақат биз эмас, қўшни қишлоқлар ҳам зарар кўрди. Курисой ҳам ўзига бек, Чаёнли ҳам, Ноли ҳам. «Лалмикор ерлар фақат Мованики, бизга қарғалар хавф солмайди», дейдиганлар ҳам озмунча жабрландими?!»

Эшак қарға титкилаган жойга етгач, Мингберди аканинг кўзига дўнгликнинг нариги тарафи кўринди. Даҳшатли манзарага кўзи тушиб, эгардан йиқилишига сал қолди. Ўн-ўн беш қадам наридан бошлаб кўз иллаган жойларгача қоп-қора, ғиж-ғиж қарға эди. Соң-саноксиз қарғалар ер титиб, шовқин солмасдан нўхат ахтарар, кирлаган, эски тумшуқларини ҳавога кўтарар-кўтармас нўхатларни қулт этиб ютиб юборарди. Мингберди аканинг кишт дейишга тили айланмади.

Ногоҳон эшак ҳангради. Яқинроқдаги қарғалар чўчиб, шовқин-сурон билан қанот қоқдилар. Шунда бутун далани сон-саноқсиз «қағ-қағ»лар тутди, бирваракайига сал кам ўн мингга яқин қарға ҳавога кўтарилди. Баъзилари талотўпда пастроқ учиб, Мингберди акани кўрмай қолди ва бошига урилиб кетаёзди.

Аянчли саҳна намоён бўлди. Гектар-гектар нўхатзорлар ҳосили йиғиштириб олинганидан кейинги аҳволга тушиб ётарди. Мингберди ака эшагидан тушди-ю бир-икки қадам ташлаб чўккалади. Кўзларидан дув-дув ёш тўкилди.

— Минг лаънат сенларга...

Қараса, бундай ўтиравериш ярамайди. Бир неча юз қарға галадан ажралиб полизга қўнаяпти. Индамаса, думалаб ётган тарвуз-қовунларидан ҳам айрилгулик. Таёқни қўлига олиб қарғаларни ҳайдаб солди.

Мингберди аканинг эшаги қарғаларни ҳуркитиб юборган онда осмонни қарғалар булути қоплаб, Мова қишлоғининг ёшу қариси кўчага чиқиб томоша қила бошлашди. Эркаклар сўкинишар, аёллар қарғанар, болалар эса қушларни ўлдиришга рухсат текканидан севиниб тинмай тош отардилар. Даладан қайтаётган бир деҳқон бош чайқаб:

— Мингберди ака қарғаларни қувиб юрибди, бир ўзининг кучи етмайди, — деди.

Одамлар:

— Ҳа, қаяқдан ҳам кучи етади, — дейишди. — Қизиқ-да! Одам деган пулни қизғанмай, қоровул-поровул олади-да бундоқ!

Уша куни хуфтонни ўқиб бўлган Мингберди ака нашахонасига кириб, ёнбошлади. Аёли чойни янгилаб келди.

— Буларга Николайнинг пулемёти бас келмаса, бошқа нарсa кор қилмас, — деди Мингберди ака уҳ тортиб.

Хотини ўзини еб қарғанди. Агар бу қарғишларни юз йил яшаган қарғалар эшитишганида, улар учун янгилик бўларди.

Эр-хотин нашахонада дардлашиб ўтирган маҳал эгизак қизлари — Зарнигор ва Гулнигор Дўрмонбойнинг ҳаммомида эдилар. Улар ҳам қарғаларнинг гўрига гишт қалаб, қовоқларини уйганларича чўмилардилар. Зарнигорнинг юзи тошмалардан чўтир бўлиб қолгани упа ювилиб кетгач, яққол билинди. Гулнигор эса сутга чайиб олингандек оппоқ ва нафис эди. У ўз гўзаллигини бозорга солмаган, бу нарса хаёлига ҳам келмаган ҳаёли қиз эди.

Шу маҳал қирлар ортида машина чироқлари кўринди. Мова кўчасига вангиллаб кириб келди-ю ўнқир-чўнқир кўчаларда тимирскalaniб Мингберди аканинг уйи яқинида тўхтади. Эшик очилиб, пўрим кийинган йигит тушди. Сигерета чекишни, мўйлов қўйишни яқинда одат қилгани каби Зарнигорга ҳам ошиқ бўлганига кўп вақт бўлмаганди. Йигит ўзидан атир ҳидини анқитиб қўшнининг дарвозасини тақиллатди. Шунй кутиб тургандек қилтириқ ўспирин бўй кўрсади.

— Қалайсан, Элкўз? — сўрашди йигит. — Бу мен, Кўчқор акангман.

— Ие, Кўчқор ака! — ўспирин қўшқўллаб кўришди.

— Ҳозир Зарнигор опа уйларида йўқ.

— Нега уйда йўқ? — дея Кўчқор сигаретини туфлади.

— Қарғалар еб кетдимиз?

— Ҳаммомга кетган.

— Узоқдами?

— Дўрмонбой аканикида. Қишлоқнинг нариги четида.

— Ўша ёққа бошлаб бор, — амр этди Кўчқор.

Машина мотори ўчирилиб, эшиклар қулфланди. Иккови қоронғи кўчадан Дўрмонбойнинг уйига йўл олишди. Дарахт шохларида уйқусираган қарғалар онда-сонда қағиллаб қолар, қанотлар патиллар эди. Қайсидир уйдан радионинг овози эшитилди: «Катрина тўфонидан

зарар кўрган Янги Орлеан шаҳри аҳолиси яна шаҳарга қайта бошлади. Айни вақтда Рита тўфони... таҳдид сола бошлади...»

Улар Дўрмонбойнинг уйи атрофини изғиб чиқишди. Тўғридан борилса, итларга рўпара келинар экан. Шундоғам итлар занжирларини шилдиратиб ҳуриб қолишди.

— Ҳаммом томондан кирса бўлади, — деди Элкўз.

«Эртароқ айтсанг ўласанми?» дегандек Кўчқор бошига тарс этиб урди. Сўнг иккиси дарчасидан ёруғлик тушаётган ҳаммом орқасига пусиниб боришди. Элкўз шу ерда кутамиз, деб хато ўйлаганди. Ҳаммом дарчаси очиқлигини кўриб, Кўчқор энгашганча олдинга пилдиради.

— Элнинг кўзи, сен шу ерда қол, — деди у.

Кўчқорнинг сояси деворга қапишди. Ҳаял ўтмай дарчага тирмашди. Қишлоқда итларнинг қалби пок эди, ҳушёр эди. Бир неча дақиқа улар ҳовлини бошларига кўтариб вовиллашди. Кўчқор ўз югурдаги билан кўчага қочиб чиқди.

Эгизаклар чўмилиб бўлишган эди. Бошларига рўмолларини ташлаб, тоғораларини қўлтиқлаб йўлга тушдилар. Элкўз уларга югуриб етди. Қайси бири Зарнигор эканини ажратолмагач, деди:

— Зарнигор опа, тўхтанг, сизни чақираяпти.

— Ким? — ялт этиб ўгирилди Зарнигор.

— Ана, — деди ўспирин қоронғиликни кўрсатиб.

Зарнигор қўлидагиларни Гулнигорга тутқазди. Гулнигор бундан эмас, опасининг нотаниш йигит билан учрашажагидан ранжиб, тўнғиллади:

— Яна бошляапсизми, опа?

— Мен билан ишинг бўлмасин! — деди Зарнигор.

— Отам билан онамнинг биздан бошқа ҳеч кими йўқ. Одамлар айтмайдими, фалончининг қизлари...

— Вой ақли-ей! Одамлар қарғалардан ҳам кўп бўлса...

Гулнигор кетгач, Элкўз севишганларнинг орқасидан пойлаб борди. Улар тол тагида тўхташди. Аввал гўнғир-

ғўнғир овозлар эшитилди. Кейин иккиси бир вужудга айланди. Элкўз яқинроқ борган эди, чор атрофдаги дарахтларда қарғалар питирлаб, ўтакасини ёриб юборди.

Кўчқор машинаси ёнига қайтганида, Элкўз сўради:

— Қаёққа йўқолиб қолдиларингиз, Кўчқор ака? Қарғага айланиб учиб кетдиларингизми?

— Мен бунисига эмас, Гулнигорга уйланаман, — деди Кўчқор. — Беҳаё қизлардан яхши хотин чиқмайди. Хотин тандашда адашишимга бир баҳя қолибди.

Машина чироқлари пастроқ шоҳларда ўтирган бир неча қарғани чўчитиб юборди. Мингберди ака ташқарига қулоқ солди. «Лаънатилар дастидан кечаси ҳам тинчлик йўқ» деди. Хотини эса хаёл суриб ўтирарди. Қарғаларнинг дастидан деҳқончилигидан айрилди, энди қизларининг тақдири нима бўлади?

* * *

Эртасига Мингберди аканинг фожиаси бошқаларнинг ҳам бошига тушди. Кечаги воқеа ҳолва экан. Бир пайт уфқда ғубор кўринди. Чангми, туманми, билиб бўлмасди. Яқинлашгач, Мова халқи анграйиб қолишди. Кўрганлари бостириб келаётган сон-саноксиз янги қарға ҳам галалари эди. Дунё ҳам дунё бўлиб, бунчалик кўп қарға бир осмонга тўплангани шоҳид бўлмаган эди.

Қарғалар бошқаларнинг нўхатзорларга мўр-малахдай ёпирилдилар. Қароқчилар ҳеч нарсадан тап тортмас, кесак отишса, қувиб ҳайдашса, ўн-ўн беш қадам нарига гувва кўниб, яна ер титкилашга, нўхат ахтаришга уннашарди.

Кечкурун қароқчилар тунаш учун атрофдаги дарахтларни, тепаликларни, ҳатто қабристонни ҳам ишғол қилишди. Биринчи куннинг ўзидаёқ ҳар ким ўз экинзорини ва ҳовлисини ҳимоя қилиб чарчади. Қарғалар ҳам талофат кўрди: йигирма еттита қарға ўлдирилди. Аммо қарғалар учун бу бир қоп гуручдан ярим қисм тўкилди дегани эди, холос.

Бало келса, ирим ҳам кучини йўқотаркан. Баъзи деҳқонлар отиб ўлдирилган қарғаларни далаларига осиб қўйишди, баъзилар шақилдоқлар ясашди. Икки кун ўтар-ўтмас қарғалар ўлик биродарлари осилган дорга қўнар, шақилдоқ устида қувлашмачоқ ўйнашарди. Овчилар шунчалик кўп ўқ отишдики, деҳқонлар ўқ-дори харажатларини нўхат ҳосилидан қоплай олишмаслиги аён бўлгач, милтиқларини елкага осишиб, жўнаворишди.

Шу йил қилинажак барча тўй-ҳашамлар тўхтатилди. Айримлар «Нўхат сотсам бераман» деб қарз олишни мўлжаллашган эди, ҳеч ким уларга қарз бермай қўйди. Қарғалар нўхатларни эмас, қоп-қоп пулларни, дангир-дунгур тўйларни, бола-чақаларнинг ризқини, ҳатто ҳали туғилмаган чақалоқларнинг насибасини еб-битираётган эди.

Кураш қизғин кетаётган дамда Мингберди аканикига совчи келди. Зарнигорнинг оғзи қулоғида эди. Мана, Кўчқорнинг севги изҳорларини бир дегандан қабул қилди-ю, кам бўлмади. Ноли қишлоғининг олд йигитларидан бири совчи қўйди.

Ширин хаёлларда совчиларнинг гапини пойлаётган Зарнигор ток ургандек сапчиб тушди. Буларга нима бўлган? Гулнигорни сўраяптиларми?

Қулоқларига ишонмади. Бироқ онаси чиқиб, мудҳиш ҳақиқатни ошкор этди:

— Гулнигор қаерда? Совчиларни кўриб қочиб кетдимиз? Нега қаққаясан? Синглингни топ. Ноли қишлоғидаги Кўчқор деган йигитдан совчи келибди, де. Таниса қерак. Бекорга совчи келмас.

— Адашмаядсизми? — безрайди Зарнигор.

— Нега адашарканман? Олдида опаси бор десам, «Эғизлар опа-сингил ҳисобланмайди, Зарнигорингизга ҳам куёв чиқади», дейишди. Бу куёв жуда пишиққа ўхшайди. Узоқдан икковингги кўриб, «Қайси бири

босиқроқ бўлса, ўшанисига уйланаман» деганмиш. Сенга неча марта айтдим, бегоналарни кўрганда тишингнинг оқини кўрсатаверма, деб.

Зарнигор ташқарига югуриб чиқди. Хунук юзи тиришиб, қарғаларни ҳам чўчитиб юборди.

— Ўл-э, қағилламай! — деди ва кечагина ишқий саргузаштларига гувоҳ бўлган кўча бўйлаб чопиб кетди.

Гулнигор инқиллаб-синқиллаб икки челақ сув кўтариб келаётган эди. Ҳовлиққан опаси дилини вайрон этди.

— Сенга Кўчқор совчи жўнатибди! Тегасанми? Менга илакишиб, энди сенга совчи қўйган ўша тентакка тегасанми?

— Нима? — ҳеч вақони тушунмади Гулнигор.

— Зўр йигит! — телбаларча ишшайди Зарнигор. — Тегасанми?

— Жинни бўлдингизми?

— Ишонмаяпсанми? Ана, уйда совчилари ўтирибди! Ростдан сенга келибди! Ишонмасанг, онамдан сўра! Юр! Юрсанг-чи тезроқ!

— Қаргадан баттар мияси йўқ экан, — деди Гулнигор. — Агар сиз билан алоқаси бўлмаганида ҳам тегмасдим унга.

Зарнигор шарт ўтирилиб, Гулнигордан узоқлашди.

— Онам сени кутаяпти, — деди сал наридан. — Эрга теккинг келса, бориб айтаркансан.

— Теккингиз келса, ўзинг тегаверинг! — Гулнигор челақларини жаҳл билан кўтарди.

— Совчи менга келмабди, деяпман-ку!

— Ҳозироқ кириб ўша совчисига айтаман. Биз одаммиз! Нўхат донаси эмасмиз! Кеча сизга, бутун менга оғиз соладими сурбет!

Бироқ Гулнигорнинг айтгани бўлмади. Қиз йиғлаб-сиқтамасин, кейинги гал совчиларига розилик беришди. «Қарғалар нўхатимизни еб кетишди», деса ҳам қараб ўтирмадилар. «Кўчқоржон аввалдан Гулнигор ҳақида эшитиб, зимдан кузатиб юрган экан, тўй бошласак, Худо беради», дейишди.

Унаштирув маросими ўтказилди. Мингберди ака уйидаги бор-будини сотиб, қизининг сепидаги камчиликларни тўлдирди. Қарғалардан омон қолган тарвуз-қовунининг пулидан қайтариш шарти билан Дўрмонбойдан қарз ҳам кўтарди.

Қудалар тўйга ҳамма жиҳатдан тап-тайёр эканликларини оғиз кўпиртириб мақтанишди. Никоҳ тўйи яқин экани айтилди.

Уларнинг мақтанчоқлиги Мингберди аканинڭ қариндошларига ёқмади.

— Буларда картошка экилгани учун қарға кам, — деди бири. — Биздагидек лалмикор бўлганида момоларини кўрардилар. Бойлигини қарғалар битта-битта чўқиб кетса, мақтаниш қанақалигини томоша қилардик.

— Э, қанақа бой? — шивирлади иккинчиси. — Куёв бўлмишни «Кўчқор ўғри» дермиш. Қўли эгри, қасамхўр, диёнатсиз бола экан. Оиласиям ўртача. Ноли қишлоғининг одамлари доим нолиб яшаган. Бугунга келиб нолиш ўрнини мақтанчоқлик эгаллади. Ўзи аслида нолиш билан мақтанчоқлик битта одамнинг оғзидан чиқади.

Мингберди ака қизини узатаётганидан мамнун эди. Гулнигор йиғидан шишган қовоқларини яшириб, уй юмушлари билан андармон юарди. Кўчқор келса, афтига ҳам қарамасликка аҳд қилди.

У ёқда Кўчқор арзон костюм-шим олишга кўнмай кун-кун ора ота-онаси билан жанжаллашарди. Таниши миллион сўмга чет элнинг костюм-шимини кўрсатди-ю икки оёғини бир этикка тикди, лекин ҳеч қаердан ортиқча пул тополмади.

Бир одам ўн вагон тарвуз-қовун харид қилиб, хорижда олиб кетишини айтганида, Кўчқор ўйлаб-нетиб ўтирмасдан ўзи мижоз бўлишини айтди.

— Қовун-тарвуз экмайсан-ку? — деди савдогар. — Сенга ишониб, вагоним бўш қолмасин, ука.

— Фам еманг, — деди Қўчқор. — Деҳқонлардан танишларим кўп. Менга бир теляжка қовун-тарвузнинг пулини тайёрлаб қўйинг, айтган вақтингизда станцияга етказаман.

* * *

Қоронғи кечаларнинг бирида дераза тақиллади. Гулнигор чироқни ўчириб, бошини ёстиқ остига тикди.

— Менга қара, — деди эшикдан ҳалолаб кирган Зарнигор, — Қўчқор келибди, учрашмайсанми? Шунчалик турмушга чиқишни истамасанг, ўзим гаплашиб қўяман у билан.

— Илтимос, Қўчқорни гапирманг менга, — йиғламсиради Гулнигор. — Кўргани кўзим йўқ!

— Нега унда рози бўлдинг?

— Отамнинг раъйига қарши боролмадим.

— Шунга мени ишонади, дейсанми?

— Сиз шу гапни айтаяпсизми?

— Одамнинг ичидаги оласини нафақат опаси, ўзи ҳам билмайди.

— Унда гапларимни эшитинг! — ўрнидан турди Гулнигор. — Қўчқор аввал сиз билан учрашиб, кейин менга совчи юборганини отамга айтаман! Сиз у билан учрашувга чиққансиз! Ҳаммомга борган кунимиз! Отам билса, юзига қандай қараймиз? Оиламиз учун бу иснод барибир сирлигича қолмайди! Биз яширганимиз билан... эл эшитади анавидан!

— Вой тавба! — каравотнинг четига чўккан Зарнигорнинг оғзи очилиб қолди. — Шу гапни отамга уялмай айтасанми? Отамнинг ҳам ғурури бор. Тўйни бузолмайди. Куёви қизларидан бири билан севишиб, иккинчисига уйланганини билиб, умрбод қийналиб яшайди. Шу керакми сенга?

— Ҳамма балога ақлингиз етар экан, нега мени қийнайсиз, опа?

— Кулоқ сол, — пичирлади Зарнигор эгизининг қўлларида тутиб. — Қўчқордан ўч олишни режалаштириб юрибман, шунинг учун кўнглим хотиржам, шоду хуррамман. У бизнинг устимиздан қандай кулган бўлса, биз ҳам унинг устидан куламыз. Йигит зоти билиб қўйсинки, бир қизни қўғирчоқдек ўйнатиб, сўнг бошқасига, айнан ўзининг тарихига гувоҳ қизга, яна де, синглисига ғолибона уйланиш қандай оқибатга олиб келишини! Қишлоғимиз аҳли учун қарғалардан бошқа муаммо йўқ! Аслида қарғалар муаммо эмаслигини кўрсатиб қўяман!

Гулнигор қовоғини очмай сўради:

— Қанақа режа?

— Тўй куни кийимларимизни алмаштирамиз.

— Нималар деяпсиз? Ахир...

— Кийимларимизни алмаштирамиз, — такрорлади Зарнигор. — Қолганини менга қўйиб бер, сингилжон.

Ташқарида Қўчқор анча вақт кутди. Сигарет қутиси бўшаб қолгани баттар ранжитди. Элқўз экин-тикинларини қўриқлашда акаларига ёрдамлашгани кетган бўлиб, кечаси ҳам чайлада ётиб қоларди. Бугун югурдак ўспирин икки масалада унга керак эди. Биринчидан, Гулнигорни чақириши, иккинчидан, адирларнинг энг чекка ҳудудидаги полиз кимники, қоровул қанақа одам эканини айтиши лозим эди.

Чирт этиб тупурди Қўчқор. Ўйлаб кўрса, ҳозир Гулнигор, Элқўз кабиларни кутишга ҳожат йўқ. Бугун қовун-тарвуз топиши керак.

* * *

Мингберди ака ҳам тупурди. Оғзида носвойнинг қолдиғи қолган экан. Сўнг булутли осмонга қаради. Хаёлига бир ўй келди: «Ўғлим бўлганида эди...»

Чайла сари юраркан, қариётганини ҳис этди. Яна бир неча йил ўтиб бутунлай қариб қолса керак. Камчаткадек узоқ далада қайси қизи деҳқончилик қилади. Аёли-ку қишлоқдан чиқолмаса.

«Қовун-тарвузни эртага уздирсаммикан?» деди ҳаял ўтмай.

Эшаги ҳангради.

«Тўғри, — деди Мингберди ака, — нўхатларимдан айрилган жойга қачонгача юрагимни эзиб қатнайман? Бир мошин чиқадиими, икки мошинми, тергизаману кетаман. Тўй ҳам яқин».

Тарвуз пўчоқларини эшагига тўғраб, чайласига қайтаётиб уфқда кўринган бежо чироқларга хавотир аралаш тикилди. Овоз эшитилди. Шиддат билан трактор бостириб келарди. Яқинлашгач, орқасидаги теляжкаси ўнқир-чўнқирларда шарақ-шуруқ этаётгани ҳам қулоққа чалинди. Чолга ёқмаётгани — трактор йўл қолиб, тўппа-тўғри нўхатзор оралаб келмоқда эди. Далада тунаб қолган битта-иккита касал қарғалар қағиллаганча ўзларини четга олишди.

Мингберди ака шубҳа-гумонлар исканжасида таёққа суяниб турарди, таёқ эса қалтирарди.

Трактор тўхтаган заҳоти кабинадан бир йигит сакраб тушди. Чироқлардан кўзлари қамашган Мингберди ака икки-уч қадам ташламасданоқ нотаниш кимса етиб келди.

— Кимсан? — сўради Мингберди ака.

Жавоб айтилмади. Сўйил ҳавога кўтарилди-ю деҳқоннинг бошига тушди...

Кўзини очса, қуёш тиккага кўтарилибди. Киприкларида қон қотиб қолибди. Бўшалиб кетган эшаги сочилиб ётган тарвуз пўчоқларини емоқда. Ҳар замонда эшакчасига пишқириб қўяди.

Мингберди ака кунпаякун этилган полизга синиқ нигоҳини югуртирди. Тунги босқинчилар қовун-

тарвузларнинг сараларини териб кетишган, у ер-бу ерда кўзга ташланаётганлари бир арава ҳам чиқмасди.

Эшагини миниб қишлоққа қайтди. Ҳозирнинг ўзидаёқ ички ишлар идорасига хабар беришни ўйлаб бораётганди, қишлоққа кираверишда бир эмас, тўртта милиция ходимини учратди. Улар Мингберди аканинг афт-ангорига қарашди-ю янада сергак тортишди.

— Сизга ҳам қарғалар ҳужум қилишдими? — йўлига пешвоз чиқди бири.

— Йўқ, — деди Мингберди ака, — менга одам ҳужум қилди.

Таъзия овози қишлоқ бўйлаб ёйилди. Мингберди ака сергакланиб, атрофга аланглади. Милиция ходимлари эшагидан суяб тушираётганларида совуқ овоз ўз кўчасидан эшитилаётганини англади.

— Нима бўлди? Гапирсангиз-чи! — тергади ходимлардан бири.

— Кечаси тракторда иккита йигит келди... Бошимга уриб, қовун-тарвузни териб кетди...

— Э, гап бу ёқда денг! — Милиция ходими рациясида гапирди: — Бу ерда босқинчилик ҳам содир бўлибди...

— Ким ўлди? Ким? — сўради Мингберди ака.

— Бир болани қарғалар чўқиб ўлдирибди. Элкўз деган бола. Ҳайронмиз, қарғалар ҳам шу даражага бориши мумкинми? Калхат, бургутларни эшитганмиз, лекин... — Милиция ходими бошини сарак-сарак қилди.

— Қарғалар бу йил роса қутурди, — деди Мингберди ака.

— Бола қарғачалардан бирининг ушлаб, оёғидан боғлабди-да, нўхатзор бўйлаб чошибди. Кутилмаганда юзлаб қарғалар ёш қарғачага ёрдамга шошилиб, Элкўзни чўқилаб ташлашибди. Кўп қон йўқотиб ўлибди шўрлик. Одамлар ҳам қизиқ. На биринчи ёрдам кўрсатишни билади, на дўхтирга тезроқ олиб боришни. Минглаб

гектар нўхат экишга ақли етган инсон ўзининг шароитини қилиб қўйишни қачон ўрганади? Топган-тутганларини нималарга сарфлайди ўзи, ҳайронман. Уй-жойлари ҳам ҳашаматлимас, машиналар гаражларда чанг босиб ётибди, кўчалар ўнқир-чўнқир.

— Топганини тўйга сарфлайди-да, — деди сал наридаги бадқовоқ ходим.

Мингберди ака юзига фотиҳа тортди.

— Босқинчиларни танидингизми?

— Йўқ, — деди Мингберди ака.

Қишлоқ алғов-далғов бўлиб кетди. Бир ёқда ўспирин оғир жароҳатдан ўлган, бир ёқда Мингберди акани ўласи қилиб дўппослаб, қовун-тарвузларини ўмаришган.

— Бирор чора кўриш керак! — деди биров.

— Халқ бириксин-да бундоқ! — чийиллади бошқаси.

— Қачонгача бу аҳволда юрамиз? Қарғалар бирикканда, биз бириколмаймизми?

* * *

Туман ҳокимиятининг аралашуви билан «Овчилар жамияти»дан эллик еттита овчи бепоён лалмикор далаларга — қарғаларга қарши урушга сафарбар этилди. Уларга бир арава ўқ-дори ажратилди. Ош-овқатини эса қишлоқ хонадонлари тайёрлаб берадиган бўлишди. Уч кун мобайнида қирғин-барот бўлди, аммо шу тахлит қарға отаверсалар, қароқчиларни бутунлай йўқотиш учун роппа-роса бир йил вақт кераклиги ҳисоблаб чиқилгач, овчилар уй-уйларига тарқалишди. Уларнинг қарға отишдан бошқа муҳим ишлари ҳам кўп эди.

Бу орада Мингберди аканинг иши бўйича тергов ҳам совиди. «Жиноятчиларнинг изига тушдик, тезда топамиз», дейишди ички ишлар ходимлари. Мовага

бегона одамлар келмай қўйди. Еру кўкда ҳамон қарғалар ҳукмрон эди. Одамлар ўз ерларига бўлиниб, ҳар ким ўз даласини қўриқлаб яшай бошлашди.

Кимнингдир таклифи билан кекса-ю ёш бир бўлиб дуо ўқийдиган бўлишди. Дуоибаддан сўнг юзига фотиҳа тортаётганлар орасида Гулнигор ҳам бор эди. Шу тобда унинг хаёлидаги тимсол қарғалар эмас, Кўчқор эди. Мўъжиза юз берса-ю тўй тўхтатилса! Кўчқор билан умрбод бирга яшаш у ёқда турсин, қайтиб то абад турқини кўрмаса!

Кун қизиди. Кексаларнинг айтишича, бу — кучли ёмғирдан далолат эмиш. Шунча балои қазо етмагандек қишлоққа сел келиши, экинзорларни ювиб кетиши хавфи сезилиб қолди.

Ўша куни Кўчқор машинасида келиб, тўғри оқсоқолнинг уйига борди.

— Эшитган бўлсангиз керак, оқсоқол бова, — деди у, — келгуси ҳафта кучли ёмғир ёғар экан. Радиодан ҳам айтди. Мен буни об-ҳавони аниқлаш бўлимидаги бир ўртоғимдан аниқлаштириб билдим. Ёмғир селга айланиш хавфи бор, деди. Айниқса, мана шу ҳудудга қийин бўлармиш. Қолган-қутган экинларни ҳам тоғдан келадиган сел олиб кетмасин, деган ташвишда юрибмиз-да. Ҳозир қанча уйларнинг томи яроқсиз, умуман, пойдеворига ҳам ишонч йўқ...

— Нима қил дейсан, ахир? — Оқсоқол ҳеч нимага тушунмасдан аччиғи чиқди.

— Сиз оқсоқолсиз, — дея ётиғи билан тушунтиришга уринди Кўчқор, — одамларга айтинг, минг сўм-минг сўмдан пул йиғиб берсин. Булутларни отиб, ёмғирнинг олдини оладиган жойда танишим ишлайди. Ёмғир қуядиган жойга гумбурлатиб снаряд отади, кучли портлаш қуюқ қора булутларни титиб юборади. Эшитганмисиз ўзи шунақасини?

— Эшитганман, — деди оқсоқол жаҳдан тушмай. — Одамларда ҳозир пул йўқ. Мовага сел келадими, қарғалар кўкдан тезак ёғдирадими, энди одамларга барибир.

— Ўлай агар, ёлғон гапирганим йўқ. Халқни ўйланг.

— Сен бола Мингбердининг куёвисан-а? Унда иккала қулоғинг билан ҳам эшитиб қўй! Булутни ҳайдаш билан давлат шуғуллунади, сен ўртага тушиб даллоллик қилма! Халқ ҳам сенинг ташвишинг эмас!

Кўчқор пул ундиролмаганидан хуноб бўлиб изига қайтди. Тўйи ҳам шу ҳафта бўлиши керак эди. Костюм-шим олишга олди-ю энди ФХДЁга бориш учун «Лимузин»га пул етмаяпти.

* * *

Қудалари тўй кунини белгилагач, Мингберди ака шошиб қолди. Қиз узатиш ўз-ўзидан бўлармиди. Яхшиямки, қариндош хотинлар рўмол, кўйлак, жемфер, турли матолар қўшишди. Ким нима қўшса, тўйида қайтаради ўзбек.

Бир кун олдин Мингберди аканикида «сабзи тўғраш» бўлди. Узоқдан қариндош-уруғ келишган. Тўртта одамнинг боши бирикдими, дунё ташвишларидан гапирилади. Бири қарғаларнинг офатидан сўз очса, иккинчиси ўлган ўспириннинг руҳини чирқиллатиб, қарғачани қийнаб, қарға халқини қасосга бошлаганини гапиради. Яна бири тарвуз ўғриларининг топилмаётганини айтиб, тўй эгасининг ярасини тирнаса, иккинчиси «эртага жала қуярмиш» деб дилни баттар хуфтон қилади.

Мингберди ака жойидан секин кўзгалди. Қоп-қора осмонга тикилиб, эрталабгача очилиб кетишини тилади.

Сабзи тўғралиб, ош ейилиб бўлгач, осмон даставвал секин гулдиради, кейин эса қарсиллаб кетган эди, меҳмонлар чўчиб тушиб, елкаларини қисишди. Зарнигор ва Гулнигор кўчадан чошиб келишди. Улар ҳаммомга

кетишган эди. Мингберди ака бемаҳалда юргани учун қизларини койимоқчи бўлиб айвондан чиққанда ёмғир шариллаб қуйиб берди.

— Ана тўй, мана тўй! — деди кимдир.

— Камбағални туянинг устида ҳам ит қопади, — деб бир четга ўтиб қўнишди Мингберди ака. — Ҳамма нарсамдан айрилганим етмагандек, ҳеч бўлмаса, қизимнинг тўйида ёмғир ёлмаганида-чи! Пешонам бунчалик шўр бўлмаса!

Бошланиши чакки бўлмади. «Сабзи тўғраш»га чиққан қўшнилари уй-уйига тарқалишди, меҳмонлар ҳам тўшакларига кирдилар. Ярим кечаси ёмғир челақлаб қўя бошлади. Осмондан челақлаб, эмас. бочкалаб сув қуйилишидан даҳшатга тушган одамлардан уйку қочди. Қишлоқ четидаги бир дарахтга яшин тушиб, юздан зиёд қарга тил тортмай ўлди.

Булар ҳеч гап эмас экан. Кўп ўтмай осмон шовиллай бошлади. Тўқсонга кирган қариялар ҳам умри бино бўлибдики, бунақа даҳшатли тунни кўрмаганини айтишиб, калимасини қайтараверишди. Мингберди ака осмонга қулоқ солиб, шовиллаб яқинлашаётган нима эканига ақли етмади. Катта офат келаётганини фаҳмлади. Бу офатдан унча-мунча одам соғ қолмас-ов.

Ниҳоят, шовиллаётган бало ерга етиб келди. Булар ёнғоқдек-ёнғоқдек келадиган дўл эди. Биринчи галда фақат шифер билан ёпилган айвон талофат кўрди: дўл тасир-тусир урилиб эски шиферларни илма-тешиқ қилиб ташлади. Шамол учирмасин дея шиферга бостириб қўйилган тошлар айвон ичига қулаб тушгач, айвонда ухлаб ётган меҳмонлар «Вой ўлдик! Тош ёғаяпти!» деб ичкарига ура-сура қочиб кирдилар.

Меҳмонлардан бирининг «Жигули»си очикда турган эди, дўл қалин ойналарни тўкиб ташлади. Дўл зарбларига Мингберди аканинг садоқатли эшаги ҳам дош беролмади: ҳанграётган овози бўғзига тиқилди-ю гуп этиб кўлмакка йиқилди. Ерни оппоқ дўл қоплади.

Тонгга яқин олам сукунатга чўмди. Эриниб-эриниб

офтоб бош кўтарди-ю Мова халқи ўз қишлоғини танитай қолди, Эски томлар, деворлар, дарахтлар вайрон бўлиб кетганди. Кўчалар, томорқалар, далалар қоп-қора қарға ўликлари билан тўлиб-тошганди. Дарахтларнинг тагларида эса уюм-уюм қарға ўликлари қалашиб ётарди. Ариқларга, қувурларга қарға ўликлари тиқилиб қолгани учун сув кўчаларга, уйларга тошиб чиқмоқда эди.

Шунда ҳам Мингберди аканикида тўй бошланди. Тўй карвони юриши учун йўлларни қарғалардан тозалашга иккита трактор келтирилди. Мингберди аканинг кўчасининг ўзидан икки теляжка қарға ортилди. Баъзи қарғалар ўлмаган эди, кўзларини йилтиратиб, «ғийқ-ғийқ» этиб ётардилар. Ўлган деб ҳисобланганларини ҳам босиб кўришса, ғийқ этган овоз чиқарарди.

Тушга яқин куёв ташриф буюрди. Зарнигор юзига упани қалин суртгач, Гулнигор каби чиройли бўлди. Қўчқор келинчак либосидаги Зарнигорни танитай, голибона илжайди.

— Жонгинам, энди меникисан, — пичирлади ўзига ўзи. — Қиё ҳам боқмасдинг. Бир умр хотиним бўласан...

«Ёр-ёр» арафасида Мингберди аканинг енгидан кимдир тортди. Қараса, нотаниш одам.

— Мен жиноят қидирув бўлиmidанман, — деди у. — Сизга тан жароҳати етказган, қовун-тарвузларингизни ўғирлаган босқинчи-ўғриларни аниқладик.

— Бугун қизимнинг тўйи...

— Биламиз. Сизга афсус билан маълум қиламанки, босқинчиларнинг каттаси анави куёвингиз.

— К... куёвим?..

— Ҳа, ҳозир шеригини ушладик. Навбат куёвингизга.

— Тўй... тўй бузиладими?

— Сизни ўласи қилиб дўппослаган, ҳосилингизни ўмарган йигитни куёв қилишни шунчалик хоҳайсизми?

— Қизимнинг тақдири-чи? Гулнигор чидаёлмайди...

У жуда кўнгилчан қиз...

— Бўлмаса, ҳозир қўлга олмаймиз. Тўйи ўтсин. Биз ҳам ўзбекчиликни яхши тушунамиз, ака.

Мингберди фуқаро кийимидаги изқуварга илтижоли боқди. Изқувар ёнидаги йигитга бош ирғади. Иккиси машинага ўтиришди.

— Бу ер Мова қишлоғи эмас, — деди изқувар. — Қишлоқ номини тескари ўқиш керак.

— Унда куёвнинг қишлоғи ҳам Ноли эмас, — лаб бурди иккинчиси. — Тескари ўқиш керак.

ЙЎҚОЛГАН ҚИЗ КУНДАЛИГИ

Бир йил муқаддам дом-дараксиз йўқолган талаба қизнинг кундалигини терговчи унинг онасига топширди. Шунча вақтдан бери кундалик барча фанлардан тутилган дафтарлар орасида турган экан. Дафтар муқовасига «Маънавият асослари» деб ёзилган эди. Дастлабки ўн бир саҳифага мазкур фандан маърузалар баён этилганди. Кейин эса тўсатдан кундалик бошланиб кетган. Ҳеч қандай сана қўйилмаган. Юлдузчалар билан ажратилган.

* * *

...Бу менинг сирлар дафтарим. Ҳеч кимга кўрсатмайман, бир қарашда биров пайқамайди ҳам. Вақти-соати келиб, ёзганларимни мендан бошқалар ҳам ўқишини кўнглим сезади. То тирик эканман, дафтарим бегоналар қўлига тушмайди (Бундан чиқди, кундалигим камида олтмиш йилдан сўнг ўқилар экан!).

Нега буларни ёзаяпман? Икки йиллик талабалик давримда мени ажойиб ва ғаройиб саргузаштлар кутаётгани беш қўлдек маълум. Мана, мактабда нималар қилмадик. Биргина туғилган кунларнинг ўзи қалин китоб бўлади. Байрамлар, саёҳатлар, ойдин кечалардаги учрашувлар ҳақида ёзилса, учта китобга ҳам сифмайдиган роман бўлиши аниқ.

Ҳа, бу оддий ўрта мактаб даври эди. Бутун атрофни қишлоқ уйлари ўраган. Кечаси юрганингни кўриб қолишса, етти ой гап бўласан. Мисол учун, мени кимлар гапирмади, нималар дейишмади. Хуршид билан севишиб қолганимда-чи? «Маъмура уйланган йигитлар билан гаплашаётганмиш» деган мишмишлар чиққанди. Хуршидга бўйни ҳам берган-да. Симёғочдек, Лекин ақли тўнкадек паст.

Амакимнинг ўғли Жаъфарнинг ўртоғи Темур мен таниган-билган йигитлар ичида энг олифтаси десам ишонаверинг. Ўзи қилтириқ, зўрға юради, тумшуғи осмонда. Шундай нозик кийинадики, гўёки ўғил бола эмас, деган хаёлга борасан киши.

Дадам шу йигит билан тутиб олган. Кечаси деразамни тақиллатди. Қўл ушлашиб, кулишиб тургандик, кимдир томоқ қирди. Қарасам, дадам уй орқасида, Темурдан уч қадам нарида ...

Эртасига дадам мени ҳам, ойимни ҳам роса койиса керак, деб ўйлагандим. Йўқ, индамади. Ойим орқали айтибди: «Йигитлар билан гаплашмасин. Мактабни тугатиб, ўқишга боради».

Дадамнинг шунақа эркасиман. Қолаверса, бойнинг қизиман. Ахир, мени алдашлари мумкинми? Мумкин. Кўпчилик йигитлар бадавлат кишиларнинг қизига уйланишни исташади.

Темур билан орамиз очик бўлди. Ўқувчилик даври ҳам ниҳоясига етаяпти. Баҳор кечалари жуда ёқимли. Қайси йигитга кўнгил боғласам экан, деб узоқ бош қотирадиган бўлдим. Ҳадеганда севги келавермади. Қўшнилари мени эрка эмас, енгилтак дейишади. Улар доим ғийбатимни қилишган. Мен романтик қизман. Бу хотинлар романтикани тушунармиди.

* * *

Тиббиёт коллежида ўқишимга ҳам ўзим сабабчиман. Дадам мени университетга киритиб қўйишни режалаштирган экан, рад этдим. Университетда ўқиш қийин эканлигини эшитгандим. Ҳақиқатгўй профессорга дуч келсанг, ўқимаганинг учун ё курсдан-курса қолдиради, ё ҳайдатиб юборади. Тиббиёт коллежидагилар эса кечиримли бўлишади, деб қишлоғимиздаги ҳамширалардан кўп

эшитганман. Дарсларни ўзлаштиролмасанг, совға-салом эвазига баҳо қўядиганлар ҳам топилади. Майли, қанча жарима солсалар ҳам розиман. Эмин-эркин талабалик гаштини сурсам бас.

Орзуларимни қоғозга ўраб дадамга айтдим.

— Э-э, — деди дадажоним, — университетда ўқиса, бакалаврдан сўнг магистратурага кирса дегандим. Сўнгра ўзимизга муносиб куёв топардик, ишга жойлаштирардик, икковинг ишлаб юрардинг. Коллежда ўқиб, нима, ҳамшира бўлмоқчимисан?

— Оқ халат кийиб, шифохонада ишласам, дегандим, дада.

— Зўр-ку, — кесатди дадам.— Ҳамшираларнинг нима ишлар бажаришини биласанми, ўзи?

— Шифокорга ёрдамлашади, беморларга укол қилади.

— Шунақа. Бундан ташқари ўлиб-ўлолмай ётган оғир беморнинг аъзойи баданини қоплаган даҳшатли ярани тозалаб, боғлаш ҳам уларнинг вазифаси. Тўшагини тозалаб қўйиш-чи? Ахир, ҳамшира дегани беморга меҳрибон бўлиши шарт. Феълингни биламан. Сендан яхши ҳамшира чиқмайди. Соппа-соғ одамларга бурнингни жийирганингни неча марта кўрганман-ку.

— Барибир тиббиёт коллежига бораман, дадажон. Қўшни қишлоқдаги Фотима ҳам ҳужжат топширмоқчи. Иккимиз бирга ўқиймиз.

Аҳдимда маҳкам турдим. Дадам кўнди ва: «Майли, икки йил тез ўтади, турмушга узатиб, қайтага эртароқ қутуламан», — деди.

«Ижарада ҳам, ётоқхонада ҳам турма», деб шаҳар марказидан икки хонали уй олиб берди.

* * *

Гуруҳимизда ҳеч кимнинг уйи йўқ. Баъзан талабалар зиёфат уюштириш учун қулай ижара уй ахтариб чарчашади. Менинг уйим гуруҳимизнинг бошига битган бахт эди. Ҳафтада икки-уч мартагача зиёфат қилардик. Бундай

йигилишлар, байрам кечалари, туғилган кунлар, албатта, йигитларсиз ўтмасди. Мендай эркин қушни бутун шаҳар бўйлаб ахтарсангиз камдан-кам топилади.

Лекин қизларга ҳам осон тутманг. Эҳтиёт бўлиш шарт...

* * *

Рўпарамиздаги эшикка университет талабалари кўчиб келишди. Улар ота-оналаридан олган пулларни-ю стипендияларини ҳафта охиригача зўрға етказадиган латтачайнар йигитчалар эди. Чиқиндилар челагини тўкишга чиқаётиб, уй кийимларини «намойиш» этишарди. Эски, кир, тиззалари осилган трико, кўйлаклариғижимланган.

Бироқ бир ҳафтадан сўнг ораларида уларга ўхшамаган бир йигит пайдо бўлди. Унинг баланд овозда амр-фармон қилаётганини тасодифан эшитиб қолардим. «Дом»дагилардан ҳам тап тортмас, «ижарачи» деб беписанд қарайдиганларни сариқ чақага олмасди.

Тиниб-тинчимайдиган, ишбилармон, совуққон бўлиб кўринган бу йигит ҳақида хонадошидан сўраб олдим. У ўтган йили коллежлардан бирини тамомлаб, ҳозир шаҳаргаз бошқармасида ишларкан. Яхшигина йигит эмиш. Исми Абдулла.

Зинада дуч келиб қолсам, зимдан эътибор берадиган бўлдим. У менга ёқиб қолганди. Худди киноларда учрайдиган йигирманчи аср ўрталаридаги ўспиринларга ўхшарди. Шапкаси-ю катак-катак чизиқли костюмини қаранг. Яна денг, камбағал ҳолига жуда кеккаяди, бетайин, мағрур.

* * *

Ётсам ҳам, турсам ҳам хаёлимда Абдулла. Уни бир ёмон кўраман, бир яхши.

Ахийри, у билан гаплашишга қарор қилдим. Буни

қарангки, Фотиманинг туғилган куни газ плитаси бузилиб қолди (дадам курсдош дугоналарингдан бирини ёнингта ол дегани учун Фотима билан бирга турардим). Дарҳол Абдуллани чақиришни ўйладим. Ўзимга оро бериб, тантананинг сабабчисини Абдулланинг ҳузурига юбордим ва гўё ҳеч нарсани билмагандек сабзи тўғрашга тушдим. Фотима ва Абдулла кириб келишди. Йигит мени кўриб хиёл тараддудланганини сездим.

— Қўлингиздаги пичоқни беринг, — деди у газ плитасини текшириб. — Мана бу жойни маҳкамлаб қўймасак, портлаб кетишларингиз ҳеч гап эмас. Қаранг, ис чиқишини.

— Ҳиди ёмон-да, — дея Фотима бурнини ёпди. — Газ конидагилар қандай чидашади-я?

— Менга шама қилаяпсизми? — тажанг бўлди Абдулла (менинг эса кулгим қистади). — Биз ишлайдиган корхона унчалик бадбўй эмас. Умуман олганда, газнинг иси бўлмайди. Заводда атайин ҳид қўшилади.

— Нима учун? — сўрадим кўзларимни катта-катта очиб.

— Нима учун бўларди, биронта ёриқдан газ чиқа бошласа, ҳидидан билиши учунда. Акс ҳолда, кўп фалокатлар юз берарди.

У менга қараб «пақ-пуқ» деб қўйди.

— Масхарабоз экансиз.

— Севгининг ҳам ранги йўқ, иси йўқ, — деди у.

— Бирор нима ичасизми? — деб негадир айнан шаробга имо қилдим.

Абдулла шишадан кўз узмай деди:

— Ичсам биронтасини сўйиб қўяман.

— Сизга раҳмат, пичоқни беринг, — деди кўрқиб кетган Фотима.

Ўшандан сўнг Абдулла билан салом-алик қила бошладим. Зинада узоқ суҳбатлашиб қолардик. Афтидан йигит менинг муаддаомни тушунди.

— Маъмура, — деди бир кун, — сиз бойнинг қизисиз-а?

— Ҳа.

— Мен ўртаҳол оиладанман.

— Нима, уйланмоқчимисиз?

— Аксинча, — деди Абдулла, — сизга уйланомайман. Агар шу тахлит яқинлашиб кетаверсак, сизсиз яшолмайдиган бўлиб қоламан. Кейин... бошқага турмушга чиқиб кетсангиз... Сизга ёмонлик қилиб қўйишим мумкин...

* * *

Дадам зиёфатимиз устидан чиқиб қолди. Йигитлар билан шунчаки «дискотека» уюштиргандик. Бунда ҳам ўзим хатога йўл қўйдим. Аввалига ҳар ҳафта қишлоққа бориб турадиган қиз бора-бора икки ҳафтада бир қорасини кўрсатадиган бўлдим. Баҳона битта — дарслар кўп.

Ҳисобдан адашиб кетибман. Уйга бормаганимга учинчи ҳафта бўлаётгани эсимда йўқ, танишларимни уйимга чақириб қўйибман.

Аксига олиб Козим ҳам шу ерда эди. У қаердан ҳам менга илакишган. Одам эмас экан.

— Қани, жуфт-жуфт бўлиб, «Ламбада»га ўйнаймиз, кийимлар ҳам шунга мос бўлсин, — деди.

Козим Қишлоқ хўжалик институтида ўқийди. Мени севиб қолган. Бизнинг туманимиздаги бойлар наслидан. Дадам кириб келганида аблаҳ Козим қўлимдан тортиб, «Ламбада»га ўйнатмоқчи эдим. Мен-ку кийимда эдим, Козим майкачан бўлиб олганди. Бунинг устига ширакайф.

Илк марта дадамдан шапалоқ едим. Ҳа, шунча меҳмонларимнинг олдида дадам бир тарсаки туширди. Баъзилар дадаси ўқитмайди экан, деб гап тарқатишди. Йўқ, шаҳардаги ҳаётим давом этди. Энди менга кўриқчи тайинлаб қўйилди. Университетнинг тўртинчи курсида ўқийдиган

амакимнинг ўғли Жаъфарни кўчиртириб келди. Жаъфар мендан уч ёш катта бўлиб, оғир-босиқ, камгап йигит эди.

— Виронга номаъкулчилик қилганини сезсанг, — деди дадам Жаъфарга, — ё биров эргашиб келса, менга айтасан. Қизларга қаттиққўл бўл!

Фотима икки ҳафта чидади. Кейин эркинлик ахтариб, бошқа квартирага кўчди. Мен қаёққа ҳам кетардим. Ўз уйим бўлса.

* * *

Кинотеатр ёнида турибмиз. Тиббиёт коллежидан келганлар ўн беш чоғли. Бир вақт Козим пайдо бўлди. Оғзида сигарета, ўзи маст. Икки шериги ҳам бир гўр.

Шунча одамнинг олдида менга хиралик қилди. У билан севишганим учун ичимда ўзимни қарғадим.

— Кўрмаяпсизми, биз кинога кирмоқчимиз, — деди Фотима. — Маъмуранинг кайфиятини бузманг. У сиз билан гаплашишни истамаяпти.

Козимнинг кўзлари қонга тўлиб, Фотимани энг шалоқ сўзлар билан сўкди. Қиз бола ҳам деб ўтирмади, ҳайвон!

* * *

Зинадан кўтарилаётгандим Абдулла йўлимни тўсди. Охирги пайтлари газчи йигитни унутиб қўйгандим.

— Қочинг йўлимдан! — дедим.

— Маъмура, нега анави йигит билан бир уйда яшаяпсиз? — сўради у. — Мумкинми шу?

— Мумкин! — дедим жаҳлим чиқиб. — У амакиваччам бўлади, тушунарлими?

— Амакиваччангизга ишонаяпсизми? — сўради у.

Олдинроқ пайқаматган эканман: Абдулланинг кўлида пичоқ ялтиради. Нафасим ичимга тушиб, зинадан юқориладим. Абдулла ҳайкалдек қотиб турарди.

Жаъфар ҳақида ўйлаб қолдим. Зериккан кунларим амакиваччамга кўп ҳазил қиляпман. У мен ўйлагандек тумшайган, оғир карвон эмас экан. Бир ҳазилга киришса, ёмон. Тунов куни қувлашмачоқ ўйнадик, бир-биримизга ёстиқ отишдик. Аммо дарров жиддий тортиб қолади. Тез қизаради, тез оқаради.

Бугун ҳам хонамга кирди. Дугонамнинг суратини сўраб, стулга ўтириб олди. Атайин бермадим. У альбомимни титкилаётган эди, қўлидан тортиб олдим. Қувди. Диванни айланиб қочдим. Кийим чўткани улоқтирдим, менга ёстиқ отди. Бир вақт ҳеч қаёққа қочишга йўл қолмади. Жўрттага жиғига тегдим. Маймун ўйнатаёгандек рақсга тушдим. Жаъфар узун қўлларини чўзиб диван ёнида тутиб олди. Биз гуноҳга ботдик. Гуноҳ бизни бирлаштирди...

* * *

Козим Фотиманинг атрофида айланаёпти. Баъзи қизлар қизиқ-да. Кеча сўкиб, бугун хушомад қилса, эргашиб кетаверади. Козимни рашк қилмадим. Унутаяпман уни. Жаъфарга нисбатан илиқлик уйғонди. Хотинлар нега эрларини аяшини, қайғуришини тушунгандек бўлаяпман. Амакиваччалар турмуш курса нима қилибди? Дадам бизни кечиради. Ўзи айтганди мени хонадонимизга яқинроқ йигитга узатишини. Эшитдим, ёзда Жаъфарни уйлантиришмоқчи. Сирни очадиган вақт яқин...

Ё тавба, Фотима йиғлаб келди. Нуқул ўзини ўлдириш ҳақида гапирди. Козим уни алдабди. Ҳаммаси тузоқ экан, ҳаммаси қасос.

— Хато қилганим етмагандай бўйимда ҳам бор, — деди кўз ёшлари дарё бўлиб.

Мен чўчиб тушиб, беихтиёр қорнимни ушладим. «Жаъфар келса, тўйдан гап очаман», дедим ичимда.

Телефон жиринглади. Гўшакни кўтариб, Козимнинг овозини эшитдим:

— Эрта-индин барибир эшитасан, Маъмура. Билиб қўй, Фотимадан ўч олдим. Энди навбат сеники. Мен ҳеч нарсадан қайтмайман.

Кечқурун Жаъфар ҳам таъбимни хира қилди. Тўй ҳақида эшитишни ҳам истамеди.

— Даданг билса мени ўлдиреди, Маъмура! — деди қалтираб. — Кел, эртагаёқ гинеколога учрашайлик. Курсдошимнинг бир таниши бор. У йўл-йўриқ кўрсатади. Сенга ҳеч нима бўлмагандек юраверасан. Эрга ҳам бежавотир тегасан. Бошқа квартирага кўчаман. Орамиз очик бўлади.

Эрталаб газчи йигитдан мактуб олдим. Шундай сўзлар битилган эди: «Маъмура, ўйлаб кўрдим. Мен орқага чекинмайман. Сизни севаман ва уйланаман! Қон билан имзо чекайпман...»

* * *

Ҳаммадан Фотима ёмон чиқди. Козимнинг башарасини юмдалабди. Йигит ва қизнинг жанжали шаҳримизнинг эмас, назаримда, бутун дунёнинг фожиаси деб биламан. Айб фақат йигитларда эмас, бизда ҳам. Аслида ҳаммасини биз бошладик. Бошқа қизлар каби ҳаёни унутмай, ўйин-кулгига тақдиримизни тикмай, ота-онамиз шарманда қиладиган ишларга қўл урмай юрганимизда, йигитлар ёлғиз ўзлари айниёлмасди. Йигит бир қизни йўлдан урса, ўзини ҳам йўлдан урган бўлади. Чунки қизнинг ўзигина гуноҳқордир, деб ҳеч қаерга ёзилмаган...

* * *

Эҳ, сўқир бандалар! Фожианинг каттаси олдинда экан-ку! Фотима жиноятга қўл урди. Мени ҳам шерик қилди. Қандай қилиб дейсизми? Жуда қизиқиб кетаяпсизми? Гўё кундаликни ўзим учун эмас, сиз учун ёзаётгандекман.

Кеча уйимга келган Фотима:

— Туғилганига пушаймон бўлади, — деди тишларини ғижирлатиб.

Фотима ялиниб-ёлворгач, Козимни алдаб-сулдаб уйга чақирдим. Козим кириб ўтирганди, Фотима нариги хонадан чиқди. Козим менга: «Алдаб чақирдингми?» деб ўшқирган эди, Фотима менинг айбим йўқлигини айтди. Иккиси гаплашиб олмоқчи эди, ошхонага чиқдим. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай кимдир полга гурсиллаб йиқилди. Чопиб кирсам, Козим беҳуш ётибди, Фотиманинг қўлида лимонад тўлдирилган стакан.

— Нима бўлди? — деб сўрадим жон-ҳолатда.

— Уйқу дори ичирдим, — кўзлари совуқ боқди Фотиманинг.

У клиникадан келтирилган асбобларни сумкасидан чиқариб, тахлашга киришди. Батамом ҳушидан кетсин деди шекилли, Козимнинг билагига укол қилди.

— Жарроҳ бўлмасам-да, сал-пал хабарим бор, — деди менга кўзлари ёниб. — Қўрқсанг чиқиб кет, Маъмура. Бу хотинбозни ўлдирмайман, лекин бир умр ҳеч бир қизни бадном этолмайдиган қиламан.

Ваннахонага қочиб чиқдим. Кўнглим ағдарилди...

* * *

Энди кундалик ёзмайман. Келажагим ҳақида жиддий ўйлашим керак. Жаъфар бугун кечаси гинекологияга боришимизни айтди. Таниш шифокори рози бўлибди. Сўнг орамиз очиқ. У бошқасига уйланади, мен вақт-соати етиб, кимгадир турмушга чиқаман, ёлғонларга учган хонадонга гўёки пок келин бўлиб қадам қўяман. Эҳтимол, дадам шу уйни берса, шаҳарда яшанглар деса, шу хонада куёв билан яшарман, болаларим ҳам шу хонада улғаяр. Нақадар аблаҳман!...

Эшик тақиллади. Сўнгги нуқтани қўйишга улгурмадим...

Козим экан. Эшикни очмоқчи эмасдим, йиғлади бечора. Чўкиб қолибди, кўриб танимайсан киши.

— Менда айб йўқ, бундай бўлишини билмагандим, — дедим.

Козим бош силкиб:

— Ҳа, сенда айб йўқ, — деб кўз ёшларини артди. — Гуноҳларимга тавба қилдим. Энди мен бошқа одамман. Ҳатто, Фотимадан ҳам узр сўрамоқчиман. Бир умр тоат-ибодатда яшайман.

У Фотиманинг қишлоғига бирга боришга, дугонамга ҳеч қандай ёмонлик қилмасликка қасам ичди.

Кундалик тамом. Мен кетаяпман. Икки соатда қай-таман...

МУНДАРИЖА

Она	3
Ўлим тўшагида	32
Йигирма йил аввалги хиёнат.....	63
От деви.....	81
Тароқ йўқолган кун	88
Оқтош момо	99
Ёмғирли кўчадаги одам	111
Туя ови	120
Вафодор	125
Илонғор подачиси	141
Тунги фожиа	154
Қорда қолган муҳаббат	161
Сирли ҳужра	172
Тешик тоғора	185
Кекса иблис	196
Тарих	209
Одам бўлиш азоби	220
Саккизинчи уй	230
“Тобутимдан кўтараман бош...”	249
Қарғалар энди учмайди	257
Йўқолган қиз кундалиги	276

Адабий-бадний нашр

Азамат ҚОРЖОВОВ

ИЛОНФОР ПОДАЧИСИ

Муҳаррир: О. Қанаев
 Мусаҳҳиҳ: У. Абдурахмонова
 Дизайнер: Р. Ташматов
 Саҳифаловчи: Н. Муҳитдинова

Нашриёт лицензияси АИ № 231 16.11.2012

Босишга рухсат этилди 02.09.2015. Қоғоз бичими 60x84 1/16.
 Virtec Times UZ гарнитураси. Ҳажми 18,0 . Адади 4000 нусха.
 Бюртма № 28

«ТАФАККУР» нашриёти
 100115, Тошкент, Чилонзор кўчаси, 1а-уй.

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.
 100054. Тошкент шаҳри, Чўпон Ота кўчаси, 28а-уй.